


АЗАМАТ ҚОРЖОВОВ

# АЁЛ МАКРИ



Азамат ҚОРЖОВОВ

# АЁЛ МАКРИ

Ҳикоялар

«Sano-standart» нашриёти  
Тошкент – 2017

УҮК: 821.512.133-32

КБК: 84(5Ү)6

Қ 59

## Азамат ҚОРЖОВОВ

Аёл макри / ҳикоялар: – Т.: «Sano-standart»  
нашриёти, 2017 йил. – 288 бет.

Қизиқарлы асарлари билан қисқа муддатда ўз ўқувчисини топган адебнинг навбатдаги китоби – «Аёл макри» турмушнинг оғир дамларини бошидан кечирган аёлнинг ҳеч кимнинг тушига кирмаган макрни қўллашга мажбур бўлгани ҳақидаги воқеага асосланади. У ким бўлмасин, эркакми, аёлми, ҳаётда ўз ўрнини топиб, эзгулик измида яшаши лозим. Акс ҳолда кунларнинг бирида боши деворга урилади. Шундан сўнг ҳаёти ўнгланиб кетадими, йўқми, бу – тақдир. Тақдир эса инсондан ақл-фаросат, имон-эътиқод, иродат-матонат, ҳаракат-шиддат талаб этади. Енгилиш ҳам ўзидан, енгиш ҳам.

### Тақризчи:

Абдумурод Тилавов,  
*филология фанлари номзоди, доцент*

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyat AKM

INV № 161 743-2019

УҮК: 821.512.133-32

КБК: 84(5Ү)6

ISBN 978-9943-4880-6-9

© «Sano-standart» нашриёти, 2017

© «Азамат ҚОРЖОВОВ», 2017

## «ШОМ» ЮЛДУЗИННИГ ҚИСМАТИ

Бир иш билан шаҳар чеккасидаги маҳаллага бордим. Кун қайтган бўлса-да, асфальтдан тандир ҳовури кўтарилади. Кўчаларда қимиirlаган сурат йўқ. Уйларнинг биқинидан очилган дўконлар ҳам кимсасиз. Бундайроқ одамлар қурган икки қаватли уйлардан фарқли ўлароқ, нақ беш қаватли бинога кўзим тушиб, даставвал эътибор бермадим. Кутган кишимнинг қораси кўринавермагач, кўча бошидаги дараҳт тагида туриб, беихтиёр ўша бинога тикилдим. Атрофидағи уйлар қашшоқларнинг кулбасидек пойида қолиб кетган, ҳақиқатан викорли иморат. Бир вақтлар қизилга бўялганини мен турган жойдан ҳам пайқаш мумкин. Йиллар ўтган сайин ёмғирлар савалаган, шамол туртиб ўтган, қуёш олов тутган, алалоқибат қизил бўёқлар тўкилиб тушган эди. Юқори қаватнинг ойнасиз деразаларидан бир гала капитар учиб чиқди. Сирти таъмиrlанмаган десам, ичи ҳам қаровсиз шекилли. Қизик, кўпинча жонсиз нарсаларнинг ботини ва зоҳири бир хил бўлади.

Шу он телефоним жиринглади.

– Сизни ҳам овора қилдим, – деди мен кутаётган одам.

– Кўча бошидаги дараҳт соясида йўлингизга интизорман, aka. Қанчада келоласиз?

– Узр, ушланиб қоламан. Камида бир соат.

Соатимга қараб уф тортдим.

– Кутаман, aka. Эртага қолдирсак бўлмайди, тушунинг, ахир.

– Эртага қолмайди, фақат бир соат кутиш керак.

– Күчада тик оёқда турганимни инобатта олиб тезроқ келишнинг иложини қилинг, илтимос.

Гапимни у бошқа маънода тушунди чоғи, деди:

– Беш қаватли бинони кўраяпсизми?

– Ҳа, капитархонами?

– Қанақа капитархона? Ҳозир тўғри ўша ёққа кетинг. Ошхоначига мен юборганимни айтинг. Телефон қилиб қўяман.

Қисқа дудуллаш эшитилди. «Майли, сиз айтганча бўла қолсин», дедим. Беш қаватли бинога тезроқ етиб олиш учун маҳалла оралаб жўнадим. Кўп ўтмай кенгроқ йўлга чиқдим ва беш қаватли бинонинг турун чиқаётган кириш эшигини узокдан кўрдим. Биринчи қаватдан кичикроқ ошхона очилган эди.

Ким юборганини кабоб елпиётган кишига айтдим.

– Марҳамат, ичкарида ҳам, ташқарида ҳам жой бор, – деди у.

Бўш экан деб ташқаридаги бир столни эгаллагандимки, аллақаёқдан хўппасемиз, олтмиш ёшлардаги турқи совуқ кимса пайдо бўлиб қаршимга ўтириди. «Бу ер банд» демоқчи эдим, менда гапи борлигини сезиб, индамадим. Ошхоначи унга қўли қўксисда енгил таъзим қилиб қўйгани ҳам шаштимни қайтарди.

– Биринчи келишингми? – сўради кимса дабдурустдан.

– Бу ергами? Кўп келганман, – ёлғонладим мен. Лекин орқасидан рост гапирдим: – Шу шаҳарда ишлайман. Маҳаллада ишим бор эди.

– Бу ит маҳалла, – деди ғазаб билан. – Одам яшамайди.

Гапи малол келиб:

– Кечирасиз, – дедим, – одамларни итга тенглаштириш яхши эмас. Ўзингиз ким бўласиз?

– «Қайси итсан?» демоқчимисан? Бе, қўйсанг-чи, мен Олқор Шерлиман. – Стул суюнчиғига бамайлихотир суюниб, менга осмондан қараётган тирик бочка жигимга тегмоқда эди.

– Олқор Шерли деб эшитгандайман.

– Ўша менман. Қуриб турганингдек тирикман.

Танимаган-билмаганингдан бундай гапни эшитиш кишининг кулгисини қистатарди. Бироқ унинг навбатдаги гапи қизиқиш уйғотди:

– Мехмонхонамга «Шом» деб ном қўйиб хато қилган эканман. Тез орада бизнесимни зулмат қоплади. Машҳур «Шом» меҳмонхонасининг бугунги аҳволига қара, ука.

– «Шом»? Бу «Шом»ми? – дедим бешинчи қаватгача қайтадан кўз юргутирар эканман.

Хаёлимдан Ҳабиба ўтди. «Синфдошим шу ерда ўлган экан-да, – дедим ичимда. – Бояқишининг фожиасидан кейин меҳмонхона ростдан ҳам ёпилиб, дабдаласи чиқибди».

– «Шом»ни ҳамма биларди, – деди Олқор Шерли, – бутун шаҳар, бутун вилоят. Мен шунаقا шароит қилиб қўйгандимки, шунаقا томошалар уюштиргандимки, бундайи юртда ҳали бўлмаган, бўлмайди ҳам. Европа ҳам ҳайратдан ёқа ушлаганди.

Кўз олдимда марҳума синфдошимнинг маҳзун қиёфаси жонланди. (Лекин Ҳабибани ҳаётлик чогида маҳзун ҳолда кўрганимни эслаёлмайман.) Шу тобда унинг руҳи бехосият бинонинг аллақайси хароб бурчагида йиғлаб ўтиргандек эди.

Эндиғина талаба бўлган кезларим шоҳбекатда учратганимда тузуккина кийиниб олганини кўриб кўзларимга ишонмагандим.

«Ҳабиба, сенмисан? – деб ёнига бордим. – Ўқишга ўтдингми?»

«Ишлаяпман», – жавоб берди истамайгина.

«Отаси билан уришиб қолган» деган ўй ўтди кўнглимдан. Улар қўл учида кун кечиришар, отаси ҳар куни ичар, болалари, шахсан, Ҳабибанинг мудом отасидану оиласдаги аҳволдан норози юришини билардим. Мактабни тамомладик, мана, ўқишга ўтдим. Ҳабиба эса, назаримда, иш баҳона ота уйини тарк этган эди. Отаси шаҳарга ёлғиз кетишига кўнмаган бўлса, жанжаллашган ҳам.

«Қаерда ишлаяпсан?» – сўрадим ачингандамо.

«Хозирча сир, – деди у. – Яқиндагина бошладим...»

Кейинчалик ҳамқишлоқ дўстларимдан эшитиб қолдим. Ҳабиба шаҳарнинг аллақайси пучмоғида жойлашган «Шом» ресторанида официанткалик қилаётганмиш. Бошқа бирорлардан эшитишимча, «Шом» ресторан эмас, тунги клуб, шубҳали шахслар меҳмонхонаси ва яна турли балои баттарлар жойлашган шайтоний салтанат эмиш. Нима бўлганда ҳам бурунлари қишлоқдан чиқмаган қизнинг шаҳарда ёлғиз яшаб, кечалари ғала-ғовур, маст-аластлар уясида официанткалик қилиши менда яхши фикр уйғотмади. Қолаверса, синфдош қизларни яқиндан танийман. Хусусан, Ҳабиба байрам кечаларида биринчи бўлиб даврага тушишдан, «вальс»дан тортина масди. Мактаб саҳнасида куйлаганида ҳамма унга Юлдуз деб лақаб қўйиб олганди.

Ким билади дейсиз, ҳаёт йўлларида қабиҳ кимсалар учрамаганида у ростдан машҳур хонанда бўлар-

миди? Афсус, гуллаган ёшлик фаслида хазонга айланди. Мехмонхонадаги лифт шахтасидан абжағи чиққан мурдаси топилгани ҳақида эшиганимда бoshимга гурзи билан уришгандек гангиб қолгандим. «Бунча тез? Нега ахир?..» дердим нуқул. Гүё Ҳабиба ҳали яшаши керакдегу кейинчалик баҳтсизликка учраши лозимдек эди.

– Сезишимча, вақтида катта одам бўлгансиз, – дедим Олқор Шерлига.

– Хозир ҳам катта одамман, – кеккайди у.

– Ёшингизни назарда тутганим йўқ. Мавқени айтаяпман. Мехмонхонангиз кичик бир ошхонага айланибди. Бу ютуқлардан далолат бермайди.

– Нимадан далолат беришини менга уқтирма. Ким аввалгидек жавлон урмаса, куч-кувватдан қолди дегани эмас. Шунчаки пайт пойлаяпман, холос. Ҳа, мен кутаяпман. Шундай кутаяпманки, худди ер тагидаги аждаҳодай.

Шу пайт ошхоначи ярим коса шўрва билан чой-нон келтирди-да, Олқор Шерлига сездирмасдан кўз қисиб қўйди. Бу ишорани «Бобойнинг лақидашига чиданг энди, ака» мазмунида тушундим.

– Сизга нима келтирай, Олқор ака? – сўради у.

Шерли унга қарамасдан аччиқ кўк чой буюрди.

– Ишлашимга қўйишмади, – бир четга туфлади у.

– Кечқурун одамнинг дам олгиси келади, ичсам, ўйнасам дейди, жононлар даврасини кўнгли тусайди. Бундай туйғу ҳар бир одамда бор, шахсан бизнинг ўзбек йигитларида ҳам. Мен ёшларни сендан яхши биламан. Дунёдаги минглаб шаҳарларда бекордан-бекор кўнгилочар жойлар ишлаб турармиди! Ҳе, булар эса... аҳмоқлар!

– Маҳаллани сўкаётганингизга қараганда, устингиздан ёзганга ўхшайди, – дедим.

– Буларми? Булар қораялоқ-ку! Қўлларидан пашшанинг иши ҳам келмайди. Лекин тўғри топдинг, устимдан ёзишди. Бир марта эмас, юз марта. Нима бўлди-ю катталар билан келишолмай қолдим. Юмалоқ хатлар бир баҳона бўлди. Ўлиб-тирилиб обод қилган жойимнинг аҳволини кўраяпсан. Ишлагани ҳам қўйишмайди ичиқоралар.

– Одамларга тинчлик керак, – дедим овқатга қошиқ ботириб. – «Шом» меҳмонхонаси ресторанида базму жамшиidlар бўлади деб эшитардик. Кўча машиналарга тўлиб кетаркан. Ярим кечаси, ҳатто тонгда ҳам мастрларнинг бақир-чақири, машиналарнинг сигналлари тинмас экан. Одам ўлган деб ҳам эшитганман.

– Мабодо исковуч эмасмикан? – бир қоши кўтарилиди Олқор Шерлининг.

Жаҳлим чиқиб, тўнғизнусха башарага тикилдим.

– Ака, сиздан гап сўраётганим йўқ, ўзингиз келдингиз. Менимча, масалангиз аллақачон ҳал бўлган, изингизга жосус қўйишнинг ҳожати ҳам қолмаган.

– Асабинг чатоқми дейман? Неча ёшдасан?

– Ўттизда.

– Ўттизда мен польшалик мафиозларни Ялтада тиз чўкирганман. Қаерда ишлайсан?

– Кўчмас мулк билан шуғулланувчи фирмада.

– Пичингми бу? Меҳмонхонамни сўраб ҳузуримга тез-тез келадилар.

– Бепул берсангиз олмайман.

– Ололмайсан ҳам!

Ошхоначи чой келтирди. Чой қайтариш асносида Олқор Шерли менга ўқрайиб қараб қўйди,

сўнг ҳамсуҳбатдан ажралиб қолишдан чўчигандек қизиқтиришга уринди:

– Бир режам бор. Агар амалга ошса, сен ҳам мижоз бўласан. Эски танишлигимиз ҳурмати ярим нархда ўтириб кетасан.

– Қизлар ҳам ишлармиди? – дедим ўсмоқчилаб.

– Қаерда? «Шом»дами? Қизиқ экансан. Қизларсиз дискотека бўлармиди? Кунимиз ўтмасди уларсиз.

– Биттасини танирдим. Адашмасам, у «Шом»да ишлайман дерди.

– Э, кўп одам ишларди.

– Лекин уни танисангиз керак.

– Ким экан? Исмини айт-чи.

– Ҳабиба.

Олқор Шерли пиёлани оҳиста қўйди. Менга ниҳоятда синчковлик билан тикилиб қолди.

– Ҳабиба... ҳм... Ҳабиба дегин. У танишингмиди?

– Ҳа. Лифтдан йиқилиб ўлганидан ҳам хабарим бор. – Бинога яна кўз юргутирдим. – Лифт бузук бўлганми?

– Лифт зўр эди. Оддий лифтлардан эмас.

– Одамларни нариги дунёга жўнатадиган машинами?

– Ў-ӯ, қармоқни яхши ташладинг. Ҳабибанинг тақдирини назарда тутаяпсанми? У маст эди. Лифт ишламаслигини катта-катта ҳарфларда ёзиб қўйгандик. Билмадим, эшиги қандай очилиб кетган. Бу ҳам бир фалокат-да. Шувиллаб... – Олқор Шерли қўлини баланд кўтариб-туширди. – ...шувиллаб ертўладаги лифт устига тушган. Навниҳол қиз бўлса ҳам, палахмоннинг тоши экан. Лифтнинг томини ўйиб, усталарнинг асбоб-ускуналари солинган ёғоч кутини синдириб юборган. Жасади ҳам таниб бўлмас

ҳолатда эди. Кимга қийин? Менга қийин бўлди. Органлар босди, бизнесим дарз кетди.

– Официанткаларнинг ҳам душманлари кўп бўлади. Кимdir итариб юбормаганмикан?

– Официанткада душман нима қилади? Қолаверса, Ҳабибага официанткаларнинг нима алоқаси бор?

– У официантка эмасмиди?

– Э, қўйсанг-чи, касбини мен биламанми, сенми? Йиллар ўтди. Ростини гапирсам ҳам бўлади. Ҳабиба «Шом» юлдузи эди. Мехмонхонамга келган казо-казо меҳмонлар уни яхши танирди. Нима демоқчи эканимни тушунгандирсан?

– Марҳума ҳақида бундай гапириш яхшимас, ака.

– Ўзини сенга оппоқ официантка қилиб кўрсатган бўлса, менда нима айб? Ҳабиба шундоқ кўз ўнгимда турибди. Тўғри, ёш эди, увол кетди, лекин ёмонни ёмон, яхшини яхши дейман. Ҳабиба йўлдан адашган оҳу эканини сендан яширолмайман. У меҳмонхонамнинг ҳув авалии еридаги ресторан саҳнасида қўшиқ айтарди. Саҳнага чиқишининг, юлдуз бўлишнинг ўша пайларда нобоп шартлари бор эди. Ҳеч ким мажбурламайди, муҳитнинг ўзи сеқин-аста шартлар сари суриб боради. Ким чекинса, тамом, ҳашамдор залнинг муҳташам саҳнасига қайтиб чиқмайди. Тушундингми? У пайларда хусусий меҳмонхоналар, ресторанлар, саunalар энди-энди шакланаётганди. Ички муҳити тартибга тушгунча битта Ҳабиба ўлмаган. Ҳа, мен фақат ўзимнинг ҳордиқ чиқариш ўчоғимни айтмаяпман. Барча тунги клублару саunalарни, меҳмонхоналару кечки ресторанларни назарда тутаяпман. Ҳозир у, битта ишкан чиқмасидан кавушингни тўғирлаб қўйишади. Биз ишлаган кезлар эркин эдик.

– Тушунгандай бўлаяпман. Саҳнадан эркак орқали тушириб юборилар экан, демак, лифтдан ҳам... Шундайми?

– Сурбет экансан-ку, – бит кўзларини қадади Олқор Шерли. – Мени қотилга чиқармоқчимисан?

– Шунчаки икки оғиз ҳангомалашаяпмиз, холос. Мавзуни ўзингиз бошладингиз, мен давом эттиредим. Учрашувимиз қандай тасодиф бўлса, Ҳабибани танишимиз ҳам шундай тасодиф. Фақат бир нарсага тушунмаяпман. Ҳабиба қишлоқ қизи эди, бирор билан севишмаган. Нари борса ўтиришларда вальс тушган. Бирдан меҳмонхонага ишга ўтиб, отаси қатори эркаклар унинг атрофида айланиши қандайдир ишонарсиз. Отасини пиёниста дейишарди, балки қизини қиморда ютқазгандир?

Олқор Шерли кўнглимни айнитар даражада томоқ қириб, тамшаниб қўйди-да, шошилмасдан сўзлади:

– Ҳабибанинг ҳаёти бунақа йўлларга бурилишида отасининг айби бор-йўқлигини билмайман. Қизнинг сен айтган тарзда бахтсиз бўлиши кино-пинода учрайди, ҳаётда эмас. Ҳабибанинг отасини танир экансан, демак, улар сенга ҳамқишлоқ ёки узоқ таниш. Қизнинг ёмон йўлга кириб кетишини ҳазм қилолмаётган экансан, эшит, Ҳабиба ўз йўлини ўзи танлаган. Аввало, у ота-онасидан йироқда, ҳеч ким танимайдиган шаҳарда ёлғиз яшашни, халқа куттилмаганда юлдуз бўлиб танилишни орзу қилган. Эсимда, бир енгилтак қиз билан танишиб қолган, ижара уйида яшаган. Қиз менинг меҳмонхонам атрофида кўп ўралашарди. У Ҳабибани фаррошликка таклиф қилганди. Биринчи куни ҳожатхона тозалаб юрган чиройли қизни кўриб юқори қаватларга ишга

ўтказдирдим, машини кўтардим. Жарангдор овози, истеъдоди борлигидан тез орада хабар топдик. «Шом» меҳмонхонасининг ресторанига шундай қиз керак эди.

– Бечорани сиз йўлдан урган экансиз-да?

– Буни Гурам оқбошдан сўра, каллаварам. Мен ўз қўл остидаги ходимларга чалкашиб юрадиганлардан эмасман. Ҳабибанинг фожиаси Гурам оқбошдек шайтонга дуч келганида. Иккисининг муносабати ҳақида эшитганимда қулоқларимга ишонмаганман. Одам ҳам шунчалик тез ўзгарадими? Одми кийинган қиз ялтири-юлтурларга бурканди. Гурам оқбош унга уй ҳам олиб бермоқчи эди, яширинча тўй ҳам қилмоқчи эди. Афсуски, хотини хабар топиб, катта уруш бошлиди. Уруш Гурам оқбошнинг мағлубияти билан туғади. Оқбош шу-шу меҳмонхонамга қадам ҳам босмай кетди. Ҳабиба ҳеч нима бўлмагандек ишлаб юраверди. Унинг бошқа бир ошиқлари чиқиб қолди. Ресторанга ҳар доим келадиган ўзига тўқ йигитлар кўп эди. Шулардан бири... Хуллас, менга юлдуз керак эди, юриш-туришига индамасдим. Қолаверса, шахсий ҳаёти билан нима ишим бор? Европалик танишим айтганидек, «у энди ёш бола эмас, ўз йўлини танлашга ҳаққи бор».

– Ҳе йўқ, ёшлиқда бебош бўлганингиз очиқ кўриниб турибди. Ҳарҳолда, меҳмонхонангизнинг мухити ҳалигидақа бўлган экан, наҳотки, ўз мулкингизда жим юрган бўлсангиз?

– У менинг ходимим эди, дедим-ку. Мен ўз қўл остимдаги...

– Кечирасизу, Ҳабиба фаррошлиқ қилиб юрганида, шундай нигоҳ ташлагансиз. У меҳмонхона юлдузига айлангач, сиз...

– Бўлди, тушундим. Айбимни тан оламан.  
Ҳабибани далаҳовлимга таклиф этганман.

– Борганми?

– Ҳе-е, мен меҳмонхона хўжайини эдим.

– Борганми? – саволимни алам билан такрорладим.

– Гапнинг маъносини тушунмайсанми?

Ҳафтафаҳм гестапомисан?

– Йўқ, шунчаки сўрадим, – дея бўшашдим.

– Шуни унутма, ука, унақа қизларнинг қисмати азалдан бир хил. Ҳабибани бешинчи қаватга чиқариб қўйган лифт қайтиб туширмади. Бунда катта мантиқ бор. Шоиртабиатга ўхшайсан, мендан тузукроқ тушунасан бунақа фалсафани.

Олқор Шерлидан бир неча сония кўз узмай сукут сақлаб ўтирдим. Нима дейишни билмасдим. Синфдошим ҳақида қалаштириб ташлаган мудҳиш маълумотлар юрагимга наштар бўлиб санчилганди.

– Гурам оқбошни қаердан топсам бўлади? – сўрадим ундан.

– Ҳабибанинг кимисан?

– Бу ёғи билан ишингиз бўлмасин.

– Майли, айтмай қўя қол. Лекин ўлимида менинг бир грамм ҳам айбим йўқлигини унутма!

Олқор Шерли ўрнидан инқиллаб туроётганди, билагига чанг солдим.

– Ўв, одам қиёғасидаги чўчқа! – дедим ғазаб билан. – Шукр қил, бу ерга Ҳабиба учун қасос олишга келмаганман. Акс ҳолда ҳолингга маймунлар йиғларди. Ҳаммасини Ҳабибага ағдараяпсан. Бир нарсани унутиб қўяяпсан? Нега у ўн саккиз йил биз билан битта маҳаллада яшади-ю қўлимиизни ҳам тек-

кизмадик, сенлар эса ўн саккиз кунда оч ҳайвон каби кўз олайтирдинглар? Нега уни мен йўлдан урмадиму, бу қабиҳлик сенларнинг чекингга тушди? Демак, ҳамма гап чиркин ниятли кимсаларнинг мухитида. Мехмонхонангни ёпиш у ёқда турсин, Ер юзидан су-пуриб юбориш керак эди...

Ёввойи мушук хуркитиб юборди чоғи, бешинчи қаватдан каптарлар гурра учди. Олқор Шерлининг пешонасини каптар гўнги безаб қўйди.

– Бойлик қўнди, – деди у гапларимни эшитмагандек.

Ейилмаган овқатнинг пулинини столга ташлаб, «Шом»дан узоклашдим.

Дарвоқе, бошни қуш гўнги бежаса бойлик келади, дейишади. Кўп ўтмай Олқор Шерлини ўз нева-раси – гиёҳванд ўғривачча пичоқлаб ўлдирганини эшитдим. «Шом»да ўзгача бир ҳақиқатни тушундим: гўё қуш қиёфасидаги ўлим даракчилари навбатдаги қурбонига белги қўйган эди. Олқор Шерлининг ўрнида, яъни бир қадам орқада бўлганимда белги менга қўйиларди. Дўзах бир қадам, эҳтиёт бўл, дегани эмас-микан бу?

Ўша куни танишимни учратолмай шаҳар чекка-сидан қуруқ қўл билан келдим, аммо юрагим бўш қайтмади. Армону изтиробларга тўлиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Ҳабибанинг руҳи ўз баҳтига зомин бўлган хароба меҳмонхонага қўнолмай, юрагимда бир кеча меҳмон бўлган эди.

## ЙЎҚОЛГАН ҚИЗ КУНДАЛИГИ

Бир йил муқаддам дом-дараксиз йўқолган талаба қизнинг кундалигини терговчи унинг онасиға топ-

ширди. Шунча вақтдан бери кундалик барча фанлардан тутилган дафтарлар орасида турган экан. Дафтар мұқовасига «Маънавият асослари» деб ёзилған эди. Дастреки үн бир сахифага мазкур фандан маърузалар баён этилғанды. Кейин эса түсатдан кундалик бошланиб кетған. Ҳеч қандай сана қўйилмаган. Юлдузчалар билан ажратилған.

\* \* \*

...Бу менинг сирлар дафтарим. Ҳеч кимга кўрсатмайман, бир қарашда бирор пайқамайди ҳам. Вақти соати келиб, ёзганларимни мендан бошқалар ҳам ўқишини кўнглим сезади. То тирик эканман, дафтарим бегоналар қўлига тушмайди (Бундан чиқди, кундалигим камида олтмиш йилдан сўнг ўқилар экан!).

Нега буларни ёзаяпман? Икки йиллик талабалик давримда мени ажойиб ва ғаройиб саргузаштлар кутаётгани беш қўлдек маълум. Мана, мактабда нималар қилмадик. Биргина туғилған кунларнинг ўзи қалин китоб бўлади. Байрамлар, саёҳатлар, ойдин кечалардаги учрашувлар ҳақида ёзилса, учта китобга ҳам сиғмайдиган роман бўлиши аниқ.

Ҳа, бу оддий ўрта мактаб даври эди. Бутун атрофни қишлоқ уйлари ўраган. Кечаси юрганингни кўриб қолишиша, етти ой гап бўласан. Мисол учун, мени кимлар гапирмади, нималар дейишмади. Хуршид билан севишиб қолганимда-чи? «Маъмура уйланган йигитлар билан гаплашаётганмиш» деган мишишлар чиққанди. Хуршидга бўйни ҳам берган-да. Симёочдек. Лекин акли тўнкадек паст.

Амакимнинг ўғли Жаъфарнинг ўртоғи Темур мен таниган-билган йигитлар ичидаги энг олифтаси десам

ишинаверинг. Ўзи қилтириқ, зўрға юради, тумшуғи осмонда. Шундай нозик кийинадики, гўёки ўғил бола эмас, деган хаёлга борасан киши.

Дадам шу йигит билан тутиб олган. Кечаси де-разамни тақиллатди. Қўл ушлашиб, кулишиб тур-гандик, кимдир томоқ қирди. Қарасам, дадам уй орқасида, Темурдан уч қадам нарида ...

Эртасига дадам мени ҳам, ойимни ҳам роса койиса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, индамади. Ойим орқали айтибди: «Йигитлар билан гаплашмасин. Мактабни тугатиб, ўқишга боради».

Дадамнинг шунақа эркасиман. Қолаверса, бой-нинг қизиман. Ахир, мени алдашлари мумкинми? Мумкин. Кўпчилик йигитлар бадавлат кишиларнинг қизига уйланишни исташади.

Темур билан орамиз очиқ бўлди. Ўқувчилик даври ҳам ниҳоясига етаяпти. Баҳор кечалари жуда ёқимли. Қайси йигитга кўнгил боғласам экан, деб узоқ бош қотирадиган бўлдим. Ҳадеганда севги келавермади. Қўшнилар мени эрка эмас, енгилтак дейишади. Улар доим ғийбатимни қилишган. Мен романтик қизман. Бу хотинлар романтикани тушунармиди.

\* \* \*

Тиббиёт коллежида ўқишимга ҳам ўзим сабабчи-ман. Дадам мени университетга киритиб қўйишни режалаштирган экан, рад этдим. Университетда ўқиш қийин эканлигини эшитгандим. Ҳақиқатгўй профессорга дуч келсанг, ўқимаганинг учун ё курс-дан-курсга қолдиради, ё ҳайдатиб юборади. Тиб-биёт коллежидагилар эса кечиримли бўлишади, деб қишлоғимиздаги ҳамширалардан кўп эшитганман.

Дарсларни ўзлаштиrolmasanг, совға-салом эвазига баҳо қўядиганлар ҳам топилади. Майли, қанча жа-рима солсалар ҳам розиман. Эмин-эркин талабалик гаштини сурсам бас.

Орзуларимни қофозга ўраб дадамга айтдим.

– Э-э, – деди дадажоним, – университетда ўқиса, бакалаврдан сўнг магистратурага кирса дегандим. Сўнгра ўзимизга муносиб күёв топардик, ишга жой-лаштирадик, икковинг ишлаб юрардинг. Коллежда ўқиб, нима, ҳамшира бўлмоқчимисан?

– Оқ халат кийиб, шифохонада ишласам, деган-дим, дада.

– Зўр-ку, – кесатди дадам. – Ҳамшираларнинг нима ишлар бажаришини биласанми, ўзи?

– Шифокорга ёрдамлашади, беморларга укол қиласади.

– Шунаقا. Бундан ташқари ўлиб-ўлолмай ётган оғир bemornining аъзойи баданини қоплаган даҳшатли ярани тозалаб, боғлаш ҳам уларнинг вазифаси. Тұ-шагини тозалаб қўйиш-чи? Ахир, ҳамшира дегани bemorga меҳрибон бўлиши шарт. Феълингни била-ман. Сендан яхши ҳамшира чиқмайди. Соппа-соғ одамларга бурнингни жийирганингни неча марта кўрганман-ку.

– Барибир тиббиёт коллекига бораман, да-дажон. Қўшни қишлоқдаги Фотима ҳам ҳужжат топширмоқчи. Иккимиз бирга ўқиймиз.

Аҳдимда маҳкам турдим. Дадам кўнди ва: «Май-ли, икки йил тез ўтади, турмушга узатиб, қайтага эртароқ қутуламан», – деди.

«Ижарада ҳам, ётоқхонада ҳам турма», деб шаҳар марказидан икки хонали уй олиб берди.

Abdulla Qodiriy nomidagi  
viloyat AKM

INV № 166743-2019

\* \* \*

Гурухимизда ҳеч кимнинг уйи йўқ. Баъзан тала-балар зиёфат уюштириш учун қулай ижара уй ахтариб чарчашади. Менинг уйим гурухимизнинг бошига битган баҳт эди. Ҳафтада икки-уч мартагача зиёфат қиласардик Бундай йигилишлар, байрам кечалари, туғилган кунлар, албатта, йигитларсиз ўтмасди. Мендан эркин қушни бутун шаҳар бўйлаб ахтарсан-гиз камдан-кам топилади.

Лекин қизларга ҳам осон тутманг. Эҳтиёт бўлиш шарт...

\* \* \*

Рўпарамиздаги эшикка университет талабалари кўчиб келишди. Улар ота-оналаридан олган пулларни-ю стипендияларини ҳафта охиригача зўрға етказидиган латтачайнар йигитчалар эди. Чиқиндилар челягини тўкишга чиқаётиб, уй кийимларини «намойиш» этишарди. Эски, кир, тиззалари осилган трико, кўйлаклари ғижимланган.

Бироқ бир ҳафтадан сўнг ораларида уларга ўхшамаган бир йигит пайдо бўлди. Унинг баланд овозда амр-фармон қилаётганини тасодифан эшишиб қолардим. «Дом»дагилардан ҳам тап тортмас, «ижарачи» деб беписанд қарайдиганларни сариқ чақага олмасди.

Тиниб-тинчимайдиган, иш билармон, совукқон бўлиб кўринган бу йигит ҳақида хонадошидан сўраб олдим. У ўтган йили коллежлардан бирини тамомлаб, ҳозир шаҳар-газ бошқармасида ишларкан. Яхшигина йигит эмиш. Исми Абдулла.

Зинада дуч келиб қолсам, зимдан эътибор берадиган бўлдим. У менга ёқиб қолганди. Худди кинолар-

да учрайдиган йигирманчи аср ўрталаридағи ўспи-  
ринларга үхшарди. Шапкаси-ю катак-катак чизиқли  
костюмини қаранг. Яна денг, камбағал ҳолига жуда  
кеекаяди, бетайин, мағрур.

\* \* \*

Ётсам ҳам, турсам ҳам хаёлимда Абдулла. Уни бир  
ёмон кўраман, бир яхши.

Ахийри, у билан гаплашишга қарор қилдим. Буни  
қарангки, Фотиманинг туғилган куни газ плитаси  
бузилиб қолди (дадам курсдош дугоналарингдан би-  
рини ёнингга ол дегани учун Фотима билан бирга  
турадим). Дарҳол Абдуллани чақиришни ўйладим.  
Ўзимга оро бериб, тантананинг сабабчисини Абдул-  
ланинг хузурига юбордим ва гўё ҳеч нарсани билма-  
гандек сабзи тўғрашга тушдим. Фотима ва Абдулла  
кириб келишди. Йигит мени кўриб хиёл тарадду-  
ланганини сездим.

– Кўлингиздаги пичоқни беринг, – деди у газ  
плитасини текшириб. – Мана бу жойни маҳкамлаб  
кўймасак, портлаб кетишларингиз ҳеч гап эмас.  
Қаранг, ис чиқишини.

– Ҳиди ёмон-да, – дея Фотима бурнини ёпди. –  
Газ конидагилар қандай чидашади-я?

– Менга шама қилаяпсизми? – тажанг бўлди Аб-  
дулла (менинг эса кулгим қистади). – Биз ишлайдиган  
корхона унчалик бадбўй эмас. Умуман олганда, газ-  
нинг иси бўлмайди. Заводда атайин ҳид кўшилади.

– Нима учун? – сўрадим кўзларимни катта-катта  
очиб.

– Нима учун бўларди, биронта ёриқдан газ чиқа  
бошласа, ҳидидан билиши учун-да. Акс ҳолда, кўп  
фалокатлар юз берарди.

У менга қараб «пақ-пук» деб қўйди.

– Масхарабоз экансиз.

– Севгининг ҳам ранги йўқ, иси йўқ, – деди у.

– Бирор нима ичасизми? – деб негадир айнан шаробга имо қилдим.

Абдулла шишадан кўз узмай деди:

– Ичсам биронтасини сўйиб қўяман.

– Сизга раҳмат, пичоқни беринг, – деди қўрқиб кетган Фотима.

Ўшандан сўнг Абдулла билан салом-алик қила бошладим. Зинада узоқ сухбатлашиб қолардик. Афтидан йигит менинг муаддаомни тушунди.

– Маъмура, – деди бир куни, – сиз бойнинг қизисиз-а?

– Ҳа.

– Мен ўртаҳол оиласданман.

– Нима, уйланмоқчимисиз?

– Аксинча, – деди Абдулла, – сизга уйланолмайман. Агар шу тахлит яқинлашиб кетаверсак, сизсиз яшолмайдиган бўлиб қоламан. Кейин... бошқага турмушга чиқиб кетсангиз... Сизга ёмонлик қилиб қўйишим мумкин...

\* \* \*

Дадам зиёфатимиз устидан чиқиб қолди. Йигитлар билан шунчаки «дискотека» уюштиргандик. Бунда ҳам ўзим хатога йўл қўйдим. Аввалига ҳар ҳафта қишлоқقا бориб турадиган қиз бора-бора икки ҳафтада бир қорасини кўрсатадиган бўлдим. Баҳона битта – дарслар кўп.

Хисобдан адашиб кетибман. Уйга бормаганимга учинчи ҳафта бўлаётгани эсимда йўқ, танишларими ни уйимга чакириб қўйибман.

Аксига олиб Козим ҳам шу ерда эди. У қаердан ҳам менга илакишиган. Одам эмас экан.

– Қани, жуфт-жуфт бўлиб, «Ламбада»га ўйнаймиз, кийимлар ҳам шунга мос бўлсин, – деди.

Козим Қишлоқ хўжалик институтида ўқийди. Мени севиб қолган. Бизнинг туманимиздаги бойлар наслидан. Дадам кириб келганида аглаҳ Козим қўлимдан тортиб, «Ламбада»га ўйнатмоқчи эдим. Мен-ку кийимда эдим, Козим майкачан бўлиб олганди. Бунинг устига ширақайф.

Илк марта дадамдан шапалоқ едим. Ҳа, шунча меҳмонларимнинг олдида дадам бир тарсаки туширди. Баъзилар дадаси ўқитмайди экан, деб гап тарқатишди. Йўқ, шаҳардаги ҳаётим давом этди. Энди менга қўриқчи тайинлаб қўйилди. Университетнинг тўртинчи курсида ўқийдиган амакимнинг ўғли Жаъфарни кўчиритириб келди. Жаъфар мендан уч ёш катта бўлиб, оғир-босик, камгап йигит эди.

– Биронта номаъқулчилик қилганини сезсанг, – деди дадам Жаъфарга, – ё бирор эргашиб келса, менга айтасан. Қизларга қаттиққўл бўл!

Фотима икки ҳафта чидади. Кейин эркинлик ахтариб, бошқа квартирага кўчди. Мен қаёққа ҳам кетардим. Ўз уйим бўлса.

\* \* \*

Кинотеатр ёнида турибмиз. Тибиёт коллежидан келганлар ўн беш чоғли. Бир вақт Козим пайдо бўлди. Оғзида сигарета, ўзи маст. Икки шериги ҳам бир гўр.

Шунча одамнинг олдида менга хирадлик қилди. У билан севишганим учун ичимда ўзимни қарғадим.

– Кўрмаяпсизми, биз кинога кирмоқчимиз, – деди Фотима. – Маъмуранинг кайфиятини бузманг. У сиз билан гаплашишни истамаяпти.

Козимнинг кўзлари қонга тўлиб, Фотимани энг шалоқ сўзлар билан сўкди. Қиз бола ҳам деб ўтирма-ди, ҳайвон!

\* \* \*

Зинадан кўтарилаётгандим, Абдулла йўлимни тўсди. Охирги пайтлари газчи йигитни унутиб қўйгандим.

- Қочинг йўлимдан! – дедим.
- Маъмура, нега анави йигит билан бир уйда яшапсиз? – сўради у. – Мумкинми шу?
- Мумкин! – дедим жаҳлим чиқиб. – У амакивач-чам бўлади, тушунарлими?
- Амакиваччангизга ишонаяпсизми?

Олдинроқ пайқамаган эканман: Абдулланинг қўлида пичоқ ялтиради. Нафасим ичимга тушиб, зинадан юқориладим. Абдулла ҳайкалдек қотиб турарди.

Жаъфар ҳақида ўйлаб қолдим. Зериккан кунларим амакиваччамга кўп ҳазил қиласайман. У мен ўйлагандек тумшайган, оғир карвон эмас экан. Бир ҳазилга киришса, ёмон. Тунов куни қувлашмачоқ ўйнадик, бир-биrimизга ёстиқ отишдик. Аммо дарров жиддий тортиб қолади. Тез қизаради, тез оқаради.

Бугун ҳам хонамга кирди. Дугонамнинг суратини сўраб, стулга ўтириб олди. Атайин бермадим. У аль-бомимни титкилаётган эди, қўлидан тортиб олдим. Қувди. Диванни айланиб қочдим. Кийим чўткани улоқтиридим, менга ёстиқ отди. Бир вақт ҳеч қаёқقا

қочишга йўл қолмади. Жўрттага жиғига тегдим. Маймун ўйнатаёгандек рақсга тушдим. Жаъфар узун қўлларини чўзиб диван ёнида тутиб олди. Биз гуноҳга ботдик. Гуноҳ бизни бирлаштириди...

\* \* \*

Козим Фотиманинг атрофида айланаяпти. Баъзи қизлар қизиқ-да. Кеча сўкиб, бугун хушомад қилса, эргашиб кетаверади. Козимни рашк қилмадим. Унутаяпман уни. Жаъфарга нисбатан илиқлик уйғонди. Хотинлар нега эрларини аяшини, қайғуришини тушунгандек бўлайпман. Амакиваччалар турмуш курса нима қилибди? Дадам бизни кечиради. Ўзи айтганди мени хонадонимизга яқинроқ йигитга узатишини. Эшитдим, ёзда Жаъфарни уйлантиришмоқчи. Сирни очадиган вақт яқин...

Ё тавба, Фотима йиғлаб келди. Нуқул ўзини ўлдириш ҳақида гапиради. Козим уни алдабди. Ҳаммаси тузоқ экан, ҳаммаси қасос.

– Хато қилганим етмагандай бўйимда ҳам бор, – деди кўз ёшлари дарё бўлиб.

Мен чўчиб тушиб, беихтиёр қорнимни ушладим. «Жаъфар келса, тўйдан гап очаман», дедим ичимда.

Телефон жиринглади. Гўшакни кўтариб, Козимнинг овозини эшитдим:

– Эрта-индин барибир эшитасан, Маъмура. Билиб кўй, Фотимадан ўч олдим. Энди навбат сеники. Мен ҳеч нарсадан қайтмайман.

Кечкурун Жаъфар ҳам таъбимни хира қилди. Тўй ҳақида эшитишни ҳам истамади.

– Даданг билса мени ўлдиради, Маъмура! – деди қалтираб. – Кел, эртагаёқ гинекологга учрашайлик. Курсдошимнинг бир таниши бор. У йўл-йўриқ кўрса-

тади. Сенга ҳеч нима бўлмагандек юраверасан. Эрга ҳам бехавотир тегасан. Бошқа квартирага кўчаман. Орамиз очик бўлади.

Эрталаб газчи йигитдан мактуб олдим. Шундай сўзлар битилган эди: «Маъмура, ўйлаб кўрдим. Мен орқага чекинмайман. Сизни севаман ва уйланаман! Кон билан имзо чекаяпман...»

\* \* \*

Ҳаммадан Фотима ёмон чиқди. Козимнинг ба-шарасини юмдалабди. Йигит ва қизнинг жанжали шахримизнинг эмас, назаримда, бутун дунёнинг фо-жиаси деб биламан. Айб фақат йигитларда эмас, бизда ҳам. Аслида ҳаммасини биз бошладик. Бошқа қизлар каби ҳаёни унутмай, ўйин-кулгига тақдиримизни тикмай, ота-онамизни шарманда қиласидиган ишларга қўл урмай юрганимизда, йигитлар ёлғиз ўзлари айниёлмасди. Йигит бир қизни йўлдан урса, ўзини ҳам йўлдан урган бўлади. Чунки қизнинг ўзигина гуноҳкордир, деб ҳеч қаерга ёзилмаган...

\* \* \*

Эх, сўқир бандалар! Фожианинг каттаси олдинда экан-ку! Фотима жиноятга қўл урди. Мени ҳам шерик қилди. Қандай қилиб дейсизми? Жуда қизиқиб кета-япсизми? Гўё кундаликни ўзим учун эмас, сиз учун ёзаётгандекман.

Кеча уйимга келган Фотима:

– Туғилганига пушаймон бўлади, – деди тишлари-ни ғижирлатиб.

Фотима ялиниб-ёлворгач, Козимни алдаб-сул-даб уйга чақирдим. Козим кириб ўтирганди, Фо-

тима нариги хонадан чиқди. Козим менга: «Алдаб чақирдингми?» деб ўшқирган эди, Фотима менинг айбим йўқлигини айтди. Иккиси гаплашиб олмоқчи эди, ошхонага чиқдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай кимдир полга турсиллаб йиқилди. Чопиб кирсам, Козим беҳуш ётибди, Фотиманинг қўлида лимонад тўлдирилган стакан.

- Нима бўлди? – деб сўрадим жон-ҳолатда.
- Уйқу дори ичирдим, – кўзлари совуқ боқди Фотиманинг.

У клиникадан келтирилган асбобларни сумкасидан чиқариб, тахлашга киришди. Батамом ҳушидан кетсин деди шекилли, Козимнинг билагига укол қилди.

– Жарроҳ бўлмасам-да, сал-пал хабарим бор,  
– деди менга кўзлари ёниб. – Қўрқсанг чиқиб кет, Маъмура. Бу хотинбозни ўлдирмайман, лекин бир умр ҳеч бир қизни бадном этолмайдиган қиласман.

Ваннахонага қочиб чиқдим. Кўнглим ағдарилди...

\* \* \*

Энди қундалик ёзмайман. Келажагим ҳақида жиддий ўйлашим керак. Жаъфар бугун кечаси гинекологияга боришимизни айтди. Таниш шифокори рози бўлибди. Сўнг орамиз очиқ. У бошқасига уйланади, мен вақт-соати етиб, кимгадир турмушга чиқаман, ёлғонларга учган хонадонга гўёки пок келин бўлиб қадам қўяман. Эҳтимол, дадам шу уйни берса, шаҳарда яшанглар деса, шу хонада куёв билан яшарман, болаларим ҳам шу хонада улғаяр. Нақадар аглаҳман!..

Эшик тақиллади. Сүнгги нұқтани қўйишга улгурмадим...

Козим экан. Эшикни очмоқчи эмасдим, йиғлади бечора. Чўкиб қолибди, кўриб танимайсан киши.

– Менда айб йўқ, бундай бўлишини билмагандим,  
– дедим.

Козим бош силкиб:

– Ҳа, сенда айб йўқ, – деб кўз ёшларини артди. – Гуноҳларимга тавба қилдим. Энди мен бошқа одамман. Ҳатто, Фотимадан ҳам узр сўрамоқчиман. Бир умр тоат-ибодатда яшайман.

У Фотиманинг қишлоғига бирга боришга, дугонамга ҳеч қандай ёмонлик қиласликка қасам ичди.

Кундалик тамом. Мен кетаяпман. Икки соатда қайтаман...

## БЕГОНАЛАР

Уй сотилди. Кўч-кўрони ортилиб, машина жойидан кўзғалгач, икки боласини қанотлари остига олган Бувираҷаб келинлик уйига ҳасратли нигоҳ ташлади. Тобора ортда қолаётган шу иморат – ўн ботмон тупроғу беш-олти хари жуда-жуда қадрли эканлигини хис этиб, кўзларига ёш қўйилди. Гўё эри Ҳасан ҳам кабинадан бош чиқарган кўйи йиғлаётгандек.

Уйни сотиш, Еттиқитобга кўчиш фикри кечагина йўқ эди. Онаси вафот этди-ю, Ҳасаннинг ҳаловати буткул йўқолди. Бир куни тонг-саҳарда кетиб, яrim кечаси қайтди.

– Бувираҷаб, – деди у, – Еттиқитобга бордим. План берилаётгани рост экан. Гаплашдим, кўчамиз. Зўр жой. Тамғали тоғининг этагида. Катта-кат-

та толлар, чинорлар. Бир томонда анхор тұла сув. Дәхқончиликкаям, чорвачиликкаям ер мүл.

Бувиражаб ўйланиб қолди. Қайнонаси жон чиқар маҳал ўғлини йўқлаб: "Болам, ота-бобонгнинг жойи Еттиkitob, мени кўм-да, ўша ёқقا кет, барака топсан", деганмиш. Васиятни ўз қулоғи билан эшилмади, лекин ишонмай деса, Ҳасан шунча вақтдан бери алдамаган.

Бувиражаб тоғасини ўйлади. Ота-онадан сағир қолгач, тоғаси боқиб олди. Ўраб-чирмаб Ҳасанга ҳалол узатди.

Тоғасининг уйи ҳам яқин эмасди. Узоқ йўлга чиққан одамга Астрахан билан Ўринбуруннинг нима фарқи бор! "Майли-да, – кўрпача тахламига суюнди Бувиражаб, – бошга тушганни кўз кўради. Балки Еттиkitобда биримиз икки бўлиб, яхши яшаб кетармиз..."

Машина чайқалиб-чайқалиб, сойликка эниб кетди, уй кўздан йўқолди, қишлоқ ҳам ғойиб бўлди.

Еттиkitоб ҳақиқатан олис экан. Тамғали тоғи туш чоги уфқда кўринган эди, кетишаепти, қани ета қолса. Боз устига юқ машинаси Николайдан мерос. Тулки тумшук, моторнинг икки ёни очиқ, парраги кўриниб туради. Тез-тез суви қайнаб йўл четига тўхтайди. Шунда Ҳасан кабина эшигини очиб, тик оёқда сўрайди:

- Бувиражаб, келаяпсиларми?
- Ҳа, – зўрга овоз беради хотини.

Ҳасаннинг соддалиги бор. Ҳар кимга ишонади, ҳаммани ўзига ўртоқ билади. Аммо доим ҳам шундай эмас. Эски уйини ташлаб кетишга бежиз шошилмади. Улар худди кўчманчилар каби бир неча жой ал-

машганлар. Энг узоқ турғанлари шу уй эди. Бир куни қўшнининг тўйида оғзига кучи етмаган ошпаз ёмон гапирди. Кимдир коса-товоқ камайиб қолганини, овқат тез тугаганини айтиб, фифон қилганда, деди:

– Келгиндиникига ташидинглар-ку, нега менга бақирасанлар?! Боринглар, уйини қўринглар! Бир уй меҳмон ўтирган бўлса, икки уйга етадиган коса-товоқ кетди... Э, гарантия бераман!.. У сенинг жия-нингмиди, амакиваччангмиди?..

Ҳасан эшитмаганга олди. Ўн қадамлар нарида келган-кетаётганлар қўлигасув қуйиб турғанди, офтобани тўлдириш баҳонасида ошхонага юрди, эшик олдидиа Бувиражабга дуч келди. Аёлга қолса, шаддодлик қилмоқчи эди: кимни ўғрига чиқарайпти бу мечкай? Бироқ Ҳасан оҳиста бош чайқади.

Балки одамнинг ўзига боғлиқдир. У қишлоқ аҳлига киришолмагандир, кўнглини ололмагандир.

Онаси ўн чақирим наридаги "Қора қиз" қабристонига қўйилди. Ўша ерда момолари дафн этилган.

Ҳасаннинг ота юрти эса Еттиkitob. Бироқ Ҳасан Еттиkitobda яшамаган, масаланинг бу томони ҳам бор.

Бувиражаб шуни ўйлаб қўч-қўрон орасига ботиб кетди. Уф тортса, ғамлари қўпаядигандек дамини ичига ютди. Болалари борт тўсинига суюниб, атрофни томоша қилишмоқда. Йўл четида учраганлар ҳайрон қараб қолишади.

Еттиkitobга етмасдан қандайдир қишлоқ кўчасини оралаб юришди. Бувиражабнинг қулоғига эркак-ларнинг овозлари чалинди:

- Ким булар?
- Қаердан келаяпти?
- Нортой жиянлар күчиб келмоқчийди... Йўғ-э, булар бегона... Танимадик...

Уй битгунча уч ой капада яшадилар. Ҳасан Етти-китобнинг чекка жойидан, бир томони қўриқ, бир томони янтоқзор дўнглик бўлмиш парча ерни олганди. Азим чинорлару шарқироқ анҳор қишлоқнинг нариги чеккасида эди. Ҳатто лой учун сув бошқариб келиш ҳам ёз бўйи жуда қийнаб юборди. Ўртада ўттиз чоғли янги иморат. Ҳаммаси Еттикитоб яқинидаги қишлоқ одамлариники. Худди келишиб олгандек сувни навбатма-навбат томорқаларига очиб юборишади. Бир нима деса навбат билан эмиш. Аммо бу навбатда нега Ҳасан йўқ?

Куз бошида Бувирахабнинг тоғаси келди. Яхши ният билан битта сигир олиб берди. Болаларнинг кувонганини кўрсангиз.

Тоға кетаётиб шундай деди:

– Энди-и, жиян, атаганимиз шу. Ўзинг биласан, юракнинг мазаси йўқ. Агар яна қайтиб кўришмасак... рози бўл.

Бувирахаб йиғлаб юборди. Олис юртга ташлаб кетилаётган қизалоқ каби мўлтираб кузатиб қолди тоғасини. Гўё сўнгги қариндош ҳам йўқлик қаърига равона бўлмоқда эди. Мана, қораси ўчди, йўл охирида кўринмай кетди.

Тоғасининг ўлганлигини бир ойдан кейин, тасодифан эшитиши. Ҳасан болаларига чопонлик учун икки энлик виллур ва арzonроқ пахта олгани бозорга тушганди. Шу ерда қайноғасининг ҳамсоясини учратди.

– Нима, бир ой бўлдими? – Ҳасан даставвал ишонмади.

Ҳаммалари боролмадилар. Янги уй очиқ-сочиқ, қулф йўқ, мол-ҳолга қараб турадиган қўшни ҳам йўқ.

Бувиражаб ёлғиз кетди. Уч кун юраман деган жувон бир кунда қайтди.

– Бирори "кел" демади, гаплашмади, – деди Бувиражаб ўксиб. – Шунча вақт тоғамнинг фарзандларини ўтгай санамагандим, ўзимнинг туғишганларим деб билардим. Худди мен бир нарса умидвор бўлиб келгандайман, ахир... тоғам... тоғажоним деб...

– Йиглама, – юпатди Ҳасан, – азадор одамларнинг кўнглига қил сиғмай ўтиргандир-да, нимасидан ўп-калайсан?!

– Нега доим менга гадойга қарагандай қарашади? Нега пул ёки буюмдан умидвор деб ўйлашади? Айбим камбағаллигимми?! Менга жигар керак, менга Худо раҳматли онамнинг туғишган акаси...

– Кўй, ҳали бой бўлиб кетамиз, қариндошларимиз ҳам кўпаяди.

– Тирилиб келармиди?!

Ҳасан хотинини қучди.

– Уларга қара, – дея эски кўрпа тагида қўнишиб ухлаётган ўғилларига ишора қилди, – Худо хоҳласа, уруғ-аймоғи кўп жойлардан келин қиласиз. Ҳар куни меҳмон, ҳар куни тўй. Униси бешик тўйга айтган, буниси суннат тўйга. Одам тўйдан кўпаяди-да.

Қўшни қишлоқда устма-уст тўртта тўй бўлди. Ҳасаннинг уйини биронтаси айттиrmади. Ниҳоят, Еттиқитобнинг ўзида тўй бўлди. Бу – янги қишлоқнинг илк тўйи эди. Ҳасан елиб-югуриб хизмат қилди, энг

қора ишларни бажарди. Инсофли одамлар барибир бор-да. Түй охирида бир отахон отга минаётиб, дий-дираб турган Ҳасанга қараб олгач, халойикқа деди:

– Шу йигитсиз түй түйдай бўлмасди! Яша, ўғлим!  
Қани, омин! Унинг ҳаққига бир дуо қилайлик!

Юзига фотиха тортгач, сўради:

– Кечирасан болам, кимлардансан?

Ҳасан шунча одам тикилиб турганидан ўзини йўқотди, тилига калима келмади. Кейин зўрға гапирди:

– Мен... отам... Худойдод деган... Бобом шу ерларда яшаган...

Мастлардан бири луқма ташлади:

– Бобонгнинг бобоси қаерда яшаган, ука? Узр энди... Қизиқаяпмиз-да. Бобонгнинг бобосининг бобоси-чи?

Полвон оқарган мўйловини силаб, мастга ўқрайди-да, сўнг салобат билан:

– Ҳасан ука, – деди, – Худойдод деб эшигандайман. Кимлардан бўлсанг ҳам яхши одам экансан. Ун, ўс, шу ерда кўкар.

Отга қамчи босилди. Ҳасаннинг шивирлаб айтган гапи одамларга эшитилмади:

– Сайдов менинг фамилиям... Аслида Сайдризо бўлиши керак... Бобом Сайдризо...

Қор қалин ёғди. Чала битган молхонада сигирга кийин бўлди. Ҳасан унинг устига жанда кийимларни ёпди, бузоқчани эса уйига кирилди.

Узун қиш кечаси. Электр ўчган. Мойчироқ хира ёнади. Печкада ўт чирсиллаб, тирқишидан шулья кўринади, деворда ўйнайди. Ташқарида тимқора осмон, ҷақноқ юлдузлар, оппоқ замин, қора дарахтлар...

– Дараҳтлар... Дараҳтлар! – Ҳасан ҳаёл суреб ёт-ган жойидан сакраб турди. – Онам Еттиқитобдан чи-норларни Сайдизо бобонг эккан дегандилар. Кейин у кишини сургунга юборишган, мол-мулки колхозга ўтган.

Бувиражабнинг уйқуси очилиб, деразага яқинроқ сурилди. Ҳатто бузоқ ҳам депсинди, болалар кўрпа-дан бош чиқаришиди.

– Бу янги қишлоқ бўлса нега дараҳтлар ёш эмас? Саксон йил бурун бу ерлар бизники бўлган, юз йил аввал, уч юз йил аввал ҳам... Бувиражаб, мен ота еримдаман!..

Баҳор келди. Ҳасанга одамлар "бойвачча" деб лақаб қўйишиди. Бунга унинг Еттиқитобдаги дараҳтларни эктирган, ариқ қаздириб сув келтирган Сайдизо ҳожининг неварасиман дегани сабабчи бўлди. Ҳатто анҳорга Ҳасанарик деб от қўйиб олдилар.

Ишламаган одамга қийин. Еттиқитобда Ҳасанни оддий қора ишларга ҳам унча-мунча ёлламасдилар. Бу ерликларнинг қариндош-уруғлари кўп. Кимнинг уйидан юмуш чиқса, пулни бегона қиласлиги шарт эди гўё.

Россияда ишлаб келганларнинг ошиғи олчи бўлди: иморатини битирди, мол-ҳол қилди.

Ҳасаннинг қисматига ҳам тушди. Сигирни сотиб, Россиянинг энг чекка ўлкасига жўнаб кетди.

– Қишгача келаман, болаларни эҳтиёт қил, икки ойдан кейин пул юборишни бошлайман, – деди у.

Аммо олти ойда ҳам дарак бўлмади. Бувиражаб бир бурда қора аёлга айланди. Шунчалар мунглики, ҳадемай дард еб битиради бояқиши.

Еттинчи ой Ҳасан Семъка деган қишлоққа ёлғиз йўл олди. Эски жойда юртдошлари гуруҳ-гуруҳ яшашади, еттиқитобликни у ёқда еттиқитобликларнинг ўзлари қўшмаганда, бошқаларга нима десин?

– Сенга иш керакми? – сўради ўрмон четидаги уйда яшовчи чол. – Ма, болтани ол! Бизда дараҳт шунчалик кўп бўлса ҳам ҳу анави кўл бўйига бир замонлар бир ўзбек еттита дараҳт эккан. Қишлоқ бежиз Семъка дейилмайди. Ўша одам қаерда яшаса, қаерда тўхтаса, еттита кўчат экиб кетаверган. Ҳар бир дараҳт битта китобим деган. Энди бу дараҳтларнинг умри ўтди.

Шунда Ҳасан йўл юра-юра, бобосининг изидан келганини англади. Бобосини бойлик қувиб солган эди, уни эса...

Аммо Ҳасан ўқинмади. Болтани чолга қайтарар экан:

– Ўша ўзбекнинг исми Саидризо, – деди. – Мен невараисиман. Ўз қишлоғимда ўзимни бегона санабман-а, минг-минглаб чақирим олисдаги қишлоқда ҳам бегона эмас эканман-ку! Кунчиқардан кунботаргача – ҳамма ерлар бобомники! Менинг бобомники!..

Чол чапак чалиб юборди ва Ҳасанни йигитлардек қучиб олди.

– Сен жигаримсан! – йиғлади у. – Кондошимсан... Шунча йилдан бери бу ерга келганлар индамай болтани оларди-да, ростдан дараҳтларни чопишга кетарди...

Матвей чол ўлими олдидан унга Саидризо ҳожининг митти сандиқчаси Еттиқитобдаги қайси дараҳт тагида кўмилганини айтди.

Келгуси йил баҳорда Ҳасан икки қаватли уй кўтарди. Бувиражаб тўлишиб, чиройли хотинга айланди.

Ўн бир гектар ер, иккита трактор, етмиш бош қорамол олди. Хазина ҳисобидан банкда қолган пулларни заводга кўчиришган эди, кўп ўтмай дарвоза олдида япянги "Нексия" пайдо бўлди.

Кузда ўғилларига тўй қилди. Бутун атрофдан одамлар ёпирилиб келишди, еттиқитобликлар енг шимариб хизматда бўлишди.

Лекин буларнинг барчаси Ҳасанга ҳам, Бувира-жабга ҳам бегона оломон эди.

## ГАДОЙ

Чекка бир тумандада ишлаб юрганимда кабинетимга ўрта бўйли, тўладан келган, яхшигина кийинган кимса кириб келди. Кимса деб аташимнинг боиси у салобати ва пўримлиги билан ҳам ўзининг майдакаш, худбин, ичиқоралигини яширолмаган эди. Шундай мурожаат қилди:

– Дўхтир бова, сизлар эшон қатори одамсизлар. Лекин хафа бўлмангку-я, итнинг ҳам иши тушмасин...

– Кўрқманг, итларнинг иши тушмайди, – дедим мен. – Хўш, хизмат ака? Нима безовта қилаяпти?

– Худога шукр, соппа-соғман. Дўхтиrlар яна ичсанг ўласан, дейишганди, юрак кетган. Мана, ичиб юрибмиз, фиринг этгани йўқ.

– Бу ерга бекорга келмагандирсиз?

Шунда кимсанинг кўзлари бежо ўйнаб кетди. Ёпилган эшикка, деразага тезда кўз югуртириб, мен томон энгашди.

– Сизни бошқа вилоятдан дейишди?

– Ҳа, шунақа.

– Майли, бу ерлик эмаслигинизнинг аҳамияти йўқ, шунчаки сўрадим-қўйдим. Мухими... ёшлигига қарамай, жуда кучли дўхтири дейишди. Бизнинг одамлар билмаса гапирмайди.

У ҳадеганда мақсадга кўча қолмасди. Қарасам, вақтни оляпти, душанба – иш кўп.

– Ака, бошқа вақт келинг. Ҳозир касалларга қарашим керак.

Бирдан билагимдан ушлаб шивирлади:

– Илтимос, менга қалий ционид топиб беринг. Фақат йўқ деманг. Биламан, у сизда бор. Сейфингизда туради. Ҳеч кимга айтмайсиз, катта тўлайман.

– Бу ёғи қизиқ бўлди-ю... – сергак тортдим. Биринчиidan, менда сиз сўраган нарса йўқ. Иккинчиidan, бўлган тақдирдаям беролмасдим.

– Нега?

– Чунки у энг хавфли заҳар.

– Жа унчалик эмасдир? Катта давраларни кўриб юрибмиз, сиёsat қилманг. Заҳар эмиш! Заҳар бўлса дўхтирлар нима қиласи уни сақлаб?!

Ўрнимдан туриб, эшикни очдим. Юмшоқлик ила хонамдан ҳайдаётган эдим.

– Демак, йўқ де... – ғижинди у чиқиб кетаётиб.

– Бўлгандаям беролмасдим.

– Битта мошиннинг пулидан қуруқ қолдинг. Юрaver уйингдан узокда, маошга ишлаб!

Орадан бир йил ўтди. Кўнглингни хира қилган одамларни эслагинг келмайди. Қолаверса, кўчада, ишда, тўй-ҳашамда қанчадан-қанчасини учратасан, эзмалик қилгани қайси-ю йўқ нарсани сўрагани қайси, асабингни бузиб, эслаб юрасанми. Ниҳоят, Самарқанддан иш топдим. Арzonроқ юқ машинасига рўзгор анжомларини ортиб, жунадик.

Кечга яқин Чўпонота кўринди. Бироқ етдик деганда, машина мойи тўкилиб кетди. Асфальтда қора, қуюқ мой узун из ҳосил қилганди. Ҳайдовчи капотни очиб, ёрилган резина ичак ўрнига бошқасини қўя бошлади. Машина оғир ярадор каби унсиз ва жонсиз турар, тагида қора ҳалқоб ҳосил бўлганди.

Йўл четидаги дўконча деразасига бош сукдим, аммо бадбўй ҳидга чидолмай бирдан бошимни тортиб олдим. Тақиллатган эдим, палағда овоз эшитилди:

– Астароқ... ўв... чиқаяпман-э...

Кейин пастак дераза дарчасида бир калла кўринди. "Нима дейсан?" дегандек им қоқди.

– Сув борми? – сўрадим ва қаерда кўрган эканман деб ўйлай бошладим.

Дўкончи қоқина-сурина шкаф устидан баклашка олиб узатди.

– Ма, – деди ҳурматсизлик билан.

У беш юзталикка кўл чўзди.

– Кайтимига нима берай?

– Хеч нарсанг керак эмас. Аслида сув ҳам олмоқчи эмасдим, афсуски, бошқа дўкон йўқ экан.

Сотувчи юз сўмлик узатди. Кимнингдир чўнтагида намиқиб қолган, шундоқ ҳам эскилигидан хилвираб кетган пулни кўриб қўлимни тортдим.

– Кўявер, ўзингга...

– Нима?

– Мендан совға.

Дўкондан узоклашаётиб унинг башарасини қаерда кўрганигимни эсладим. Ахир, бу калий ционид сўраб келган кимса эмасми?

Ишонгим келмади. У қанақа эди-ю бу қанақа; одам одамга ўхшайди-да. "Лекин ёмон ўхшар экан, – дедим ичимда. – Аблах, ўшанда кимнидир ўлдирмоқчи эди..."

Янги жойга тез ўргандим. Чунки катта шахарда, катта касалхонада ишлашни хоҳлардим. Одамларнинг ҳаракат-интилишлари ҳам меникига мос келарди. Аввал ишлаган жойимда ҳаракат суст. Гўё парвои палак, боғи-бегам кишилар. Пул тушса, куни ўтса, тез-тез ошхонада улфатлари билан ўтиrsa.

Самарқанд маъқулроқ келганди. Лол қолдирадиган, жуда ҳам майда-чуйда инсон эканлигингни эслатиб турадиган кишиларни унча-мунчага учратавермайсан. Кўпчилик "Нексия", нари борса "Ласетти" ҳайдайди. Қасрлар Тошкентдагидек кўп эмас.

Шу ҳақда гаплашиб кетаётганимизда, ҳамкасбим ўткинчиларга қўл чўзаётган тиланчига ишора қилди.

– Қоп-қоп пул топадиган, неча юз миллион сўмлик уй қурадиган одамларни кўриб, чумолидай ҳис қиласан ўзингни. Кейин тўсатдан гадой чиқиб қолади. Гўё катта бойга айланасан. Дунёда биринчи ўрин ҳам, охирги ўрин ҳам йўқ. Ҳаммамиз ўртадамиз.

Тиланчига тикиламан: бақувват, семиз қора хотин Хиндистонликларга ўхшайди. Ночорликдан садақа сўрамаётгани шундоқ кўриниб турибди. Кимдантир эшитгандим, урф-одати шунақа эмиш. Тиланчилик урф-одатга айланиши учун... Олис тарихга хаелим қочди. Бунинг учун не-не талотумлар бўлмоғи, одам курашдан тўхтамоғи, фурурини арзимас чақага сотиб кун кўрмоғи лозим.

Яна бир йил үтди. Ишларим юришиб, пул ортира бошладим. Қийинчилик күрган кунларимни эслар-канман, ҳормай-толмай интилаверган киши ҳаётда барибир ғалаба қозонишга амин бўлдим.

Бир куни шифохонадан хийла кеч чиқдим. Пли-талар кўчган ўнқир-чўнқир жойларга тез-тез дуч келиб, қоқилиб-суқилиб бекатга шошилардим. Бу ҳам етмагандай қаршимдан келаётган йўловчи билан тўқнашиб, йиқитиб юбордим.

– К... кўз-зинг борми! – ғўлдиради у.

Айб мендан ўтмаган эса-да, одамгарчилик юзасидан унга кўмаклашдим. Анча вақтдан бери ювинмагани, бўккунча вино ичгани боис димоғим ачишиб, кўнглим айниди, аммо сездирмадим. Ва сўрадим:

– Ёмон йиқилмадингизми, амак?

– Ёмон йиқилдим. Нима дейсан?..

Бир машина йўл четида тўхтади. Ҳалиги киши ёруғлик томон тўлиқ ўгирилди. Соч-соқоли олинмаган, касалманд киши менга ўқрайиб турарди.

У қўлини бўшатиб олди-да, гандираклаб йўлида давом этди. Судралиб қадам босиши вино таъсиридан ҳам кўра кўпроқ мадорсизликдан далолат берарди. Тузуккина одам бўлганлигини кўнглим сезди.

Ортимга ўгирилганимда, у ҳам қаради. Тез-тез юриб яқинлашдим.

– Кечирасиз, сизни қаердадир кўргандайман. Шаҳарлик эмассиз, тўғрими?

– Нима ишинг бор?!

– Танишларимдан бировига ўхшатдим. Ундан қарзим бор эди.

Йўловчи бошини қашиди. Ҳозир пул тиланади деб ўйладим.

Чүнтагимни ковлаб түрт юз сүм чиқардим. У күзимга ишонқирамай қаради.

– Аввал айтинг-чи, уйингиз қаерда? – пулни күлимда үйнатдим.

– Уй нима қилади менда.

– Танияпсизми мени?

– Йўқ, биринчи кўриб туришим. – У пулга зимдан нигоҳ ташлади. Кўп қийнамай пулни бердим. Агар адашмасам, у ўша эди, йўл ёқасидаги дўконча сотувчиши.

Ниҳоят, шаҳарга келганимнинг иккинчи йили чорраҳадаги кўп қаватли уйлардан квартира олдим.

Кузнинг ўрталарида ҳаво совиди. Жимфер устидан плаш кийиб ишга шошилдим. Йўлақдан тўппатўғри кетаверсам ишхонам рўпарасидан чиқаман.

Йўлак бошида кечадан буён бир эркак тиланиб ўтиради. Пиёниста эканлигини бир чақиримдан пайқайсиз. Бу гал унга раҳмим келди: совуқдан кўкариб кетибди бечора. Менга маъносиз қаради, шунчаки қўл узатди. Тўхтадим. Садақа бергим келиб юрганди, шу гадойни танладим. Икки юз сүм ташлаб:

– Лекин бунга ҳеч қачон ароқ олманг, – дедим.

Гадой бош силкиди.

– Нега деяпсизми? – давом этдим гапимда. – Мен мусулмонман. Ароққа пул берсам, у дунёда дўзахга тушаман тушунаяпсизми, бу жуда ёмон.

– Ёмон... – минғиллади гадой.

– Дўзах шунақа совуқки, тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Гадой гапимни тасдиқлаб, бош лиқиллатди. Биз шу ҳолда хайрлашдик. Аммо эртасига у яна қўл чўзди.

- Ҳа, биродар, совуқни ҳам писанд қилмасдан эрталабдан чиқиб олибсиз?
- Нонга пулим йүқ. Нон учун пул бер...
- Совқотмаяпсизми?
- Йүқ...
- Шунчалик чидамли экансиз, ишласангиз бўлмайдими?

Гадой ғалати ўқрайди. Сариқ чақа ҳам бермадим.

Уни қаердадир кўргандек бўлавераман. Калий ционид сўраган ўша кимсамикан? У бир йилда ароқхўр исқирип сотувчига, икки йилда гадойга айландими?

- Ҳой, қаердан келиб қолгансиз ўзи? – сўрадим бир куни. – Сизни аввал ҳам кўрганман, шекилли.

- Қаерда?

- Терапияда. Мендан калий ционид сўраган эдингиз. Эсингиздами?

Гадой инқиллаб ўрнидан турди. Бир нима демоқчи эди, тили айланмади. Қалқиб кетди-ю ерга қулади.

Касалхонага келтирилгач, палатасига кирдим.

Шифокор дўстим деди:

- Ҳеч қанақа ҳужжати йўқ. Манзилини айтмаяпти.

- Ахволи оғирми?

- Юрак тамом бўлган. Бунинг устига ичибди.

Қандай тирик юрганига ҳайронман.

- Аниқ ўша, – дедим ўзимга-ўзим.

Юрак касалликлари шифохонасига юбордик. Кўп ўтмай у яна эсимдан чиқиб кетди.

Машина олдим. Мансаб курсиси насиб этди. Бир куни чекка туманга – илк марта иш бошлаган жойимга комиссия раҳбари бўлиб бордим. Шифохоналарни айландик, кабинетда қоғозларга кўмилиб ўтирдик, шоҳона зиёфатларда иштирок этдик.

Кетишимиз олдидан мени бир касал йўқлаётганини айтишди. Аввалдан танир экан, қарзи бор эмиш.

Ҳузуримга кириб келган беморни танимадим. У менга беш юз сўм узатди-да, деди:

– Савдогар хотиннинг дўконида ётиб юрганимда юз сўм қайтимиңгизни уриб қолгандим, йўл ёқасидаги дўконча эсингиздами?

Мамнун жилмайдим.

– Кейинчалик кўчада қолдим. Шаҳарда тиланчилик қиласардим. Топганимни ичардим. Тўрт юз сўм берганиңгизни эслайсизми? Мана, қарзимни қайтардим. Сизга ҳамма-ҳаммаси учун катта раҳмат.

У ортига қайрилган эди, елкасига дўстона қўл ташладим. Кўзлари пирпираб, менга қаради.

– Пулни сизга қарзга берганим йўқ, – дедим мен.

– Олинг пулингизни. Ундан кўра бир саволимга жавоб беринг. Шу ерда ишлаб юрган кезларим калий ционид сўраган одам сиз эдингиз-а?

Беморнинг пешонаси тиришди.

– Ҳа, мен эдим. Хотинимнинг танишлари базага ишга жойлаб қўйишганди. Эркак кишига тўғри келмас экан. Хотиним кўз олдимда... юрарди.

– Уни нима қилдингиз? Ўлдириб юбордингизми?

– Йўқ.

– Ажрашдингизми?

– Йўқ, у... мени уйдан қувиб юборди.

Раҳмим келди, сўнгра бу раҳм нафрат қиёфасига кирди.

– Агар калий ционид берганимда хотинингизни ўлдирамидингиз?

– Йўқ. Дорини ўзим учун... сўрагандим...

Худди ўшандагидек кабинет эшигини очиб қўйдим. Бемор мунғайиб чиқиб кетди. Тирик бўла туриб ўлганини шунча вақтдан бери билмай юрган эканман.

Орадан уч кун ўтиб, ўша шифохона бош врачини Тошкентда учратдим. Гап орасида айтдики, ҳузуримга кирган bemor эртасига ўзини иккинчи қаватдан ташлабди.

– Ўлдими? – сўрадим бирдан.

– Ҳожатхона томини ўпириб, бетонга тушган, тирик қолармиди, – деди ҳамкасбим.

## ИККИ ИТ АФСОНАСИ

Атроф бир зум ёришди. Осмон қарсиллаб ёрилиб, ёмғир қуя бошлагач, четдаги кулбада хира чироқ ёнди. Ҳаял ўтмай эшик заиф ғийқиллаб, мункайган шарпа қўтонга яқинлашди. Эски чопони тугул, оппоқ соқоли ҳам ивиган чўпон саксон ёшни уриб қўяёзган, умр бўйи тоғу тошларда қўй боқсан, фарзандлари ни ҳалол меҳнат билан едириб-ичириб, ўқитиб, уйли-жойли қилган, ҳали-ҳануз тиниб-тинчимайдиган чол эди. Кампир қазо қилганига ўн йилдан, фарзандлари тоғларни тарк этганига ўттиз йилдан ошган бўлса-да, у на касбидан, на умри ўтган ердан кечди.

– Хах, қурмағур, – деди томнинг ўпирилган жойини кўргач. – Эртага шифер топмасам, бунаقا обҳавода клёнка ярамайди. Лекин эртагача бир амалламасам бўлмас-ов.

Қўйлар орасидан туртиниб-суртиниб ўтди-да, арава ғилдирагини деворга суюб, нарвон ўрни-

да оёқ қўйди. Қаддини ғоз тутиб, клёнка учини сим билан боғлашга тутинди. Бир зумда бўйни толиб, қўлларидан мадор кетди. Бу ҳам етмагандек қулоқлари шанғиллаб, қўзларида оғриқ пайдо бўлди.

– Мазам қочдими дейман, – гапиринди юз-кўзидан ёмғир сувини артиб. – Қон босимим ошмасди-ку.

Кутилмаганда осмон ва ер чархпалак каби айланди...

Кўзини очганида, ҳамон ёмғир ёғар, теграсини ғуж ўраган қўйларнинг юнгидан сув томчилар эди. Ўрнидан турди, аммо мувозанатини сақлаёлмай қўтон эшигига суюниб қолди. Кўнгли айниб, ўзини лоҳас ҳис этди. Номаълум дард бир қадам ташлашга қўймаслигини тушунди.

– Ҳаммаси тугаганга ўхшайди... Майли, шунчаси-га ҳам шукр...

Чўпон эшикни амаллаб очди-да, четан деворга суюниб, оғир-оғир илгарилади. Кулбага етиши даргумон эди. Итнинг катагигача юра олди, холос.

Бўриbosар бири оқ, иккинчиси қорамтири кучуваччаларини иссиқ бағрига босиб, эмизиб ётарди. Соҳиби қўйхонага кирганини, бир аҳволда қайтиб чиққанини, ҳалқобни шалоплатиб, лой сачратиб йиқилганини – барчасини кўрди. Чақмоқ ва момақалдироқдан қўрқиб уйғонган кучуваччалирига меҳри ийиб, хизматдан эрингани учун ўзини койиди шекилли, ирғиб турди. Кучуваччаларининг ғингшиганига ҳам қарамай чўпоннинг бошига келди.

– Воф! Воф! – икки марта бўғиқ хурди. "Хўжайн, нима бўлди сизга? Туринг ўрнингиздан!" дегани эди.

Чўпон кўзини очмади. Ит қўтоннинг очиқ қолган эшигига, вангиллаётган кучуваччаларига, сўнг яна

чўпонга қаради. Нима қилиш керак? Қўйлар ҳам, ку-  
чукваччалар ҳам ёрдамга муҳтож эмасди, назарида.  
Инсон эса лойга беланиб, афтодаҳол ётибди. Қўзини  
очмаётганига қараганда, у касал қўйдек ҳолсиз ёки  
ўқ еган бўри каби ўлган. Қишлоқقا бориб, фалокат-  
дан одамларни огоҳ этиш керак.

Ит шаррос ёмғир остида сўқмоқ бўйлаб югуриб  
кетди. Йўлни яқин қилиш мақсадида сой бўйига туш-  
ди. Саёзликдан кечиб ўтса, у ёғи икки чақирим. Бу  
йўллардан бўрибосар аввал ҳам ўтган.

Ёмғир кўп ёғди, ҳатто пастлиқдан сел ҳам келди.  
Шу-шу итни ҳеч ким қайтиб кўрмади.

\* \* \*

Сел уйларга зарап етказмади. Сой бўйидаги бир  
неча дарахтни, пастак кўприкни оқизиб, вайронагар-  
чилик суратини чизди. Қўтондан чиқиб, ўзбошимча-  
лик билан тентираган икки-уч қўйнинг ўликлари-  
ни ҳам бўтанада учратиши. Қишлоқларда ваҳима  
тарқалди. Чўпоннинг ўғиллари "УАЗик"да тоққа жў-  
надилар. Аканинг "Ласетти"си, уканинг "Нексия"си  
йўқ эмасди. Бироқ ўнқир-чўнқир тоғ йўлида янги  
машиналарини аяши.

– Бобойни нафақага чиқармасаларинг бўлмайди,  
– деди "УАЗик"нинг бақалоқ ҳайдовчиси. – Икки  
ўғли шаҳарда, ота якка-ёлғиз тоғда, деб одамлар  
тўй-маъракаларда ёмон гапиришашаپти. Сизларга  
ҳам уят-да энди.

– Тўғри, бу сафар инжиқликларига қараб ўтира-  
маймиз, Бекмурод ака, – деди чўпоннинг тўнғичи.

– Отам ҳам қизиқ-да, – деб қўйди ука.

Афсуски, инжиқлик қиласынан падары бузрук-вор ёруғ дунёни тарк этганды. Иккى ўғыл отамлаб йиғлаган күйи жонсиз жасады құчдилар. Сүнгра қаровсиз ётган майитни зудлик билан қишлоққа олиб тушиш, күхна ҳовлида жаноза ўқитиб, шу бугуноқ тоғ қабристонига дағын этиш ташвишини чекдилар. Құйларнинг омон қолғанларини олиб кетгани қишлоқдан одам жүнатишга қарор қилишди.

Кучукваччалар бир-бирининг пинжига тиқилиб, мизгиб ётганларида, "УАЗик" овози эшитилиб, бечоралар катак түридаги ковакка биқиниб олишганди. Чүпоннинг ўғиллари ҳам, бақалоқ ҳайдовчи ҳам кatta итни ахтаришди, аммо кучукваччалар борлигини хаёлларига ҳам келтиришмади. Бир оздан сүнг кучукваччалар катакдан муралаганларида, машина-ю бегона кишилар, ҳатто узала тушиб ётган чүпон ҳам гойиб бўлганди.

– Аув... – йиғлади оқ кучукча.

Корамтири кучукчанинг ҳам кўзларига мунг балқиб чиқди. У акасини қандай юпатишни билмай атрофга нажот сўраб боқди. Ҳаққига кўчганда, ўзи ҳам йиғламоқдан бери бўлиб турарди.

Пешиндан сүнг тиркамали трактор гуриллаб келди-да, кўтон ёнида тўхтади. Кучукчалар шу вақтгача эшиитмаган нотаниш овозлар оламни тутди. Тўпори кишилар кулбани, қўйхонани бузиб, ёғочларини тиркамага ортишди. Чүпоннинг эски белбоғи-ю чоригини-да қолдиришмади.

– Манави катакни ҳам бузайми? – сўради бири шангиллаб.

– Ундан нима материал чиқарди, чириб-битибидику, – деган жавоб эшитилди. – Аммо раҳматли бованинг ити кўринмайдими? Қара-чи!

– Ит-пит йўқ, – катак оғзига энгашди шанғи овоз. – Бобо ўлганидан дарров жуфтакни ростлаб қолганми, дейман. Раҳматли бобо бир куни менга итини роса мақтаганди. Ҳайвон барибир ҳайвон-да!

– Қани, мен ҳам қарай-чи, – иккинчиси мўралади.  
– Қаёққадир кетиб қолибди-да. Наҳотки, шунчалик бевафо бўлса?

– Кетдик, ёмғир ёғиб қолса, иш расво.

Трактор мотори кучли гуриллади. Ҳавони ёқимсиз ис босди. Ҳеч қанча вақт ўтмай тоғу тошлар сукунатга чўмди. Яланғоч деворлари сўппайган кулбада шамол ғувиллади. Катак олдидан қофоз парчаси думалаб ўтди. Ҳув нарида булутли осмон, қорайган уфқ, қўрқинчли тепаликлар, кимсасиз харсангтошлар кўринди. Кучукваччалар очликка чидаёлмай инградилар. Мунчоқдек кўзларини тириклик дунёсига тикиб, мўлтираганча оналарини кутишди.

Ҳалиги йигит тўғри айтган экан: кечга яқин ёмғир шовиллаб қўйди. Кучукваччалар дир-дир титраб, ҳамон ғингшиб ётардилар. Очлик ва совуқ жон-жонларидан ўтиб, миялари ишлай бошлади: онаси уларни ташлаб кетгани рост, йўқса, келиб эмизарди-да. Ёлғиз умид чўпондан. У кулбасидамикан? Кеча катакка мўралаб, яхши гаплар айтганди, онага овқат берганди. Лекин нега нотаниш кишилар ҳаммаёқни вайрон қилишди? Қўйларни ҳам қолдиришмади?

Кучукваччалар гандираклаганча катакдан чиқиб, кулба томон типратиканга ўхшаб пилдирадилар. Кимсасиз вайронага дуч келишди. Орқага қайтиш керак! Энди улар иккинчи харобага – кўйхонага рўпара бўлишди.

– Онажон! Қаердасиз? – ўз тилида зорланди оқ күчүкча.

– Онажон! Жон, онажон... – йиғламсиради қорамтири күчүкча ҳам. – Акам сизни чақирайпти. Унинг қорни жуда оч.

Шамол кучайиб, харобазор даҳшат-ла ғувиллади. Адашган томчилар ака-уканинг тумшуқчаларига урилди. Кучукчалар чўпоннинг вайронага айланган қароргоҳи ўртасида чор-атрофга аланглаб, нола-ю фифон кўтардилар. Ҳар бири умид билан онасини чақирса-да, энди ҳеч қачон қайтмаслигини юрақдан сезарди. Бироқ улар ўлим нима эканини тушунмасдилар. Нақадар ожиз, нақадар нотовон эдилар. Яшаб кетишлари ҳам даргумон.

Оч кучукваччалар катакка қайтиб, яна ковакка тушиб олишди. Бир-бирининг пинжига тиқилиб, кўзларини юмиб, гужанак ҳолда ётишди. Бошқа меҳрибонни қаердан ҳам топиш мумкин? Димоқларига она ҳиди урилганда, илкис кўз очишар, аммо ҳар сафар туш бўлиб чиқарди.

Ярим кечаси олисдан улиш эшитилди.

– Онаммикан? – иккиси ҳам ҳаяжонли вангиллаб, қулоқларини динг қилди.

Тоғларга ёйилаётган улиш ўта ёқимсиз бўлиб, этни жунжиктиради. Кучукчаларнинг нафақат ғижини келди, балки бўғизлари ҳам, панжалари ҳам ғалати бижирлаб, митти тирноқчалари нишурди. Шунда ўз-ӯзидан илк бор ириллаб юборишди. Ҳақиқатан, нотаниш увиллаш ғижинларини келтириш билан бирга, тишларини ҳам қичитиб, қонларини гупуртирган эди.

Кўп ўтмай ташландик қўйхонада номаълум мавжудотнинг қўрқинчли ҳарсиллаши қулоқقا чалинди. Афтидан, эшақдек келадиган маҳлук узун тилини осилтириб ўлжа дардида изғирди. Кучукчаларнинг томирларида бўрибосарнинг қони оқмоқда эди. Иккаласи ҳам бир нафас очлик, совуқ, қўрқувни унубиб, катак оғзига бордилар. Сут тишлари шалвироқ лаблари орасида аррадай тизилди, бўғизларидан яна ириллаш пайдо бўлди. Ёввойи улиш яқингинадан ёйилди. Кучукчалар нафас олмай кутишди. Шу пайт маҳлуклар алланимага талашиб ғижиллаша бошлидилар. Уларнинг ўртасига тушган мавжудот тилкапора бўлиши муқаррар эди.

– Бўрилар! – ортга чекинди қорамтири кучукча. – Ака, улар кўп! Бизни еб қўйишлари мумкин!

Кулбадан қўйхонага, қўйхонадан кулбага бир неча баҳайбат бўри ер исказ, лўкиллаб ўтди. Ой шуъласида уларнинг оғизларидан буғ уфуриларди. Кўзлари совуқ ялтираб, чўғдек порларди. Елкалари кенг, бели ингичка бундай олғир қароқчиларга жимитдеккина икки кучукчанинг бас келиши имконсиз эди.

Бўрилар сардори катакдан ўттиз қадам нарида чўнқайиб ўтирди. Бошқалардан фарқли ўлароқ унинг икки кўзи катакда эди.

Йиртқич тўда ейишга ҳеч вақо тополмагач, сардорга қаради.

– Абжағи чиққан катакда нимадир қолган деб ўйлайсизми, хўжайн? – ириллади бири. – Нега бунчаликиласиз?

– Ўчир! – тишлари ғижирлади бўрилар сардорининг. – У ерда бизни итнинг болалари кузатаяпти!

– Нима-а?!! Итнинг болалари? Наҳотки, одамзот ўз малайларини бизга тайёр емиш қилиб ташлаб кетган бўлса?!

Қароқчилар катакка яқинлашиди. Кучукчалар ортга чекиниб, ковакка тушиди. Агар бўрилар ҳужумга ташланишса, катакни бузиб, кучукваччаларнинг бўғзидан олишлари ҳеч гап эмасди. Аммо бўрилар бузғунчилик қилишни ҳам, катакка бостириб киришни ҳам ўзларига эп кўрмай кўпикдек тўдалашдилар. Важоҳатларидан жамики тирик жоннинг юраги ёриларди. Бири ғазабнок ириллаб, узун панжасини чўзиб, ер тирнади. У кучукваччаларнинг томоғига тиш босиб, ташқарига судраб чиқиши учун бўрибосарнинг ҳиди ўрнаб қолган тор катак тўригача эмаклаши, борган сайин торайган оралиқقا суқилиши, қорни билан ётган кўйи судралиши, сўнг боши сифмайдиган ковакни тирнаб кенгайтириши керак эди. Бўри бундай паст ишни ўзига эп кўрмади. Уларнинг орасида малай ҳам йўқ эди.

– Ўзим гаплашаман! – Бўрилар сардори тўдани ёриб ўтди.

Кучукчалар тишлирини кўрсатиб, кўзлари ёвқур бокиб, ҳимояга шайландилар. Кучук болаларининг ингичка бигиллашини эшитган бўриларнинг қонлари жўшиб, катак атрофини гир айланиб, ғажишга йўл ахтаришиди.

– Кўзичоқдан ҳам ожиз бечорасанлар, – деди бўрилар сардори. – Чиранишларингдан фойда йўқ. Яхшилиқча, ташқарига чиқинглар. Қўрқманглар, иккалангга ҳам шафқат қиласман. Биз билан кетиб, бўри бўлиб яшайсанлар.

Кучукчалар жасуруна ириллаш билан жавоб қайтаришиди. Ҳужум бошланса, қаҳрамонларча олишишни күнгилларига тугдилар. Ҳақиқий ит қонхұр бүри олдидә ҳеч қачон таслим бўлмайди. У фақат инсонга бўйсинади.

– Охирги марта сўраяпман! Одамга қул бўлиб яшагандан кўра бизга қўшилинглар! Онангларни танирдим. Ўлигини селда қолган қўйлар орасида кўрдим. У энди тириклар сафида йўқ. Сенлар онанглар каби зотдор, бақувват бўлиб вояга етасаллар. Биздек тўрт оёқли жасурларга иккаланг ҳам кераксан.

Жанг олдидан видолашиб учунми, кучукчалар бир-бирига қарашибди. Иккисининг ҳам кўзида онаси яшарди. Ҳа, онасининг кўзлари шунаقا боқарди. У инсон учун яшади, инсон учун ўлди. Ҳар бир итга шарафли ўлим шу.

Дарҳақиқат, кучукчалар илк марта ўлим ҳақида ўйладилар ва:

– Биз ҳам инсон учун яшаймиз ва мардларча ҳалок бўламиш! – дейишибди.

– Иккисини ҳам ўлдиринглар! – буюорди бўрилар сардори.

Ваҳшийлар тўдаси катакка ташланди. Уларнинг тирноқдор узун қўллари коваккача чўзилди. Кучукчалар хурпайиб, жон-жаҳдлари ила ириллаб, ўзларини ҳимоя қилдилар. Жанг чоғида илк бор акилладилар. Бу қароқчиларга бўрибосарларнинг вовиллаши бўлиб туюлди. Ўзларини бетартиб ҳолда катак оғзига ураётган қутурган тўданинг рухи тушди.

– Қайсар экансанлар, – деди сардор ковакда ялтираётган икки жуфт кўзга. – Бутун умр катакда қул бўлиб яшаб, одамнинг берган миннатли ошини

ейман, фарзандларимни тортиб олиб, кимларгайдир хизматга топширишларига розиман, десанглар, шу ерда қолаверинглар. Сен, ҳой, оқ итча! Онангга қүйиб қўйгандек ўхшар экансан. Сен эса, ҳой, кўк итча, қорамтири кўринсанг ҳам, аслида мен каби кўксан. Дунёда кўк бўри каби кўк ит борлигини биринчи кўришим. Йиллар ўтиб, фақат ва фақат афсус чексанлар. Чунки ҳеч бир жонзот қулликда баҳт топмаган.

Бўрилар кекса чўпондан қолган ҳаробани тарк этишди. Катак тўридаги ковакда ярадор ака-ука тонггача ухломай ётди. Бир-бирининг ярасини яладилар. Иккови шундан баҳтиёр эдиларки, гарчи оналаридан ажралган эса-да, она руҳи кўзларида, юракларида, хатти-ҳаракатларида яшайди. Ҳа, у ҳеч қачон унугилмайди. Она умрбод ҳамроҳдир.

\* \* \*

Кунлар анча исиб қолди. Ёмғир ҳам ёғмай қўйди. Чўпоннинг ҳаробасини титкилаб юрган кучукчалар аввал бир бўлак нон топиб олишган бўлса, кейинроқ гўштга дуч келишди. Тўғри, гўшт анча бадбўй эди, аммо очликка чидаш ҳам осон эмасди.

– Ўлакса ейишга кунимиз қолдими? – мунғайди оқ кучукча.

– Уни мендан совға деб қабул қилинг, ака, – юпатди қорамтири кучукча. – Ҳали қўрасиз, яхши кунлар олдинда.

Бўрилар сардори айтгандек, қорамтири кучукча кун сайин ўзгариб, кўкимтири тусга кирди. У ҳар гал акасига қараганда, фақат кўзларида эмас, ранг-тусида ҳам

онасини кўради. Акажонисига шунчалик меҳрибон эдики, еру кўкка ишонмасди. Мабодо ҳазиллашиб ғижиллашишса, харобалар оралаб қувлашишар, aka ўз услубига кўра ўнг ёндан ташланиб, томоғидан олишга уринарди. Ука бошини туйқус эгиб, айни дамда акасининг тумшуғи тагидан тишлашни ёқтиарди. Шунда ҳам ҳеч қачон чинакамига тиш ботирмасди. Гоҳида акаси оғритиб юборганда ҳам чидарди. "Биз ўйнаяпмиз, у ўз акам-ку" дерди ичида.

Кунларнинг бирида роса чанқаб, жилға бўйига тушдилар. Зилол сувни ялаб-ялаб ичдилар. Кейин барра ўтлар устида думалашиб ётдилар. Ҳолдан то-йиб кўзлари илинган маҳал олисдан ит ҳургани эши-тилди.

– Онам! – сапчиб турди aka.

Иккиси қирга чопиб чиқишиди. Ундан ҳам нариги қирда сон-саноқсиз қўйлар ўтлаб юришарди. Уларни оқ бўрибосар қўриқламоқда эди.

– Онажон! – пастга эниб кетди оқ кучукча.

– Тўхтанг, aka! – акиллади кўк кучукча. – У онам эмас, бегона!

Эҳ, оқ кучукча қулоқ солмади. Худди шуни кутиб тургандек қирлар оралиғидаги эгри-буғри йўлдан "УАЗик" чиқиб келди. Бу вақтда оқ кучукча пастликка яқинлашиб қолганди. Тўхтамоқчи бўлди, лекин мувозанатини саклаёлмай умбалоқ ошиб, тоғдан кўчган тош каби думалади, думалайверди. Пастликка – ғилдираклар қўшоёқ из ҳосил қилган йўл устига-ча борди. Машина таққа тўхтади. Кабинадан бақалоқ киши тушиб, кучукчанинг устига энгашди. Сурув томон ўринча қараб олгач, "УАЗик"ка шошилди. Фур-

сат ўтмай темир махлук жойидан жилди. Шундагина кўк кучукча акасидан бир умрга айрилаётганини тушунди.

– Акажон! – аянчли акиллади у.

Жон ҳолатда пастга югурди. У ҳали кичик ва тажрибасиз эди. Неча бор қоқилиб, умбалоқ ошиб, йўлга етиб борганида, машинанинг қораси ҳам кўринмасди. Ҳавода ёқимсиз ис қолганди. Кучукча гоҳерни, гоҳ ҳавони исқаб, машинанинг изидан жўнади. Одамлар кўринса, паналади, итлар учраса, бир чақирим наридан айланиб ўтди. Йўлдаги жилғалардан чанқоғини қондирди. Гоҳ чигиртка тутиб еди, гоҳо ҳаётнинг ўзи овқат қолдиқлари билан сийлади. Кундуз ҳам юрди, кечаси ҳам. Машина ғилдиракларининг излари ғойиб бўлган, тутун ҳиди аллақачон йўқолган бўлса-да, олға юраверди. У қандай қилиб бўлса ҳам акасини топишни ва қутқаришни ўйларди. "Ўзимиз туғилган жойга, онамнинг уйига олиб кетаман", деб юрагига тугди.

Учинчи кеча ҳолдан тойиб, тошдек қотиб ухлади. Офтоб нурлари иситганда кўзини очди. Очди-ю ҳайронлик-ла аланглади. У мўъжизакор сайҳонликда ётарди. Атрофни баланд бўйли экинзорлар, дарахтлар қуршаганди. Қушларнинг чуғур-чуғурию шамолсиз дим ҳаводан янада ажабланиб, тентирай бошлади. Кечаси бу ерга қайси сўқмоқдан келиб қолган бўлса?

Қулоғига машина овози эшитилгач, ўша ёққа югурди. Акасини ўғирлаб кетган машинанинг ванғиллашига ўхшамаса-да, умид уйғотди. Бир пайт ойнадек текис, кенг кўчага чиқиб қолди. Машиналар ҳам ғиз-ғиз ўтар, бундай тезюар уволларга югуриб этишнинг иложи йўқ эди.

Кучукча йўл ёқалаб уфқ сари йўл олди. Бир пайт ёнгинасидан шамол уфуриб ўтган қора улов қўрқинчли шиғиллаб, йигирма-ўттиз қадам нарида тўхтади. Но-таниш кимсанинг бўй-басти кўринди. Кучукча унга, у кучукчага тикилди.

– Ё тавба! – деди эркак ҳамроҳларига. – Омадимиз чопиб, сиртлонга дуч келдикми, дейман! Қаранглар!

Машинадан яна икки киши оёқ чиқариб, сўнг гавдаланди. Кучукча ният-мақсадлари бутунлай бошқа жонзотларга дуч келганини фаҳмлади. Уларнинг қўлига тушса, тамом, акасини тополмаслиги муқаррар.

– Бўрибосарнинг боласими? – деди бири.

Кучукча дараҳтзорга қочди. Одамлар камзулла-ри барини ҳилпиратиб, жон-жаҳдлари ила ортидан кувдилар. Дараҳтзорга ичкарилаганлари сайин ўт-ўланлар қуюқлашди. Қутулишнинг имкони бор эди, аммо неча кундирки оч-наҳор узоқ йўл босгани кучукчага панд берди. Ҳалиги киши тутиб олиб, даст кўтарди.

– Эркак экан!.. Воҳ, тишламоқчи бўлганини қаранглар! – У ёқ-бу ёққа ағдааркан, қичқириб юборди: – Оғайнилар! Бу мен ахтарган жангари зотдан-ку! Ё қудратингдан! Унинг ўзи оёғим остидан чиқди-я! Итфурушниги бормаймиз! Шу ердан орқага қайтамиз!

Катта йўл ёқасидаги "Нексия" ортга қайирилди. Машина шамолдек учди. Баланд кўприқдан ўтаётганларида, кучукча чап томонда тобора ортда қолаётган тепаликка кўзи тушди. Дарров англади: у тепалик эмас, туғилиб-ўсган ватани, онаси ва акаси яшаган муҳташам тоғ.

– Алвидо, ватаним, – заиф ангиллади кучукча. – Алвидо, онажоним... акажоним!.. Мени кечиринглар!..

\* \* \*

Кишлоқда "Раҳматулла йўлдан зотдор кучукчавачча топиб олибди" деган миш-миш тарқалди. Қизиқувчанлар ажабтовур кучук болани кўришга атайн келишиди. Оёқлари бақувват, елкадор кучукча одамларга тап тортмай тикилди, яқинлашганларга ғазабнок ириллади. Унинг важоҳатига пастак қўйхонадаги озғин қўйлар, молхона айвонидаги қоқсуяқ сигир, чангга думалаётган оқ эшак – ҳаммаси ҳайрон бўлиб қарадилар.

– Ранги қўкимтири, эътибор бердингларми? – деди Раҳматулла. – Унга Қўкли деб лақаб қўйдим. Вилоятимиздаги энг зўр уришадиган ит бўлади.

– Ҳамма ютуқларни энди сиз оларкансиз-да?

– Буни боқишига қанча харажат қилинишини ҳам бир ҳисобла-да, ахир, – керилди Раҳматулла. – Шунча пулни топиш ҳам осонмас.

Эски тоғорада кир юваётган хотини норизо боқди. Юрак ютиб бир сўз деёлмай, кучи борича кирларини эзғилади.

– Ая, нон, – ғингшиди уч ёшлардаги иштонсиз ўғилчаси.

Аёл қулаган дарахтни от қилиб ўйнаётган етти ёшлардаги болага ўшқирди:

– Хў-ўв чавандоз! Момонгникига югуриб бор-да, "Нон бериб тураркансиз", де! Даданг дўкондан ун опкелса, нон ёпаман! Халтанинг ҳам таги кўриниб қолган!

Раҳматулла чирт этиб тупуриб, хотинига қаради.

— Менга теккизиб гапирайсанми? Бораман дўконга! Шуни етти маҳаллага етказиб, жар солиш керакми?

Ишқибоз эр дўкондан тўлиб-тошиб қайтди. Сут, қатик, бўтқа, хом гўшт – булар энди Кўклига муаммо эмасди. Дастребки кунлари олисларда қолган акасини ўйлаб, истар-истамай овқат еган бўлса, бора-бора ҳаёти овқат ейишу арқонга боғланган қўғирчоқни ғажиши билан ўтди. Эгаси уни ҳеч кимга кўрсатмай қўйди, молхона эшигини фақат ўзи очарди. Айтишича, на бирор жониворни, на бирор касни кўрмай улғайган ит ҳақиқий жангари бўларкан. Кўкли эгасини янада хурсанд қилиб, тулупларни бир зумда ғажиб ташларди.

Вақт ўтаверди. Раҳматулла панжара билан тўсилган айвон ўртасидан чоҳ қазиб, Кўклини туширди ва қассоблардан қони оқизилмаган хом гўшт келтирадиган бўлди. Гоҳида тоғорада қоннинг ўзи билан ҳам сийларди. Кўкли фақат эгасини кўтарди, фақат унинг исини биларди. Бошқа одам айвонга яқинлашса ёки овози эшитилса, даҳшатли вовилларди. Бора-бора ҳовлида аёлнинг овози ҳам, болаларнинг беғубор кий-чувлари ҳам учди. Кўкли ўзини дунёнинг эгаси деб ҳисобларди. Ундан бошқа ҳеч ким бемалол яшолмайди. Ким бор Кўклига халақит берадиган?

Раҳматулла итининг тишлари мустаҳкам бўлсин деб икки маҳал кальций таблеткасини ҳам едирап, қони янада гупуриши учун портвейндан ичкизарди. Кўкли нафақат итларнинг, балки айиқнинг ҳам бўйини узиб олишига ишонарди. Ҳа, халқ таъбири билан айтганда, Кўкли эшакдек ит бўлди. Ит эмас, мисо-

ли бўри бўлди. Довругини эшитган Раҳматулланинг кучукбоз ошналари келиб чоҳга мўралашди ва: "Эй жўра, сен ит әмас, кўк бўри боқибсан! Тез орада бойиб кетиб, эл-юрга тўй қилиб берасан, данғиллама уйлар қурасан, бирорларнинг "Нексия"сига ялиниб юрмайсан", дейишди.

Нихоят, якшанба кунларининг бирида Кўклини чоҳдан чиқаришди. Кўкли атрофга важоҳат-ла кўз югуртириди. Ҳовли янада хароб кўринди. Кўйхонадаги озғин қўйлар, қари сигир, чангга ағанувчи эшак, ҳатто қулаган дарахт ҳам ғойиб бўлганди. Кўклининг назарида, уларни номаълум мавжудот бир кечада ғажиб кетган эди. Кўкли ҳавони исқаб, ириллади. Шу заҳотиёқ уни қўшнининг "тумбочка" машинасиға қамаб, дарё ортидаги қишлоққа жўнадилар. Бу ерда кучук уриштирувчилар ва эллик-олтмиш ҷоғли томошаталаблар тўпланишган эди. Бўлди жанг, бўлди қиёмат! Кўклининг биринчи рақиби сарик ит эди. Раҳматулла "Бос!" деган он Кўкли минг йиллик қасди бордек дарғазаб ҳолда ташланди. Биринчи жанг уч дақиқа давом этди, холос. Сарик итни Кўклининг чангалидан зўрға қутқариб олишди.

Иккинчи рақиб ола ит эди. Кўзи қонга тўлган Кўкли унинг устига мисоли тўфондек бостириб борди. Ернинг тутуни чиқиб, икки ит бир зум кўздан йўқолди. Сўнг фақат Кўклининг ғириллаши қолди дунёда. Қарашсаки, бўғзи ғажилган ола ит аллақачон жон таслим қилиб бўлибди.

Шунда ҳам одамларнинг кўнгли яна ва яна жангни тусарди. Кейингиларида итларнинг иккитаси Кўклининг важоҳатидан хуркиб, думини қисиб, ерга ётишган бўлса, яна бири оғир яраланди. Уриштиришга

келтирилган учта ит эгаси Күклига қарши жангчиларини туширишдан ошкора бош тортишди. "Бу ит эмас, ажал-ку", дейишди улар.

Оломон янги жангчини олқишлиди, тикилган пулларни эса Раҳматулла чўнтакларига сиғдиролмади.

– Мақсадга эришдим! – бўкирди қулочини ёзиб.  
– Қани, қаерда катта жанглар бор? Менга айтинглар!  
Ўз гладиаторим билан бораман!

Кўклини "тумбочка" машинага зўрга чиқаришди. У худди бутун умр шу дамларни кутиб яшагандек жангга ташна эди, рақиб ахтариб, атрофга аланглар, юлқинар, қулоқларни қоматга келтириб вовилларди. Чарчаш, қўрқиш, оломон олдида эсанкираш тугул, баттар жўшиб борарди.

– Кейинги якшанба Оқтепада кучук уриштириш бўлади, – деди кимдир. – Эшитишимча, дов катта бўлармиш. Бир-икки миллион...

Раҳматулла Кўклини ветеринарга кўрсатди, касалликларга қарши укол қўйдирди, қассобларга қони оқизилмаган гўшт буюртма берди.

– Хотинингизга ҳам бунақа меҳрибонлик қилмагансиз-а? – деди ветеринар.

– Нималар деяпсиз! Ҳатто, боламга бермаган овқатларни едириб, шу даражага етказдим! – жавоб берди Раҳматулла.

Кечкурун Кўклининг чоҳига гўштли йирик-йирик суякларни ташларкан, деди:

– Еявер, гладиатор, сен бунга лойиқсан! Кўрасан, биз ҳали ҳамма жангда ғолиб бўламиз!

Кўкли ўзига ишонган ит эди. То танасида жони бор экан, хўжайинининг айтганларини тўла-тўқис бажа-

ришига шак-шубха қилмасди. У чохни уй, сүякларни хизмат ҳақи, мақтовларни мукофот, буйруқ ижроси-ни яшащдан мақсад деб билди. Мияси доим шундай хаёл билан банд эди: тезроқ жангта кирса, рақибларни янчид ташласа, соҳибининг мақтовларини эшитса.

Бирок у ҳар доим ҳам бир хил кайфиятда яшол-масди. Узун кечалари қандайдир ҳидданми, то-вушданми уйғониб кетганида, юрагининг бир чети симиллаб оғрирди. Нима у? Нега безовта бўлаяпти? Енгилмас вужудни қийнаётган бу туйғу не сабабдан гунча очди? Ё аввалдан бормиди?

Кўкли ўзига-ўзи тушунолмай, ўйга толарди. Кўпинча жангчи эканини эслаб, бўғиқ ириллаб қўярди. Чоҳдан чиқаришган кезлари ҳам атрофга ғазабнок боқарди. Ким Кўклини кўрса, ўзини четга тортарди, "Ишқилиб тишлаб олмасин", деб хавотирланишарди. Раҳматулланинг хотини болаларига "Кўклининг занжири узилса, ҳаммангни еб қўяди, тезроқ ўйга киринглар", дерди. Бундай гаплар Кўклининг завқини келтиради. Ит ҳам одам ейдими? Кўкли янада важоҳатли кўриниб, чор-атрофга атайин ҳурпайиб назар солар, ириллар, бегоналарга вовиллар, эгаси маҳкамрок ушлаётганини сезса, жўрттага юлқиниб, ўтган-кетганнинг ўтакасини ёради.

Ҳамма бир нарсани унутган эди: Кўклининг юра-ги тошдан эмасди. Кечалари уни баайни юраги бе-зовта қиласди. Гоҳида қўйхона атрофидан ўтиб қолганларида, кўксининг бир чети янада ғалати, янада чукурроқ санчиб қўярди. Бу оғриқнинг сабабини тушунолмасди. Кимдан ҳам сўрасин. Кўклининг на биродари, на ҳамсуҳбати бор эди. Бора-бора кечала-

ри алоқ-чалоқ тушлар күриб уйғониб кетадиган бүлди. Нега қийналаяпти? Ейишга овқати мүл, ётишга бошпанаси саройдек. Тушларини эсласа, туманлар ичидан оқиши шарпа чиқиб келади, қўйлар маърайди, олисда бир ит вовиллайди. Шарпа қўй ҳам, одам ҳам эмас. Оқ итнинг ғира-шира суврати жонланади. Кўкли унга етиб олиш истагида талпинади. Итнинг шакл-шамойили қир ошиб ўтади-ю, ер ютгандек ғойиб бўлади-қолади. Уйқудан кўзлари қизарип уйғонади. "Жангчи ҳар хил хаёлларга берилмаслиги керак, – овутади ўзини. – Мен оддий ит эмас, жангриман! Фақат жанг ҳақида ўйлашим керак!"

Олд оёқларига айиқникидек бошини қўйиб, яна хаёлларга берилади. "Мен жангчиман", – такрорлайди у. Лекин энди ўз даражаси ҳам юрак ярасига малҳам бўлолмайди. Ҳаётидаги бўшлиқни тўлдириш кераклигйни тушунади. Бўшлиқни нима билан қандай тўлдириш кераклигига ақли етмайди.

\* \* \*

Кўкли Оқтепага важоҳат билан қадам қўйди. Одамлар уни кўрган заҳоти икки томонга тўдалашиб йўл беришди. Раҳматулла занжирни билагига икки айлантириб ўраб олганди. Оломон орасидан:

- Раҳматулланинг ити мана шу-да!
- Қани, биз ҳам қарайлик! Вой-бў, кўк бўри-ку!
- Нақ Кинг Конг-а! – деган хитоблар эшитилди.

Биттаси ҳаммадан баланд овозда деди:

- Бугун жангга тушадиган Холбек аканинг ити Кинг Конг! Бу ким бўпти? Кинг Конг ҳар қандай Кўклигни таппа босади!

Шовқин-сурон кучайди:

- Бекор айтибсан! Мен Кўклига пул тикаман!
- Мен Кинг Конгга! Кўклинг кўп жанг кўрмаган!

Тажрибаси кам!

Оқтепага йигирма чоғли ит, икки юздан ошиқ томошибин тўпланганди. Машиналар ҳам худди кўпкари бўлган кундагидек тепалик атрофини тўлдирганди. Раҳматулланинг келаётганини кўрган Холбек йўлини тўсди.

– Раҳматулла, – деди у мўйловини силаб, – кучугинг ҳақида эшитдим. Мана, ўзини ҳам кўрдим. Кўри нишига қараганда, зотдор бўрибосар, гап йўқ. Муаммо шундаки, бугунги жангни мен ташкил қилдим. Кинг Конгимни танисанг керак? Бу ерда ҳам, қўшни туманларда ҳам у ҳамма довни ишлаб олади, бунга кафолат бераман.

– Баракасини берсин, aka, аммо бизнинг ҳам ит уриштиришга ҳаққимиз бордир?

– Ҳаққинг бор, албатта. Ўзингни даврага ураверма, демоқчиман.

– Ит жанги-ю, aka!

– Кинг Конгдан қолган ипирисқилар сеники, тушундинг-а, ука?

Раҳматулла Кўклини тепалик этагидаги трактор панасига етаклаб борди-да, теляжкага боғлади. Кинг Конг майдонга тушди. Бир-бирига қараб юргурган итлар икки оёқда туриб, одамдек олишдилар, қутурган томоқлардан отилган даҳшатли ириллашлар олисларга-да ёйилди. Оломон ҳайқириғи ҳам оламни тутди.

– Бос, Кинг Конг! – бўкирди Холбек. – Ғажиб ташла!

Бирин-кетин олтита итнинг аянчли вангиллаши эшитилди. Холбекнинг ғолибона ҳайқириқлари ҳам тинмади. Кўкли трактор филдираги ортидан тумшуғини чўзиб тўдага қаради. Юзи қўпчиб қизарган Холбек чеккага чиқиб, пулларни дасталаб санаради. Кинг Конгга дам бериш учун шотирлари четга етаклаб чиқиши. Кўклининг қони гупуриб, Кинг Конгга нафратомуз боқди. Кинг Конг деганлари қора юнглари ҳурпайган ҳўкизидек ит эди, Кўкли баттар ижирғанди. Негадир унинг эгасидан ҳам нафраланди. Бунча мақтанимаса! Кейин ўйлаб қолди: Раҳматулла ҳам мақтанинади, Раҳматулла ҳам пулни очофатларча санайди.

Майдонга оддий жайдари итлар туширилди. Улар арзимас дов учун талашдилар. Кўкли хашакиларнинг тенги эмасди, биринчи ҳамладаёқ ўлдириб қўйиши турган гап эди.

Пул ютиб беролмагани учун бир йигит итини гаврон билан урди. Одамлар итнинг ҳам, эгасининг ҳам устидан хахолаб кулишди.

– Холбекжон, – деди басавлат киши, – пулларни олиб қочманг-да! Дарёбоддан Раҳматулла Кўкли деган ити билан келиб ўтириби. Жайдариларнинг пишакча уришишидан одамлар зерикди. Эгаларини қаранг, итидан-да майдакаш! Ҳамма Кинг Конг билан Кўклининг чиқишига талабгор! Нима дейсиз?

– Ҳа, Кинг Конг билан Кўкли тушсин! – ҳайқирди оломон.

– Эгаси нима деркан? – истеҳзоли кулимсиради Холбек. – Харажат қилиб боқсан ити майиб бўлишидан қўрқмайдими?

– Биз ҳеч қачон қўрқмаганмиз, – деди Раҳматулла.  
– Келганимиздан, Холбек ака, ўзингиз йўл бермадингиз. Жангни сиз ташкил қилган бўлсангиз, раҳмат деймиз. Бу янги полвонлар майдонга тушмасин, фақат эски, енгиладиганлари чиқсин, дегани эмасдир?

– Оғзингга қараб гапир! – ўдағайлари Холбек. – Сенга йўл бермадимми? Опкел итингни!

– Халойик! – бақирди жарчи. – Енгилмас Кинг Конгга қарши Дарёободдан келган Кўкли жангга чиқади! Даврани кенгроқ олинглар! Кинг Конгни билмаган одам йўқ! Эшитишимизча, Кўкли ҳам ундан қолишмас эмиш! Нечта жангга тушган бўлса, ҳаммасида ғолиб бўлган! Хуллас, ўртоқлар, бугунги кучук уриштирув мусобақасининг финалида ажойиб жангни томоша қиласиз! Бир марта ҳам енгилмаган икки ит жангни! Пулни қайси бирига тикишни ўзларингиз ҳал этингизлар! Ким ғолиб бўлишни эса итларнинг ихтиёрига қўямиз!

Кўкли вужудига куч ёғилганини ҳис этди. У оёқ учида оҳиста яқинлашаётган йўлбарсдек кирди майдонга. Одамлар ҳар бир қадамини санаётгандек диққат-ла тикилиб туришарди. Раҳматулла етаклаб бораркан, уқтириди:

– Мени шарманда қиласа. Ҳозир енгсанг, вилоятда сенга бошқа ракиб қолмайди. Энг машҳур жангчига айланасан.

Кенг давра ясадилар. Халойик мисоли девор бўлиб ўради майдонни. Гала-ғовур пасайди. Жанг олдидан итлардан ҳам кўра ишқибозларнинг юраги потирлаб урарди.

– Жим! Кўз кўзга тушди!

– Воҳ! Даҳшат-а!

Икки баҳайбат итнинг қонга тўлган кўзлари бир-бирига қадалиб, лаблар орасида қозикдек тишлари яраклади, юнглар ҳурпайди.

– Бос! – бўкирди Холбек.

– Бос! – қичқирди Раҳматулла.

Кўклининг оёқлари остидаги ер титилиб, парча-парча увадалар учди ҳавога. Кинг Конгнинг устига қуюндек етиб борди. Тумшуқ тумшуққа урилди, тишлар такиллаб, бўғизлардан чиққан ириллашлар иккисининг-да қулоқларини том битказди. Кинг Конг олдинги рақиблардек эмасди, уни гавда билан уриб йиқитиб бўлмади. Катта очилган оғзи икки-уч марта Кўклининг танасини омбурдек қисди. Елкасидаги оғриқдан Кўкли ўкириб юборишига оз қолди.

– Бос, Кўкли! – калтаклагудек яқинлашди Раҳматулла. – Нега бўшаашсан, лаънати?! Шунча еган гўштларингни қусмоқчимисан? Ол бўғзидан! О-о-л!..

Дастлабки тўқнашувдан сўнг икки ит бир нафас рўпара туриб қолишиди. Кўклининг елкасидаги жароҳатдан оқаётган қон юнгларини ивитди. Хаёли жароҳатда ҳам, рақибда ҳам эмасди. У эгасидан сўкиш ва миннат эшилди. Шу тобда тушида кўрадиган кенгликлар, оқ ит шарпаси, энтиқтириб юборувчи ҳид – ҳаммаси жонланди. Нега жанг қилаяпти? Қонли олишувлар учун туғилганми? Қачонлардир унинг бошқа мақсади бор эди-ку? Нима эди ўша мақсад?

Кўкли тушидаги шарпадан бошқа барчани ёмон кўриб кетди. Раҳматулла тинмай бўкираяпти. Оломон оғзида ҳам бир хил хитоб: "Улдир! Улдир! Ўл-

дир!.." Күклиниң юрак-бағри күйиб кетди: "Қачон тугайды бу томошалар? Душманларни бир бошидан қириб ташласа қутуладими?"

– Бос! – деди яна Кинг Конгнинг эгаси. – Сенинг үрнингни эгалламоқчи бўлган даъвогарни ўлдир!

Энди Кинг Конг биринчи бўлиб ташланди, оломон ҳайқириб юборди. Кўкли даҳшатли тумшуққа чап бериб, Кинг Конгнинг бўғзига тиш ботирди. Рақиби ҳам тишламоқчи бўлган эди, гавдасини ёнма-ён олиб қочди. Иккаласи бигиллашиб, ғириллашиб, ёввойи-ларча ириллашиб гир айлана бошладилар. Даврадан кўтарилиган чангда ҳеч нима кўринмай қолди. Одамлар қонли жангни яхшироқ томоша қилиш иштиёқида гувва талпиндилар. Бир неча дақиқа ўтиб, фақат бир итнинг овози эшитилаётганини англаған кимдир:

– Ажратинглар! Тамом! Тамом! – деб бақирди. – Сизларга ит керакми, ҳой Раҳматулла aka... Холбек aka... Биттангизники кетди...

Шу пайт чанг-тўзон тарқаб, Кўкли қад ростлади. Оёқлари остида Кинг Конг ўлиб ётарди. Оғиз-бурни қонга бўялган, кўзлари ёвуз бўриникига ўхшаб қолган Кўклидан қўрқиб, одамлар бирдан ортга тисланишиди. Ҳа, халойик бежиз қўрқмаган эди. Кўкли итларга эмас, одамларга нафратомуз тикилди.

– Итингни ушла, Раҳматулла! – қичқирди даврабоши.

Раҳматулла Кўклини зўрға тинчлантириб, машинага амаллаб чиқарди. Ўша кеча Кўкли ухломай ётди. Жон бераётган Кинг Конг, қутурган оломон, сўкинаётган Раҳматулла кўз олдидан нари кетмади. Бундан кейин у қандай яшashi керак? Яна

нечта итни ўлдиришига түгри келади? Озгина бүшашганида Раҳматулла оғзига келганини қўймай ҳақоратлади, мабодо енгилганида ҳоли нима кечарди? Кўкли бир йигит нўноқ итини гаврон билан қандай урганини кўз олдига келтириб, оғир хўрсишиб қўйди-да, қовоқларини юмди. Шунда унинг қулоғи олисдаги товушларни илғади. Раҳматулланинг чеккадаги меҳмонхонасида эркакларнинг шодон қийқириклари, қадаҳлар жарангি, табриклар ҳавога учди. Итларнинг қони эвазига келган ғалабани ўн чоғли кимса тўкин дастурхон устида нишонляяпти. Кўклининг бурнига ароқ ва сигаретнинг қўланса хиди урилди. Меҳмонлар туғишган ака-укалардек яқин эканликларини даъво қилишди, бир-бирини кўкларга кўтариб мақтاشди, ўртадаги ришталар умрбод узилмаслигини, кайф-сафо ҳам тоабад давом этишини айтиб, қадаҳлар кўтаришди.

"Нега менинг ака-укам йўқ? Ота-онам-чи?" – ўйлади Кўкли.

Шу пайт кўзлари ярқ этиб очилди.

– Ака, – деди Кўклининг тили, – акажон...

Олис ўтмишда қирдан думалаётган жажжи оқ кучкча кўзига кўрингандек бўлди. Бутун вужудини хаёлга айлантириб, тасаввурига зўр берди. Онаси... оқ кучкча... Бўрилар... Тоғ...

– Тоғ! – Кўклининг юраги орзиқиб кетди. – Эсладим! Биз тоғда яшардик. Менинг ватаним эди у! Ҳаммаси ўша ерда... ўша ерда...

Шу-шу Кўкли жонажон ватанини, оқиши тусли акасини хаёлида жонлантирадиган бўлди. Жажжи кучукчалик давридаги айрим воқеаларни эслади. Ёмғирли кеча, катакка қайтмаган она, ҳалок бўлган чўпон,

важоҳатли бўрилар, қирдан думалаб тушган акасини ўғирлаб кетган бақалоқ кимса...

Эндиликда Раҳматулла қаерга кучук уриштиришга олиб борса, Кўкли, аввало, олис уфқларга илҳақ қаарди. Ватани қаерда? Дунёning қайси томонига қараб увласа, нолаю фарёд урса, акаси эшитади? Балки ойдаги доғлар акасимикан? Ойга учиб боролмайди, демак, акасини ҳам тополмайди.

Йўқ-йўқ, Кўкли умидини узмади. Назарида, қачонлардир ватанини кўриб қоладигандек эди. Ўша ерда акасини ҳам учратади. Акаси аллақачон озод бўлиб, тоғларга қайтган...

Устма-уст ғалаба қозонди. Ёзда ҳам, қишида ҳам жамики рақибларини яксон этди. Бири ўлди, биро-ви яраланди, яна бошқаси сўзсиз таслим бўлди. Кўклига қарши жангга тушадиган бирор ит қолмади. Раҳматулла катта қурилишга уннади, "Нексия" олди, меҳмонхонасидан бақироқ майшатпастларнинг оёқлари узилмади. Ит жангни уюстирилган қишлоқларда ҳам май ичиб, бир-икки кеча қолиб кетадиган одат чиқарди. Айниқса, йўл бўйидаги ошхонада кўхликкина ошхоначи жувон Раҳматуллага қош қоққанида, Кўкли ижирғаниб, юзини терс бурарди. Раҳматуллага нима бўляяпти? Нега у ўз атрофидаги ювинидхўрларни сезмаяпти? Гулдек хотини, болачақаси турганда, бир бетайин жувоннинг суйкалишига не сабабдан итдек хурмаяпти? Меҳмонхонасини тўлдирадиган улфатлари Кўклидан ҳам кўп овқат ейишади, суяқ кемиришади. Ва нима фойда текинхўрлардан?

Кўкли дунёning ишларига тушунолмади.

...Алалоқибат, ошхоначи жувон бошга битган бало бўлди.

– Итингизни мендан ҳам қўпроқ севасиз, – сўй-калди Кўклининг олдида уялмай.

– У бир ҳайвон-ку, – жувонни қучоқлади Раҳматулла. – Сени севаман! Сенга уйланаман, жоним!

– Хотинингиз билан ажрашмасангиз, ишонмайман.

– Итнинг ҳам, хотиннинг ҳам муддати тугади, демоқчимисан? – ҳиринглади Раҳматулла.

– Кучугингиз кўп пул келтираяпти, тўғрими?

– Тўғри.

– Унда ит қолсин, – деди жувон.

Раҳматулла чўнтағидан бир боғлам пул чиқариб, жувоннинг устидан сочди. Жувон суяк топган юнгсиз дайди кучукдек иргишлаб, Кўклининг кўнглини баттар айнитди. Тавба, эгаси нега унга ошиқ? Хотини ғамга ботгани, фарзандлари ҳар доим отадан ҳам, Кўклидан ҳам қўрқиб, юрак ҳовучлаб туришиби? Кўклининг виждони қийналди. Бундан кейин уй соҳибасига ҳам, болаларига ҳам меҳрибон бўлишни кўнглига тугди. Ошхоначи жувонга хизмат қилишдек баҳтсизлик борми? Кўкли ундан бегона эркакларнинг иси анқиётганини ҳам сезди.

Шу кеча Раҳматулланинг хонадонидан жанжал аримади: сўкиниш, чойнак-пиёла синиши, аёлнинг йиғи-сигиси, болаларнинг чирқиллаши тонг бўзаргунча тинмади. Данғиллама уй ҳам, яп-янги машина ҳам татимаган бека эрталаб жигарпораларини етаклаб уйдан чиқди. Кўкли айвонда эди.

– Қаёқдан ҳам учрадинг, ҳаром қоттур ит! –  
ийғлади аёл. – Оиламни сен единг! Одамхўр, баҳтхўр,  
болаҳўр итсан! Илойим, янаги кучук уриштиришда  
рақибинг бўғзингдан олсин! Ҳечқурмаса, майиб бўл!  
Шунда сен ҳам бизга ўхшаб калтакланасан! Кўчага  
қувиласан!

Кўкли бекага юрагини очолмади, "Сизга хизмат  
қилишни хоҳлайман", деёлмади. Бир вақтлар Кўкли  
"одам емайман" деб фахрланган эди. У аллақачон  
одамхўр итга айланганини тушунди. Беканинг ва  
фарзандларининг ортидан ёшли кўзларини тикиб  
қолаверди.

\* \* \*

Оқтепада уюштирилган кучук уриштиришлар-  
га Кўкли айтилмади, чунки унга рақиб йўқ эди.  
Раҳматулла қайсарлик қилиб, итини эргаштириб  
бораверди, лекин жангсиз қайтаверди. Йўл бўйида-  
ги ошхонада тўхтаб, тўйғунча шароб ичарди. Маст  
бўлгач, хотинини орқаваротдан сўкарди, қонуний  
йўл билан ажраштирмаётган суднинг гўрига ғишт  
қаларди.

– Уйимга юр, – деди жувонга.  
– Вой, одамлар нима дейди? – нозланди ошхона-  
чи.

– Одамлар билан нима ишинг бор? Улар менга ни-  
ма берди? Анави итчалик ҳам яхшилик қилишдими?  
Хе, қуриб кетсин ҳаммаси!

Раҳматулланинг шанғи овози чеккадаги столни  
эгаллаб ўтирганларнинг ғазабини қўзғатди.

– Ҳой, ака, – деди бир йигит, – одамларни ҳақорат  
қилманг! Одам, бу – отангиз, онангиз, ака-у坎гиз,

опа-синглингиз, фарзандларингиз. Одам, бу – Одам Ато, Момо Ҳаво. Биламиз, итингизнинг орқасидан бойиб кетдингиз, аммо кимдан тарқаганингизни, ким эканингизни ҳеч қачон унутманг.

– Сенинг нима ишинг бор, хўroz?! – ўқрайди Раҳматулла.

– Бир урсам қайтиб турмайсиз, ака, – деди йигит. – Ёшингизни ҳурмат қиласман. Агар заррача ақл-фаросат бўлганида, одамга тил теккизмасдингиз. Аслида сизни итингиз бойитмади, одамлар қутуртириди. Ҳа, одамлар! Агар улар кучук уриштиришга муккасидан кетмаганларида, пул тикмаганларида, итингиз нима қилиб берарди?

– Итимми? Керак бўлса, у... у бўғзингдан олади! – Раҳматулла Кўкли томон бурилди. – Бос, Кўкли! Тирранчанинг бир адабини бериб қўй!

Кўкли дам эгасига, дам йигитга қаради.

– Ол уни! – дея Раҳматулла итнинг занжиридан тортди.

Кўкли оғир гавдасини полдан узмади.

– Э, ҳайф сизга шундай ақлли ит! – деди йигит ва дўстлари билан ташқарига чиқиб кетди.

– Раҳматулла ака, уйингизга бора қолинг, – ялинди ошхоначи.

– Хўрандаларинг камайганига куяяпсанми? – жувонга ҳам захрини сочди Раҳматулла. – Қанча пул кепрак сенга, қанча?

– Уйингизга бора қолинг, дедим, холос, асалим...

– Мен билан кетасан! – жувоннинг қўлидан ушлади Раҳматулла. – Қачонгача бундай юрамиз?

Бегона жувонга кўзи тушган кўшни хотинлар ёқаларини ушлаб, "Вой шарманда!.. Қурибгина кет-

гур!.." дейишгани қулоғига чалинган Күкли бошини хам қилиб, катагига бир-бир одимлаб борди-да, күк-сини захга бериб ётди.

– Шармандаликка ортиқ чидаб яшолмайман, – деди у ўзига-ўзи. – Нима қилишим керак? – Ўйлай-ўйлай икки йўл борлигини тушунди. – Ё ватанимни топаман, ё навбатдаги жангда ҳалок бўламан.

Эртасига ташриф буюрган меҳмонни Раҳматулла Кўклининг катаги ёнига эргаштириб келди.

– Ака, – деди меҳмон, – итингиз яхши формада, ҳали кўп жанг қилади.

– Унинг рақиби қолмади, бошим қотган. Сиз ҳам қуруқ мақташдан нарига ўтмайсиз.

– "Берди"сини айтгунча уриб ўлдирманг-да, ака-жон. Нега келдим? Сизга хушхабар бор. Қўшни вилоятда Оқча деган жангари ит чиқибди. Кўклига ўхшаб ўзининг вилоятидаги ҳамма итларни эзib ташлабди. Эгаси оддий "УАЗик" ҳайдовчиси бўлганмиш. Ҳозир битиб кетган пулдор дейишади. Якшанба куни Зифарли тоғида катта жанг уюштирилади, Кўклини олиб борасизми?

– Шунаقا демайсанми!

– Итнинг эгаси сизсиз, – қўл узатди меҳмон. – Бошқа вилоятлардаги жангларни уюштирувчи, катта-катта кучук уриштирув жойларини топувчи менман. Элликка эллик ишлайман. Келишдикми?

– Ўттиз, – қўл ташлади Раҳматулла.

– Қирқ, – деди меҳмон.

– Киммат сўраяпсиз. Бу итни одам қилгунимча соchlарим оқариб кетган.

– Ҳа, майли, ўттиз уч! Ютуқнинг учдан бири ме-ники!

Фургон узок йўл босди. Туйнуқдан тушаётган нурга термилган Кўкли йўл бўйи бошини кўтартмади. У жанг майдонига шошилмади, аммо рақибини тилка-пора қиласидан аламзада кайфиятда эди. Кекирдагини ғажиб ташлайди, қонга белайди, ўзи ҳам бурда-бурда бўлади. Бас, қисмати шу! Ҳар хил хаёллар исканжасида ортиқ қийналмайди: ўлдиради ва ўлади.

Манзилга етганларида, Кўклини фургондан чиқаришмай бир оз овқатлантиришиди. Итларнинг вовиллаши, одамларнинг бақир-чақири оламни бузарди. Ташқарида гўёки юз минг одам ва қирқ минг ит тўпланган эди.

– Энди ҳақиқий гладиаторларга навбат! – эълон қилди даврабоши микрофондан. – Ўзимизнинг мутлақ чемпион Оқча полвон! Анави фургонда эса қўшни вилоятнинг мутлақ чемпиони Кўкли "Майдонга қачон чиқарканман?" деб пайт пойлаяпти! Қани, оғайнилар, меҳмонга йўл очинглар! Пулларни ҳам дадил-дадил ташланглар! Шу вақтгача ҳеч ким бундай жангни кўрмаган!

Кўкли фургондан лапанглаганча сакради. Ердан кўз узмай Раҳматулла етакловида бораверди. Унга на олқищ, на мукофот керак эди. Жангга чиқади, фақат ўлдириш учунгина ҳамла қиласиди. Рақибининг бўғзидан шундай тишлайдики, эгалари калтаклаб ҳам ажратолмайди. Кўклининг исёни шу бўлади. Ит эмас, бўрига айланади. Бўрига ҳам эмас, бир ваҳший маҳлуқقا менгзайди шу оломон. Мабодо бирорта рақиби Кўклини енголмаса, итларнинг эгаларига ҳамла қиласиди. Шунда уни отиб ўлдиришади, паншаха санчишади, тошбўрон қилишади. Кўкли бундан

кейин қонли ҳаёт кечирмайди, шармандали кунлардан ҳам қутулади. Уни соҳибининг хотини – хокисор беканинг қарғиши уради.

Занжирлар ечилиб, фақат бўйин тасмаларигина қолди. Кўклини Раҳматулла, Оқчани Бекмурод исмли бақалоқ киши зўр-базўр тутиб турарди. Оқчанинг бўй-басти Кўклиникидек эди. Кўзларида ҳам Кўклиникидек олов чақнарди.

Даврабоши довга тикилаётган пуллар билан бир дақиқа чалғиди. Кўкли шунда ҳам бошини кўтартмади. У кимни кўради? Томошаталаб оч оломонними? Эгасига ютуқ олиб бериш учун жонини жабборга бериб олишмоқ истагидаги навбатдаги қурбонними?

Кўкли фақат ерни кўрди. Буни ҳам хоҳламай, кўзларини юмди. Қанийди, қулоқлари ҳам эшиитмаса. Йўқлик қаърига сингиб кетсайди у. Балки тушларига кирадиган оқ шарпани – қачонлардир йўқотиб қўйган акасини номаълум дунё кунжакларида учратар?

– Бос, Оқча! – хирқироқ овозда бўкирди Бекмурод.

– Бос, Кўкли! – томирлари бўртди Раҳматулланинг.

Кўкли тўртала оёғига куч тўплаб, ўқдек отилди. Умрида ҳеч қайси рақибиға бундай алам, бундай қаҳр билан югурмаган эди. Бир сонияда ўлим тўқнашуви юз беради. Ярим сония, чорак кам сония... Ана!

Йўқ, Кўкли рақибиға нигоҳ ташлаган заҳоти оёқларини қаттиқ тираб тўхтади, ернинг бағри ўйилиб кетди. Тушларидаги оқ ит югуриб келарди унга. Унутилаёзган нигоҳ, унутилаёзган жусса!

Осмонни аллақачон булут қоплаган эди. Момақалдироқ гумбурлади...

– Бос, Оқча! – Бекмурод яна ҳайқирди.

Оқча Кўклини мисоли тўфондек суриб, итқитиб юборди. Кўкли чидаб бўлмас оғриқдан инграган кўйи икки-уч думалаб тушди. Оқча устига ташланиб, жон-жаҳд ила тиш ботирди. Кўкли фарёд уриб ти-пирчилади, ўзини ҳар ёнга отди. Оломон уввос солиб завқланди. Оломон ҳұштак чалиб завқланди. Кўкли осмонга боқди. Бир замонлар онасини йўқотган кунни аниқ-тиник эслади. Чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлаган эди. Ўша булатлар, ўша чақмоқ, ўша момақалдироқ...

– Нима қиласаяпсан, исқиртдан тарқаган! – сўкинди Раҳматулла. – Тур жойингдан, Кўкли! Ол бўғзидан!

Кўкли рақибининг кўзларига жуда-жуда яқиндан тикилди. Бу акаси эди. Ҳа, бошқа ҳеч ким эмас. Йиллар ўтса ҳам акасининг кўзлари ўзгармаган эди. Ахир, нигоҳида онаси яшайди. Ким ўз онасига ўхшамай бегонага айланади? Ҳеч бир жонзот!

– Ака! – деди Кўкли. – Акажон! Мени танияпсизми? Бу мен... укангизман...

Оқчанинг кўзлари фақат рақибнигина кўрарди, кулоқлари эгасининг буйруғинигина эшитарди. Кўкли бир сакраб чангандан чиқди-да, дўнглик томон қочди. У югуриб келаётганида, ахли томоша икки тарафга гуррос ажралди. Кўкли дўнглик ортида ястланиб ётган қирларни, қоятошларни кўрди. Орадан йиллар ўтган бўлса-да, тоғни таниди.

– Ватаним! – тақقا тўхтади у.

Орқасидан шиддат-ла етиб келган Оқча томоғидан ғиппа тишламоқчи эди, Кўкли бошини эгиб, фавқулодда тезлик-ла тумшуғи тагидан тиш солди.

Иккаласи яна думалашиб майдон ўртасига улоқиб бордилар. Момақалдириқ қарсиллади, ёмғир томчилади. Оқча иккинчи бора томоқдан олмоқчи бўлганида, Кўкли болалик чоғларида гидек бошини яна илкис эгиб, тумшуғи тагига тиш ботирди. Шундагина Оқчанинг ғазабдан қисилган кўзлари ярқ этиб очилиб, ортга чекинди ва Кўклига тикилди.

- Кимсан?
- Анави тоғларда яшаган бўрибосарнинг боласиман, – жавоб берди Кўкли.
- Бу тоғларда бўрибосарлар кўп.
- Онам сиз каби оқ тусли, кўзлари ҳам сизникидек эди. Шундай ёмғирли кунда онамдан айрилдим. Чўпон ҳам ўлди. Катақда акам иккимиз қолдик. Акам онамни соғиниб, қир-адирларга мўлтираб қааради. Бир куни нариги қирда ит ҳурганида, онам деб ўйлаб, югорди. Қир оралиғидаги йўлда анави одам, яъни сизнинг эгангиз уни ўғирлаб кетди...
  - Нега гапни айлантирасан? Укаммисан?
  - Ҳа, укангизман. Бунга шубҳа қилаётган бўлсангиз, онам эсингиздадир? Тўрида каваги бор катагимиз-чи?

Оқча бирдан шалвираб, ювош тортиб қолди.

- Укажон, – деди у. – Наҳотки, сени топган бўлсам?

– Акажон... – кўзлари ёшланди Кўклининг.

Жангнинг давом этишини талаб қилган хитоблар янгради, калтак, кесак, бутилкалар учиб келди. Оғзига эрк берган айрим ёш-яланглар итларнинг эгаларини ҳам қўшиб сўқдилар. Ёмғир ҳам шаррос қуйиб берди. Раҳматулла ва Бекмурод чопиб келиб,

ўз итларининг бўйинбоғларини тақишиди-да, икки томонга судрашди.

– Ака! Акажон! – вовиллади Кўкли талпиниб.

Раҳматулла Кўклининг занжирини фургонга боғлади-да, жаҳл билан қорнига тепди. Кўкли кутилмаган тепкидан ихраб юборди ва эгасига аламли ириллади.

– Менга ҳураяпсанми, нонкўр?! – Раҳматулла камарини ечди. – Шарманда қилганинг етмагандек...

У Кўклини бир урди, икки урди, учинчисида...

Кўкли суюклари сингудек силтаниб, бўйинбоғдан халос бўлди-да, тоғ тарафга – ватанига қараб қочди. Оқча ҳам калтаклангач, исён кўтариб, ҳурликка эришган, нариги адирда ватан бағрига чопиб борарди. Иккиси тенглашиб, ёнма-ён югурди. Танларидан мадор кетиб, лойга беланиб, ёмғирда бутунлай ивиб қолсалар ҳам тўхтамадилар. Одамлар ўнлаб чақирим ортда – тоғ этагида қолиб кетишиди. Ёввойи табиат, ёввойи тоғ ўз бағрини очди. Бошлари устида эса тинимсиз чақмоқ чақмоқда эди.

\* \* \*

Эртасига харобазорда кўз очдилар. Болалик давридагидек бир-бирининг пинжига тиқилиб ухлаб қолишган эди.

– Энди қаёқقا борамиз? – сўради Оқча.

– Онамизнинг умри ўтган шу тоғда яшаймиз-да, ака, – жавоб берди Кўкли. – Яхши одам учраб қолар.

Харобазордаги жонажон катақда кун бўйи узала тушиб ётдилар. Зерикиш ва очлик қийнай бошлади. Занжирда яшаган кезлари овқати тайёр эди. Озод-

ликда ҳеч ким таом келтириб, бошини силамади. Шунга қарамай улар улуғ бир баҳтни түйдилар. Бу баҳтни еб ҳам, тафтида исиниб ҳам бўлмасди, аммо овқат, олов, кошоналардан-да аъло эди.

- Яхши бўлди, – деди Оқча.
- Ҳа, қандай яхши-я! – севинчдан сархуш эди Кўкли.

Ярим кечаси бўриларнинг увлашидан уйғонгандарида, иккиси ҳам тирикчилик ташвишини туш кўраётган эдилар. Оч қоринга бўрининг увлаши Кўклини ғазабини келтирди ириллаганча бош кўтарди.

– Биз энди кучукча эмасмиз, – деди акасига. – Кучга тўлиб, жангда пишганларданмиз. Бўриларни қийратиб ташлаймиз.

Оқча эринибгина оёққа қалқир экан:

- Уларнинг таклифи ёдингдами? – деди.
- Онамизнинг душмани экани-ю бизни бурдалашмоқчи бўлганлари эсимда.

– Қўйсанг-чи! Мен таклифларини гапирайпман. Биз озодмиз, ука. Одамлардан қутулганмиз. Ўз йўлини танлаш ҳуқуки энди қўлимиизда.

Кўкли акасига ҳайрон бўлиб қаради.

- Бу билан нима демоқчисиз?
- Бўриларга қўшиламиз. Одамлардан нима топдик? Бўриларда ҳамма нарса бор: овқат, бошпана, оила. Улар шу тоғнинг ҳақиқий эгалари.

– Бўрилар қонхўрлик ва талончилик билан кун кечиришади-ку!

– Чунки тоғу тошлар уларники! – тишларини фижирлатди Оқча. – Керак бўлса, тоғларни бўриларга қайтариб беришсин!

Қароқчилар тұдаси харобага етиб келишди. Ақаука катакдан чиққанларида, бүрилар хиёл ортга чекиниб, сардорларига бокұдилар.

– Эй сардор! – деди Оқча. – Бизни танияпсанми?

Бүрилар сардори күлмакларни билч-билч босиб, итларга яқын келди. Унинг ҳам күзлари йиллар мобайнида үзгартмаган эди.

– Танидим, – деди сардор, – шунинг учун ҳузурларингга тұғри келавердик. Сизлар билан жанг қыммоқчи әмасмиз. Хүш, бизга құшиласизларми? Куч-құдратларинг ҳақида әшитдик. Жасурлар доим ҳұрматимизда.

– Ҳа, – дея укасига күз қирини ташлади Оқча,  
– овқат ва бошпана берсаларинг, тоғда бирға ҳукмронлик қиласмыз.

– Ү-чи?

– Биз ака-укамиз. Шундай экан, укам ҳам мен билан.

Ұша кече икки ит бүрилар билан тоғ ичкарисига жүнади. Бир неча қир ошиб, анча юқориладилар. Күкли орқада иложсиз зергалиб келаркан, акаси оздоликни нотұғри тушунганидан әзилди. Иккисининг ҳам томирларида бүрибосарнинг қони оқаяпти-ку. Кучук уриштирувчи кимсаларни деб жамики инсиятта қарши, энг дахшатлиси, онага қарши бориш мүмкінми? Акаси айтганидек, наҳотки, тоғнинг ҳақиқий эгалари бүрилар бұлса? У ҳолда онаси шу тоғларга сиғинди әдими? Ййк, тоғ онасининг ватани эди. Ватан ва она! Иккисини ажратиб бүлармикан? Онаси бүрибосар ит эди, ватани эса бүри заминими? Хатолик, хатолик...

Бир жойда от ўлиги ётган экан, зиёфатхўрлик қилишди.

– Даврамизга хуш келибсизлар, – деди бўрилар сардори ака-указага.

– Хуш келибсизлар, – кўзлари совуқ ялтиради бошқа бўриларнинг ҳам.

Иккинчи кечада тўнғиз овладилар. Шиддатли ҳужумда Оқча ҳам, Кўкли ҳам қатнашди. Айниқса, Оқча бир тўнғизга ёндан отилиб, бўғзига тиш ботириб, оёғини осмондан келтирганида, бўрилар завқланиб, увлаб юборишли.

– Ит боласи бўлсаларинг ҳам, аслида қонларинг бўриларники, – деди кечки машваратда сардор. – Минг йиллар муқаддам дунёда ягона халқ, ягона ҳукмдор, яъни бўрилар бўлган. Вақтлар ўтиб, итлар бўрилардан ажralиб чиқиб, инсон билан дўстлашди. Итларнинг ёрдами туфайли инсон униб-ўси, кўпайди, ривожланди, натижада биздан кучайиб кетди. Нафақат бизга, итларга ҳам душман эканини Оқча ва Кўкли мисолида кўриш мумкин.

– Тўғри, – деди Оқча.

– Сен нима дейсан? – сўради сардор Кўклидан. – Эркинлик яхшими, одамми?

– Эркинлик бошқа тушунча, одам бошқа, – жавоб берди Кўкли. – Агар бўрилар ўзларини эркинлик деб атаса, бундай эркинлик одамларда ҳам бор...

– Укам ҳамон тушкунликда, – Кўклининг гапини кесди Оқча. – Кўникунча унга индаманг, сардор. Кўрасиз, укам мендан ҳам олғир бўрига айланади.

Кўкли акасидан айрилмаслик учун тўдага зўрмазўраки эргашиб яшарди.

– Нега виждонинг қийналаяпти? – койиди Оқча.  
– Биз қароқчи эмас, овчилармиз. Ўзимизга ўзимиз хўжайинмиз, эркин яшаяпмиз. Одамдан нима топдик? Ўлсам ҳам орқага қайтмайман! Энди занжирга кўниколмайман ҳам! Ўзинг ўйла! Уларни бойитиш учун қанча қон тўқдинг, қанча итларни – ўз қондошларингни ўлдирдинг! Шуми инсоннинг адолати?

Кўкли бу дунёдаги якка-ю ёлғизи – акажониси қаршисида бош эгди.

\* \* \*

Ёз бўйи қуён, тўнғиз, кийик, ёввойи эчки овладилар. Чўққилар ошиб, тоғ ўрмонларига етдилар. Кўмиб юборадиган ўтлоқларни, қуюқ арчазорларни, пастликда сузадиган оппоқ булутларни Кўкли умри бино бўлиб кўрмаганди. Юнги ўсиб, кўриниши ҳам бўрига ўхшаб қолди.

Бир куни тўда дам олаётганида, у жилға бўйига тушди. Ногаҳон шамол одам исини учириб келди. Арчазорга кириб, ўт-ўланлар орасида писиниб ётди. Икки овчи сув ёқалаб, уйларига қайтмоқда эди.

– Шу атрофда бўрилар тўдасини кўришибди, – деди бири. – Йирик тўда эмиш. Совуқ бошланса, тўда пастга, яйловлар томонга тушади. Насим чўпоннинг қўйлари биринчи бўлиб хужумга дуч келмаса эди. Биласан, чўпон кексайиб қолган, милтиқни ҳам ўнглаб отолмайди.

– Чайласидаги аёл ва болалар кими? – суради шериги.

– Қизи билан неваралари. Эшитишимча, эри ёш хотинга уйланиб, оиласини ҳайдаб юборибди. Итга ёмон ишқибоз экан. Оиласига қарашмасмиш ярамас.

Овчи Кўклиниң изини кўриб қолди.

– Манави ит изими, бўриникими?

– Бу ёқларда ит нима қиласди? Бўриники-ёв.

– Бўрилар тўдасида иккита ит ҳам бормиш. Ишонгиси келмайди кишининг. Ит хиёнат қилса, дунё қонга ботади-ку.

Кўкли яна ўйга толди. Қачонлардир бўрилар чўпон қўрасига ҳужум уюштириши муқаррар эди. Озодман деб юрган акаси, наҳотки, одамга қарши урушда иштирок этса? Ҳа, иштирок этади-да. Бўриларга текинхўрларнинг нима кераги бор?

Кўкли жилға бўйига тез-тез тушадиган бўлди. Ҳатто, анча пастлаб, яйлов яқинигача борди. Бир куни қир биқинидаги арча тагида пастликни кузатиб, хаёл суриб ётганди, иккита ўйинқароқ бола кўринди. Улар ирмоқдан балиқ тутмоқчи бўлдилар. Кўкли уларга яхшироқ тикилди-ю вовиллаб юборишдан ўзини зўрға тийди. Раҳматулланинг ўғиллари-ку! Хўжайинининг фарзандлари бу ёқларда нима қилиб юришибди? Демак, бека Насим чўпоннинг қизи экан-да.

Шу пайт шох-шабба шитирлади. Кўкли ялт этиб қаради: иккита кулранг бўри болалардан кўз узмай пастликка тушмокда эди. Улар ўз тўдасидан адашганлардан шекилли, Кўкли танимади. Болалар томон чопгандилар ҳамки, Кўкли сакраб туриб, йиртқичларнинг йўлини қийиб чиқди. Кутилмаганда гумбурлаб ўқ узилди, биринчи бўри йиқилди. Кўкли зўр-базўр тўхтади. Яна бир ўқ иккинчисини қулатди. Кўкли даҳшатдан қотиб қолган болаларга, кейин ўқ узаётганларга кўз ташлади. Овчилар милтиқларини қайта ўқлаб, тепкини босишли. Би-

ринчи ўқ Кўклиниң қулоғи тагидан кўршапалак қанот қоққандагидек ел уфуринг ўтди. Кўкли ўрмон ичкарисига қочди. Иккинчи ўқ елкасидан бир парча этни юлиб, дараҳт пўстлоғини ҳам учириб юборди.

Уяга зўрға етиб келди. Шу-шу кеч кузгача касал бўлиб ётди.

– Одамга ёлғиз яқинлашсанг оқибати шу, – деди сардор. – Тўда бўлиб, таппа босиш керак, тушундингми?

Кўкли эса ўйларди: "Улар мени бўри гумон қилишди. Агар бир марта вовиллаганимда, ўқ отмасдилар".

Совуқ кунлар бошланди. Биринчи қор ёққанда бўрилар қирлардан эниб, тоғ белига – эски уяларига қайтдилар. Борган сайин ҳаво совиб, емиш то-пиш қийинлашаверди. Қаҳратон қиши келгач, бўрилар ҳурпайиб, кўзлари қонга тўлиб, кечалари увлаб чиқадиган бўлишди. Сардор энг содик бўриларни тўплаб, тез-тез машварат қиласарди.

– Ака, эҳтиёт бўлишимиз керак, – деди Кўкли. – Уларнинг ниқоблари ситилиб, ҳақиқий башараси очиладиган пайт келганга ўхшайди.

– Ҳалигача бўриларни ўзингга душман деб юрибсанми? – ранжиди Оқча.

Қиши кечаларининг бирида бўрилар уяларидан чиқиб, қоя олдида тўпландилар. Овга ярайдиган ҳамма бўри чақирилган эди.

– Нима гап? – сўради Оқча биридан.

– Нима гап бўларди, – деди бўри хириллаб, – овгада.

Улар қирлар ошиб, пастликка шошилдилар. Кўкли ўрмонга эмас, одамлар яшайдиган ҳудудга кетишаёт-

ганини билгач, аламдан ириллаб юборди. Дарвоқе, тез орада шамол қўйларнинг ҳидини димоққа урди.

– Ака! – Оқчанинг йўлини тўсди Кўкли. – Нима қиласяпсиз? Бўрилар қўтонга хужум қилишмоқчи! Биз шу даражада тубанлашдикми?

– Йўлимни тўсма! Мен эркин яшашга қарор қилганман!

– Лекин ўз онангизга қарши курашишга эмасдир?!

– Онам ўлган! Менинг эса қорним оч!

– У ёққа ўтказмайман, ака!

– Йўлимдан қоч, деяпман!

Бу пайтда бўрилар қўрага гувва ёпирилдилар. Бирлари қўйларни судраб чиқса, бирлари ичкаридаёқ ея бошлишди. Тентакнамолари бир қўйнинг қонини ичмасданоқ иккинчисининг томоғидан олар, ўнлаб қўй-қўзининг орасида эканига ишонолмай телбаларча қувониб-қутуриб, дуч келганини бўғизлайверарди.

Чўпоннинг итини ҳам омон қўйишмади. Бўрилар сардорнинг ўзи тагига таппа босиб, кекирдагини ғажиб ташлади ва:

– Лъянати ит! – деди ғазаб-ла. – Кўргани кўзим йўқ одамнинг малайини!

Чўпон ўқ узди, лекин теккизолмади. Чўпон қалин кигиз чопонда эди. Бўрилар сардори қор зарраларини тўзғитиб қуюндеқ учиб келди. Отасини бўрийиқитганини кўрган аёлнинг қичқириғи, кулба бўсағасидаги болаларнинг чинқириғи Кўклининг юрагини тилка-пора этди.

– Сизни онамнинг қарғиши уради, ака! – дея шартта бурилди-да, ваҳшат-ла вовиллаб бўрилар сардорига ташланди.

– Итни ўлдиринглар! – хитоб қилди бўрилар сардори.

Бўрилар Кўклига ташланишди. Кўкли дуч келганини ғажиб, топтаб, ўнгу сўлга отаверди. Қор қизил қонга бўялди. Аёл Насим чўпонни судраб, кулбага киритди-да, эшикни тамбалади. Энди Кўклига барибир эди. Мана, қонли кунлар ниҳоясига етаяпти. Ўлдиради ва ўзи ҳам ҳалок бўлади.

– Нега битта итга кучларинг етмаяпти? – Бўрилар сардори қўтонга қаради. – Ҳой ичкаридагилар! Аввал итни ўлдиринглар, деяпман!

Бўрилар кетидан бўрилар чиқиб келаверишди. Тенгсиз жангда Кўкли енгилиши сезилиб қолди. Жароҳатларидан қон оқиб, танидан мадор кетди.

– Акажон, қаёқдасиз? – зорланди у начора.

Сардор сўйлок тишларини кўрсатиб:

– Йўлдан қочинглар! – деди бўриларга. – Ўзим ўлдираман бу итни!

Кўклининг ёнгинасида акаси даҳшатли вовиллади. Бўрилар сардори ва Оқча тўқнашганда, томоқлар йиртилгудек хириллоқ овоз таралди ҳавога. Улар анча наригача учиб тушиб, олиша бошладилар. Бўрилар дарҳол икки тўдага ажралиб, биринчи гурӯҳ Оқчанинг, иккинчиси Кўклининг устига ёпирилди. Акаси билан бирга Кўклига куч-қудрат ҳам қайтди. Елкасидан тишлаган бўрини бир мункиб йиқитгач, рўпарасидаги бўрининг бўғзидан тишлаб, гир айлантириб отди. Оёғи остига йиқилганларнинг бир зарбда кекирдакларини уза-уза олға интилди.

Ака-уқанинг бўриларга қарши жангি узоқ давом этмади. Тез орада қароқчилар ўз сардорларининг мурдасини қолдириб, ура қочдилар. Оқча ҳам

бўрилар сардорининг ёнида чўзилиб ётарди. Кўкли оқсоқланиб, акасининг қошига келди.

– Акажон... – деди-ю кўзларига ёш қуилди.

– Ҳақ экансан, укажоним, – бошини ҳам кўтаролмади Оқча. – Ҳурликнинг маъносини тушунмадим... Онамга... сенга... ватанимга хиёнат қилиб қўйдим...

– Сиз билан фахрланаман, ака, – Кўкли акасининг ёнига чўзилди. – Онам ҳам сиздан рози, ватан ҳам... Бўриларни енгдик, одамларни, уларнинг норасида болаларини ҳимоя қилдик...

Кулба эшиги очилиб, аёл чироқ тутди.

– Кўкли, маҳ-маҳ... Кўкли... – чақирди бека.

Кўклининг кўзларидан дув-дув ёш окди. У акасига, акаси унга тикилди.

– Бўрилар билан яшаганимизда, кетиб қолишингдан ҳамиша қўрқардим, – деди Оқча.

У укасининг кўзидан – она сиймосидан кўз узмай жон берди.

Бека қорни ғарч-ғурч босиб ака-укага яқинлаштида, тиз чўқди ва:

– Сизлардан миннатдорман, – деб йиғлаб юборди. – Раҳмат сенга, Кўкли... Раҳмат сенга, эй нотаниш оқ ит...

Ўша кечадан бошлаб Кўкли чўпонникида яшаб қолди. Кўйларни қўриқлаб, ҳалол овқат еб, қишу адирларда ҳур, баҳтманд, фаровон ҳаёт кечирди. Баҳорда довон ортидаги чўпоннинг итларидан бири билан оила қурди. Жуфти билан бирга бўрибосарчаларни вояга етказиб, қўйларни қўриқлаб, баҳтли яшади.

## АЁЛ МАКРИ

Бундан қирқ йиллар муқаддам бир шаҳар канорасидаги тор кӯчага бева аёл кўчиб келибди. Айтишларича, эри ундан қутулиш учун арzonгаровга кўхна ҳовлини сотиб олиб берганмиш. Ёлғиз яшайдими, қариндошларини кўчириб келадими ёки ота-онаси-никида келинининг қовоқ-тумшуғига қараб кун ўтказдими, бу ёғи билан энди эрининг иши йўқ экан.

Янги беванинг феъл-атвори ҳақида гап-сўзлар тез орада қўни-қўшниларга ёйилибди. Исми ҳам ғалати экан: Турмахол.

– Кўчадан ўтишга юрак безиллаб қолди, – дейишаркан маҳалла эркаклари. – Турмахол бошга битган бало бўлди. Кеча сумкамни очиб кўрди, ундан аввал куни қаерда ишлашимни сўради. Мулла-пуллага ўқитвориши керак.

Турмахолнинг битта-ю битта касби бор экан: у гилам тўқиркан. Бозорчилар гиламларни уйидан олиб кетишаркан. Турмахол тўқишидан чарчаган кезлари кўча эшикка чиқиб ўтиаркан. Ишдан қайтаётган таниш-нотаниш эркагу аёл билан ҳол-аҳвол сўрашиб, турфа мавзулардан сўз очаркан. Кўзларини лўқ қилган бадқовоқ, баҳайбат, эркакшода, уят-андиширасиз хотиндан ҳамма ўзини олиб қочаркан.

– Ҳа, aka, ишдан қайтаяпсизми? – деркан эркакларга. – Болаларингизга нима олдингиз? Бир кўрай.

– Опа, туфлингиз янгими? – аёлларнинг оёғига энгашаркан. – Нечанчи размер? Қани, ўлчай-чи! Оёғингизни қисмайдими? Ечинг-да бир.

Бирор оиласда эр-хотин жанжаллашиб қолса, эр: "Э, ўл-э, Турмахолга ўхшамай!" деб сўкар экан. Хо-

тинлар эса: "Турмахолга эр бўлгур..." деган қарғашни урфга киритишибди.

– Мен уни 1973 йил ёзда учратганман, – ҳикоясини бошлади Сафарқул ота деган бемор чол (бу одам билан битта санаторийда даволангандан). – Ўшанда гирт дарбадар, ўғри, товламачи эдим. Топганимни ичардим, оиласми ўйламасдим. Рўзғорни хотиним тебратарди. Дугонасининг пулини ўғирлаганим қимматга тушди. Жони ҳиқилдоғига келиб, мени кўчага ҳайдади. Шаҳарма-шаҳар кезиб, кунларнинг бирида Турмахолнинг уйига бориб қолишим тушимга ҳам кирмаганди. Ароқхўр танишлар орқали бозордан ҳаммолчилик ишини топдим. Бегона юртда кимнинг нимасини ўғирлашни дарров билмайсан киши. Улфатим маҳалла ичкарисидаги нураган ҳовлида ижарада яшашини, менга ҳам жой борлигини айтди.

– Ҳар куни шу ердан ўтадиган бўп қолдингиз, кимникида турасиз? – сўради Турмахол кунларнинг бирида.

Уни милициянинг "кулоги" бўлса керак, деб ўйлаб қўрқиб кетдим. Умрим бино бўлиб менга ҳеч қайси аёл томдан тараشا тушгандек гап отмаган эди. Қизарган узун бурним, чақчайган кўзларим, фижим кўйлагим, қиртишланмаган соқолим, патак сочим ҳаммани мендан нари тутарди.

Шеригим келгач, кўчада бир аёл гапга тутганини айтдим.

– У Турмахол-ку! – кулди ҳамхонам. – Кўрқма. Шунақа ғалдир-шалдир хотин. Эри билан ажрашиб, томи кетиб қолган. Яна гапирса, "Сеники маъқул" деб қутулавер. У мелисада ишламаган, "кулок" ҳам эмас.

– Ҳозир ким билан яшайди?

– Ў-хў, суриштириб қолдиларми? Ёлғиз ўзи! Чунки у билан ҳеч ким бирга яшолмайди.

Очиғи, шаҳарма-шаҳар, ижарама-ижара кезаверид, дарбадарлик жонимга текканди. Кўнглимнинг бир четида уйли-жойли бева учраса, уйланардим, деган хаёл ҳам йўқ эмасди. Бироқ на тўй қилишга, на хотинни боқишига қурбим етарди. Масъулият, ирода, инсоф – буларни мендан топиб бўлмасди. Маҳалла аҳлига ёқмайдиган, ҳатто эри зўрга қутулган Турмахол тентакнинг ҳам қўлида ҳунари бор. Менинг эса... эт ва суяқдан иборат вужудимдан бошқа ҳеч нимам қолмаганди.

Бошқа бир куни яна Турмахолга дуч келдим. Негадир қадамларим ўзгариб, кўксимда ҳаяжонга ўхшаш туйғу уйғонди. Турмахолдан кўз узмай боравердим. У пойдевордан туртиб чиқсан тошга чўкиб, тирсакларини тиззаларига таяб, эркакчасига ўтиради. Мен яқинлашганимда бошини қўтариб, тебраниб қўйди, сўнг ерга туфлади-да, кафтини тескариси билан оғзини артиб:

– Қаердадир ишлайсизми ўзи? – деди.

Бугун унинг кўзлари қизарган эди.

– Бозорда, – деб жавоб бердим ва мендан икки бравар оғир, бўйи бир қарич баланд эканини чамаладим.

– Ким бўлиб?

– Юқ тушираман.

– Нега тиланчига ўхшаб юрасиз?

– Гадой эмасман, – унинг бармоғидаги каттакон тилла узукка кўз ташладим. – Сиз бойвучасиз, биз оддий одам. Бойвучалигингиз бошқаларни ерга уришга ваколат бермайди.

– Ким айтди мени бойвучча деб? – Турмахолнинг қошлари чимирилди. – Пул топсам, ҳунаримнинг орқасидан топаман. Бу маҳаллада яшайдиганлар ўзига қараб юриши керак. Менга ҳам зарил эмас сизга гапириб. Индамасам, бошқа ҳеч кимнинг иши йўқ. Ўзи одамлар шунаقا. Қаттиқ гапирмасанг, ҳар ким ўз ариғидан оқиб, дунёни балчиққа айлантириб юборишади. Боринг, кетаверинг! Менинг олдимда кўп тўхтаб турманг.

– Нега?

– Ароқ сасияпсиз.

– Ҳидни яхши биларкансиз?

– Жўнанг, дедим, жўнанг!

Бир неча кун уни ўйлаб яшадим. Майли, бесўнақай, ғалати феълли аёл экан, мен-чи? Уй-жойсиз пиёниста, оиласидан бадарға бўлган шўрлик, ҳеч кимга кераксиз яккамохов. Бундай олиб қараганда, Турмахол билан турмуш қуришим баҳт эди. Ундан бошқа ким ҳам камина билан яшайди? Балки Турмахол ҳам мени teng кўрмас?

Шундай бўлса-да, маст бўлган кезларим қўзимга оила кўринмай қоларди. "Нега у билан яшашим керак? – дердим ёқамни йиртиб. – Мен ўғриман, уйжой ва "прописка" учун бунчалик паст кетмайман. Пешонамга "дарбадар ўғри" деб ёзилган экан, шу ҳолимда ўламан-кетаман..."

– Нега мени бойвучча дедингиз? – сўради Турмахол бошқа бир куни.

– Ҳовлингиз, қариндош-уруғингиз бор, гилам соиласиз. Сизни камбағал деб бўладими?!

– Мени бой хотин деманг. Иккинчи эшитмай!

– Ҳақорат эмас-ку, Турмахол.

– Исмимни тилингизга олманг! Ҳаққингиз йўқ!  
– Узр...  
– Боринг, жўнанг! Турманг бу ерда!  
– Кечирасизу, бугун ичмадим. Бир қултум ҳам.  
– Бу гапни хотинингизга айтинг, хўпми? Бугун ичмадим эмиш! Нима ишим бор ичган-ичмаганингиз билан?!

– Ажрашиб кетганман...

Турмахолнинг ранги сезилар-сезилмас қизарди.

– Жўнайсизми, йўқми?

Бир ҳафта давомида ижара уйга ярим кечаси қайтдим. Ниҳоят, яна кундуз келаётсам, йўл устида Турмахол икки хотинни тўхтатиб, гапга тутаётган экан. Мени кўриб, жўшиб гапира бошлади, кайфияти кўтарилиганини фаҳмламаслик учун аҳмоқ бўлишим керак эди.

– Йўқ, тиллаларимнинг ҳаммасини тақмаганман,  
– деди у. – Тўртта узук, иккита занжир, олти жуфт сирғам чой қутининг ичида, токчада туради. Тўйларга тақаман. Уйда юрганимда, қўлларим, қулоқларим қуруқ бўлмасин, деб биттадан илдирман.

– Тиллангизнинг жойини кўрқмасдан айтасиз-а, Турмахол синглим, – ёши катта хотин огоҳлантирган бўлди. – Уйингизга шогирдликка келаётган гиламчи қизлар ўғирлаб кетишидан кўрқмайсизми?

– Тузимни еб тузлигимга тупурадиган қизларни боқмайман, опа, – деди Турмахол керилиб. – Кизларнинг уйларини ҳам яхши биламан. Қаёқقا қочарди.

– Вой, секинроқ... – хотинлар мени кўриб лаблагиба бармоқ босишли.

Оёгимни судраб босарканман, қулогимни динг қилдим. Күпинча хотинлар маст одамни эшитмайди деб, орқасидан эҳтиётсизлик ила гапиришади.

– Бу одам ўғри эмиш, – деди бири. – Ичкилибозлигу эгри қўллигидан безган хотини ҳайдаб юборганмиш.

Ё алҳазар, тарихим шу маҳаллага ҳам етиб етиб келибди-я! Нима ҳам дердим. Бу ердан кўчиб кетиб, бир ҳафтадан сўнг Турмахолникига ўтириликка тушишга қарор қилдим. Тилла тақинчоқлари қаерда туриши энди менга аён эди. Пайт пойлаш керак, холос.

Ишни гиламчи қизларни кузатишдан бошладим. Улардан бири шаҳар чеккасида яшаркан. Изидан тушиб, автобусда ёнма-ён ўтиришга муваффак бўлдим. Бундан аввал сартарошга бордим, ҳаммомда чўмилдим, кийимларимни дазмоллатдим, ароққа яқинлашмадим.

Қизни гапга солдим, "Бизнинг маҳалладаги Турмахол гиламчиникига қатнаб юрган шогирд қизсиз, адашмадимми?" дедим, ўзимни ўша кўчада яшайдиган уста қилиб кўрсатдим.

– Ҳа, икки ойдан бери гилам тўқишини ўрганаяпман, – деди қиз. – Гиламчи бўлмоқчиман.

– Турмахол кўчиб келмасидан аввал у ерда бир кампир яшарди. Кўрпа-ёстиқ тахланадиган тахмонлари ўртасига тахтадан токчалар ясад берганман, ҳозир ҳам хоналарда турибдими?

– Турибди, – жавоб берди қиз, – фақат битта хонада қолган.

– Айвонга кирганда, чапдаги хонами?

– Йўқ, ўнгдаги.

Хөвлиниң қайси томонидаги девордан ошиб ўтиш кераклигини аллақачон чамалаб қўйгандим. Зим-зиё кечада ўнгдаги хона эшигининг омонат қулфини осонгина очдим. Токчада катта-кичик тунука чой қутилар қалашиб ётарди. Биттаси тутмаларга тўла бўлса, иккинчисидан иплар чувалашиб чиқарди. Асабларим таранг тортилди. Етдим деганимда бир ҳовуч тилла нега топила қолмайди-я?

Шу пайт эшик очилди. Бурчакка суяб қўйилган ги-  
лам ўрамлари пана сига яширинишга зўрға улгурдим.  
Кириб келгувчи электр чироқни ёқмади. Гугурт чи-  
зилиб, шам порлади. Мендан уч қадам нарида сочла-  
ри ёйилган, оппоқ либосдаги аёл Турмахол эди.

– Шуниси яхши... – шивирлади у алам билан. –  
Қоронғида ҳам, ёп-ёруғда ҳам ўлмайман... Фақат яна  
бир марта телефон қиласман. Олдин арқонни боғлаб  
олай...

Турмахол ҳик-ҳик йиғлаганча шифтдаги болордан  
арқонни ўтказди. Сўнг сиртмоқни ёлғиз қолдириб,  
стулдан тушди-да, бурчакдаги тумбага яқинлашди.  
Телефон рақамларини терди, ғириллатган қўйи  
қайта-қайта терди. Ахийри, нариги ёқдаги одам гў-  
шакни кўтарди.

– Сизнинг тенгингиз эмасманми? – йиғлаб юборди  
Турмахол. – Шу... шу бутун бошли тирик инсоннинг  
ўлиб кетишига сабабми?.. Майли... Бахтли бўлинг...  
Алвидо... Эртага жанозамга ҳам келманг! Тирикли-  
гига тенг кўрмаган одам ўликлигига ҳам тенг кўрмага-  
син!

Турмахол гўшакни тарақлатиб қўйгач, дорга  
яқинлашди. Ранг-рўйи қофоздек оқариб кетганди.

Вужудимни совуқ тер босди. Гилам ўрами ортидан даҳшат-ла мўралаётганимни ҳам пайқамасди. Икки кўзи сиртмоқда. Наҳотки, ҳозир ўзини осса? Бир неча сониядан сўнг арқонга осилганча хириллайди, ти-пирчиллайди. Кейин жонсиз танаси тебраниб қолади. Мен нима қилишим керак? Тақинчоқларни ўмарид, мурдани ташлаб қочаманми?

Умримда бундай фалокатга рўпара келмагандим. Турмахол стулга чиқиб, бўйнига сиртмоқ солган пайт ортиқ чидаёлмадим. Отилиб чиқдим-да, уни қучоқлаб олгандим, қўрққанидан қичқириб юборди.

– Илтимос, бундай қилманг, Турмахол! – дедим титраб. – Ҳозир қутқараман! Фақат қимиirlаманг! Стул ағанайдиган бўлса, сизни кўтаролмайман!

Сиртмоқни бўйнидан чиқардим. Турмахол ёқамдан чанглаб, оғир-оғир нафас олганча бирпас ўтирди.

– Қўйворинг, кета қолай, – дедим.

– Кечаси уйимда нима қилиб юрибсиз? – бошини кўтарди у.

– Ўзим... Шундоқ...

– Ўтган ҳафта тилла тақинчоқларим ҳақида қўшни хотинларга гапираётганимда, ўзингизни мастиликка солиб, тулкилик қилгандингиз. Эсладингизми?

– Эсладим. Мени кечиринг, илтимос. Агар милиция чақирсангиз, ҳолимга маймунлар йиғлади. Аввал ҳам қамалганман. Бу гал... аяб ўтиришмайди.

Турмахол уйига ўғриликка тушган ўғри, каззоб, пиёнисталарни ҳеч қачон кечирмаслиги маълум эди. Аммо уни ўлимдан қутқардим.

– Ҳозир эrim етиб келади, – деди у. – Ўзимни осаётганимда қутқариб қолганингизни гапи-

риб, гувоҳлик берасиз, келишдикими? Шунда сизни қаматмайман.

– Келишдик.

Телефон жиринглади. Турмахол гўшакни кўтармади. Телефонга жавоб бермаса, эри келиши керак эди. Мен эса ўйлардим: "Кўлимда қўлқоп. Оёғимда бир марталик калиш. Кўчага қочиб чиқсан, қўлқоп ва калишни бирор чиқиндиҳонага ташлаб юборсан, Турмахол айбимни қандай исботлайди? Бармоқ изларим топилмайди, ҳеч нима ўғирламаганман, одам ўлдирмаганман..."

Эшикка отилдим ва бир зумда девор ошдимда, кўз очиб-юмгунча пана-пастқам кўчалар оралаб, маҳаллани тарк этдим. Бироқ Турмахолдан кутулдим деб чучварани хом санаган эканман. Унинг маҳалласидан менга бошпана топган улфатим орадан тўрт кун ўтгач, шаҳарнинг нариги чеккасидаги янги қўналғамга Турмахолни бошлаб келди.

– Кечир, Сафарқул, бу аёл сенга ёмонлик қилмасликка қасам ичди, – деди у. – Квартирангни кўрсатишга мажбур бўлдим.

Биз ёлғиз қолдик.

– Эрим келди, – бошини эгди Турмахол. – Хар доимгидек мени тентакка чиқарди. "Энди ўзингга ўт қўйсанг ҳам келмайман, мени ҳам, оиласми ҳам жинниликларинг билан безовта қилма", деди. Сиз ваъдангизда туриб, мен ростдан ҳам жонимга қасд қилмоқчи бўлганимни айтишингиз керак эди. Эркак киши сўзида...

– Барibir гувоҳлик бермайман! Сизни ҳам танимайман! – столни муштладим. – Қани гувоҳингиз? Қани?!

Турмахол ювош тортиб қолди. Күз ёшларини оҳиста сидириб, пичирлади:

– Уйингиз йўқ... Оилангиз йўқ... Меникига ўтиб яшанг...

– Нима? – ялт этиб қараган эдим, Турмахол давом этди:

– Сиз... мени ўлимдан қутқардингиз. Бунинг учун раҳмат! Эрим эса воз кечиб, бошқасига уйланди. Мен гилам тўқийман, сиз бозорда сотасиз. Мусофиричликда қийналаяпсиз, тўғрими? Эркак кишини яхши тушунаман. Аслида мен қўпол аёл эмасман. Сиз ҳам меҳр кўрмай шунақа бўлиб қолгансиз. Ўғриликни ташлаб, ваъдасига вафо қиласиган эркакка айланасиз. Бунга ишонаман...

Юрагим гуп-гуп уриб, қулт этиб ютиндим.

– Акам бўласиз, – деди Турмахол. – Шу бугундан сизга сингилман. Одамлар нима деса деяверсинлар. Истайсизми, ҳозир жўрангизни чақираман? У гувоҳ, сизни тузоққа туширмоқчи эмасман. Эрим мендан кечган экан, мен ҳам ундан кечдим. Сизни ўзим таклиф қилаётганимни жўрангизга айтаман.

– Мен... сизнинг уйингизда яшашимни хоҳляяпсизми? – энсам қотди. – Бунчалик гўл эмасман...

– Бирор ёмонликни ўйлаётган бўлсан, нон урсин, – дея Турмахол паشا айланаётган дастурхондан нонни олди-да, ўпди.

Аёлнинг кўзларига тикилдим. Кўзлари алдамаётган эди. Қолаверса, собиқ ҳамхонамни чақираман. У шоҳид: Турмахолнинг ўзи мени уйига таклиф этиб, aka-сингил бўлиб яшашга ундаяпти.

Ҳа, Турмахол ниятига эришди. Бироқ мен ака-сингил бўлиб яшолмасдим. Тез орада уни никоҳлаб олдим. Мос келмайдигандек кўринсанк-да, ажабтовор оила бўлдик. Кимга ёлғон, кимга чин, биз бирор марта ади-бади айтишмадик. Мен ҳаммолликни ҳам, ўғриликни ҳам ташладим. Биласизми, қандай хунарни эгалладим? Гилам тўқий бошладим. "Шогирдларингни йўқот, улар келгусида сендан ҳам ўтадиган гиламчи бўлмоқчи", деб ҳовлидан қизларнинг оёғини уздим. Эр-хотин кеча-ю кундуз ишлай бошладик. Гиламларни ҳам ўзим сотиб келардим. Пиёниста ўғрини одам қилганидан Турмахол ҳам бехад шод эди. Кўчага чиқиб, ўтган-кетгандарни гапга туладиган одатини ташлагани-чи! Ҳаммаси гўзал эди.

Орадан бир неча йил ўтди. Уйим, хотиним, пулим бўлса-да, менга нимадир етишмасди. Аввалги оиласми, фарзандларимни соғиндимми? Турмахол иккимизнинг боламиз йўқлигидан ўқиндимми? Йўқ. Ҳамма гап шунда эдики, эски ҳунаримни кўнглим тусаб қолди. Бунга асти чидаб бўлмасди. Дастрлаб гиламларнинг пулидан уриб қолдим. Кейин эса Турмахол йўқлигига бир гиламни ўғирлаб, арzon-гаровга пулладим-да, ҳамтовоқ топиб, ярим тунгача майхонада ўтирдим. Турмахол индамади. Алами ичидаганини кўзлари сотиб қўйди. Ҳақиқатан, унинг кўзлари алдамасди.

– Мен ҳам одамман, бир умр сенинг ҳовлингда қул бўлиб яшашни истамайман, билиб қўй шуни! – ўшқирдим унга.

– Сизга эмас, гиламга раҳмим келаяпти, – деди Турмахол.

Бора-бора ўтмишдаги Сафарқулга айландим. Ўғрилик, ароқхўрлик, улфатлар билан тонг отгунча чақчақлашиб ўтириш эсу дардим эди. Эрталаб гилам тўқишим кераклигини ўйласам, таъбим тирриқ бўларди. Ҳарҳолда Турмахолнинг эри эканман, ишларига ёрдамлашишга мажбур эдим-да. Аввалги эрига куйиб, ўзини осишга уринганини ўйлаб, тезроқ ўлиб кета қолсайди, ялло қилиб яшардим, деган ўй ҳам ўтди кўнглимдан. Қолаверса, у ўлса, меросхўр ёлғиз ўзим эдим.

Кунларнинг бирида Турмахол шундай деди:

– Хўжайн, энди сиз гилам тўқимайсиз. Мехнатдан кутулдингиз. Фақат иккита шартим бор. Биринчиси, гилам тўқиладиган хонага қадам босмайсиз. Иккинчиси, гиламларни мен айтган манзилга элтиб берасиз.

Ҳар ойда гиламларни бошқа шаҳарга элтиб берадиган бўлдим. Харидор хотин пулдор ва сахий эди. Мени очикчехралик билан қаршилаб, гиламларга уч баравар ҳақ тўларди. Уйга қайтгач, гиламларнинг пулларидан ўмаргандаримга бир ой ичкилиkbозлиқ қилардим. Хотиним эса борган сайин бойиб кетаверди. Бу ерда қандай сир-синоат бор экан, деб ҳайрон бўлардим. Аммо "узумини е, боғини сўрама", дейдилар. "Менга нима", – дея қўл силтадим.

Ва бир куни ҳаммаси тугади...

– Биз билан юришингизга тўғри келади, – дейишиди харидор хотиннинг уйидаги фуқаро кийимидағи киши қизил гувоҳномасини кўрсатиб.

– Мен нима қилибман? Гилам учун "накладной" сўрамоқчимисиз?

– Кўп жирилламанг, – қўлимга кишан урди бири.  
– Кимлигингиздан жуда яхши хабардормиз.

Ойнасиз, ёпиқ машинада ҳибсхонага келтиришиди. Уч кун ҳеч кимни кўрмадим. Тирқишдан овқат, нон, сув бериб, бир оғиз гаплашмай, тавбамга таянтиришиди. Тўртингчи кун терговхонага олиб чиқишиди.

– Кимларга қанча гилам сотганингни айт, – деди терговчи. – Биздан ҳеч нимани сир тутма. Шунда камида ўн йилга кесиласан. Бу – енгиллик! Акс ҳолда ё ўн беш йил қаттиқ режимли қамоқхонада ётасан, ё отиласан.

– Шугинага... – қўзларим ола-кула бўлди. – Гилам сотганимгами?

– Нима, гиламларнинг ичига героин бекитилганидан хабаринг йўқми? – заҳарханда қилди терговчи. – "Қорадори"ни ўлчаш учун ҳар бир гиламни ит азобида сўкиб чиқиб, ипларнинг ичига жойлаштирилган кукунларни ажратдик.

– Бўлиши мумкинмас! – бақирдим мен.

– Сендек бетайин, ўғри, ароқхўр кимса Талгатова Турмахол деган нашафуруш билан бир уйда яшаб, бундан бехабар бўлиши ҳеч ақлга сиғмайди. – У олдинга энгашиб, тупук сачратиб, деди: – Менга чўпчак айтма! Қачон, қаерда судлангансан, асл "касб"инг нима, қанақа одамсан – ҳаммаси аён.

Бир ой ётдимми, қирқ кунми, саноқдан адашиб кетдим. Жим-жит, кимсасиз ҳибсхона эди. Уч-тўрт кунда бир марта терговга олиб чиқишиди. Турмахолнинг жиноятлари ҳақида сўрашади, турли кимсаларнинг фотосуратларини кўрсатиб, улар уйга келганми ёинки гилам олиб боргандманми, эринмасдан суриштиришиди, қоғоз тўлдиришиди. Ҳатто, беш йил

бурунги ўғриликларимни ҳам рўйхат қилишиб, нега бирорвнинг мулкини ўмарганимни эринмасдан сўрашади, сўрайверишиади.

– Мени ноқонуний сақлаяпсизлар, – дедим бир куни. – Бу ер "КПЗ" эмас, чор Россиясидан қолган турмадан ҳам баттар! Амирликнинг зиндони!

– Бизга ҳаммасини рўй-рост айтмасанг, ўлимга ҳукм қилинасан, – дейишди жавобан. – Жасадингни ёриб, соғ аъзоларингни донорлик мақсадида сотиб юборамиз. Қани, кимга арз қиласан? Сен ўзинг қонунни буздинг, энди қонундан паноҳ истама, ярамас оғуфуруш!

– "Қорадори" сотмаганман! – хўнграб йиглаб юбордим. – Нега ишонмайсизлар?! Гиламларнинг ичида героин борлигини билмаганман! Етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган! Хотинимдан сўрагандирсизлар, ахир?!

Яна камерамга қайтаришди. Ўз жонимга қасд қилиш ҳақида ўйлай бошладим. Турмахолни ўлимдан кутқариб қолганим ҳам хаёлимдан нари кетмасди. Қизиқ, Турмахолнинг жонига оро кирган эканман, у-чи? Айбсиз эканимни нега айтмаяпти? Қайси камерада ётган экан? Иккимизни юзма-юз қилишса-чи?

Бир амаллаб терговчини кўндиридим. Турмахолни етаклаб келишиди.

– Нега мени нашафурушликка аралаштиридинг? – дедим унга. – Буларга айт! Гилам иплари ичига героин яширилганидан бехабар эдим-ку! Айт! Айтсангчи!

– Бундай макр хаёлимга ҳам келмаган, ҳаммасини сиз ўргатдингиз, – деди Турмахол. – Гилам тўқиб,

хунаримнинг орқасидан ҳалол нон топиб юрган бева хотин эдим. Агар сиз бўлмаганингизда бу кунлар бoshимга тушмасди.

– Нималар деяпсан, Турмахол? – кўзларим қинидан чиқаёзди.

– Героинни ҳам эрингиз келтирганми? – сўради терговчи.

– Ҳа, – ёлғонни ямламай ютди Турмахол. – У олиб келмаса, қаердан топаман? Қайси нашафуруш мендек оғзи бўш гиламчи хотинга ишонади? Сир сақлаёлмаслигим ҳаммага маълум. Бу киши эса, – мени кўрсатди Турмахол, – гилам тўқишини ўргангач, "Ипларнинг орасига "қорадори" бекитса бўларкан" деб, мажбурлади, кўнишдан бошқа иложим қолмади.

Масалам ҳал бўлган эди. Бақир-чақиримга қулоқ солишмай, қўлтиғимдан тутиб, камерамга итқитишиди. Ярим тунгача бағримни захга бериб ётдим. Кўзим энди илингандা, эшик туйнуги очилди.

– Сафарқул ака, мендан рози бўлинг, – шивирлади Турмахол. – Соқчиларга пул бериб, сиз билан охириги марта гаплаштиришларига зўрға кўндиридим...

– Аблаҳ! Нега мени бу ишга аралаштирдинг? – эшикка отилдим. – Сенга нима ёмонлик қилувдим? Туҳматдан қўрқмадингми? Ё ўлимдан қутқариб қолганим эсингдан чиқдими?

– Ўшанда ўзимни осмоқчи эмасдим, – деди Турмахол. – Ўғри эканингизни билганимдан сўнг тақинчоқларим ҳақида чўпчак тўқиб, атайлаб сизга эшиттириб гапирдим. Кейин эса кечаси ўғрилилкка келишингизга тайёргарлик кўриб, сабр билан кутдим. Лекин эримга ростдан ҳам қўнғироқ қилгандим.

У ўзимни ўлдиришим мумкинлигидан чўчиб, мен билан ярашмоқчи бўлиб юрганди. Шусиз ҳам менга ўша кунлари раҳми кела бошлаганди. Агар ўзимни ўлдираётганимда кимдир қутқариб қолса, эрим охирги иккиланишини ҳам енгиб ўтарди. Менга гувоҳ керак эди. Тузоқقا туширишимдан мақсад, "ўзимни осаётганимда" қутқарган гувоҳдан, яъни сиздан фойдаланмоқчи эдим. Нима қилдингиз? Тиррақи бузоқдек қочиб, режамни бузиб юбордингиз. Эрим қайтиб қорасини кўрсатмади, бутунлай алоқасини узди.

– Менга турмушга чиқдинг-ку?! Нима, бу ҳам макринг эдими, жодугар?

– Йўқ. Мен тақдирга тан бердим. Эрим энди ҳеч қачон менга ишонмасди. Сиздан бошқа ким ҳам мени ўзига teng кўрарди? "Бирор ёмонликни ўйлаётган бўлсам, нон урсин", деб онт ичганимни эслайсизми? Ростдан ҳам ёмонликни ўйламадим. Афсуски, сиз...

– Нима "мен"?!

– Ҳунар ўрганганд жойингизда яна ўғрилик йўлига кирдингиз.

– Шунинг учун нашафурушликни бошладингми? Мен жонсиз нарсалар ўғриси эдим, сен эса умримни ўғирладинг! Одамнинг умрини ўғирлаш... энг тубанлик!

– Ҳалол яшасангиз бўларди-ку! – йиғлади Турмахол. – Оилали, уйли-жойли бўлиб, ҳунар ўргандингиз, нима керак эди ўғрилик, ичкиликбозлик? Шу эмасми инсон ҳаётини ўғирлаш?

Турмахолнинг тузоғига тушган эдим. У мендан даҳшатли тарзда ўч олганди.

Эртасига терговчи олий жазо ҳақида юзимга айтди ва ҳархолда ҳукмни суд белгилашини, унгача турмага жүннатишини маълум қилди. Соқчилар мени йўлакда етаклаб кетишаётганида, Турмахолга кўзим тушди. У худди уйига кетаётгандек тузуккина кийиниб олган, ёнида сумкаси ҳам бор эди.

– Сенга жавоб беришдими, иблисдан тарқаган?! – бўкирдим унга. – Мени тириклай гўрга тиқиб, ўзинг сувдан қуруқ чиқиб кетаяпсанми?!

Милиция ходимлари мени куч билан судрашди. Турмахол кўзларини пирпиратганча ачиниб қараб турганини кўрдим. Назаримда, унда виждон уйғонгандек эди.

– Худога ишонсанг... Имонинг, виждонинг бўлса... буларга айт, – дедим зор қақшаб. – Мен гиламларнинг ичида "қорадори" борлигидан бехабар эдим-ку! Агар сени ҳам она туқсан бўлса, менга тухмат қилма!

– Тўхтанглар! – хитоб қилди Турмахол. – Мен ҳам унга охирги гапимни айтиб қолай!.. – Шундан сўнг менга деди: – Эй Сафарқул исмли бечора бенда! Нега менга Худодан, имондан, виждондан гапирайпсан? Уларни унуган ўзинг эмасми? Ўғри бўлиб ўсдинг, ароққа ружу қўйдинг, оилангдан кечдинг! Вақт-соати келиб, пешонанг яраклаб, яна оиласи, бошпанали бўлдинг. Ҳатто, сенга ҳунар ўргатдим. Бир-икки йил ўтар-ўтмас эски ҳаёtingга қайтдинг! Нега? Нима учун? Қайси мазҳаб, қайси дунёқарашибаб? Ўғриликсиз, ёлғонсиз, ароқсиз яшасанг бўларди-ку! Шуни ҳеч қачон унутмаки, сен ҳар дом ҳам бирорвларни баҳтсиз қилолмайсан. Мана, борса-келмасга кетаяпсан. Сендан бутун дунё қутулаяпти.

– Шуми охирги гапинг? – хўрлигим келиб, кўзларимдан шашқатор ёш оқди. – Минг лаънат сенга!

Турмахол тентакларча хаҳолаб кулиб юборди.

– Вақт орқага қайтса, тинчгина гилам тўқиб, бозорга сотиб, пулинни ўғирламасдан келтириб берармидинг?

– Минг лаънат сенга, – дедим яна. Аммо бу гал овозим зўрға чиқди.

Турмахол шиддат-ла бостириб келиб, мени милиция ходимлари қўлидан судраганча тортиб олгач, кўзларимга ғазаб билан боқди.

– Ҳунар ўргандингиз! Ҳунарнинг орқасидан ҳалол яшайсизми? Сиздан сўраяпман, Сафарқул aka!

– Яшайман! – хирилладим мен. – Яшайман! Лекин вақт орқага қайтмайди! Уни ҳеч қачон қайтаролмайсан, доғули хотин!

Бор кучимни тўплаб, Турмахолнинг бўғзига чанг солдим. Унинг кўзлари бир зумда олайиб, ранги гезара бошлади.

– Сафарқул aka, – деди йўлакдагилар, – хотинингизни бўғиб ўлдириб, чиндан ҳам қамалиб кетманг! Бу бир ўйин эди, холос. Туппа-тузук яшаётган жойингизда эски қилиқларингизни чиқарганингизга чидаёлмаган Турмахол опа қанча пул кетса ҳам, аямай сарфлаб, гиёҳванд модда яширилган гилам воқеасини ўйлаб топди. Гиламларда ҳеч қандай "қорадори" йўқ. Биз ҳам милиция ходимлари эмасмиз. Бу ер эса камера билан терговхонага ўхшатиб таъмирланган ташландик завод биноси...

Аъзои баданим бирдан бўшашиб, кўлларим шалвираб тушди. Дам Турмахолга, дам йўлакдагиларга анграйиб қарадим.

– Турмахол опа, биз кетаверсак бўладими? – сўрадилар "милиция ходимлари" ва "терговчи".

– Раҳмат... Ҳаммангизга жавоб... – ғўлдиради Турмахол. Сўнгра менга тикилди. – Ана шунақа гаплар... Истасангиз, мендан нафратланишда давом этиб, сиз ҳам кетинг. Ўғрилик қиласизми, пиёниста бўлиб, пана-пастқам жойларда думалаб ётасизми, ўз ихтиёрингиз... Худони, имонни, виждонни билган одам эсини йифиштириб олмаса, ҳайрон қолган бўлардим...

Сафарқул ота ҳикоясини шу нуқтада тўхтатиб, бир зум ўйга толди.

– Кейин Турмахол момо билан ярашиб, бирга яшадингизми? – деб сўрадим.

– Ҳа, – жавоб берди бемор, – раҳматли билан яна йигирма беш йил бирга яшадим. Негадир фарзандимиз бўлмади. Ўн йил бурун вафот этди. У ҳаммага ғалати кўринса-да, яхши аёл эди. Мени одам қилди. Шу билан бирга ўзи ҳам одам бўлиб яшади. Бўлмаса, маҳалласига "тентак" деб ном чиқаришига сал қолганди-да ўзиям...

Санаторийдан қайтдим. Орадан бир неча йил ўтди. Сафарқул ота ҳам хаётдан кўз юмганини, биринчи оиласидаги фарзандлари у кишини дафн этганини яқинда эшилдим. Дунёда Турмахол деган ғалати аёл яшаганига гоҳида ишонгим келмайди. Макрлари-чи? Худди чўпчакни эслатади. Бироқ... ўтган куни бир газетада шундай хабарни ўқидим: "Германия полицияси афғонистонлик бир гурӯҳ оғуфурушларни қўлга олди. Маълум бўлишича, оғуфурушлар бир неча йилдан бери Германияга афғон гиламларини келтириб

сотишган. Аниқланишича, түя юнгидан түқилган ги-  
лам иплари орасига героин кукуни бекитилган..."

Үйлаб қоламан: демак, Турмахол қачонлардир  
эрини одам қилиш учун үйлаб топган макр оғиздан-  
оғизга құчиб, Афғонистондаги гиёхфурушларгача  
етиб борган. Инсон вафот этиб кетади, унинг макр-  
лари эса ўлмайды ва замондан замонга ўтади. Бу макр-  
лар яхшиликка хизмат қылса майли, аммо...

Эзгу ишларнинггина охири баҳайр бўлсин!

## УНУТИЛГАН ОДАМ

Машина светофорга яқинлашган чоғ Ҳусан aka  
қизил чироқ ёнганини кўрди. Ва унинг алланечук  
майда-майда қизил тангачаларидан иборат эканли-  
гига қизиқсиниб қаради. Ҳали бунчалик аниқ-тиник  
кўрмаган эди светофорни.

Бир лаҳзадан сўнг Ҳусан aka чорраҳа ўртасига  
етди. Машинани қайси томонга буришни үйламаёт-  
ган эди. Шу пайт ғилдиракларнинг даҳшатли чи-  
йиллаши эшитилди. Ён томондан оппоқ "Нексия"  
бостириб келарди. Музда тойғандек, кела-келгун-  
ча кўндаланг бўлди, Ҳусан aka ҳам тормозни босди.  
Машина қарсиллаб, кучли силтанди, эшик ойнаси  
тўкилиб тушди. Бир зумда ўнлаб одам тўпланганига  
ҳайрон бўлган Ҳусан aka эшикни очди. Бир йигит ту-  
шишига ёрдамлашаркан:

– Ҳеч нима қилмадими, aka? – деб сўради.

Жавоб бермасиданоқ атрофдан таъна-дашномлар  
ёғилди:

– Кап-катта одам экан, кўзига қараса бўлмайди-  
ми?

- Оқ дўппи кийиб олибди-ю ичганига ўлайми?
- Нега қизил чироқда ўтди? Соғмикан?

"Нексия"дан рангпар йигитни суяб туширишди. Бечоранинг бурни қонаган эди. Орқа ўриндиқдаги хотини икки боласини қучоқлаб йиғларди. Гўдаклари ҳам онасига жўр бўлишди. Ҳусан ака сал бўлмаса, нафақат ўзи, бироннинг оиласи ҳам ўлиши мумкинлигини англаб, товонигача музлаб кетди. Шунда ҳам тўқнашувнинг сабабини тушунолмади. Ким айбдор? Қизил чироқда ўтишим керакмиди, йўқми?

– Жинни бўлганми бу киши?! – Одамлар Ҳусан акани маломат қилишда давом этардилар.

"Мен айбдор эканман-да?" – ўйлади Ҳусан ака. Сўнг қаерда турганини, нима воқеа бўлганини, қаёқдан келиб, қаёққа кетаётганини эслаёлмай бoshини чангллади. Йигит сўкинди. Ҳусан акани дўп-послаш учун тараффудланди, лекин йиғлаётган болаларини овутиш учун бирдан ортига қайтди.

"Нексия"нинг орқа бурчаги пачоқланиб, фарасининг бир кўзи синган, "Москвич"нинг эшиги хиёл букчайган эди.

Кимдир ақл ўргатди:

– Машиналарингни олиб четга ўтинглар, "ГАИ" келмасдан ремонтни келишинглар. Худо сақлади, энди гап-сўзни кўпайтирмасдан келишиш керак.

Ҳақиқатан, атрофда йўл ҳаракат хавфсизлиги ходимлари кўринмасди. Ҳусан ака аллақандай кенг, осуда, сердараҳт кўчага кириб тўхтади. Қизик, у шаҳарга биринчи марта келгандек бу жой нотаниш эди. Юз-қўлларини ювган йигит Ҳусан акадан чўчи-гандек тўрт қадам наридан деди:

– Паспорт... гувоҳномаларни беринг.

Хусан ака хужжатларини ахтариб топгач, йигитга тутқазди.

– Анави банкнинг орқасидаги устахонада учрашамиз, – деди йигит. – Устахона учун ёнингизда пулингиз борми?

– Йўқ.

– Унда топиб келинг.

"Нексия" кўздан йўқолди. Хусан ака машинасига суюниб, бошини хам қилди. Боягина қишлоқдан хушхандон келаётган эди. Анча йилдан бери машина ҳайдайди, аммо бу қадар қўпол равишда қоида бузмаганди.

– Тезликни пасайтирмадим, бу ҳақда ўйламадим ҳам, – ўзига ўзи гапирди Хусан ака. – Светофор шундай чиройли порладики... Қизил эди, қип-қизил...

Мияси қотиб қолди. Нима қилиш керак? Шундай тураверадими энди?

"Москвич"га ўтирди-да, газни босди. Ҳар гал светофорга яқинлашганда, чироқларга қўрқа-писа қаарди. Беш-олти светофордан ўтгач, чарчаб, машинани йўл четида тўхтатди. Бу аҳволда машина бошқаролмасди. Ахир, йўл ҳаракати қоидаларини буткул унутиб бўлганди.

Бир йигит йўлақдан кекса онасини етаклаб ўтди. Улар қаёқقا кетишаюпти экан, деб Хусан ака ички бир сезги ила атрофга аланглади ва шифохонага кўзи тушди.

– Касалхона! – бақириб юбораёзди у. – Мен касалхонага келаётгандим-ку!

Шу лаҳзада хотинининг жаврашлари қулоғи тагида жаранглади:

"Олтмишга кирмай ҳамма нарсани унугиб қўяяпсиз. Бир-икки йилдан сўнг мени ҳам танимай қоласиз. Ўғилларингиздан "Кимнинг боласисан?" деб сўрайсиз шу юришингиз бўлса..."

"Нима қил дейсан?! Единг-ку миямни!"

"Сиз касалсиз! Шаҳарга бориб дўхтирга кўрининг. Келинингизнинг ҳамсоюси бор экан, етмишдан ошган чол. Склерозини вақтида даволатмагани учун нима бўлибди, биласизми?"

"Нима бўпти? Хотинини чечадептими?"

"Айтишга тилим бормайди. Яхиси, эртагаёқ дўхтирга боринг..."

Ҳусан ака "Э, мен ҳеч қандай касал-пасал эмасман, шунчаки хотирам чатоқ" деб машинага ўтирганини ҳам эслади.

– Ҳозироқ шифокорга учрашаман, – деди Ҳусан ака ва машинадан тушиб, шифохонага шошилди.

Бир зумда дарвозага етган бўлса-да, нега келаётганини, бу ер қандай макон эканини унугиб қўйди.

– Ассалому алайкум, келинглар, келинглар... – Шундай дея Ҳусан ака қўлини кўксига қўйиб, ҳалиги она-болани шифохонага манзират қилди. Ўзи ҳам остона ҳатларкан, нега карнай-сурнай йўқ, деган хаёл лип этиб ўтди кўнглидан.

"Тавба ҳақиқатан касалим зўрайиб кетибди, – ўйлади бир оздан сўнг, – нима, мен тўйхонага келаётманми? Ахир, шифохонадаман-ку! Бир нафасда эслаб, бир нафасда унугиб қўяяпман! Врачга тезроқ учрашай!..."

Шифокор уни хушчақчақ қарши олди. Ҳол-аҳвол сўрашишни ҳам қийворди. Ҳусан ака ўзини ўзи егудай ўтиради.

– Сал бошқача күринаяпсиз, ака? – деди шифокор. – Соғлик қандай?

Хусан ака шифокорнинг сўровига елка қисиб қўя қолди. Ниманидир гапиришни истарди-ю, эслолмасди. Нега келди? Ким бу одам?

– Ҳим, яхши, яхши, – қулимсиради шифокор, сўнгра соатига қараб қўйди. – Кетдикми?

Хусан ака довдираб қолди.

– Ҳозирми? – тили зўрга айланди.

– Тушдан кейин вақтим йўқ, – деди шифокор.

Шифокор ўз машинасига эргаштириб борди-да, эшикни очди. Йўлда кетишаяпти. Хусан ака шаҳардан четга чиқишаётганини кўриб турибди, бошқа ёққа йўл олишганини англаяпти, миқ этолмайди. Назарида, вужуди ўзиники эмасди.

– Онангизнинг қон босими нега тушмаяпти, ўйлаб кўрдингизми? – маъноли қаради шифокор. – Хафа бўлманг-ку-я, бу сизнинг қиликларингиздан. Нечага кирдингиз?

– Элликдан ошдим... – деди Хусан аканинг тили. – Ароқни ташлаганимга анча бўлди. Бу... дўппини бекорга кийиб юрганим йўқ.

– Элликдан ошдим? – шифокор мийифида кулди.

– Ёшини аниқ билмайдиган одамга ўхшаб гапиравиз-а? Аниқ нечага киргансиз?

Хусан ака индамади. Машина катта йўлдан ўнгга бурилиб, шаҳар яқинидаги қишлоқقا кириб борди.

– Қаёққа ҳайдаяпсиз? – сўради ахийри Хусан ака.

– Онамнинг мазаси йўқ дедингиз-ку боя, телефонда.

– Онам яхши... Менинг мазам йўқ, менинг... Бошим айланиб, тентак бўп қолдим. Нимайди бу касалликнинг номи? Шунга боргандим...

Шифокор тормозни босди. Жаҳл чиққани сезилди. Жаҳл ижирғанишга айланди.

– Айтгандай, бугун тўй-ку! Мелиқўзи зубнойни кига алдаб олиб келаяпман денг? Келиб-келиб сизни ёлладими, ярамас? Онангиз оғирлигини эшишиб юргандим, сиз... шундан фойдаландингизми? Хе садқаи одам бўлмай кетинг-е!

Хусан ака телбаларча бош чайқади. Шифокорнинг аччиқ гапларидан эмас, хотирасини бутунлай йўқотганидан довдираб қолганди. "Исмим нима эди? – деди ичида. – Ҳаким... Ҳошим... Содик... Э, Худоийим, нима бўлаяпти менга?"

Шифокор машинасини бурмоқчи эди, орқадан "Мерседес" сигнал чалди. Шифокорнинг юзига қон югурди. Машинасидан туша солиб кўришмоққа шошилди. Ғовур-ғувур эшитилди. Шифокор рулга қайтди-да, тўйхонага ҳайдади. Тўй эгаси ҳаммани очик-чехралик ила кутиб оларкан, Хусан акага хўмрайиб:

– Қаёқда юрибсиз? Сизга ишонган одам ҳаром ўлади, – деди.

Хусан ака тўй эгасини ҳам танимади. Тўйхонада кўпчилик Хусан ака билан салом-алик қила бошлади. Салом-аликлар замирида қандайдир менсимаслик, мазах ётганини сезгач, бирини силтаб ташлади.

– Ие, акам... ўзимнинг акам... Мени танимадингизми? – деди маст.

– Танимадим! Йўқол! – баттар ғазаби қўзиди Хусан аканинг.

У ўзининг ким эканини унугани сайин шахсијатига нисбатан нафрат уйғонаётган эди. "Мен ким

эдим? Нега пасткаш, майдакаш бўлиб яшаётгандим? Бирорга берган ваъдамни бажармаганман, ит билан ҳам, бит билан ҳам улфатчилик қилганман, ароқ ич-ганман, ҳаттоки, онам ҳам мени деб касал ётибди... Ё алҳазар!"

Тўйхонани тарк этиб бораркан, атрофдан "Бугун ичмабдиларми?", "Алкашга оқ дўппи ярашмайди", "Нима жин урди, ўвв..." каби хитоблар қулогига чалинди. Кўчага чиқаверишда йўлини бир йигит тўсди. Ҳусан акага жуда-жуда ўхшарди.

– Катта онам... сизни сўради, – деди у. – Қаерларда юрибсиз?.. Катта онам... вафот этди...

Бугун Ҳусан ака учун энг қора кун эди. Онаси ўлди. Онаси билан бирга гўё сўнгги хотираси ҳам ўлди. На онасини, на манави йигитни, танияпти.

– Онажон... – шивирлади Ҳусан ака. Бироқ ачиниш хиссини туймади. Одамлар пастга урганича бор экан, эс-хуши жойидалигида ростдан пасткаш, бемеҳр, одам қиёфасидаги махлуқ бўлиб яшаган кўринади.

Ҳусан ака жанозада бошдан-охир ўз ғамига қоришиб ўтирди. "Онам оғир экан, таниш дўхтири ни чақириб келишга борибману тўйхонага ўтиб кетибман. Воҳ, қандай разилман! Шунда ҳам онам бояқиш мени сўраган. Атрофида қанча неваралари, жигарла-ри... Шунда ҳам мени сўраган..."

Бир неча кундирки Ҳусан акада ўзгариш сезилмагач, кампирнинг маъракасига келган қариндошлар унинг бошида тўпланишди.

– Нега бундай ўтирибди? – сўради бир чол.

– Ҳеч нимани эслаёлмаяпман, деяпти, – жавоб берди хотини.

– Яна ичаяптими?

– Ичгани йүқ... – йиғламсиради хотини. – Ҳамманг бегонасан, биттангни ҳам танимайман, мени уйимга олиб бориб қўйинглар, деяпти.

– Ўқитиб юбориш керак, – деди чол. – Минг марта айтдим, бу одам бўлмайди деб! Ўтиришинг қурсин, мендай бовай одамсан сен ҳам!

Хусан ака қулоқларини беркитди. Ўзининг жирканч одам эканлигини ҳазм қиломади. Яқинлари қўлини бигиз қилиб кўрсатаяпти, ёш боладек ўртага олишаяпти. "Ахир, мен оиласнинг каттаси, маслаҳатгўйи, мўътабар кишиси эмасмидим? – ичиди қон йифлади. – Наҳотки, барчasi туш бўлса?! Наҳотки, мен шу оиласнинг иркит вакилиман? Онасига ҳам аза тутолмайдиган ҳайвондан баттар кас!.. Дайди!.."

Эртасига Хусан акани шифохонага олиб бориши. Кўзойнак таққан семиз шифокор бемор тарихини тинглагач, бир оз текшириб кўрди-да, бош қашиди.

– Исмингиз Ҳасанми ё Ҳусан?

– Ҳус...Ҳус..ан.

– Бир неча кун бурун "Москвич"да авария қилгансиз, тўғрими?

– Тўппа-тўтри! Лекин пиёниста эмасман! Қизил чирокда тўхташни унутиб, "Нексия"га тўқнашиб кетдим.

Хотини бобиллади:

– Вой, бу кишида "Москвич" нима қилади, дўхтири? Бирор билан адаштирмаяпсизми? Ўзи зўрға юрса, машина ҳайдоладими? "Права"си ҳам йўқ-ку, ахир! Боши айлангани учун "Москвич"у қандайдир авария ҳақида тўқиб чиқарааяпти!

– Чорраҳада юз берган автоҳалокат ҳақида мен гапирайпман, – дея шифокор ғаладонни очиб, эълон қоғозини чиқарди. Унда Ҳусан аканинг сурати бор эди. – Агар бемор биринчи бўлиб гапирганида эди, хаёлот деса бўларди.

– Тавба, тавба!.. – Хотин қоғозга анграйганча тикилди.

– Ҳусан ака, – деди шифокор, – сиз қидирудасиз, милицияга хабар беришга мажбурман. – У ҳайрон тикилди турган яқинларига қаради. – Сизларга ҳам қойилман! Бу киши Ҳасан ака эмас! Бутунлай бошқа одам! Охирги пайтларда уйга келмай қўйгани учун бир оз ўзгарган деб ўйлагандирсизлар, эҳтимол. Чунки... ҳақиқатан қўйиб-қўйгандек ўхшаркан.

Ҳусан аканинг ҳақиқий қариндошлари етиб келишди. Орасида мункайган онаси ҳам бор эди. Бояқиши Ҳусан ака онасини соғ-саломат кўриб йиғлаб юборди.

– Дада, "Москвич" гаражда, – деди ўғли. – "Нексия"ни ҳам таъмирлатдик, эгасини рози қилдик. Хотиржам, бемалол даволанаверинг, ҳеч нарсадан асабийлашманг.

– Склерозингизни вақтида даволатинг, бўлмаса, чуқурлашиб кетади, деб кўп айтардим, эътибор бермасди, – мунгайди хотини.

Ҳусан аканинг қари онаси ярим аср муқаддам йўқолган Ҳасанининг дарагини эшитиб, атрофга жавдиради. Барча ҳаяжон ичра Ҳасан акани ахтара бошлади. Катта эгизакнинг ҳадеганда дараги чиқавермади. Айтишларича, у шаҳарнинг қайсиdir бурчагида инсон эканлигини унутиб бўккунча ичиб ётганмиш.

## ДАРБАДАР

Учинчи қуни бир одам келди. Ҳамма билан қўл бериб кўришиб чиққач, каттамиз кимлигини сўради.

- Мен, – деди Алимназар ака.
- Отим Халил, – деб бошқатдан кўришди у. – Сомонхона қурмокчийдик.

– Бўпти, қуриб берамиз, – ҳар доимгидай тез жавоб берди "раис"имиз.

- Сомонхона иккинчи қаватда бўлиши керак.
- Пулини тўласангиз қураверамиз.

Буюртма берувчи худди кесак отгандек қўлини кескин силтади. У бизни кўндиришдан ҳам кўра ўзининг розилигини олишга қийиналаётганга ўхшарди.

- Қанча бўлади?

Алимназар ака дўпписини бир-икки қоқди. Пешонасини тириштириб:

- Ишимизга яраша ҳақ сўраймиз, – деди. – Бўйи баландлиги, ёпилиши... Хуллас, эл қатори.

Тоғнинг нариги томонига жўнадик. Юк машинаси қирлар оша кичикроқ қишлоққа яқинлашганда суви жилдираб оқаётган ариққа дуч келдик. Ғилдираклар лойқатиб ўтди, ниҳоятда чанқадим. Шукрки, юк машинаси устидамиз. Алимназар аканинг эски "Москвич"и бўлганида, шундай иссиқда момомизни кўрардик.

Тор, айланма кўчалардан қишлоқ ўртасига – Халил аканикига кириб бордик. Кенг, қия ҳовли. Кўча томон молхона. Этақда олма, ўрик дараҳтлари, бедазор кўринади.

Бир-бир косадан шўрва ичдик. Гап ишга тақалди. Ўтирган жойимиздан қайирилиб молхонага кўз тикидик. Халил ака тушунтириди:

– Анави ўтихонагача жовлик усти очилади. Қайтадан ёпилиб, сомонхона поли тайёрланади. Ке-йин девор, том. Айтгандай, сомонхона оғзи олдин-дан эмас, орқа томондан очилади.

– Нега? – эътиroz оҳангига сўради Алимназар ака. – Шамолга қараб қолади-ку. Ёмғир ҳам ўша томондан уради. Булар ҳам майли. Ичадиган, чекадиган одам сизларда ҳам бўлса керак. Мастликданми, атайлабми, сигарет отиб юборса, худо кўрсатмасин, ёниб кетади.

Халил ака томоқ қириб, қатъий оҳангда деди:

– Ҳаммаси ўйланган, уста. Сиз у ёғидан ташвиш чекманг.

Алимназар ака қаттиқ турмади. Ўзингиз биласиз, дегандек мавзуни қурилиш материалларига бурди.

\* \* \*

Мактабда жуда яхши ўқирдим. Мен ҳам, отам ҳам пулни ёмон кўрардик. "Пул жонсиз нарса, – дерди отам, – лекин одамнинг қўлида шундай рақсга тушадики, эгасини ҳам, бегонани ҳам расво қиласи".

Минг-минглаб одамлар умрини пул топишга баҳшида этаётганига гувоҳ бўлдим. Ҳа, пул деб умр ўтади. Мен бошқача йўл тутаман.

Бироқ ўқишига ўтолмаганимда, илк бор пулим йўқлигига ўкиндим. "Қанийди отам бадавлат бўлганида-ю энг кучли репетиторларда тайёрланиб, университетда ўқиганимда эди...", – дедим ичимда. Энди нима қиласи? На мактаб, на ўқиши. Қора меҳнатга ёлланиб кун кечираман, шекилли.

Бир ой ҳеч қаерда ишламадим. Ота-онам ҳам ғинг демади. Кўнглим чўкиб юрганим учун индамай қўя

қолишгандир. Бекордан бекор юриш ўзимга тұғри келмади. Гоҳ дүкондордан, гоҳ құни-құшнilarдан қарз бўлардик. Қарзни узиш вақти келади. Пул эса йўқ. Мулзамлик, тажанглик, уф тортишлар...

Енг шимариб ишга киришдим. Аввал ўз томорқамизни эпақага келтирдим. Сувоқсиз ётган оғилхонани сувадим. Алимназар aka чақириб қолгунча ишладим. Шундан бери битта гуруҳмиз.

Ҳамон пул ҳақида ўйлайман. Пулим кўп бўлганида, ҳозиргидан баҳтилироқ ҳис этармидим ўзимни? Нега отам пул деса юзини бужмайтиради? Пул ёмон бўлса, нима учун отам унга зор?

Шундай кунларнинг бирида қўшнимизнинг ўғли университетдан ҳужжатларини қайтариб олди.

– Мухтор, – деди у, – сен ҳам йиқилгансан, ҳужжатларинг архивда қанча узоқ ётса, шунча кўп пул тўлайсан.

Шаҳарга жўнадим. Ҳужжатлар солинган папкани кўлтиқлаб, университет дарвозасидан хомуш чиқиб бораётгандим, бир аёл чақирди.

– Юрфакда ўқийсизми? – сўради у менга журъатсиз яқинлашаркан.

Ўттизлар атрофидаги тўлача, қоматдор аёл жилмайиб тураг, нозли қараётганга ўхшар эди.

– Мен ўқимайман... – дедим чайналиб. – Лекин ёрдамим тегиши мумкин.

Аёл айтсамми, йўқми, дегандек иккиланиб қолди. Менга эргашиб хиёбон сари юрди.

– Э, ўқимас экансиз-да, – деди афсусланиб.

– Ўқиганимда нима илтимос қилардингиз?

– Кир-чирини ювиб берсам, овқатини тайёрласам дегандим.

Хайрон бўлганимни сездирмаслик учун лоқайд бир алфозда дедим:

– Э, шунақами? Ўзи талаба бўла туриб маош ҳам тўлайдими сизга? Ундан кўра кир ювдирадиган оила-ларни топишингиз осон, менимча.

– Юрфақда бойнинг болалари кўп дейишди. Икки-учта бўлиб битта шинам уйни ижарага олармишлар. Икки юз-уч юз долларга! Катта пул-а?

– Ҳа, катта.

– Мен кўп сўрамайман. Бу атрофда бекорга юр-масангиз керак. Танишларингиз бўлса айтинг. Тағин ёмон хаёлга боришимасин. Қишлоқдан келганман, кўнглим очик, яхши аёлман. Оилаларга хизмат қилишни ёқтирумайман. Шаҳарга ҳеч кимга тобе бўл-маслик учун келганман.

– Оиласиз борми?

– Ҳа, иккита болам, эrim, ҳовли-томорқам, мол-ларим...

– Квартирада яшаяпсизми?

– Вақтингчалик турибман. Агар пулдор йигитлар топилса, уларнинг квартирасини тозалаб бераман, овқатини қиласман, шанба куни эса уйга кетавераман. Талabalарни укамларнинг ўрнида кўраман. Бир тийинига ҳам кўз олайтирумайман.

– Ну... қандай бўларкин? Эрингиз эшитса...

– Эй-й... ука, эrim нима дейди?! Ўқища ўқиёлмадим, шаҳарда ишломмадим. Марҳамат, ша-роитимни қилиб берсин. Тўғрими? Нима, мен ҳаром-ҳариш юрибманми? Кундуз ошхонада ишлайман. Кечга яқин талabalарга энагалик...вой, узр, опалик... Қаери ёмон танлаган ишимнинг?

Елка қисиб, унга норози нигоҳ ташладим.

– Шу ерда беш дақиқа ўтирайлик, – деб ўриндиқни кўрсатдим.

Аёл ўзини оқлай бошлади:

– Одам дунёга бир марта келади. Ҳали кўп нарсанни тушунмайдиганга ўхшайсиз. Нимадир бўғзингга тиқилиб келса ёмон, жуда ёмон. Мен... талаба бўлиб яшагим келади. Ҳар ҳафта уйга бораман, болаларим соғиниб, "опам келди" деб чопиб чиқади. Хўжайнинга ҳам тўрт-беш сўм берардим, қўли пул кўрарди. Ҳам талаба, ҳам оила боқувчи... Шунақалар йўқми?

– Сизга ўхшаган аёлни биринчи учратишими. Бу... яхшимас. Агар хотиним берухсат биронницида юрса, етти-ёт талабалар билан кечқурун ёлғиз қолса, кийимларини ювиб, овқатини қилса, тўғриси, уни хайдаворардим.

– Ҳамма эркаклар бошида шунақа бўлади, кейин "Қанийди хотиним ҳам пул топса" дейди. Хотинингиз борми?

– Менингми? Уйланганга ўхшайманми?

Аёл ишвали кўз ташлаб қўйди. У соғ эмас эди. Билмадим, қанақа қишлоқдан, қавм-қариндош, эр, ота деганлардан ростдан бормикан?

Хўжжатларимни қўлтиқлаб қайтарканман, кўз олдимдан аёл ва пул нари кетмасди. Талаба бўлишни, айниқса, ҳукуқшунослик факультетида ўқишни шунчалар истай бошладимки, бу қора кунлар бошимга нега тушди, деб аламим қўзириди.

\* \* \*

Ўтган йили хиёбонда учратганим ўша аёлни, пулнинг қудратини, пасткашлигини бежиз эсламадим.

Халил ака, қингир-қийшиқ күчалар, бесўнақай со-  
монхона – барчаси кишида бошқача яшаш иштиёқини  
уйғотарди. Бир марта берилган умрда бой ва баҳтли  
умр кечирсам, дейсан.

Алимназар ака кечқурун деди:

– Халил, сомонхона оғзини күчага қаратганингиз  
ишингизни енгиллатади. Пичанми, сомонми, күчага  
тўқтирасиз-да, шундоқ паншаха билан отаверасиз.  
Шуни ўйлаб кўйган экансиз-да, а?

Үй эгаси елкасидаги кир сочиққа қўлларини ар-  
таётиб:

– Йўқ, ака, боя айтган эътирозингиз тўғри, – деди.

– Шамол учиради, ўт кетиши мумкин.

– Ие, бўлмаса, нега бундай қурдираяпсиз?

– Овчиликдан хабарим бор, ака.

– Тушунмадим, сомонхона оғзининг күчага қараб  
қурилиши билан овчиликнинг алоқаси нимада экан?

– Сизга бир гап айтай: шоирлар фақат шеър ёзмайди,  
ошпаз тинимсиз қозон ковламайди. Шеър ёзиш  
учун кузатиш, ўйлаш, илҳом келишини кутиш керак,  
овқат пишириш учун чамалаш, масаллиқ тайёрлаш,  
қозон-ўчоқдан боҳабар бўлиш шарт.

– Жуда-а топишмоқ билан гапириб юбордингиз, –  
кулди Алимназар ака. – Бунинг жавобини келиндан  
бўлак ҳеч ким тополмаса керак.

Халил аканинг туси ўзгарди. Тўғриси, хаёлим  
тўлиқ уларда эмасди. Ҳамон киши бой бўлса, бунаقا  
хароб жойда яшамайди, деб ўйлаб ўтиргандим.  
Алимназар ака қанақа аччик гап айтиб юборди экан,  
дея сергакландим.

Халил ака индамай ортига бурилди. Биз унинг ош-  
хонага кириб нимадир тўғрай бошлаганини кўрдик.

- Эътибор бердиларингми, хотини йўқ шекилли,
- деди Алимназар ака.
- Эна-пенасиникига кетгандир-да, – шивирлади шеригим, – аёлсиз рўзгор қилишига ишониш қийин.

Мол боқиб қайтган беш-үн ёш атрофидаги иккита бола бизга қизиқсиниб қаради, каттаси салом берди. Кичиги ошхона томон шаталоқ отиб чопди. Унинг "Дада, овқат пишдими?" дегани эшитилди.

Бир оздан сўнг хонтахтага дастурхон ёзган Халил ака нон, узум, помидор, чойнак-пиёла қўйди. Айронни ўғли кўтариб келди. Алимназар ака болани обдон мақтаб, секингина сўради:

- Аянг қаерда?
- Мен ая демайман. – Бола бошқа ҳеч нарса гапирмай ошхонага шошилди.

Биз ота ва болаларни зимдан кузатардик. Ўғли нимадир дегач, Халил ака биз томонга икки-уч ўғринча кўз ташлади. Сўнгра ўғилларига ўша ерда дастурхон ёзиб, овқат солиб берди.

Ош еяпмиз. Халил ака кафтини тўлдириб гуруч ошалар экан, қайсимизнинг пиёламиз бўшаса, чой қуярди.

- Сўраганнинг айби йўқ, – деди Алимназар ака,
- келин кўринмайди?
- Кетган.
- Кетган? Қаерга?
- Айтмасам, ҳамсоя-памсоялардан ҳар хил ёлғоняшиқ гапларни эшитасиз. Ундан кўра ростини айтиб қўя қолай: хотин шаҳарда.
- Ҳа-а, – чўзиб тасдиқлади Алимназар ака, – бу дейман, шаҳарлик экан-да?

Халил ака бош чайқади. Биздан хижолат чекаётгани сезилди. Аммо сўзлаб бермоқликин бўйнига олди.

– У ўзимизнинг даштлик. Аввал уришдим, сўкдим, кейин урдим. Яна қўл кўтарсанг, судга бераман, деди. Бир оиласда яшаб судга берувчи сенми, дедимда, талоғини айтдим. Шунда ҳам йигламади. "Эрга тегиб хато қилган эканман, отам битта новвосни сотиб ўқитарди, энди йўлим очилди", деб отасиникига жўнади. "Болаларни ҳаётда бермайман, сен тентаксан, тентаклигинг учун ҳам ота-онанг эртароқ эрга бериб қутулган", дедим. Бундай олиб қараганда, эндиликда у менга хотин эмас. Одамлар "Халилнинг хотини бузилиб кетибди", "Халилнинг хотини студент йигитлар билан яшармиш" деб оғзига келганини гапиришади. Нима қиласай? Бориб ўлдираими?

– Ўзига инсоф берсин, – деди Алимназар ака.

– Уйимга қадам босса, пешонасидан отаман. Болаларим мени тушунади, кечиради. Унақа онанинг уларга ҳам кераги йўқ. Тавба, сен пул топмайсан, овлоқда яшаяпман, шаҳарлик бўлолмаяпман, дейди тентак. Дардлари шунақа эмиш. Ё алҳазар, шу ҳам дардми?

Халил ака гапирайти-ю мен мулзам тортаяпман. Хозиргина ўша хотинга ўхшаб фикрламадимми?.. Тўхта-тўхта, "Талабалар билан яшармиш", дедими? Ҳалиги аёл эмасмикан? Ҳуқуқшунослик факультетининг пулдор талабаларини ахтараётган қишлоқлик ғалати хотин...

– Шундай бўлган бўлса, бошқа хотин олинг. Ўзингиз кир ювиб, ўзингиз овқат қилиб юраверасизми?!

Уй эгаси Алимназар акага қарамай деди:

– Бир оз пул топдим, мана, сомонхона қурдираяпман. Шу пулга уйланишим ҳам мумкин эди. Ор санадим.

Ҳаммамиз баравар тикилдик. Қизиқ одам экан. Хотини шаҳарда аллакимларнинг ижара уйида яшаб юрибди, у эса бошқасига уйланишга оп қиласди.

– Иккинчи марта уйланиш тұғри келмайдими?

– Гап бунда эмас.

Халил аканинг сирли гаплари шу ерда тугади. Биз сомонхонани битириб, қишлоқ билан хайрлашгуни-мизча мазкур мавзуда бошқа оғиз очмади.

\* \* \*

Анча-мунча пул ишладим. Ота-онам қўярда-қўймай университетга юборди. Абитуриентлар, ота-оналар ҳар қадамда учрайди. Хиёбондаги ўриндиқда ўтирганларни кўриб Халил аканинг хотинини эсладим. Болаларини, эрини, рўзгорини ташлаб, шаҳарда юришни афзал кўрган аёл дунёда борлигига, ўтган йили уни шу ерда учратганимга, ёзда эриникида ишлаганимга ишонгим келмасди. Ҳаёт мазмуни фақат пулдан, орзулар ушалишидан, ҳою-ҳавас ортидан қувишдан иборат эмас-ку. Одам "энг яхши инсон" деган номга сазовор бўлиш учун дунёга келмайдими? Бежиз гўдак ширин эмас. У кейинчалик ҳам суюмли жиҳатларини сақлаб қолиши керак...

"Ўқишини тугатганимча файласуф бўламан", – дедим ўшанда. Бироқ олдинда мени етти ухлаб тушиб-га кирмаган воқеалар кутарди. Ўқишига ўтиб, қўшни вилоятлик йигит билан дўст тутиндим. У бой хона-дон фарзанди эди. Дадаси олиб берган уйидан менга

ҳам жой ажратди. Ҳуқуқшуносликда ўқийдиган амакиваччаси – учаламиз яшардик. Улар менга, ҳатто, нон ҳам олдирмасди. Шунга қарамай ул-бул тансиқ нарсалар кўтариб келардим.

Наврӯз байрамида лотореядан яп-янги машина ютдим. Сотдим-да, эскироғидан олиб, ортган пулларга қишлоқдан дўконча очдим. Ишим яна юришса шаҳардан ҳам дўкон қурмоқчи эдим.

– Қисқа муддатда биздан ҳам бойиб кетдинг-а? – ҳазиллашди ўртоғим. – Отамиз берган пулга яшаяпмиз. Сенинг машинанг, магазининг бор.

– Пул қўлнинг кири, – деди амакиваччаси. – Анча вақтдан бери айттолмай юрибман. Эллик минг-эллик мингдан ташласак бир аёл келиб овқатимизни қилиб беради, киrimизни ювади, хоналарни тозалайди. Бошқа ишларга ҳам қўнадиганга ўхшайди. Чақирамизми?

У бизга қараб мутомбirona кўз қисди. Хоҳолаб кулишдик.

– Ўзи қаерлик экан? Ёши нечада? – сўрадим мен.

– Икки йилдан бери шаҳарда юрармиш. Асли чекка қишлоқдан дейишди. Уни факультетимизнинг ярми танийди. Чиройли хотин.

– Майли, опке, – дўстимнинг кўзлари чақнади.

Иккови менга саволомуз боқди. Розилик билдиришга билдиридиму кечаси билан ухлолмай чиқдим. Кўз олдимдан Халил aka ва икки ўғли кетмасди.

Аммо дўстимнинг амакиваччаси ўша аёлни тополмади. Учинчи куни бир гап эшидик: аёл қишлоқقا борибди, лекин уйига яқинлашган пайт эри самонхонадан ўқ узибди. Тонг ҳали отмаган эмиш. Бечора кўчанинг ўртасида жон берибди.

– Қизик, – деди дўстим, – тонг-саҳарда отиб ўлди-рибдими? Демак, эри уйида эмас, сомонхонада ухлар экан-да?

– Қаерда ухлаши билан нима ишимиз бор, – амакиваччаси сабзи тўғрашга киришди. – Хизматкорсиз қолдик-ку!

– Хизматкорсиз?.. – Миямда оғриқ турди.

– Эшитишимча, эри уни шунча вақтдан бери пойлаб ўтиармиш, – деди амакиваччаси. – Мен бу гапга ишонмадим. Ким ҳам енгилтак аёлни ойлаб ухламай пойлайди? Эрининг уйи йўқми? Ундан ҳам ғалатиси, аёл дегани болаларини кўришга тонгда келадими? Бу ерда бошқа гап бор.

– Нима гап? – сўради дўстим.

– Билмасам, – елка қисди амакиваччаси. – Ҳамма гап шу жумбокда-да.

Мен юзимга фотиҳа тортдим. Халил аканинг нега иккинчи марта уйланмаслиги ва бор пулига оғзи кўчага қараган қўшқаватли бино қурдиргани сабабини энди тушундим. Кеч бўлган эди. Тез орада шаҳарга қоронфилик чўқди.

## ТАРОҚ ЙЎҚОЛГАН КУН

Бозор олдидан ойна дўкони очган Санъатжоннинг иши юришиб, уйини кўнгилдагидек таъмирлатди. Хотини Ойзодага атир-упалар, қиммат тақинчоқлар, нархи осмон либослар учун қийналмай пул берадиган бўлди. Орзу қилинган фаровонликка эришиш осон кечмади, албатта. Санъатжон бозорма-бозор, цехма-цех, банкма-банк елиб-югурад, уни турли

қурилишларда линейка ёки ўлчов тасмаси күттарган ҳолда ҳам учратиш мумкин эди.

– Кеча-ю кундуз итдек ишлайсиз, – кулдилар бир куни танишлари. – Сиз ҳам биз билан бундоқ дам оласизми, йўқми?

Санъатжон бир неча марта чойхона-ю ресторонлардаги зиёфатларда иштирок этди. Негадир гап кўпинча енгил-елпи, майшатпараст кишиларнинг тутумига бориб тақаларди. Кимнинг маъшуқаси бор, ким хотинини алдаёлмайди, ким фалончихон билан қандай танишган ва ҳоказо.

– Кафолат бераманки, орамизда фақат Санъатжон хотинига садоқатли, – деди ширакайфлардан биттаси. – Иш, рўзгор, хотин, бола-чақа деб ёмон ўлибтирилади-да. Эҳ дўстим, – Санъатжоннинг елкасига қоқди у, – биз ҳам сиздекмиз. Лекин ҳаётда бошқа сўқмоқлар ҳам йўқ эмас.

«Дўстинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтаман», дейишгани ҳақ гап экан. Улфатларининг гап-сўзи таъсирида бўлса керак, охир-оқибат Санъатжоннинг кўнглига шайтон оралаб, Ойзодага берган ваъдасини бузишни ўйлаб қолди. Анча вақтдан бери дўконига Замина деган жувон киради. Дам ойна сотиб олса, дам кўзгу истарди. Исмини ҳам, ўзини ҳам яхши эслаб қолганди. Бир гал эри билан келди. Фотостудия сураткаши, олифтагина йигит, янги қора «Нексия»си бор.

Кунларнинг бирида Санъатжон уйи яқинидан тароқ сотиб олди. Улфатларидан ҳеч бир жиҳатдан ортда қолмасликни кўнглига туккан эди. Тароқ кумушдан ясалган бўлиб, унча-мунча дўконда учра-

масди. Дүконига келиб, күзгулардан бирига қарадида, сочини тарай бошлади. Кимдир соати билан маңтанса, кимдир телефонини күз-күз қилади, яна биров эса чиройли күзли узугини намойиш этади. Аммо улфатларининг бирортаси қимматбаҳо тароқ олиб юришни хаёлига келтирмаган эди.

Санъатжон ўзидан мамнун бўлиб, тароғини пуфлаб, кўкрак чўнтағига солган ҳам эдики, бўсағада турган жувонга кўзи тушди. У Замина эди.

– Ётоқхонамга кўзгу олмоқчиман, – деди жувон аланглаб. – Қанақасини маслаҳат берасиз?

– Ётоқхона кўзгуси нозик масала, – деб Санъатжон унга яқинлашди. – Аввало, ўзингизнинг кўнглингизга, кейин жуфтингизга ёқиши керак. Кўнгил ва кўзгу... Аслида бир хил нарса... Танланг!

– Қизиқ, – маъноли қараб қўйди жувон.

Санъатжон кўзгу танлашда ёрдамлашиб, касса ёнига қайтди.

– Сотувчингиз қани? – сўради Замина ҳамёнини кавлаб.

– Учрашуви бор экан, кетди, – жилмайди Санъатжон. Кумуш тароғини чиқариб, сочини ўнг тарафга силлиқлади. – Биринчи марта дўконимда ёлғиз харидор билан ёлғиз савдо қилишим. Бундай тинч кунни кўп йиллардан бери кўрмагандим.

– Қанча бўлади?

– Сизга арzon, – деди Санъатжон илмоқли оҳангда.

– Вой, тушунмадим? – жиддий тортди жувон.

– Доимий харидоримсиз. Арzonлаштиришим мумкин эмасми?

Замина нима дейишни билмай, нигоҳини тароққа қадади.

– Тароғингиз кумушми? – деб кўзгуниңг пулини пештахтага қўйди.

– Кумуш, – бош силкиди Санъатжон. – Аёлларники ҳам сотилаётган экан. Агар керак бўлса...

– Йўқ, хайр.

– Хайр... Келиб туринг, Замина.

Санъатжон тароқдан мамнун бўлди. Ҳарҳолда, латофатли жувоннинг эътиборини тортишга шу жонсиз нарса ҳам ёрдамлашган эди.

Үйига келиб, яна кўзгуга бокди-да, сочини таради. Хаёлидан «Келишган, ёқимтой, бадавлатман» деган ўй ўтди. Ўй ўтган он нечундир баҳти кемтик бўлиб туюлди. Шундай кишига кимдир, нимадир етишмаётгандек эди.

– Намунча ойнага қарадингиз? – Ойзода хонага кира солиб, уф тортди. – Ана чиқади дейман, мана чиқади дейман...

– Тинчликми?

– Юринг ошхонага.

– Овқатинг дарров пишдими?

– Овқатни кейин ейсиз. Жавоннинг тахтасини тузатиб беринг.

Санъатжоннинг асаблари ўзи ҳам кутмаган тарзда таранглашди.

– Нега бузилади? Янги эди-ку!

– Қаёқдан билай?! Тахтаси ўз-ўзидан тушиб кетди, атайлаб осилибманми?

– Нега мен тузатишм керак?

– Сиз туриб, мен тузатайми? Бугун нима бўлди ўзи? Ишдан келганингиздаёқ тўнингиз тескари!

– Мен дурадорманми демоқчиман, Ойзода? Келганимдан қичқирасан!

– Бўлмаса, дурадгор чақиринг.

Санъатжон баттар асабийлашди. Қараса, ошхона жавони ростдан ҳам таъмирталаб. Шу кунгача хиёнат нима, билмади, ароқ ичмади, сигарет чекмади, топган-тутганини уйига ташиди, хотинининг раҳмати шуми? Улфатларига ўхшаб ялло қилиб яласин эканда. Улар кўчада яйраб юрганлари учун хотинларининг дийдиёсига индамайди. Гўёки қийналаётган виждонларини хотинларининг бобиллашлари ювиб юборади. Ойзода эса, ҳатто, тароқни қаердан олдингиз, демади-я! Санъатжонни ким деб ўйлайди? Пул топадиган машинами, рўзгор ташвишларидан бошқа ҳеч нима керак бўлмайдиган одам-роботми?

Эртасига дурадгор ахтарди. Бозорнинг нариги тарафидағи келин либослари салонига ойна сотганида, усталар орасида Исмоил деган дурадгорни учратганди.

– Исмоил, сенмисан, ука? – деди қўнғироқ қилиб.  
– Рақамингни сақлаб қўйгандим. Мен ойна дўкони эгаси Санъатжонман.

– Э, Санъат ака, яхшимисиз?

– Вақтинг қалай?

– Нима хизмат, акажон? Уйда фирт бекор ётибман.

– Олти ой аввал ошхонамни янгидан жиҳозлатгандим. Кеча жавоннинг тахтаси тушиб кетиби. Сифатли деб мақташганди. Бир қараб бер. Ё тузатиш керак, ёки янгисидан қўямиз.

– Хўп, акажон, сиз айтган вақтда бораман.

Санъатжон телефонини ўчириб, кумуш тарогини эслаб, чўнтакларини пайпаслади. Тароқ ҳеч қаерда йўқ эди.

Бу пайтда Исмоил ҳам телефонини чўнтағига солди-да, ўзининг пластмассадан ясалган арzon хитоий тароғидаги кирларни тозалаб, симкаравотига чўзилди. Тароқнинг анча-мунча тишлари тўкилиб қолганди.

Одми қўйлак кийган, сўлғин хотини Вазира кириб, каравот четига оҳиста чўқди.

– Исмоил ака, мени ҳам эшитинг, – деди маҳзун товушда. – Бошқаларга «акажон», «опажон» деб яхши гапирасиз. Жеркиб ташламасдан, рухсат бера қолинг, ишга чиқай. Ана, қўшни хотинлар билан бо-риб келаман. Яқин-ку.

– Ишламайсан! – кўзларини олайтириди дурадгор.

– Ишлашнинг нима айби бор? – йифламсиради Вазира. – Маоши ҳам яхши бўлса! Пулга зориқиб шунаقا ётаверамизми? Ҳаракат қилиш керак, ахир! Неча ойдан бери битта шу пластмасса тароқда соч та-райсиз...

– Ҳозиргина буюртма тушди, – тароқни синдириб отиб юборди дурадгор. – Ойна дўконининг эгаси уй-ига чақирди. Ошхонасини қайта қурдирамиши. Сен эса официантка бўлмоқчисан!

– Ресторанда ишлашни ёмон деб ҳисоблайсиз! Қўшни хотинларнинг эрлари...

– Сен нимани ҳам билардинг? Аёлни мухит бузади! Гапирма менга қўшниларнинг эрларини!

– Тавба денг, Исмоил ака! Ўз хотинини енгил деб ўйлаган эр...

– Ўчир!

– Ҳар кимга инсоф берсин!

– Ўғирлик қилиб қамалганимни юзимга солаяпсанми? – Қаддини ростлади Исмоил. – Нима қилган бўлсам етишмовчиликдан қилганман! Инсоф бўлган менда!

– Бу гапларга ўғирлигингизнинг нима алоқаси бор?

– Ичингда мени ўғри, пултопмас, калтафаҳм, бадбин деб ўйляяпсан!

– Тухмат қилманг!

– Тухмат эмас!

– Бошқа дурадгорларга қаранг, Исмоил ака! Ўғирликка қўл уришга мажбурлайдиган муҳтоjлик йўқ бу ҳаётда. «Нима қилган бўлсам етишмовчиликдан қилганман» дейсиз. Шу фикрингизга қўшилмайман, холос.

Эр-хотин бир оз ғижиллашиши. Кечга яқин Санъатжон қўнфироқ қилди.

– Исмоил, – деди у, – уйинг қайси тарафда? Машинамда олиб ўтмоқчи эдим.

Дурадгор айтди. Орадан кўп ўтмай Исмоил Санъатжоннинг машинасига ўтирди. Иккисининг ҳам кайфияти бузуқ эди.

– Қанча топсанг ҳам кам, – деди Санъатжон йўлда. – Кеча ўша ошхона жавонини деб хотин билан уришиб қолдим. Ёнимиздаги тилла дўкондан тароқ олгандим. Хотин билан ади-бади айтишаман деб, тароқни қаерга қўйганимни эслаёлмаяпман. Эсиз, биттасига ёққанди-да шу тароқ.

– Биттаси деб кимни назарда тутаяпсиз? – сўради Исмоил.

– Дўконимга кириб туради. Тез-тез кўраверсанг, кўзингга иссиқ бўлиб қоларкан.

Исмоил хўмрайганча деди:

- Тароқ тилладанми?
- Кумушдан, – деди Санъатжон. – Нархини айтами? Юз минг сўм.

Санъатжоннинг уйига кирдилар. Икки эркак олдинма-кетин ошхонага ўтиши. Ойзода уста келганидан хурсанд ҳам бўлмади. У синган тахтани кўрсатиб, нариги хонага чиқиб кетди. Исмоилга бу иш ҳеч гап эмасди. Таъмирлашга киришганида, эр-хотиннинг нариги хонадан овозлари эшитилди:

- Тароғимни кўрмадингми, Ойзода?
  - Қанақа тароқ, дадаси?
  - Кумуш тароқ. Нархини эшитсанг, йиғлаворасан.
  - Пул учун йиғламайман.
  - Пул аввало хотинни қутуртиаркан-да, а?
- Қачондан бери пулга бунча паст назар билан қарайпсан?
- Дадаси, уйда одам бор...

Исмоил тахтани жойига маҳкамлаётиб, ўзининг хотинини – Вазирани ўйлади. Келиб-келиб ресторондан иш топибди. Йўлда Санъатжон айтди, бир аёлни тез-тез кўравергани учун фикри ўзгарибди. Ойна дўконига ресторан муҳити таққосланса, ўн баравар, эҳтимол, юз баравар нобоп. Вазира ёш, соҳибжамол, ўйнаб-кулгиси келади ва, энг ёмони, пулга зориқиб яшаяпти. Шунчаки олифталик учун қиммат нархга кумуш тароқ оладиган Санъатжондек эркаклар у ерда...

Шу пайт ошхона чаноғи тагида ётган ялтироқ тароққа кўзи тушиб, Исмоилнинг хаёли тўзғиди. Санъатжон йўқотган тароқ шу экан-да? Ҳақиқатан қимматбаҳо шекилли. Бежирим нақшлари, тул-

кига ўхшаш думдор ҳайвонни эслатувчи дастаси, қимматбаҳо металл эканини айтиб турадиган ялтироқ тишлари...

У қандай қилиб тароқقا қўл чўзганини, чўнтағига солиб қўйганини билмай қолди. Битта тароқ олишга қунт қилмай, неча кундирки кемтик тароқда соч тараб юрганди. Сочи ҳам ғайир-да, унча-мунча матоҳ дош бермайди.

Санъатжон ошхонага хафагазак қайтди.

– Тароқнинг жанжалими, aka? – деди И smoил ўзини бепарво тутиб.

– Ҳа. Дўконда иккитагина бор эди. Ҳозир хотини юбораман. Сотилиб кетмасдан иккинчисини олиб келади.

– Кеча уйингизга кимлар келганди? Мабодо, бирортаси ўғирлаб...

– Ҳеч кимдан шубҳаланганим йўқ, – стулга жаҳл билан ўтириди Санъатжон. – Қариндош-уруғимнинг орасида ўғри йўқ. Эътиборсизликдан куяяпман. Бегоналар мақтайди, қойил қолади, ўз хотининг қанақа тароғинг бор деб қарамайди ҳам.

– Ҳаммаси яхши бўп кетади, – юпатган бўлди И smoил. – Мухими, бойсиз. Хотинингиз дўконга борса, бас, янги тароқ муҳайё.

– Шу ҳам муаммоли, демоқчимисан?

– Муаммо шуми, демоқчиман, aka.

Иккиси ҳам мийигида кулди.

\* \* \*

Бу пайтда яна бир хонадонда – сураткаш Шоносирникида ҳам можаро бошланган эди. Хотини За-

мина бозор олдидаги ўша ойна дўконидан ётоқхона учун жимжимадор кўзгу келтирибди.

– Ўтири машинага! – деди Шоносир. – Ҳозироқ бирга бориб кўзгуни топшириб келамиз!

– Нима учун?

– Менга ёқмайди кўзини лўқ қилиб қарайдиган ўша сотувчи! Исли нима эди?

– Санъат ака, – деди Замина соддадиллик билан.

– Кўрдингми, исмини ҳам биласан! Кеча бир ресторанда улфатлари билан ўтирганини кўрдим. Ҳаммасинингоғзидан бодикириб-шодичиқаётганди. Гапирган гаплари хотинбозлиқдан бошқа нарса эмас.

– Ислини тасодифан эшиттганман...

– Сенинг ҳам исмингни тасодифан эшитганми, йўқми, шуни ҳам аниқлаймиз!

– Туҳматингиз учун жавоб берасиз! Мени... мени ким деб ўйлаяпсиз? Шунчаликка ҳам борасизми?

Эр-хотин кўзгуни орқа ўриндиққа жойлаб, машинага ўтирдилар. Рулда ҳам Шоносирнинг ияк-жағи тинмади. Замина бўш келмай, ҳар бир гапига ўнта жавобни жавраб қайтарарди.

Сураткашнинг хўроз думидек сочи ҳадеб чап кўзига тушаверди.

– Минг лаънат! Тарофим қани? – қидирди у.

– Тароқ излагунча йўлга қаранг! – деди Замина. – Машиналар олдидан бир аёл йўлга чиқаяпти...

Сураткаш кечикди. Йўл четида турган «Каптива» панасидан шошилиб чиқсан хотин бир қадам ташлаб улгурган эди. Шоносир жон-жаҳди билан тормозни босди. Темир улов аёлни уриб юбориб, йўлга кўндаланг тўхтади.

Бир зумда одам тұпланды. «Тез ёрдам» чақиришди.

– Бечорани ким танийди? – дейишиди одамлар. – Құлида анави күмуш тароқдан бошқа ҳеч нарса йүқ экан.

– Құшнимнинг хотини-ку! – деди бирор. – Ҳозиргина дўкондан шу тароқни олаётганди.

\* \* \*

Кечқурун дурадгор кичкина күзгучага қараб, күмуш тароқ билан сочини тараётган эди, Вазира кириб келди.

– Вой, күмуш тароқми? – ҳайронлигини яширмади у.

– Қаердан олдингиз, Исмоил ака?

– Ишинг бўлмасин.

– Нега ишим бўлмайди? Бу жуда қиммат-ку!

– Ойна дўкони эгаси совға қилди.

– Қайси ойна дўкони эгаси?

– Бугун ошхонасида ишладим.

– Эркак киши тароқ совға қилдими?

– Чет элдан олиб келган экан. Сувенирга ўхаш совға-да, ахир! Нега бошимни қотирасан?

Вазиранинг кўнгли тинчимади. Эри эски хунарга қўл уриб, тароқни ўғирлагандек туюлаверди. Ҳақиқатан, гап битта тароқда эмасди. Вазира аниқлик киритиши керак, ҳа, бу ўта муҳим. Эри ўғирликни умрбод ташлагани ростми ё ёлғон?

Бир неча кун ўтгач, ойна дўкони эгасининг уйи қаердалигини аниқлади. Эркак кишидан сўраш нокулай. Дўкон эгасининг хотинини гапга тутмоқчи бўлди. Гапни тароққа буради-да, «Менинг хўжай-

иним дурадгор, – дейди. – Ўтган ҳафта биронинг жавонини тузатиб берган экан, кумуш тароқ совға қилибди».

Бироқ Вазира маҳалла кўчасидаёқ совуқ хабар эшилди.

– Санъатжоннинг уйими? – деди бир хотин. – Ҳув ана, маърака бўлаётган эшик. Ўтган ҳафта хотини қазо қилди.

– Хотини?.. Қачон?..

– Ўтган ҳафта деяпман-ку.

– «Нима сабаб» демоқчийдим...

– Э, арзимас нарсани деб – битта тароқ учун ўлиб кетди шўрлик. Санъатжоннинг пули кўпайган, ўзича бир олифта, калондимоғ. Кумуш тароғи йўқолган экан, хотинини ҳозир топиб келасан, деб қўймабди. Жанжалдан боши карахт Ойзода «Нексия»ни кўрмай қолибди-да...

Вазира уйига қайтиб, эрига ғазаб-ла тикилди.

– Қўли эгри кимса битта ўзининг эмас, оиласининг ҳам, фақат оиласининг эмас, бошқаларнинг ҳам бошини ейди!

– Нималарни алжираяпсан? – Исмоил ўрнидан турди.

Вазира кумуш тароқни юлқиб олиб, силтаб гапирди:

– Тароқни нега ўғирладингиз? Шуни деб бир одам ўлиб кетибди-ку, Исмоил aka! Сиз қотилсиз!..

Дурадгор хотинига бир шапалоқ туширди. Хотин йўлдаёқ бир қарорга келган эди. Кўч-кўронини йиғишириб, шартта жўнаворди.

Хотинининг ўлимидан сўнг Санъатжон ёлғизлик исканжасида қолди. Бир куни дўкон олдидан ўтиб бораётган Заминага кўзи тушди-ю изидан борди. Худди тасодифан учратгандек саломлашди.

– Заминахон, дўконга ҳам кирмай қўйдингиз? – деди оғир сўлиш олиб.

Кўзига кўркув балқиб чиққан аёл:

– Хотинингизни уриб кетган ҳайдовчининг судига нега бормадингиз? – деган эди, Санъатжон дабдурустдан айтилган ҳақиқатдан довдиради.

– Хотиним ўлганини эшигдингизми?

– Ҳа, рулдаги менинг эrim эди.

– Даъвом йўқ...

– Сизнинг даъвойингиз бўлмаса, давлатники бор экан. Эшигтан бўлсангиз, у киши қамалди.

– Мендан нега кўрқаяпсиз? Сизда қасдим йўқ, Заминахон.

– Бўлмаса, нима учун изимдан келаяпсиз?

– Бир оғиз гапим бор эди. Юринг, анави ошхонада гаплашайлик.

– Шу ерда гаплашаверамиз, – Заминанинг кўзлари пирпиради. – Эrim айбдор, лекин атайнин қилмади, Санъат ака.

– Кўчада ноқулай.

Улар йўл бўйидаги кичкироқ ресторанга кириб, рўпарама-рўпара ўтиришди. Официант аёл келиб, буортма олди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ресторанга баджаҳл эркак бостириб кирди.

– Барибир айтганингни қилибсан-да? – дея официантга ўшқирди. – Ниятингга етиб, ҳар хил одам-

ларнинг атрофида гирдикапалакмисан? Ўзи аввалдан орзуйинг шу эди!

– Ресторанда ишлайдиган хотин-қизлар эмас, сизнинг дунёқарашингиз бузук, Исмоил ака! – бўш келмади официант аёл. – Мана, қаранг! Бу ерга бинойи-дек эр-хотинлар овқатланишга киради. Кумуш тароқ ўтирилаб, бирорларнинг умрига зомин бўлган ўтри билан яшайди деб ўйласангиз катта хато қиласиз.

Дурадгор ва ойна дўкони эгасининг нигоҳлари тўқнашди. Санъатжон бир оғиз гапирмади. Замина эса «Кечирасизлар, биз...», деди-ю ташқарига шошилди. Ортидан Санъатжон ҳам эргашди. Бироқ Замина таксига ўтириб, ойна дўкони соҳибини ёлғиз қолдириб кетди.

– Битта мен ёмон эмасман, – тўнғиллади дурадгор. – Ҳаёт ўзи шунаقا.

– Ҳаётнинг нима айби бор, Исмоил ака? – Вазира пешбандини ечиб, эшикка йўналди. – Ҳамма гап ўзимизда-ку.

## ДЎСТНИНГ ХОТИНИ

Бир куни дўстим Дурбекнинг "Виждон" ресторанига ҳеч қандай огоҳлантиришсиз кириб бордим. У ўлақда хўшрўйгина жувон билан бир қарич масофа да ширингина сухбатлашиб турган экан, мени кўриб ўзини нари олди. Бош қашиб:

– Ие, ўзингмисан? – деди ва рапидадай қўлини узатди. – Кел, жигарим.

Жувон менга исёнкор нигоҳ ташлаб, шартта бурилиб жўнаворди. У ичган, ўзини олдирган, қолаверса,

ҳаё қадаҳига бир томчи шармсизлик қўшган эса-да, баҳтли хонадоннинг оқила, нозли, иболи келини бўлиб туюлди. Дарвоҷе, эгнидаги узун, миллий либоси сезгиларим чақирган фикрни тасдиқларди.

– Мамлакатингнинг бекиёс садоқатли аёли, тағин бечорага қора тамға ёпиштирма, – деди Дурбек. – Фаришталар ўзингнинг ажр дафтарингга қора ҳарфлар билан "Осий" деб ёзиб қўймасинлар.

– Бугун тумтароқли гаплар гапирилмайдиган кун, – деб рестораннинг хос хонаси томон юрдим. – Туркияга сафаримиз нима бўлди? Шундан гапир.

Биз йиғиштирилмаган дастурхон устидан чиқдик. Назаримда, анави рюмкадаги қизил винони йўлакдаги жувон ичиб тугатолмагандек эди. Қовурилган балиқнинг ярими ҳам аёл зоти тановул қилганидан далолат берарди.

– Тишлари дур эканлигини кўрдим, – дея стулга ўзимни ташладим, – лекин иштаҳаси бўғилганга ўхшайди. Нима бало, ҳаётидан норози эканми?

– Кимни айтаяпсан? – Дурбек қаршимга ўтириб, қолдиқларни ўзи йиғиштира бошлади. – Тухматга қоламан шекилли.

– Хонимчани.

– Аблаҳлик қилма, у тоза аёл.

– Исбот?

– Кейин гапириб бераман.

– Қисқаси, Анталиядан ўзбек таомлари пишириладиган ошхонани бу йил очишим керак. Сен ҳадеб орқага сураверма. Бошладикми, тугатайлик-да, ахир.

Дурбек официантларини чақиришга мажбур бўлди. У асли ошхона хизматчисидан чиққан бўлиб,

қўли ҳали-ҳамон қора ишларга тортиши кулгимни қистатарди.

Хизматчилар чиқиб кетгунча, у гапни мақсад сарҳадларида икки-уч айлантириб келди, сўнг жиддий тортиб, қўзимга тикилди.

– Буменгабоғлиқ бўлмай қолди, дўстим. Қаёқданам террорчиларнинг ифлос оёклари етиб борди, расво бўлди. Хуллас, энди қийин. – Дурбек юзини қоплаган қайғуваш пардани тұсатдан юлиб ташлади. – Каллани ишлатайлик, Лондондан очайлик ўша ошхонани. Танишларим сон-мингта, хужжатларни ҳам тезда ҳал қиласиз. Муаммо шуки, бор-йўғи беш минг доллар зиёдроқ сарфлаймиз.

– Анталияning ҳозир иложи йўқми?

– Йўқ.

Жимлик қаърига бир лаҳза ботдик. Столни муштладим.

– Бизнес дардида бошим ғовлаб келаман ресторанингга! Мен ҳам одамга ўхшаб ўтирай, чақир яна йигитларингни, қурумсоқ! Ҳадеб менсиз майшат қиласерасанми?

Шу заҳоти қуюқ зиёфат уюштирилди. Кўнглим ароқ тусаётганига ўзим ҳам ҳайрон эдим, бир йилда бир марта ичардим. Дурбек лабига ҳам теккизмайди. Хотинбозликдан-да йироқлиги, бу борада панднасиҳат ўқийвериб оғзи оғриши боя қўлга тушган ўғридек қўрқиб кетганига биринчи сабаб эди.

– Сўйла, нималарни гаплашдинг ойимча билан? – хирадлик қилдим.

Аслида кўнглимда юртдош жувонни қизғанишу аламга қоришиқ нимадир тўлғонарди. Нега хонадон

бекаси бўлмиш орзуманд келин, ким билади, бир ёки икки норасиданинг онаси ресторанга келади-ю шароб ичиб, нотаниш эркак билан бир қарич масофада жилмайиб гаплашади? Қаердадир эри юргандир хотиним, оиласам бор, уларни боқаяпман деб. Сездим: мени Анталия борасидаги муваффақиятсизлик эмас, ҳеч кутмаганим анави жувон ғазаблантирум оқда эди.

– Оллоҳ-оллоҳ, – фифон қилди Дурбек, – бу не тухмат, не кўргилик?! Рости, миянг жойидамас сенинг!

– Опқочма!

– У шунчаки тоза ҳавога чиққанди... – Дурбек гувоҳ ахтариб, олазарак боқди. – Шариф! – дея хитоб қилди. – Бери кел, сендан гап сўрайман! – Яна менга ўгирилди. – Топган муаммоингга минг лаънат!

Иттифоко, рестораннынг эски номи "Садоқат" эканини эслаб қолдим. Ўзим ўртага тушиб, хорижлик дўстимга шу ерни сотиб олишни тавсия этганман. Биз муштлашишимиз мумкин, аммо бир-бириими-здан хафа бўлмаймиз, иккимиз ҳам бўримиз. Бироқ у менинг ватандошимга ола қараши, йўлдан урмоқчи бўлгани... йўқ, асти чидаёлмайман.

Официант чопқилиб келди.

- Ичганимни кўрганмисан? – сўради Дурбек.
- Йўқ, – деди йигит.
- Чекканимни-чи?
- Йўқ.
- Аёлларга илакишганимни...

Хўжайин ва хизматчининг савол-жавобига кўзим учиб турганмиди, қўлларимни силтадим:

– Бас! Гапни айлантирма! Мени ҳам таништириб қўй ўша жонон билан, қадрдоним! Официантга савол беришдан осон иш бормикан дунёда!

– Ҳозир ўзини чақириб келаман, – дея ресторон сохиби оёқقا қалқди.

– Майли, – кулдим масхараомуз, – муддаом ҳам шу. Кейин... Ресторан номини ўзгартиришни ҳам маслаҳатлашамиз.

У жувон билан кириб келганида ҳусн-мaloҳатга баҳо беришда хато қилганимни тушундим. Илк бор назар солганимдан ўн чандон гўзал ва жозибали эди. Туйқус кўнглимда шайтоний хаёллар фиж-ғиж болалади. Ватанпарварлик ҳиссиётим нафс дарахтига ўзини осиб қўймаса эди.

– Ассалому алайкум, – деди жувон.

Овозида мутелик, сеҳр ва негадир ҳар нарсага розилик маънолари тажассум эди.

– Ўтилинг, синглим... – дедим.

У мени нуфузли инсон деб ўйлаганини тусмолладим. Дўстим эса қулоғимга шивирлади:

– Сени журналист дедим, истаганингча гаплаш. У дардкаш ахтараётганини айтганди.

– Дарвоқе, диктофоним ҳозир йўқ, – чўнтакларими ни ёлғондакам пайпасладим, – дафтар-қалам ҳам савил қолган-да. Сизга айтишим мумкинки, ресторан хўжайнини яқин танишим, овқатланишга келиб турман. Ичасизми? Исмингиз нима?

– Аввал айтинг, қаерда ишлайсиз? – сўради жувон.

– Менми? "Бахт"да, – дедим ўйлаб ҳам ўтирумай.

– Нима у? Эшитмаганман.

– Журнал... Аввал газета эди. Исмим Салим, фамилиямни ҳикоянинг охирида айтаман.

У менга ғалати, худди онасига, сирдошига, суюнган тогига қарагандай нигоҳ ташлаб қўйди. Кўзлари ёш ғилтиллагандек қуюқтоб ялтиради.

– Мен ҳақимда ёмон хаёлга борманг, мен... Мен... Адашганман... Бир умрлик турмуш ўртоқ танлашда... Оиламга хиёнат қилмаганман, қилмайман ҳам. Бу ерга дугонам билан келгандим, афсус, уни бир таниши олиб кетди... Бугун ичдим, мастман, чунки ҳаммадан нафратланаман.

– Айтинг, аччиқ чой олиб келишсин, – дедим Дурбекга.

Ресторан соҳиби:

– Сизларни холи қолдираман, – деб хиёл таъзим қилди. – Гаплашиладиган гап қўпга ўхшайди. Чойни ҳозироқ етказишади.

Суҳбатимиз аччиқ чой билан давом этади деб ўйлагандим, адашибман, жувон пиёлани столга қўйгач, сумкачасини титкилади ва менга қалингина дафтар узатди. Ишхонамга бериб юборолмаслигини айтди. Шу ерда ўқиб чиқишим, у қаршимда томоша қилиб ўтириши керак эмиш. Ёзган нарсаларини кўз ўнгидагимдир ўқиса ҳузурланадиган кўринади.

– Хўп, хўп, бирпасда ўқиб чиқаман. Кўринаяпти-ки, дафтар сирларга тўлиб-тошган.

– Тўлиб-тошган эмас, фақат шахсий сирлардан иборат, – деди жувон.

\* \* \*

Дафтарнинг ўртасига шундай ёзилган эди:  
"Шахризоданинг етим эртаги".

Даставвал шунчаки кўз югуртирмоқчи бўлдим, кейин берилиб ўқий бошладим:

"Барглар хазон бўлаётган олтин кузда, қишлоқда туғилганман. Шунданми, кузни севаман. Умримни

ҳам куз билан ўлчайман. Йигирмата кузни кўрганман. Армоним ҳам шунга хос, аммо тентакларни книга ўхшайди: дунёга келганимдаги ўша кузни эслаёлмаганим энг катта армон! Бир парча чақалоқ бўлганман-да, деб ўзимни овутолмайман. Мен асли кўрқизман, кўзи очик, қалби очик, онги кўрқиз.

Исмимни Шахризода деб қўйишганда, нимага ёки кимга ҳавас қилган, билмайман, тайинли бир жавоб йўқ ота-онамда. Кўз очиб кўрганим – умр аталмиш тириклик фасли хатоларга қоришиб ётибди. Тирик жон хато қиласмиш. Хато баҳтсизлик дегани-ку. Бундан чиқди, тириклар баҳтсиз экан-да? Баҳт дегандা, ўлимни тушунайми энди? Йўқ, ҳали ўлмаслигим керак, ношуд эримга кўрсатиб қўяман кимлигимни.

Дарҳақиқат, бугун у билан яшамаётганимга уч ҳафта бўлди. Аблаҳ бир марта хабар олмади. Холам ландовурлигини қандай сезмаган? Менда ўчи бордек Сайдуллани мақтади-мақтади, совчиларга бошчилик қилди; дадам "Аяси билади" деди, аям "Қизимнинг ихтиёри" деб ҳукмни ўзимга ҳавола этди, хулласи калом, иш пишди. Шу тобда холанг қаттиқ янгилишиши мумкинлиги тушингга ҳам кирмас экан. "Анча йилдан бери танийман, яхши йигит, мўмин-қобил..." Эҳ, одам ўзини ўзи тузукроқ танимайдиган дунёй дунда шу гапларга ишонганим учун бошимни қайси тошга урай?

Озгин, узун бўйли, шалпангқулоқ йигитларни кўчада учратганман. Эрим шунақалар тоифасидан эди. Зоҳирий тоифасини билдиму ботинида янглишдим. Мўмин-қобиллик ҳам аслида бошқача бўлиб чиқди. У пул топишни билмасди. Бу калтабинларча қилаётган

таънам эмас, пул топишни билмагани учун пул деган жойда ота-онасини сотиб юборишга ҳам тайёр эди. Фақат жирканчли феълини усталик билан яширади. Мужмаллик, овсарлик, лоқайдлик каби у қадар қабиҳ бўлмаган иллатларга ўраб қўярди.

Турмуш қурганимизнинг учинчи ойида шаҳардан кеч қайтди. Нима гаплигини сўраганимда, армиядош ўртоғини учратганини айтди. Иккови қиёматли дўст тутинибди, то ажали етгунча, садоқатли бўлиш учун "Садоқат" деган ресторонда ўтирибдилар. Харжатни Юлдузхўжа исмли ўша ўртоғи кўтарибди, эримга бир тийин тўлаттирмабди. Юлдузхўжани Юл дейишар экан. Армиядан сўнг у ҳам уйланган эмиш. Ишлари юришгандан юришиб қабртошлар билан шуғулланадиган каттагина устахона очишга муюссар бўлибди.

Эримнинг гапларига ишондим. Бироқ Юл ва эрим ўртасида тўсатдан пайдо бўлган дўстлик риштаси шубҳамни қўзғади. Армиядош ўртоқ экан, нега хизматдан қайтгач, учрашмадилар? Дўст дўстни уйла-ниш тўйига айтиши керак эди-ку. Ваҳоланки, у ҳам чақирмаган, бу ҳам. Бир неча йил ўтиб туйқусдан қиёматли дўст тутингандарни ғалати эди.

Эртасига эрим шаҳарга кўчишимизни айтди. Бутун оила унга анграйиб қаради. Эрим шаҳарда оиласини боқиши тугул ўзини эплаб юриши ҳам даргумон эди-да.

– Ижара ҳақи қанча эканини биласанми? – деди қайнотам.

– Биламан, менга энди ҳеч нарса эмас.

– Ўв бола, кулгимни қистатмасанг-чи! Тўрт кило макароннинг пулинни ишлаёлмайсан-ку...

– Ота! – дея эрим чўрт кесди. – Ўзимга ишонганим учун кетаяпман. Армиядошим фирма очган. Кеча мени ишга чақирди. Ёрдамчиси хиёнат қилибди, ишдан ҳайдабди, ўрнига мени олмоқчи, ойига қанча ишлашимни ўз оғзи билан гапирди. У мард йигит, ҳеч кимни алдамаган.

Хуллас, эримни ёлғиз жўнатишиди. Қани, бир ойдан сўнг қанча пул олиб келаркан?

Ҳаш-паш дегунча синов муддати охирлади. Шанба куни Сайдулла тўлиб-тошиб қайтди. Ҳарқалай, бир неча боғлам пулни хонтахтага ташлади. Бу пуллар оиласиз учун кутилмаган бойлик эди.

Кўчиб кетдик. Омад деганлари бошимизга кўнган экан, бир йил ичиди шаҳар четидан арzonроқ уй сотиб олдик. Қишлоқдагилар "Сайдулла бекор юриб-юриб, кучайиб кетди" деб гапиришиди. Мени шу йигитга учраштирганлар гердайишарди. Холамнинг-ку лаби лабига тегмайди.

Кунлар бир маромда ўтарди. Эримнинг ёқимсиз феъли яна лоп этиб юзага чиқди. Очиги, уни ёқтирмасдим. Ўртоғи ёрдамчи қилиб олганига ғижинардим. Шаҳарлик қўшнилар ҳазил аралаш гоҳо "Эрингиз саломлашишниям билмайди, фирт ёввойи" деб ҳафсаламни баттар пир қилардилар.

– Жўрангиз бир марта ҳам келмади, – дедим бир куни.

Сайдулла:

– Биз дўстликка оиласизни аралаштирасликка келишганмиз, – деб жавоб берди. – Иш, зиёфат биргалиқда. Ундан у ёғи тамом, ҳар ким ўз оиласи, қариндош-уруги билан. Тўй-маъракадагина бир-бirimizникига борамиз.

Эримдан чиқмаган фикр эканига юз фоиз ишондим. Ҳақиқатан, Юл ғаройиб йигитга үшшарди. У күрсатаётган кароматлар секин-аста күнглимда комил инсон тимсолини туғдирди. Юл деганда қаҳрамон йигитни тасаввур қиласадим.

Меҳмонга келишини чин дилдан истаб, эримга дедим:

– Қишлоқда күзга кўринмай юргандик, шу ўртоғингиз бизни кўттарди. Ҳатто, уй олишимизга ҳам ёрдамлашди. Нега бир бора чақирмайсиз? Хотини икковини чақиринг, боплаб ош қилиб берай. Баҳонада хотини билан танишардим.

– Қўйсанг-чи шунаقا гапларни! Юл айтганини қиласидиган йигит. Келмайди бизникига! Нима ёрдами тесса, ресторанда ҳақ бераман. Жўрасининг хотин, бола-чақаси, қариндош-уруғи билан танишиш Юл учун ёқимсиз иш, жини суймайди.

Альбомдан Юлнинг суратини кўрсатишини сўраганимда, эрим ўртада гердайиб турган бақувват, келишган, ўткир нигоҳли аскарни истар-истамай бармоғи билан нуқиб қўяркан:

– Мана шу олғир... – деди.

Эрим Юлни кўролмаслигини, пешонасига армия-дош ўртоғига қарам бўлиш ёзилгани учун қисматидан ўкинаётганини фаҳмладим. Иродасиз одамлар қорни тўйгандан кейингина қарамлиқдан чиқиш ҳақида ўйлаб қолади. Сайдулла шундайлардан эди.

Зерикарли кунларнинг бирида эшик тақиллади. Эрим ишдан қайтадиган маҳал эди, лўқидонни суриб, эшикни очдиму сесканиб тушдим. Қаршимда милиция кийимидағи кишилар туришарди. Ўзлари-

ни таништирганларидан сўнг, уйни тинтув қилиш хусусидаги рухсатномани кўрсатиши. Эрим наша билан қўлга олинган экан. Бири мени тергов қилди, қолганлари уйдан ҳеч вақо топишолмади. Эримнинг паспортини сўрашган эди, бериб юбордим. Совуқ хабар қишлоққа етиб борди. Ярим кечаси қариндошлар етиб келишиди.

Унга-бунга чопишлар зое кетиб, Сайдулла етти йилга кесилди. Уйни ижарага бериб қишлоққа қайтдим. Қайнотам "Энди шаҳарда яшамайсан, уйни сотамиз" деганда, Юл кўнмабди. "Жўрам англашилмовчилик билан кетди, бир йилга қолмай чиқади, уйи сотилиб, шаҳарда яшамайдиган бўлса, ёрдам умид қилманглар", деганмиш. Ҳа, дунёда Юл исмли мард инсон яшарди ва у доим бизнинг баҳтимиз хусусида қайғурарди.

Орадан бир йил ўтди. Сайдулла чиндан озодликка чиқадиган бўлди. "Кишлоққа бормайман, Шахризода, – деди у қамоқдаги сўнгги учрашувимизда, – шаҳардаги уйимизга кел, шаҳарда яшаймиз..."

Ўша куни эримнинг акалари ҳам келдилар. Биз эримнинг қайтишини кутардик. Уй олдига машина тўхтаганида, юрагим ҳаприқиб қушдек учдим. Барibir у эрим эди, усиз эзилиб, азобланиб, ёлғизланиб яшадим. Мана, барча азоблар тугади.

Нихоят, Юлни кўрдим. Биз бир-биримизга учтўрт сония унсиз тикилиб қолдик. Дунёдаги ягона халоскор қора плашда викор-ла туар, жасурона боқишлирию кенг елкалари, машинага сுяниб сигарет чекиши – барчаси ўзига ярашган эди. Ҳаяжондан титраб, ичкарига таклиф қилдим. У сигаретини отиб

юбориб, ним жилмайди-да, "Ласетти"сига ўтириб жўнаворди.

Сайдулла эски ишини давом эттириди. Ҳаётимизда нималардир ўзгарган эди. Бири – эрим ҳар куни ичадиган одат чиқарди, иккинчиси – Юл тез-тез сим қоқиб, эримни мендан суриштиради. Учинчиси эса... У бизникига келадиган бўлди. Маст Сайдуллани ётоқقا ётқиздириб кетарди.

Шундай кунларнинг бирида бўсағада ҳаяжондан қўнишиб тургандим, Юл пайпоқ ечишга чақирди.

– Эрингизга бунақа тор пайпоқларни қаердан то-пасиз-а? – деди кулиб.

Сезаяпман, у темир қоидасини мен учун бузган, фақат мен учунгина ташриф буюради. Бироқ қадами етган сайин улуғ сиймоси хиралашаётганди, шундан афсусланардим. Қорасини ўчиришини-да истамасдим. Майли, келсин. Келсину синглисидеқ қарасин менга, келинидек қарасин.

У ўтли нигоҳ ташлаб мендан гап кутарди.

– Хотинингиз нега келмайди? – дедим. – Испини ҳам билмайман.

– Испи Ғунча. Бизнинг ҳам фарзандимиз йўқ. Худо бераман деса, икки оиласа ҳам бир кунда беради, нима дедингиз?

Кетаётиб қўлимни маъноли қисиб қўйди. Эшикни ёпдиму деворга суяниб, билмадим, тонг отгунча турдим-ов. Шубҳасиз, Юлнинг қўлимни қисиши орқасида даҳшатли ҳақиқат тўлғанаар эди. Юрагимни кўркув эгаллаб олди. Ўйлар эдим: агар у мени ўпид олганида ёки "Шу галварсни эр қилиб нима керак? Мен ҳам ажрашаман, сиз ҳам. Келинг, баҳти турмуш

қурайлик, фарзандли бўлардик, қасрларда яшардингиз" деганида, қандай йўл тутардим?

Битта йўл бор эди: эrim унинг мармар цехидан бўшайди, уйни сотамиз, қишлоққа кўчамиз. Наилож... акс ҳолда ўзим ҳам, лапашанг Сайдулла ҳам поклигимни сақлаб қолишга қодир эмас эдик.

Кўнглимнинг четида "Юл пасткашликка бормайди" деган ўй мудрарди. Эrim иккови "Садоқат" ресторанида онт ичиб, ўзаро шартнома тузган, виждан устига имзо чекиб, юрак сандигига қулфлаб қўйган. Наҳотки, виждан шартномасининг муддати тугаган бўлса? Ва энди дўстнинг хотинига кўз олайтириш ҳам мумкин экан-да?

Эрталаб дардимни айтдим. Сайдулла қизарган кўзларини менга тикди.

– Нега кетарканмиз? Тентак-пентак бўлдингми? Жа кетгинг келса, катта кўча!..

Дўстингизнинг ёмон нияти бор, десам ишонармиди? Нонкўрга чиқиб қолмасмикинман? Юл Европага кўп борган, хурмат юзасидан қўлимни қисиб қўйган бўлса-чи?

Шундай қилиб, Юлнинг нияти равшан бўлгунча кутишга қарор қилдим. Юлга нисбатан ҳам, эrimга ҳам ғайиригим уйғонди.

Байрамда роса ичган Сайдуллани ҳар доимгидек Юл олиб келди. Эrim ўликдек қотиб қолганди. Диван устига итқитиб, менга илжайди. Ўнғайсиз аҳволга тушмаслик учун чой дамлашга чиқмоқчи эдим, билагимдан тутди.

– Нариги хонага ўтайлик, гапим бор, – деганда, чинқириб юбораёздим, аммо у бармоғини лабига

босиб, эримга имо қилди. – Хўжайинчангизнинг ўй-наши бор, шуни муҳокама қилайлик. Ахир, у яқин дўстим! Оиласига хиёнат қилиб юришига чидаёлмаяпман.

Иккимиз меҳмонхонадаги диванга ёнма-ён ўтиридик. У иккала қўлимдан тутган, кўзлари эса еб қўйгудек тикиларди.

– Шундай гўзал хотини борлиги тушимга ҳам кирмаганди, – деди у.

– Илтимос, қўйворинг, – силтандим, юлқиндим, халос бўлолмадим. – Бундай қилманг, ахир дўстсизлар-ку!

– Сайдулла биланми? Армияда ҳам бир гўр эди, ҳозир ҳам. Биласизми, Шаҳризода, у менинг ёрдамим билан қамоқдан чиқди. Ким учун қамалди? Эшитсангиз, йиғлаворасиз. – Бир қўлини елкамга ташлашга уринди.

Шундоқ ҳам йиғлай бошлагандим.

– Илтимос...Акамсиз... Бадном қилманг... – деб ялиндим.

– Сайдулла қип-қизил тентак, – деди у. – Бир суюқоёқ хотиннинг айбини бўйнига олиб ўтирибди. Нега ундей қилдинг, аҳмоқ, десам, бу эркакнинг иши эмиш. Сайдулла эркакми? У умрбод хотинчалиш бўлиб қолади, шундай туғилган, шундайлигича кетади.

– Ёлғон! Ҳаммаси тухмат деганди.

– Ўша хотин унинг эртаклардаги севгилиси эди! Эрингиз севгисига садоқатини исботлаш учун наша меники деган.

– Ишонмайман, ишонмайман...

Хўнг-хўнг йиғлаб ўтирадим. Юл мени юпатмади. Ҳар замонда алам билан уҳ тортиб қўярди.

– Тағин буларни ўзига айтиб юрманг, бўлар иш бўлди, – деди у.

– Ҳозир ҳам юрадими?.. – Овозим қалтираб чиқди.

– Минг афсус, уларни боғлаган ип узилмади. "Қаҳрамонлиги" учун эрингизга қандай мукофот берган, билмадим. Бориб турган аҳмоқчилик! – Юл кулиб юборди. – Хотини хунук бўлганда ҳам майлийди... Шахризода, сизга кўзим тушдию лол бўлиб қолдим. Аглаҳ, сизни хор қилаётганини неча кундирки ўйлаб кўзимга уйқу келмайди. Сайдулла сизга муносиб эмас, гапимни тўғри тушунинг.

У яна қўл чўзган эди, юзига боплаб тарсаки туширдим.

– Кетинг! – дедим важоҳат билан. – Ёрдамингиз ҳам, меҳрингиз ҳам керакмас! Ҳаммангиздан нафратланаман!

Комил инсон бўлиб кўринган нусха оёққа қалқди.

– Сизни севиб қолдим, – деди уялмай-нетмай ва гурс-гурс юриб чиқиб кетди.

Эрталаб эримнинг ёқасидан олдим. Маст бўлиб валдирадинг, бир бузуқи билан юраркансан, қамоқда ҳам ўша учун ўтирибсан, деб уйни бошимга кўтардим. Сайдулла менга жавдиради. У билан ажрашиб ҳам баҳт тополмаслигимни ўйлаб, аламимга алам қўшиларди.

– Хўп, – дедим ахийри, – ҳозирча ота-онамникига кетмайман, лекин менга Юлнинг уй манзилини берасиз.

– Юл одам эмас, борма унинг олдига! – қичқирди эрим.

– Хотини билан гаплашаман! Одам эмаслигини кеча билдим! У менга... Шахсан менга... Севги изҳор килди!..

Эрим уф тортиб, юзини ишқалади.

– Сиз даъюссиз! – дедим. – Бир тукингиз ҳам қилт этмади-я!..

– Юл... – дедио, эрим жимиб қолди. Бир оздан сўнг минғирлади: – Борма, ўзим гаплашаман... Сен нотўғри тушунгандга ўхтайсан...

Ўжарлик қилдим ва эрим чиқиб кетгач, мен ҳам йўлга отландим. Ўйлаганимдек, Юл қасрда яшамас экан. Тўрт хонали ғиштин уй, қимматбаҳо мебеллар, аквариумсимон телевизор.

Хотини кўримсизгина эди. Нега келганимни дарров пайқади, юпатишга тушди. Гап оҳангидан Ғунчани хотин эмас, Юлнинг энагаси, ёки бўлмаса, жазманлар бўйича иш юритувчиси деган тахминга бориш мумкин эди.

Кўнглим айниб, уйга кетишига чоғландим.

– Демак, эрингизни тийиб ололмайсиз? У оила-мизни бузиб юборса, сиз ҳам қарғишимга қоласиз.

Ғунча оstonада орқамдан етди-да:

– Менга қаранг, – деди, – Юлнинг хотини йўқ. Мен чўрисиман. Тур деса тураман, ўтирилар деса ўтираман. Юл сизни ёқтириб қолган бўлса, ниятига эришади.

Ғазабимни босолмай эримнинг ишхонасига йўл олдим. Темир йўл бекати ёнидаги алламбало омборхоналар қаторидаги мармар цехларидан бири Юлга қарап экан. Шу ерда биратўла қабртошлар ҳам ясаларди.

Сайдулла тошга энгашганча кимнингдир исмини ўйиб ёзарди. Ҳайратдан ёқа ушладим. Шунча вақт ўзини бизнесмен кўрсатиб юрган одам оддий тоштарош эди. Қамалиб кетиши-ю озодликка

чиқиши – барчасида Юлдан бошқа кимсанинг құли йүқлигига амин бұлдим. Юл гиёхфурушлик билан ҳам шуғулланади. Үнга құғирчоқ керак эди, топди. Агар эрим унинг құғирчоғи бўлмаганида, мени йўлдан уришга ботинолмасди. Кимга дуч келганимизни тўлиқ англадим. Юлнинг оиласи ҳам, дўстлари ҳам, ишхонаси ҳам қўғирчоқлардан иборат эди. У одамларни қўлида ҳар мақомга ўйнатиб юрган маккор, ҳеч нарсадан тап тортмас учига чиққан бадкирдор. Үнча-мунча одам ниқобини йиртиб ташлолмайди.

Эрим дод-фарёдларимни эшитишни ҳам истамади. Юлнинг ишқ изҳоридан сўнг қўл остида бамайлихотир ишлаб юриши ҳаммасини айтиб турарди. Кишлоққа, ота-онамникига кетдим. "Эрининг жўраси масти бўлиб ҳазил қилса, ажрашаман, деб аразлаб келиб қўйганмиш, жувонмарг" деб бошимга маломатлар ёғилди. Ўзимнинг яқинларим ҳам менга қарши чиқишли.

Шаҳарга қайтдим. Юл аввалгидек эрим масти бўлган кунлари келарди..."

\* \* \*

Бошқа ёзув тополмай дафтарни ёпиб, Шахризоданинг ширакайф кўзларига тикилдим.

- Давоми йўқ, энди ёзаман, – деди у.
- Бу ерга ким билан келганингиз қизиқтираяпти.
- Ў-ӯ, қандай фикрга борганингизни билдим, – кулимсиради жувон, – ҳарқалай, Юл билан келганим йўқ. "Энагаси" бўлмиш Фунчага дугона тутинганман. У ёмон қиз эмас, борадиган жойи йўқ, холос. Шунинг учун Юлнинг хизматини қилиб юради.

- Ким биландир кетди, дедингиз...
  - Дугонамми? Ҳа... уни севган курсдоши учраб қолди, түрт йил севишиган, ҳализамон кеп қолади. Ғунча яхши қиз, фақат шахсий баҳти йүқ.
  - Күп нарсаси йүқ экан, – дедим кинояомуз. – Ресторанда ичиб юрсангиз эрингиз индамайдими?
- Шахризода қўл силтади.

– Аввал ўзини билсин. У бир тўнка... умримни еди... Мен ўзимга-ўзим садоқатли бўлиб қолиш учун "Садоқат"га келаман... – Қатъий оҳангда қўшиб қўйди: – Хиёнат қўчасига киришдан жирканаман. Шусиз ҳам қўғирчоқлар дунёсида адойи тамом бўла-япман.

Соатига кўз ташлаб, ўрнидан турди. Дафтарни олди-да, кетаётуб:

– Сиз ҳеч қанақа журналист эмассиз, – деди чимирилиб. – Хайр, ака, яна бирпас қолсам, сиз ҳам Юлга айланиб қоласиз. Анави ўртоғингиз эса зўр одам. Хотинбоз эмаслигини билганим учун бир-икки оғиз гаплашгим келганди.

Шу учрашувдан сўнг бир йил ўтди. Анталияда ошиғим олчи бўлиб, мўъжазгина ошхонани ишга тушириш насиб этди. Ўзимда йўқ хурсанд эдим. Баъзан гўзалликда бебаҳо қизлар учраб қолар, Дурбекдан сўкиш эшитмаслик учун ўзимни содик дўстдек тутардим.

Серқуёш кун эди. Дурбек қовоқ уюб хонамга кирди.

- Соҳилга юр, ачинарли манзарани кўрасан, – деди ҳорғин ҳолда.
- Кимдир чўкиб кетибдими?

– Йўқ. Лекин нимадир чўккани аниқ. Уни номусми, садоқатми, имонми – бир нима деб атаса бўлади.

Соҳилбўйида ҳар кунги манзара. Ички лиbosдаги эркагу аёллар, соябонлар, қайноқ қўмлоқ, жимирилаётган ҳавза.

Дурбек сув ювиб турган денгиз лабида тўхтади. Чўмилаётганлар орасидан иккитаси кулишиб-чақчақлашиб қирғоқقا чиқиб келарди. Жувонга қарадиму каловланиб қолдим. У Шахризода эди, устида чўмилиш кийими, холос. Назаримда, денгиз ҳам уни таниёлмаётгандек шовиллаб қўяр, яланғоч баданини силаб-сийпалаб, томчиларга айланиб, думаланиб тушар, йўқ, бу бошқа дегандек ортга чекинар эди.

Дурбекни туртдим ва шаҳд билан жўнаб қолдим. Бироқ шу пайт ортимдан "Салим ака!" деб чақирди таниш овоз. Ким экан у Салим акаси деб қарасам, Шахризода каминага имляяпти.

– Мени чақирайпсизми? – дедим танимаганга олиб.

– Ўшанда фамилянгизни айтмагандингиз, сохта журналист, – дея у асло уялмасдан қўл узатди, – Анталияда учратганимдан хурсандман. Нега ажаблана-япсиз? Демак, исмингиз ҳам Салим эмас экан-да?

– Э, ўзимни Салим деб таниширгандим-а? Узр...

Шахризода ичимлик харид қилаётган дароз йигитга ишора қилиб, деди:

– Тағин дафтаримдаги гапларни гапириб юрманг, Юл ака шу киши бўладилар, жаҳли бурни устида.

Ювиндини босиб олган каби ижирғандим.

– Нега гапирав эканман? Барибир ажрашибсизда? Нимайди оти? Сайдуллами?

– Йўқ, ажрашмадим, – деди Шахризода беандиша кулиб. – У киши яна қўлга тушиб қолдилар. Келгуси йил қамоқдан чиқса керак.

Шундан сўнг Шахризодани қайтиб кўрмадим. Дурбек Анқарадаги бир ташкилот билан келишолмай судга тушиб қолиб, юртимиздаги ресторанини сотиб юборди. Янги хўжайинга ном ёқмабди, "Олтин куз" деб ўзгартирибди. Шахризода туғилган хазонрезги кузни эслаб, уни бу ерда яна учратишумга ишонч ҳосил қилдим. Аминманки, энди жувон умрининг ҳам кузига етган бўлади.

## ЖАНОБ ГИ

Рахим бобо ҳеч нима емади. Шайтонга тош оти-ладиган кунлардан аввал ибодатдан бироз бўшаб, овқатланишга ўтирди. Ўзбекистонлик биродарлари унга синовчан қараб қўйишар, бирдан ўзгариб қолганининг боисини ҳар ким турлича гапирав, аммо шивир-шивир ва маъноли қараб қўйишлар ҳожининг дардини аён этолмасди. Шифокор ҳол сўраганди, у:

– Соғлигим жойида... Ахир, мен бу ерга овқатланишга эмас, ҳаж амалларини бажаришга келганман-ку, – деб жавоб берди.

Бундай гаплар Муздалифа остонасида тез-тез қулоққа чалинади. Аммо одам овқатланиши ҳам зарур... Овқатланиш... Овқат, нон, сув... Қорин тўйиши... Кейин эса туйқус оч нигоҳларга кўзинг тушади, чанқоқдан лаблар ёрилган, мўлтираган ўз болаларинг...

– Дада, сув... Дадажон, нон....

Рахим бобо қулоқларини гуппа бекитди, кўзлари-

ни юмди. Ортда қолган қора кунлар секин-аста жонланди, барчаси күз ўнгидан лип-лип ўта бошлади. Худди кечагина бўлгандек.

\* \* \*

Ўша куни у совхоз марказидаги дўконга киргач, чўнтакка қўл солди. Во ажаб, пули қолиб кетибди. Илло қуп-қуруқ эмас экан: яхшилаб кавлаштирган эди, ўн беш тийин сариқ чақалар топилди.

– Салом, Раҳимжон, – негадир сотувчи илиқ қарши олди. – Кўринмай кетдинг?

– Ишдаман, – деди Раҳим озиқ-овқат ва рўзгор буюмларига лиқ тўла дўконга паришон кўз югуртириб. – Гугуртга келгандим, борми?

Сотувчи икки тахлам гугуртни пештахтага қўйди.

– Менга бор-йўғи уч дона керак, – дея ўн беш тийинни дўкончи сари суриб қўйди. – Ўн икки тийинига печенье беринг. Кичкинчам печенье ейишни бошлабди.

– Бу дейман, қачон ювамиз? Бир ойликдан ошиб кетди-ёв.

– Икки ойлик... – Раҳим очиқ эшиқдан кўриниб турган ҳовлидаги атиргулларга бокди. – Гуллар роса очилибди, битта-иккита беролмайсизми? Сўрамасдиму... хотинимнинг туғилган куни.

– Нима? – сотувчи печенье узатар экан, хохолаб кулиб юборди. – Оббо, Раҳим-ей! Қўшалоқ қиласканмиз-да.

Бир зумда пештахтада бўйни узун ароқ ва иккита пиёла пайдо бўлди. Қултиллаш эшитилди.

– Бизнинг ҳисобдан. Ол, ука.

Ичдилар. Кейин жуфт қилинди. Калласи қизиган Раҳим дўконга рўмол олгани кирганини, пули уйда қолганини айтди. Шу заҳотиёқ дўкончи юргургилаб битта рўмол устига уч дона атиргул кўйиб, Раҳимга келтириб берди.

– Ака-укачиликка нима етсин, – деди у харидорнинг елкасига уриб. – Пулинин бирон кун берарсанда. Э, бермасанг ҳам майли. Битта рўмолдан айланай, Раҳимжон.

Шунда Раҳимнинг кўнгли шубҳага борди. Бу одам нима учун хушомад уриб қолди? Раҳим оддий ферма ишчиси. Бола-чақа билан андармон бўлиб институтни тутатолмади...

– Кечирасиз, ака, бунча ўзингизга яқин олиб... сийляяпсиз?

– Вой, Раҳимжон-е! Сендан ўрганиш керак. Янги директор курсдошинг экан-ку. Қани, билармикан, деб жўрттага сўраяпсан-а?! Ҳа, майли, зоримиз бор, зўrimиз йўқ. Онам идорада оддий ҳисобчи, отам оддий пахта бригадир.

– Ҳусан Мелиев тўлиқ кетдими?

– Кетиш ҳам гапми?! Ўрнига одам келиб бўлди-ю... Ҳалиги Бўрибай Рихсиев, сирдарёлик курсдошинг.

– Бўривой Рихсиев? Ҳазиллашаяпсизми?

– Олдик! Совхозимиз гуллаб-яшнасин! Бўрибай Рихсиев ҳам!..

Рахим дўкондан чиққанлигини эслаёлмайди. Уйига келиб, ўзини кўрпачага ташларкан, ғудради:

– Тур... Турсун... ой, Бўри директор бўп кепти... Бўри бизга директор... Жўрам... Сирдарёлик...

Турсуной Бўрибай Рихсиевни кўрмаган, лекин эрининг оғзидан минг марта эшишиб, ёд бўлиб 'кет-

ганди. Кувонса Бўрибойни эслайди, хафа бўлса ҳам у эри тушмагурнинг тилида, дилида. Айтгандай, кечагина телевизордан бир раисни кўрсатди, водий томонлардан. Пахта режасини ошиги билан бажарибди. Икки марта орден олган экан. Ўзиям ўн етти ёшида коммунист бўлган, йигирма иккига кириб, райком секретари, яна денг қирқ йил тинимсиз план бажариб келган.

– Шулардай ҳақиқий инсонга айланишим мумкин эди, – деди Раҳим қуюниб. – Лекин отам йўқ! Бўрибой дўстимнинг отаси, биласанми, ким эди? Рихси Кароматий! Халқ Қаҳрамони! Дзержинский билан қалин ўртоқ бўлган... Менинг отам эса... отам чўпон... Босмачилар отиб кетгандаям майлийди...

Раҳим қизишиди. Отаси эшакдан йиқилиб ўлган. Бу ёги қаричилик. Осмону фалақдан учиб тушган одам тирик қолади-ю, эшакдан йиқилган ўлади.

Турсуной бўш келмайди:

– Ленин отамиз, дейишади-ку, нега отам йўқ, дейсиз. Уй тўрига суратиниям илиб қўйибсиз. Азиза тугул Намозжон ҳам "Ленин бова" дейди. Эртан Салоҳиддинимизнинг ҳам тили Ленин деб чиқади.

Раҳим эрталаб туриб кечаги кунни эслади. Ювинаётсаям Бўрибой, чой ичаётсаям, ҳатто ҳожатхонада ўтирсаям Бўрибой...

– Наҳотки, у бизнинг совхозга директор бўлиб келди?! – дейди овоз чиқариб. – Кечагина иккимиз ҳам студент эдик. Энди эса унинг тагида машина, бошида шляпа. Қишлоғимиз... йўқ, бутун совхоз таъзим қиласди. Кимсан? Бўрибой Рихсиеевич!.. Эх, шунча йилдан бери гум бўлиб кетмай борди-келди қилсан

Ўламанми... Фермага борса, мени кўрса... Резина этикдаги оддий ишчини танимаса кераг-ов.

Рахимга қолса, совхозга етти ёт бегона директор бўлса минг марта афзал эди.

Боши оғриб, ишга кечроқ борди. Ферма мудири идорадан қайтиб, уни сўраб турган экан, узоқдан қўл силкиди:

– Ҳой Раҳимбой, бери келинг.

Тўсатдан ўзгарган мудир ўз кабинетига бошлади, бир пиёла чой қуиб узатди.

– Рихсиев билан бирга ўқиганмисиз? – сўради у.

– Ҳа.

– Қандай одам?

– Анча йилдан бери кўрганим йўқ. Яхши эди... Яхши ўқирди.

– Ҳм. Сиз билан бинойидай эдими?

– Муносабатимизми? Битта хонада турганман. Қалин дўст эдик.

Ферма мудири тилла тишларини ярақлатиб кулди. Очиқ чехраси борлигини Раҳим илк марта кўрди.

– Қарашасиз-да, – илмоқли гап ташлади мудир. – Бизда чорвадан кўра пахта биринчи ўринда турсаям, барибир битта молхона керак. Сиёсатга аралашиб яхши эмасу, лекин бир гапни айтиб қўяй: одамни одам қиласидиган, бу – молхона. Молнинг ёши пахтаникидан катта! Молнинг орқасидан кучайиб кетган давлатлар бор...

Мудир кўз қисиб қўйди. Аммо эртасига кайфи учган ҳолда Раҳимни ахтариб келди.

– Машинага чиқинг, чақирайпти.

Негадир, Раҳимнинг кўз олдига прокуратура терговхонаси келди. Олти ой бурун чигит масаласида бу-

тун совхоз аҳлини, жумладан, ферма ишчиси бўлмиш Раҳимни ҳам чақиришганди. Ўшанда билди, истасалар ғўзапояга ҳам микрафон ўрнатиб, одамларнинг тилидан ушлаш мумкинлигини. "Сабил, кечаги гапни бекор айтди-да", – деди Раҳим ичида сўкиниб.

– Бўлинг тез, – қистади мудир.

– Органданми?

– Ийе, ҳа-ҳа-ҳа... – мудир кулиб юборди. – Қамалган Ҳусан Мелиев, қўрқкан сиз!

Машина вангиллаб олға интилди.

– Дўстингиз йўқлаяпти, Раҳимбой! Елкангизга нақ офтоб чиқди-я! Ишқилиб бизни унутманг-да, ука!

Ферма мудири Раҳимни эргаштириб қабулда турганилар олдидан виқор-ла ўтиб кетди.

Раҳим ушлаб келинган асиридай бўшашиб қолди. Креслода салобатли бир одам ўтиради. Аввалига жиддий қараб турди, кейин жилмайди. Раҳим таниди: бу ўша, ҳамхонаси Бўрибой.

Янги директор Раҳимни маҳкам қучоқлади.

– Вой-бў, суяк бўп қопсизу, дўстим, – деди у гулдирак товушда. – Ким айтади сизни фермада ишлайди деб!

Кейин ранги бўздай оқариб кетган ферма мудирига "қорангни ўчир" дегандек имо қилди. Ёлғиз қолишгач, бир-бирига сўзсиз тикилиб турдилар. Раҳим собиқ ҳамхонаси билан ўртадаги ма-софа анчайин олислигини англади. Буни ўзининг тортинчоқлигига, бўшанглигига йўйди.

Гап айланиб ишга тақалди.

– Очиги, ишонгим келмади, – деди Бўрибой Рихсевич. – Ўн йил ҳам ўтмасдан шунчалар ўзгариб-

сизки, гүё мен билан ўқимагандай, мен билан битта хонада яшамагандай. Биласизми, йўлини топиб олганлар кўп. Сизни ҳисобламаганда мен энг оддий-иман. Чангга ботиб совхоз директори бўлиб юрибман. Энди-и... – у қимтиниб турган дўстининг елкасига қоқди. – Бирга ишлашамиз. Бу ерларни, одамларни яхши билмайман. Ёрдам берасиз. Ха, айтгандай, пахтачилик совхозида мол фермасига бало борми?.. Хўш, менга ёрдамчи бўлишга розимисиз?

– Қанақа иш?.. Масалан...

– "Масалан"ингиз нимаси, дўстим. Давлат ишида нима кўп? Кадрлар тури кўп. Ё ёрдам бермоқчи эмасмисиз? "Пахта иши", "ўзбек иши" деб эшитганлар чоғи... Билиб қўйинг, бу ёқда "дўстлик иши" бор.

Бўрибой Рихсиевнинг овозидан алланечук ўкинч, заифлик сезилгандай туюлди. Раҳим ҳаммасига ўзи сабабчидай бўйин эгди.

Кўп ўтмай Раҳим идора ходимига айланди. Иши шунчалик кўпайдики, гоҳо уйига боролмасди. Хотини Турсуной, қизи Азиза, ўғиллари Намозжон ва Салоҳиддинлар у учун аввалгидек эмасдилар. Беш яшар қизи эркаланса, жеркиб беради. Намозжоннинг боғчага бормаслик амалидаги хархашалари умумун ортиқча. Асабийлашиб қайтган кунлари бешикдаги Салоҳиддиннинг йиғиси миясини пармалайди. Фижиниб Турсунойни сўгади...

Бироқ пули кўпайди. Дўконга кирса, икки-учта қизил ўн сўмликни ташлаб чиқади. Олган нарсалари ни ўзлари элтиб беришади. Раҳимнинг баъзан чиндан, баъзан ёлғондан вақти бўлмайди.

Оғилхонадаги сигирнинг ёнига яна битта қўшилди. Хашак келтирилди. Бўрибой Рихсиевич кимгадир бе-

риши лозим бўлган уч тонна кунжарани уникига эл кўзидан яшириб тўқтирди. Эсидан чиқиб қолди шекилли, кунжарани сўрамади. Раҳим оғиз очган эди, ҳадя қилиб юборди.

Мактабни кечагина тугатган, гўзаллиги юракни ёндирадиган, ишвали қизларни кўрди шаҳарда. Бўрибойнинг яширин уйида эмас, эртаклардаги шоҳ саройида ўтиргандек ҳис қилди ўзини...

Совхоз пахта планини бажарган, лекин Раҳим қарзлар борлигидан, кўнгил хижиллигидан қутулолмасди. Бир куни эрталаб директорнинг котибасидан ғалати гап эшитди:

– Хўжайин Кисловодскка кетдилар, қишки дам олиш уйига. Сиз бош ҳисобчига учрашаркансиз.

Эшик очилган заҳоти бош ҳисобчи сапчиб тушди. Хона совуқ бўлишига қарамай терлаб кетганди.

– Ра... раҳим... жон, анави қоғозлар... қани? Сиз имзо чеккансиз... Сурашаяпти...

– Ким сўраяпти? – хотиржам ҳолда деди Раҳим. – Директорми?

– Э-э... прокуратура!..

Шу пайт совхоз идораси дарвозасидан милиция машинаси кириб келди.

\* \* \*

У қиши бўйи хибсхонада ўтирди. Ҳар бир теляжка пахтани етти тоннадан деб ёзгани-ю тракторчиларга суткасига йигирма беш соат иш вақти белгилагани ҳужжатлардаги имзосидан исботланди. Булардан ташқари умрида эшитмаган айбловлар ҳам кутиб турарди.

Терговчи унга ўқрайиб қарап, "ҳали шунақами" дегандек кузатиб қоларди.

Худди шу одамнинг лақаби Жаноб ГИ эди. Тирноғидан сочигача ўзбек бўлмиш бу мусулмон фарзандига европача лақабни ким қўйганлигини ҳеч ким билмасди. Айтишларича, ГИ устозлари номини англаради: "Г" – Гдлян, "И" – Иванов...

Дўзахий азобларнинг нечанчидир куни Жаноб ГИ Раҳимни яна чақирди. Негадир юзида мамнунлик акс этарди.

– Хўш, ўртоқ қўшиб ёзувчи, – деди сигарет туатиб, – Кремлнинг олдида бизни шарманда қилиб бўлдинглар. Қаерда қўргансан битта теляжка етти тонна пахта кўтарганини?! Сутка ҳам йигирма беш соат бўладими? Хўп, тушунаман стахановчиликни, аммо техника чидамайди-ю бу ишга!

Сўнгра Жаноб ГИ ҳар доимги айловларини бошлади:

– Ўттиз икки бош қорамолни сотиб юборганингни тан оласанми?

– Ҳатто уйимдаги молни ҳам сотмаганман.

– Райком секретарига берган пораларингни-чи?

– У билан бир марта ҳам гаплашмаганман.

– Рихсиев касалхонада ётганида, совхозни бошқаргансан, ҳатто планни ҳам бажаргансан. Бироқ на бош ҳисобчи билан, на райком секретари билан гаплашгансан. Қизиқ-ку!

– Анави имзоларим етади, қаманг... Отинг!..

– Эй одам! Сендақасини биринчи кўришим! Ўлиб кетсанг оилангта ким қарайди?!

Раҳимнинг умрбод эсидан чиқмайди. Терговчи ўшанда аянчли илжайди-да, тўрт дона сурат чиқарди: хотини, қизи, икки ўғли.

– Қанча бўлди кўрмаганингизга? – терговчи тўсатдан сизлади. – Юринг. Жони темир одам экансиз. Мен мағлубман.

Жаноб ГИ уни турманинг чекка бир бўлинмасига эргаштириб келди. Бу ерда ҳовлига ўхшаш жой бор эди: тўрт томон иморат, усти очиқ. Қанотсизлар қочиб кетолмайди.

Раҳим чопиб бориб қизчасини қучоқлади, ўғлини ўпа кетди. Кейин хотини ва гўдагини қучди. Ҳаммаси йиғлади. Раҳим ҳам.

Вақт тушга яқинлашганда Намозжон секин суйкалди.

– Ая, нон.

Турсуной эрига хижолатомуз қаради.

– Дадаси, қоровуллар ҳеч нарса ўтказишмади. Боланинг қўлидагиниям олиб қўйишиди.

Шу вақт соқчи Раҳимни олиб кетди. У тузукрок хайрлашолмади ҳам.

Ичкарида ғалати манзара кутарди. Стол усти нознеъматларга тўла.

– Махбус, ўтириб овқатланинг, – деди Жаноб ГИ.

Раҳимнинг иштаҳаси очилган эди. Аввал секин, кейин ютоқиб тамадди қила бошлади. Кўзига бир зум ўғилчаси кўринди: "Ая, нон", – мўлтиради бола.

"Уйга кетаётиб онаси бирон нима оберар", ўлади Раҳим. Бироқ даҳшатли ҳақиқат олдинда эди. Жаноб ГИ елкасига қўл ташлаб, деди:

– Кутимагандаги қамоқхонани тафтиш босди, Тошкентдан. Биз нариги бўлимга ўтмай туришимиз керак. Марҳамат, оиласизнинг ёнига қайтишингиз мумкин.

Раҳим қамоқхона ҳовлисига қандай чиққанини билмайди. Аёлининг кўзи йифидан шишиб кетганди. Азиза қунишиб ўтирас, Намозжон ҳамон нон деб зорланарди. Гўдак ҳам чириллай бошлади.

Эшикни тепди, урди, барибир очишмади. Кеч соат тўққизларда Раҳимни камерасига қайтаришди. Овқат беришди. "Оилам чиқариб юборилдими?" – деган сўровига жавоб беришмади. Тун бўйи тўлғаниб чиқди. Қамоқхонанинг аллақаеридан чақалоқ йифиси эшитилаётгандай эди.

Эрталаб оиласини яна ўша ҳовлида кўриб эсдан оғаёзди. Раҳимни бўккунча овқатлантиришган эди. Хотинининг чўкиб қолган кўзларига қараёлмади. Қизчаси "Нон берармикан?" деб қўлларига термулар, қулт-қулт ютинар, ўғлининг кўзларида ҳамон ёш филтиллаб турарди. Раҳим қучоқлаганди, жажжи қўлчалари пайпаслай бошлади.

– Дада... н-нон...

Кечга яқин кичкинтойлар суюкли дадажонисига қарамай ҳам қўйиши. Бошларини кўтаролмай бармоқларини сўришарди, ҳар замонда тошдеворларга жавдираф кўз ташлаб қўйишаради.

Ичкарида Раҳим учун шоҳона овқатлар. Ноннинг бир ушоғини ҳам чиқариб беролмайди. Еб-еб, болаларига қусиб берсинми?!

Йўқ, Раҳим бу сафар еёлмади. Урсалар ҳам, сўксалар ҳам томоғидан ўтмади. Жаноб ГИ шундай деди:

– Қамоқхонадан ҳаливери ҳеч ким чиқиб кетмайди. Мана буйруқ. Яххиси, терговни тугатишимга имкон беринг. Қўл қўйинг қофозларга...

\* \* \*

Ҳожилар гурра оёқقا туришди. Шайтонга тош отгани йўл олишди. Раҳим бобо оппоқ кийимлилар орасидан уни ахтарди – Жаноб ГИни!

Шу ерда учратаман, деб ўйламаганди. Бўрибойнинг нокаслиги, қамоқда ўтган йиллар, кейинги қийинчиликлар – барчасини унутди. Ҳаж сафарига отлангач, бир вақтлар оиласини очликка гирифтор этиб, мақсадига эришган Жаноб ГИ ни ҳам ўзича кечирди...

Бироқ уни Каъбатуллода эхромда қўриб чидаёлмади. Бугун у ҳам шайтонга тош отгани кетмоқда. Шайтон тошни қайтариб башарасига отишидан кўрқмасмикан?!

Фаромуш бўлиб қолган Раҳим отган тош мўлжалга етиб бормади. Кимнингдир бошига тегди. У бир оҳ деди-ю билдирмади. Ким отганини аниқлаб бўладими? Одам кўп, одам милён.

Тошнинг адашмаганини қаранг, Жаноб ГИ!

## БИР АЁЛ МАТОНАТИ

Ашула муаллим ўлди. Дарсдан сўнг уйига кетиб, мол-ҳолларига қараш учун оғилга кирди, охурга йиқилдию қайтиб турмади.

Мактабга шаҳарчадан ниҳоятда пўрим кийинган ёшгина ўқитувчи келди. Исми Машраб экан. Биринчи кун жуда ҳаяжон босди. Ўқувчилар, айниқса, қизлар турли қилиқ кўрсата бошлагач, нафсонияти қўзиб, қизарган – бўзарган ҳолда:

– Бас қилинглар! – деб бақирди. – Ўқишини эндинина битирган ёш бола ҳисобласанглар катта хато

қиласанлар. Менга ҳеч ким эмассанлар. Тушунарлими?! Дарс ўтишга кўзим учиб тургани йўқ, илтимос қилди, келдим. Менга райондаям иш кўп. Васли Вафоев гуруҳида ишлаганман.

– Вой, Ўзбекистон халқ артисти Васли Вафоевни айтаяпсизми? – ҳайратланди Назира.

Машраб эртакдаги маликалардек чиройли қизга қаради, бир погона кибрланиб, "ҳа", деди.

Ҳартугул ўқувчиларнинг попуги пасайди. Янги муаллимга кўниши бир ойга ҳам чўзилмади. Улардан фарқли ўлароқ муаллим кун сайин безиб бормоқда эди. Бир куни Назирани ёлғиз учратиб деди:

– Васли Вафоевнинг қўшиқларини кўп тинглайсанми?

– Менми?.. – Назира тўхтаб, ширин жилмайди. – Мендан сўраяпсизми?

Сукунат ҳукм сураётган йўлакда қизнинг овози жаранглаб кетди. Иккаласи ҳам аланглади, кейин ним кулимсираш ҳадя этди бир-бирига.

– Ҳа, сиздан сўраяпман, албатта.

– Мен... кўп эшитаман. Овози ёқади. Лекин фақат Васли Вафоевнинг эмас, Шерали Жўраев, Бобомурод Ҳамдамовларнинг ҳам мухлисиман.

Ашула муаллим нимадир демоқчи бўлди-ю лаб тишлади. Кўзлари йилтиллаб кетганини Назира сезди. Сезди-ю ўзининг ҳам завқи тошди.

– Бу ёқда нима ишинг бор эди? – Ўқитувчи йўлак охиридаги ёлғиз эшик – ашула синфхонасига ишора қилди.

– Метиркам қолиб кетибди, ўтирган партамнинг тагида.

Иккови ичкарига кирди. Киз дарров нарсасини топди. Аммо чиқиб кетишга шошилмади. Баъзан бирорвларнинг биоқувватга ўхшаш нимасидир кишига хуш ёқади. Сен ва у! Бошқа ҳеч ким йўқ! Ниманидир қидириши, юмуш бажариши, томоша қилиб, секин хона кезиши ёқади, ёқаверади. У ёшми, қарими, эркакми, аёлми – биоқувват бир хил.

Машраб ўз жойида эриб-суйилиб ўтиради, қиз пошналарини ҳар замонда бир тақиллатиб, девордаги бир сурат тагидан бошқасига ўтарди. Ёқимли шивирлаш билан сурат лавҳарини мутолаа қиласарди.

\* \* \*

Ҳадемай Назира битирувчи синф бўлди, ашула дарси олиб ташланган, тўғарак икки дилни боғлаб турарди. Муаллим ва Назира ўртасида нимадир борлигини қизлар сезар, вужудларида ғалати гайирилик жунбушга келар, аммо тасаввурлари акс эттиrolmas эди.

– Қўшиқ куйлашга қизиқмайсан, овозинг етмайди, нега тўғаракка шунча вақт сарфлайсан-а? – неча қайта сўрашди дугоналари.

Ҳар сафар Назира сир бой бермасди.

– Қизиқаман, – дерди у. – Овозим ўзим учун етади, ички оламимда мен энг машҳур қўшиқчиман. Юз минглаб муҳлисларим бор. Ҳаммаси ўзимман, ҳаммаси ўзим! Куйлаётган ҳам, тинглаётганлар ҳам!

– Ҳардамхаёл, – устидан кулишарди қизлар.

Кейин мактаб эшиклари очилиб кетди: ўнлаб кантарлар кўкка парвоз қилди. Жодуваш кўзли, жон олар қоматлиларга дарҳол харидорлар чиқа қолди. Совчилар кетидан совчилар...

Назира ҳаммани ҳайратга солди: ахир, унга Машраб муаллимдан совчи келган эди. "Билардик", "Уч йилдан бери сезиб юрардим", "Бир куни Назира ашула хонасидан олд тұгмаси узилган ҳолда чиққанини күрдим", "Шаҳарчага келин бўламан деб ўлиб-тирилди бечора" қабилидаги гаплар синфдош қизлар даврасида ҳар кун, ҳар соат айтилди.

Қизлар ҳасад қиласа кўп гапирадилар...

Энг аламлиси, совчи юборди-ю Машраб муаллим қизларнинг қўз ўнгида бир думалаб шаҳарлик барно йигитга айланди-қолди. Овсар қизлар унга муаллим деб қарашгани туфайли ўртада хитой девори турган-дек туюлган. Вах, энди у Назираники, ўзларига эса Машрабдан уч-тўрт ёш катта қўпол, баджаҳл, ичувчи, чекувчи чўпонлар, тош қазувчилар, дехқонлар қолди. Агар Машраб катта ҳофиз бўлиб кетсами!..

Қизлар кечаси билан аламдан тўлғаниб чиқадиган одатта гирифтор этилди.

\* \* \*

Машраб мактабдан бўшаб, туман маданият уйига кетди, қишлоқ қизлари энди уни кўрмай қўйдилар. Пишиқчиликда тўйи бўлди. Синфдош қизлар ичиде Назирадан аввал беш қиз куёвга узатилганди, аммо дугоналар бундай дабдабага, тартибга, тўй гўзаллигига шоҳид бўлмаган эдилар. Оғизлари очилиб ҳасаддан ёниб, тантанадан ўзини йўқотиб, бир алфозда қишлоқقا қайтишди. Дув-дув гап бўлди Назиранинг тўйи! Аммо-лекин келин... ҳамон ўша эди. Ним табассум, оҳу кўзлар, ғунча лаблар... Гўё шоҳона тўй пешонасига ёзилгани табиий ҳолдек, хотиржам.

Келин-куёв гўшангода ёлғиз қолишиди. Назира-нинг қулоғида ҳамон тўй мусиқаси жаранглаб турибди. Ашулачи уйланди деб ҳамкаслари бор овози-ла бақириб куйлади, шекилли. Карнайлари ҳам йиртилиб кетмади.

Келинчак ҳозир барча-барчасини битта шивирлаш босиб кетишини истайди: "Мен сени севаман!"

Йўқ, куёв яна айтмади. Назира енгил турткилааб, тескари қараб олди. Машраб қучиб, бўйнидан бўса олди ва:

- Аразлашнинг сабаби нима? – деб сўради.
  - Бирон марта... атиги бир марта "севаман" демадингиз-а, Машраб aka?!
  - Оёғингнинг тирноқларига ҳам лакни чиройли қўйибсан.
  - Гапни бурманг. Сиз севмайсиз...
  - Севмайманми? – Машраб келинчакни ўзига қаратди. – Севмасам шунча вақтдан бери юрармидим? Севмасам уйланармидим? Қизиқсан-а, Нази?
  - Балки эркак сифатида шунчаки мактаб ўқувчисига кўз олайтириб...
  - Нима дединг?! – Куёв ёлғондакам жаҳл қилиб келинни чимчилай бошлади. – Қайтар, яна бир қайтар!
- Назира кулгидан ўзини тиёлмай қочди, куёв қувди. Хонани гир-гир айландилар. Янгалар ичкарига қулоқ солиб, бир-бири билан маъноли кўз уриштиришди.
- Тавба, булар нима бало қилишаяпти, эшикни тақиллатсаммикан?
  - Қўяверинг, овсин, икковиям ашулачи-ку!
  - Ашула-чи бўлса нима бўпти! Бу туришда қайнонамни уйғотиб юборишади.

- Нота ахтарайпти, нота.
- Вой ўлмасам, нимайди у?
- Керакли нарса... Сиз тушунмайсиз...

\* \* \*

Назира чиройли хотин бўлди. Қўли олти, оёғи етти – қайнона хизматида. Мехнаткашлигига қўни-кўшнилар тасанно айтишиб: "Шу келингизнинг бўйи етган қариндошлари йўқмикан, келин қилардик", деб оғиз сола бошладилар.

Бир йил ҳам ўтмади. Назира ўғил туғди. Исмини Мақсаджон қўйиши. Чақалоқнинг чилласида ёш она яна ҳомиладор бўлиб қолди. Тўққиз ойдан сўнг қиз дунёга келди. Гулҳаё деб исм қўйдилар.

Иккита ёш бола билан қийналаётган Назирага онаси: "Қайнонанг қарашмаса Мақсаджонни бер, то Гулҳаё атак-чечак бўлгунча биз катта қиласиз", деганди, кўнмади.

– Қайнонамнинг ҳозир тоби йўқроқ. Имкон топгандан неварасини қўлига олади. Қарамайди деган гапни қаердан топдингиз, эна?

Ўша йили Назира учинчи боласига ҳомиладор бўлди.

– Бўйингда борми?! – Машрабнинг кўзлари чақчайиб кетди. – Сен нимасан ўзи? Одамми ё...

– Нималар деяпсиз, Машраб ака? Ўзингиз учта фарзандим бўлишини хоҳлардим, дегандингиз-ку. Мана, орзуларингиз ушалаяпти. Бирордан камчилигимиз йўқ.

– Бунақа тез ушалган орзунинг боридан йўғи!..  
Олдир! Олдириб ташла!

– Боламни ўлдиришимни сўраяпсизми?

– Бўрттирма, Назира! Сен ҳамма нарсани бўрттириб кўрсатасан. Биласан, қорнингдаги ҳали бола эмас! У ҳомила... ловиядеккина... Катта фожиага айлантирма... Айтдим-ку, сен бўрттирасан деб! У ўтизга кирган ўғилмидики... Эҳ, сен шунақасанки, ҳатто мени севмай туриб, "севдим" деб алдагансан. Районга келин бўлиш, консерваторияда ўқиган ўқимишли, келишган йигитни ўзига оғдириш... Мана сенинг асл қиёфанг! Шуниям бўрттириб муҳаббат даражасига чиқардинг! Шу муҳаббатми? Билсанг агар, менинг севган қизим бор эди. Мен ҳам севардим, у ҳам! Қаёқданам пайдо бўлдинг ўртамиизда?! Менга ёқмайсан... ёқмайсан... Тулкидан ҳам шумсан!..

Назира шартта ортига ўгирилди-ю хонадан чиқиб кетди. Ҳар кунгидай бола эмизди, Максуджонни овқатлантириди, қайнонасининг кийимларини юваб, алламаҳалда ичкарига кирди. Эри ҳалиям қовоқтумшук қилис телевизор қаршисида ётарди. Кутилмаганда экранда Ўзбекитон ҳалқ артисти Васли Вафоев пайдо бўлди. Унинг ижоди, ҳаёт йўли, оиласи ҳақида кўрсатув тайёрланган экан. Эрининг кийими ни дазмоллаётган Назира гап қотди:

– Дадаси, шу артистга қандай қилиб "ҳалқ артисти" унвони берилган? Шерали Жўраевчалик хизмат қилмаган-ку. Ё пули, таниш-билиши кўпмикан?

– Сен ниманиям тушунардинг.

– Мумтоз қўшиқ айтсам, ҳалқ "баракалла, анъана-ларимизнинг давомчиси, маданий меросимизни давом эттираяпти" деб мақтайди, дейди-да булар. Рэп айтса "ҳалқ артисти" бўлолмаслигини билади.

– Овозингни ўчирсанг яхши бўларди.

– Айтгандай, овозни яхшиям эслатдингиз. Буларда қизиқ одат бор: ким мумтоз қушиқ куйласа, овози кучли, ким рэп айтса овози йўқ экан, асбоб-ускунанинг иши эмиш. Мен бунга ишонмайман. Жанрга қараб овозга баҳо берилмайди.

Машраб хотинига ғазаб билан ўтирилди. Ёмон сўкинмоқчи эди, тилини тийди. Балки хотинининг жилмайиб туриши жиловлагандир.

– Э, ўша...

– Мени тулки дейсиз. Қани думим? Лекин сиз бўрисиз. Тишларингизни кўрсатиб беришим мумкин.

Машраб ёстиқни улоқтирди. Лекин бу беозор улоқтириш эди.

\* \* \*

Келинининг ҳомиладорлигини эшитган қайнонанинг таъби хира бўлди. Ҳатто Мақсаджон билан Гулҳаёни ҳам жеркий бошлади. Намозхонлиги учунми, қудалардан истиҳола қилдими, аборт қилиш хусусида бир нима деёлмади.

– Нима қилсак экан? – деб қудасидан илмоқли сўради. – Учта гўдакка қаролармикан? Бу йил кенжамни уйлантирмоқчийдим.

Ҳар томондан дилхира гаплар эшитган Назира қўлини кўксига қўйди:

– Шугинанинг оғирлиги тушса, менга тушадику. Бунча ғамхўр бўлмасаларингиз жонимга! Шу боламдан кейин бошқа туғмоқчимасман. Тұхтатаман!

– Ёш она қўлини "икс" қилди. – Бу сафар кечиринглар, кейин ялинсаларингиз ҳам туғмайман.

Бир куни Машраб кеч қайтди. Оғзидан ароқ сасир, кийимидан алламбало атиrlар хиди анқирди.

– Чақалоққа кийим олиш керак дегандинг, мана, – дея у бир қисим пул узатди. – Илтимос, менга алохida түшак сол, чарчаганман.

Қорни дүппайиб қолган Назира эрининг костюмини ечиб, илгичга илди. Уйқусираган овозда деди:

– Чарчаган бўлсангиз, оёқларингизни уқалаб қўяман.

– Бор-э! – Машраб итариб юборди. – Асабим бузилиб турганда суйкалма, Нази! Ёт жойингга!.. Қара аҳволингга!.. Яна осилишини бунинг...

– Майли, лекин алламаҳалда пулни қаердан топганингизга қизиқаяпман. Тергамоқчи эмасман, ароқ ичиб пул топганингиз кулгили туюлаяпти. Факат раққосаларгина...

– Кўп бидирлама. Нима раққосалар?..

– Улар шунаقا топади.

Машраб гандираклаб диван сари юраркан, кўксига муштлади.

– Ха, ўйин тушиб бердим! Ўйнадим! Пул қистиришди... Бошқа саволинг йўқми?

– Йўқ, дадажониси. Ёта қолинг, болаларни уйғотиб юборманг.

– Беш киши... – ғўлдиради Машраб бироздан сўнг.

– Ё тавбангдан... Мен энди беш кишиман! Ёш бошим билан катта оиласам бор... Ахир, ҳали уйим йўқ-ку... Эртага укам уйланади...

Назира эрининг алжирашларига қулоқ солиб, ухлаб қолди. Яноғидан бир томчи ёш думалади; иссиқ эди, дарров совиди...

– Бугун ҳам "заказ" бор, – деди Машраб нонуштадан сўнг, – кеч қайтаман. Тағин асабимни эговлама.

– Тўйга чиқаяпсизми?

– Ҳа.

– Аям "нега кеч келди?" деб сўрадилар. Тўйга чиқаётганингизни ўзингиз айтасизми кириб?

– Бу фожиами? Нега ўқраясан!?

– Тўйда хизмат қилиш фожиа эмаслигини ҳамма билади. – Назира беихтиёр эрининг кечаги костюмига қаради. – Одам асл фожиасини ўз вактида англасса...

– Нима экан ўша асл фожиа?

Назира қовоқ уюб қараб турган Мақсаджонга кўзи тушди-ю эридан бир қадам узоқлашди, бармоғига лаб босди.

\* \* \*

– Мана, Машрабжон ҳам катта-катта топаяпти, – деди қайнонаси Назирага – биласан, кенжани уйлантирмоқчимиз. Учинчисини туғаман-туғаман деб, туғиб ҳам олдинг. Болаларингни боғчага бериб, сен ҳам ишлайсан. Қисқаси, кунларингни кўриб кетасанлар.

Шундай қилиб, оила шаҳарча четидаги эски уйда, ижарада яшай бошлади. Ота-онасидан ҳайиқиб турган эканми, Машраб буткул ўзгариб қолди. Хоразмга бордик, водийга кетаяпмиз, деб икки кунлаб қорасини кўрсатмайдиган ҳоллар тез такрорланарди. Қайнона айтганидек "катта-катта топиш" қаёқда! Гурухларида олти эркак, икки ўйинчи. Даромад саккизга бўлинади. Бунинг устига энди улар оддий ош-

хонага қаноат қилмаса! Назирага бир қўшниси телефонда айтди: Машраб ресторанга икки жувонни олиб кириб, тўрт соат еб-ичирибди, битта телевизорнинг пулини тўлабди.

Назира ўз кўзи билан кўришга аҳд қилди. Бир куни яна ўша официантка сим қоққач, болалари билан таксида етиб борди. Аввалига Машраб пайқамади. Тўсатдан залнинг нариги четида чақалоқ йиғладию шира босган кўзларини катта очиб қаради: не кўз билан-кўрсинки, оиласи!

Кўз кўзга тушгач, Назира болаларини эргаштириб уларнинг столига келди.

– Дадаси... Биз... биз... сизни Хоразмда деб ўйлабмиз. Қачон келдингиз?

Танноз жувон болаларга кўз қирини ташлаб:

– Тушунарли, – деб минғирлади-да, ўрнидан турди. – Хайр, Машраб aka. Ҳаммаси зўруюштирилибди.

– Ие, ўтирангиз-чи, – каловланиб қолди Назира, – ахир сиз... ҳамкасби бўлсангиз керак. Ё... севгани бўлган экан бир вақтлар... ўзлари айтганди... сиз ўшамасмисиз? Барибир... мен сиздан хафа эмасман... Нотўғри тушунманг, опа.

Машраб уф тортиб, бошини чангллади. Ўйинчи қиз соллана-соллана ресторанни тарк этди.

– Болаларнинг олдида-я! – деди Машраб тўлғаниб.  
– Болаларнинг олдида!.. Аблаҳ! Шайтон!.. Бунга қандай ҳаддинг сиғди?! Биласанми, Назира, сен ифлоссан!

Назира атрофдагилар қараётганини сезиб, бояги жувоннинг ўрнига ўтирди, болаларини ҳам жойлаштириди. Овозини пасайтиб:

– Дадаси, узр... Бошқа хотин билан қандай чақчақлашишингизни кўришга қизиқдик. Бошқа тақрорланмайди. Илтимос, ичингизда сўкинг, одамлар қарайпти... Айтгандай, қанча ишлаб келдингиз? Уй эгаси ижара пулини сўраяпти. Бунинг устига бугун иккита столга тўлайсиз.

\* \* \*

Машрабнинг укаси тақводор кишининг қизига уйланди. Назира дастурхонга ароқ қўйдирмаслик учун оқсоқолларга ўзи бориб тушунтириди. Қуда томон оқила келиннинг саъй-ҳаракатини эшитиб, талабларини айтди: ароқ қўйилса, тўй тўхтатилади...

Кудалар орасида оппоқ салла ўраган, оқ кийимили имом-хатиблар, муллалар, ҳожилар кўп эди. Отасининг ўрнига оила каттаси сифатида Машраб мезбонлик қиласарди. Чўғ устида тургандек сабрсизланар, ҳол-аҳвол сўрашишга тили айланмас, эрталаб бошли масига юз грамм ичиб олгани учун ўзини сўкарди. Аксига олиб ароқнинг ҳаромлиги, ичган одамнинг қирқ кун тўнғиз қавми ҳисобида туриши ҳақидаги гаплар тез-тез давра мавзусига айланарди. Айниқса, ота зотининг ичиши, мастлик ҳолида дуо қилиши ёшларни баҳтсиз қилиб қўяётганини кўп гапирдилар.

Бир пайт фотиҳага қўл очилди.

– Кудалар кетмоқчи, – деди ғалатироқ меҳмон, – мезбонлардан намозхонини чақиринглар. Ичмаган, чекмаган, зино қилмаган мўътабар киши бўлсин...

Келиннинг отаси оғринди:

– Қўйсангиз-чи, Мирзамуҳаммад, ҳар гапни ўйлаб гапиринг.

– Ўйлаб гапирайпман-ку, бова. Ахир, синглиминиз билан куёвимиз тоза баҳтга эришсин дейман-да...

Машраб офтобани баҳона қилиб қочди, ўз уйида, ўз одамларидан қочди...

\* \* \*

– Нега йиғлаяпсиз? – сўради Назира. – Эшийтдим, қудалардан бири сал... қаттиқроқ гапириб қўйибди. Улар ҳам келин-куёвнинг келажагини ўйлаган, нима қилсин...

– Назира, сен ўзи кимсан? Одамми ёки парими?

– Менми? Сиздек одамнинг оддий жуфти ҳалоли, уч фарзанднинг онаси. Нега бундай сўраяпсиз?

Машраб бош эгди.

– Мен одам эмасман, Нази, – деди у. – Лекин... бир кун келиб одам бўламан. Сен учун, фарзандларим учун!.. Ҳали фотиҳага вижданан қўл очадиган дара-жага ҳам етаман... Мени кечир!..

Аёл бир вақтлар мактаб йўлагидагидек ним кулимсираб қўйди.

## МУҲАББАТ ҚАРИМАЙДИ

Бекат ҳувиллаб кўринди. Кампир етиб келганига шукр қилди-да, инқиллаб-синқиллаб ўтирди. Ҳассаси шунда ҳам хизматдан бўшамади: қўшқўллаб ушлаган кўйи оғирлигини солди.

У автобус кутмаётган эди, умуман ҳеч нима кутмай қўйганига хийла вақт бўлганди.

Ҳозир одамларни томоша қиласиган фурсат ҳам эмас. Ишга-ю ўқишга борадиганлар аллақачон бекат

олдидан ўтиб кетишган. Ҳар замонда ўтадиган йўловчига тикилишдан қийини йўқ. Таниса, қаердан келиб қаерга кетаяпти, деб боши қотади. Танимаса, атрофидагилардан сўраш керак... Кампир беихтиёр қўчанинг гоҳ у, гоҳ бу учига қаради. Тепалик ортидаги оқиш осмон булут бўлиб кўринди, "ёмғир қуйиб берса шарманда бўламан", деган ўй ўтди кўнглидан. Ахир, саксонга кирган момога бекатга чиқиб бекорчилик қилишни ким қўйибди? Салкам ярим чақирим йўл босиб келди-я!

Лекин одамлар бу бекат табаррук эканлигини билишармикан? Неча бор бузилиб, неча бор қурилди, аммо шубир парча ернинг қисмати бекат экан, ҳамон бекатлигича қолмоқда ва кимлар учундир қадрдон.

– Ўзгариб кетишнинг шуниси ёмон, – деди кампир минғирлаб.

У нима ҳақида ёки кимни гапираётгани даставвал сезилмади. Кўзлари қишлоқнинг оқ пардали гунг уйларида, соқов дараҳтларида. Саксонга кирганингда умринг ўтган гўшага четдан боқсанг, атрофингда ҳеч ким бўлмаса, тилинг нималарнидир алжираф қўяди. Ҳеч бўлмаганда бир уҳ тортасан...

Шу он бекатга етмасдан бир машина тўхтади. Хайдовчи шошилиб чиқди-да, орқа эшикни очди. Ҳадеганда одам тушавермади. Тушувчи ё касал, ё ўлгудек қари эди.

Кампир ўтирган жойида ҳассага оғирлигини кўпроқ солиб энгашди, шунда бекат девори хиёл чекиниб, машинани кузатиш имкони туғилди. Умрида бундай манзарани минг, эҳтимол, ўн минг марта кўргандир: машина тўхтаб, кимдир тушади. Бунинг ҳеч

қандай қизиқ томони йўқ. Айниқса, ҳеч кимни кутмайтган инсонга. Бироқ ҳозир бир бурда вужудда алланечук ҳаяжон жимиirlади. Кампир юрагим санчдими, деган гумонга борди. Икки ўғли, бир қизи ўлиб кетди, шуларни эслаганда юраги санчмай қуигану бир машина тўхтаса санчадими?!

"Хах, қурғур-а, менга ўхшаган қари экан, – ўйлади кампир машинадан тушган чолни кўриб. – Уйида ўтиrsa бўлмайдими!.. Маъракага борган-да, бечора... Шопир ҳам қизиқ. Бовай одамни уйигача ташлаб қўймайдими!"

Момонинг белига зўр келиб, бекат деворига суянди, ҳассасини бўш қўйди. Ширин хаёл суриб ўтириши қўмсади. Ўн саккиз йил бурун қазо қилган чолини ўйламоқчи эди, негадир навқирон куёвликдаги юз-кўзлари ёдига тушмади. Нуқул ўлишидан олдинги шилпик кўзлари, ёнғоқдай бурни, тамшанаётган тишсиз оғзи кўринаверди.

Тириклик дунёсида фавқулодда бир туйғу кезиб юрарди. Шунданми, момонинг кўнгли таназзулга юз тутганлар оламидан қочмоқда эди. Нимадир абадий эканлигини англаб етганди. Гўзаллик, умр, дўстлик, бойлик... абадий эмас. Нима абадий?.. Абадий бўлиш учун илоҳийлик керак, илоҳийлик. Инсоннинг нимаси илоҳийлик нурига йўғрилган?..

Машина жойидан кўзғалгач, кампир кўзини очди. Ичкаридагилар худди одам кўрмагандек кўзларини лўқ қилиб ўтдилар, ҳатто ҳайдовчи тишининг оқини кўрсатди.

"Нега куляяпти бу одамлар?" – деди кампир ичидава бир лаҳза ҳаёлидан фаромуш бўлган ҳалиги чол-

ни эслади. Қизиқсинаш, яна ҳассасига құл чүзган ҳам әдіки, ўзи күриниб қолди. У оғини судраб босарди. То кампирнинг тұғрисига етгунча қарамади, кейин нафас ростлаш баҳонасида тұхтаб, секин, ўғринча, ҳадиксираб нигоҳ ташлади. Аввалига кампирни күрмади шекилли, жим қараб турди, сүңг енгил сеска-ниб, чүнтакларини пайпаслай бошлади. Күзойнак таққач, оғзини ярим очиб узоқ қараб турди. Йүловчи юк машинаси сигнал чалиб, гувиллаб ўтди.

Кампир эса күзойнаксиз ҳам таниган эди. Ахир, бу Мирғани-ку. Қишлоқнинг юқори маҳалласида яшовчи ўша Мирғани чол. Тавба, кампир уни ўтган йили күрибмиди, ундан олдинги йилми, аниқ ёдида йўқ, ўзгармабди.

Чол ўша юриш билан бекатга бурилди. Бекат саҳнига тош ётқизилген бўлиб, асфальтдан бир қарич баланд эди, қийналиб чиқиб олди.

– С...салому-алайкум... – деб ўриндиқнинг нариги четига чўқди.

Кампир ҳам салом берди. Мирғани бобо сўради:

– Маҳжуба, сенмисан?

– Хийя.

– Бу мен, Мирғаниман.

– Танидим, танидим...

– Ўтган ой Сарой қассоб ўлувди, қирқидан кела-япман.

– Эшитгандим... Қайтганигаям бир ойдан ошиб-ди-да. Иймонини берсин.

– Ҳмм... – Мирғани бобо оғир сўлиш олди. Кейин шошиб деди: – Нима қилиб ўтирибсан? Кеп турасанми бу ерга?

– Ҳеч келмайман... Ўзингизга нима бало бўлди, бу ерга тушиб қолдингиз? Шопирга айтсангиз уйингизга олиб борарди-ку.

Бобо ним қулимсираб, маҳси-калишларидан кўз узмай:

– Ўзим илтимос қилдим, – деди. – Тўғрисини айтсам, бугун-эртан ўлсам керак. Бардамман, лекин кўнглим сезаяпти.

– Ҳеч армонингиз йўқ, – деб Махжуба момо ҳассасини ўйнади. – Болаларингиз хаёт, чеварала-рингизнинг тўйини кўраяпсиз...

– Менинг армоним йўқми? – чол овозини бир парда кўтарди. – Ҳе, Махжуба, армоннинг бари менда-ку, худди билмагандай гапирасан.

– Эшитмадим...

– Шумсан, Махжуба.

– Шум бўп нима қилдим? Тавба-ей... тавба... тавба...

Мирғани бобо ўрнидан турган эди, момо қўрқув аралаш бошдан-оёқ кўз югуртириди.

– Ҳа, ака, турайбердингиз?

– Яқинроқ ўтирай дедим. Қулогинг оғирлашиб қолганга ўхшайди.

Момонинг кулгиси қистади. Одам қариганда кулиши қийин, кулсаям ниманидир гапириб кулмоғи даркор. Ҳозир жўяли гап келмади, аммо ич-ичидан кулишни истарди. Қанийди, ўзларининг уйи бўлсаю, иккови эр-хотинга айланса, чой ичиб, чақчақлашиб ўтирса...

Махжуба момо миясидан лип этиб ўтган хаёлдан чўчиб тушди.

– Астагфурулло... – деганини чол ҳам эшитди.

Махжуба ўн яшарлигига ўнта ойдан ҳам түзал қиз эди. Унга биринчи бўлиб ишқи тушган шу Мирғани, эҳтимол. Ахир, қўшни йигитча соатлаб кўз узолмай ўрик айрисида бекорга ўтирмасди.

Тоғ этагидаги Сойли қишлоғида кўп йиллар қўшни бўлишгач, кутилмагандан хукумат одами келиб эълон қилди: баҳорда ҳамма даштга кўчади. Сойли қишлоқи батамом бузиб ташланади.

— Бизсиз ўша-ёқда дехқончилик бўлмасмикан? — дерди одамлар. — Сойлига қиндик қонимиз тўкилган. Колхозда сув мўл, боғ экан, агар жаннатнинг парчаси бўлсаям қишлоқни ташлаб кетмаймиз! Бир ёқадан бош чиқарсак, фиринг дейишолмайди.

Аммо ёқа тор келди. Эрта баҳордаёқ айримлар ҳосилдор ерларни эгаллаш, мевали боғлардан ҳовли қилиш учун хукумат ташкил этган колхоздан томорқа олдилар. Буларга Махжубанинг отаси бош бўлди, энг яхши ерни ҳам ўзи эгаллади.

Майнинг бошигача Сойлида саноқли хонадон қолди. Аксига олиб Мирғанининг отаси ўлсан-ўламан-ку, кетмайман, деб аҳд қилиб қўйганди. Бир куни тўппонча тақсан уч отлиқ қишлоққа кириб келди. Асли сойликларга жиян бўлмиш Мамат шўро деган муйловли киши икки шеригига куйиб-пишиб алланимани тушунтириб борарди. Мирғаниларнинг уйига етгач, қамчиси билан ишора қилди:

— Мана биттаси! Жуда қайсар одам!

Мирғани мол суғоришини ҳам унутиб Махжубаларнинг деворигина қолган уйига хомуш тикилиб ўтирганди, туриб салом берди.

– Отангни чакир, – буюрди Мамат шўро. – Райондан одам келди, дегин.

Мирғани катталарнинг тортишувига қулоқ солишни истамай нари кетди. Ҳукумат одамлари барабирик отасини кўндиради. Дўқ-пўписага ҳам ҳожат йўқ. Чунки бундан кейин Сойлида яшаш етимнинг кунидан баттар мушкул. Мактаб йўқ, паспорт ҳам беришмайди. Гуё сургун қилинган жиноятчилардек якка мохов. Тунов куни Сарой келганди. Мирғанига шундай деди: "Эшитдингми, биз Маҳжубалар билан қўшни бўлдик, кеча сени сўради, тинчликми, жўра?"

Ўшанда Мирғани отасини ёмон кўриб кетди. "Нега Сойлига бунча меҳр қўйган-а?! Колхозга тез орада электр келармиш, янги мактаб қурилармиш, кино қўйиладиган клуб очилармиш. Отам буларга қизиқмаса қизиқмасин, лекин ғалла, ҳашак, мева-чевалар берилармиш, ота бўлиб шуларни ўйласа-чи?"

Мирғани ўзининг асл истаги нима эканлигини тушуниб етган эди. Колхознинг қайси жиҳатини ўйламасин, калаванинг учи Маҳжубага боғланган бўлиб чиқаверарди.

Ниҳоят, Мирғанилар ҳам колхоздан томорқа олди. Бироқ уларга рус боғбонларидан қолган мевали ҳудуд эмас, буғдойи ўрилган, шудгор қилинган очик жой тушди. Якшанба куни раис бошлигига ҳашар уюстирилиб, иморат пойдевори кўтарилди.

Шунда ҳам Мирғанининг отаси одамлардан хафа эди. Илгари беш вақт намозини канда қилмайдиган Маҳжубанинг отасини эса кўргани кўзи йўқ. Унинг орқа қўшниси шаҳарга кўчишини хоҳламаган серсоқол малахан бўлиб, баъзида иккови бир стакандан ароқ

ичар экан. "Күчишни бошлаган ҳам шу ифлос", дерди Мирғанининг отаси.

Икки хонадон борди-кеидиси аллақачон узилган эди. Тўйларда ҳам тескари қараб ўтиришарди. Аммо Мирғани қалбида ғунча очган ажиб тилсимли гулни оталар жанжалининг аёzlарида қолдирмади. Улғайган сайин Маҳжубанинг ҳуснига ҳусн қўшилиб, паририй қизга айланиб борарди. Мирғани ўқтам йигит бўлди. Мактабда, пахта даласида, тўйларда Маҳжубани учратиш умидида юрарди. Нихоят, дала йўлида қизга ёлғиз дуч келди. Урушдан олдинги йиллар куз анча совуқ, Маҳжуба жун рўмолга ўралиб, дилдираб қайтарди пахтадан.

– Тўхта, Маҳжуба!.. – деди Мирғани. – Маҳжуба...

Киз илдам кетаверди. Ботаётган қуёш булатларни қизартириб юборди, худди иссиқ ёзни эслатади.

– Маҳжу!.. Сенда гапим бор.

– Нима дейсиз?!

– Районга қачон борасан?

– Районга? – қиз ҳайронлигини яшиrolмай тўхтади, кўз кўзга тушди. – Районга боришим билан нима ишингиз бор?

Мирғани ғалати қараб туарди. Нигоҳида "нега бундай қиласяпсан, Маҳжу, Сойлида энг яхши кўрган аканг эдим-ку!" деган маънолар зоҳир эди. Ва бу маънолар замирида қизнинг вужудини қиздириб юборган нимадир ловуллаб туарди.

– Мен ҳам бормоқчиман, сенга бир нарса кўрсата-ман.

Киз уни гап билан силтаб ташлашга ботинолмай бошини эгган кўйи кетаверди.

- Бормайман...
- Бир рассом қишлоғимиз суратини чизибди.
- Чизса чизаверсін, – тұнғиллади қиз.
- Үша расмда сен ҳам бор, мен ҳам!
- Расм чиздирмаганман.
- Нима? Мен чиздирғанманми, Маҳжү?! Тұхта, менга қара! Бу бир тасодиф, лекин нега айнан иккимизга үхшаб қолган? Тушунаяпсанми? Мана бу ердайм сенинг суратинг бор!

Қиз гап мавзуси қаёққа бурилганини бошидан фахмлаган эса-да, қочишиңи әп күрмай турғанды, күксига нүқиёттан Мирғаниңа қиё бокди-ю қишлоқ томон югурди. Ортидан чопишиңга андиша қылған йигит яна қачон учратаман деб алам билан десинди. "Чополмайман, күрганлар қувлашиб юрибди, деб ифво тарқатишади; уйига боролмайман, отам билса оқ қилади... Азобларда үртаниб юраверайми?" – Мирғани ўпкасини тұлдыриб нафас олди-да:

– Маҳжуба-а-а!.. – деди. – Менга кичкиналигингдан ёқардинг! Катта булыб, барисини тушундым: бу дүнёга бир-биirimiz учун келғанмиз... Сени севаман!.. Сенга уйланаман...

Қиз чопди, чопаверди. Иситмаси чиқиб, боши айланғани учун ишдан жавоб олиб қайтаёттан әди, уйига етгач, иссиғи қирқдан ошиб, ҳушидан айрилди. Лекин то соғайиб кетгүнча фақат Мирғанини ўйлади. Касаллик құнғилни нозиклаштириб юборди өчі, ҳали севиб қолмасидан йигит учун күз ёш тұқди.

\* \* \*

Райондаги пионерлар саройида "Сойлида баҳор" сурати уруш бошланғунга қадар турди. Мирғани ҳар

сафар шаҳаргача тушганда, кўрмасдан қайтмасди. Ўзларининг уйи, ўша ўрик, оппоқ гуллар, бир йигит (у Мирғанига жуда ўхшарди), қалин шохга ўтириб, қўшни ҳовлидаги қизга термулмоқда. Киз Маҳжубага қўйиб қўйгандек ўхшайди.

Кузда Мирғанилар уйини формали кишилар босди. Улар на диний китоб, на қурол ахтардилар. Бир ҳовуч буғдой керак эди.

– Ҳеч қанақа тухмат эмас! – дағдаға қилди Мамат шўро. – Манави ростданам буғдойми?.. Нега талмовсирайсиз? У ёқда уруш кетаяпти сиз эса буғдой ўғирлаб...

– Ўғирламаганман! – ўшқирди Мирғанининг отаси. – Тўппа-тўғри, бу буғдой! Лекин ўғирламаганман! Тепада Худо бор!

– Тепада ким борлигини тегишли жойда аниқлаймиз!

Отасини олиб кетишиди. Қўни-қўшнилар саккиз-үн йилга қамалади деб башорат қилиб турганида ота қайтиб келди. Ўша куни отасининг йиғлаганини кўрди.

– Мен ўғримасман... Олсин, душманни йўқ қилиш учун ҳамма нарсамни олсин, лекин бирорвонинг ризқини ўғирламаганман... Ёсанг дангал ёз, илон! Замбаракка боғлаб отиб юборсин... Ўх, лаънати коғир!..

Мирғани районга ёзган кимса Маҳжубанинг отаси эканлигини эшитиб, караҳт ҳолга тушди. Бир жойда собиқ ҳамсоялар сал ғижиллашиб қолишган экан, шунга...

Мирғани ҳар куни отасининг лаънатларини эшиштар, Маҳжубалар хонадонига бирон касри урмасин

деб хавотирланар эди. Туманли кунларнинг бирида пахта адогидаги тут панасидан шарпа чиқиб келди. Мирғани кўзларига ишонмади, бу Мажжуба эди.

– Ака, – деди қиз мулойим узрҳоҳ оҳангда, – мен... отамнинг номидан кечирим сурайман... Бизни кечи-рингизлар... Мен қарғишдан қўрқаман...

Анча йиллардан сўнг қизнинг юрак ютиб дилдан сўзлаши эди бу. Воҳ, у охирги марта қачон гапирган-ди-я шундай?! Сойлидан кўчиб кетишларидан бир ҳафта аввал...

Мирғани қизнинг қўлларига ёпишди, лаб босди, юз-кўзларига сурди, бир томчи ёш ила ҳўл қилди.

Ошиқ йигит кинога тақлид этмаган эди, байрамда иккови яширинча райондаги кинотеатрга тушишганида, кинодаги шундайин лавҳани кўриб, беихтиёр кўзларига ёш олишди.

Қирқ иккинчи йил уруш тугабди, деган мишмиш тарқалди. Тўйлар кўпайди. Мамат шўро Мажжубанинг отаси билан қалин эмасми, ўғлига сўраттирди. Ўшанда бекат қурилган бўлса-да, ҳеч кимга кераксиз, ўшшайиб турарди. Мирғани куппа-кундузи, қишлоқ кўчасида Мажжубани қўлидан тортиб, панага – ўша бекатга судради.

– Маматнинг ўғлига тегаяпсанми?!

– Йўқ, лекин отам...

– Нима "отам"?! Энди оталаримизнинг жанжалини деб қурбон бўламизми?! Мажжуба, агар розилик берсанг... – Мирғани бошини ғалати чайқади. – Қасам ичиб айтаманки...

У қизга қаттиқ гапиролмади. Кўрганлар овоза қилишди. Эртасига Мирғанининг отаси тўشاқдан зўрға бош кўтариб, деди:

– Агар тұнғизнинг қызига уйлансанг, сендан икки дунёдаям розимасман! Сүз бер... қасам ич... Күзим очиқ кетмасин...

Даҳшатли синовга бардош беролмаган йигит уйдан қочиб чиқди, отаси эса эшиқдан күз узмай жон берди.

\* \* \*

Урушнинг сўнгги йилларида Мирғанига чақирув қоғози келди. Тўйни тўхтатган Мамат шўро яна қимиirlаб қолганди. "Бу сафар отаси билан гаплашман, – ўйлади Мирғани. – Гина-кудуратлар унутилар, отамнинг арвоҳиям кечирар..."

У бекатнинг тош саҳнида бирпас сигарет чекиб турди-да, пастки маҳалланинг чанг кўчаларидан илдам юриб кетди. Маҳжубалар ҳовлисида ғаройиб томоша кутарди уни. Кийимлари йиртилиб бурни қонаган Сарой бирйўла уч киши билан муштлашарди. Мирғани иккитасини таниди: Мамат шўронинг катта ўғли ва жияни. Сарой Маҳжубани улардан ҳимоя қилмоқда эди.

Саройни ажратиб қўйиши-да, уйигатортқилашди. Шу пайт Мирғанига кўзи тушиб:

– Ғани, эшит!.. – деб бақирди. – Манави Маматнинг уруғлариниям, анавинисиям, сениям уриб майиб қиласман! Биронтанг Маҳжубага кўзингни олайтирма!

Хеч нарсани ҳал қиласдан Мирғани урушга жўнади, ҳатто Маҳжуба билан хайрлашолмади ҳам. Дастлаб янги келганларни урушга юборишмаса керак, деган гап-сўзлар юрганди, аммо жанговар тайёр гар-

ликдан сўнг Мирғанилар полки Германияга сафарбар этилди. Дунё вайрон бўлиб ётарди, коинотни қон иси тутган, қарғиш урган кунлар эди...

Берлиндаги отишмаларнинг бирида Мирғани милтиқ дурбинидан вайрона ичига қарадио лол бўлиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, деворда чангга белангандан "Сойлида баҳор" картинаси осилиб турарди. Йигитнинг кўксини ўқ тешиб ўтган, аммо қиз эсономон эди. Кимдир атайин юзини артиб қўйгандек... "Маҳжуба!.. – хаёлан нидо қилди Мирғани. – Маҳжуба... жоним!.."

У ромсиз қолган деразадан ошиб ўтиб, ғишт уюмлари оша олға ташланди. Душман ўқлари қулоғи тагидан визиллаб ўтар, пойдеворларга тегиб сайраб учарди. Мирғани вайронага етиб ўзини бурчакка ташлади. Пулемёт тилга кирди. Рўпарадаги деворнинг ғадир-будири чиқиб кетди. Ўқлар ён девордаги картинани ялаб ўтарди. Мирғани бошини секин бурди: ўша сурат, у адашмаган эди.

Ўқ овозлари тинган маҳал суратга ўзини отди. Пойлаб турган экан, мерган бу сафар нишонга урди. Сўнг девор гумбурлаб сочилиб кетди...

Уруш тугади. Мирғани Москвадаги госпиталда даволанди. Қишлоғига қайтганида онаси осуда уйида ёруғ дунё билан видолашган, Маҳжуба эса Мамат шўронинг ўғлига унаштирилган, тўйлари яқин.

Мирғани бекатда узоқ турди, устма-уст чекди. У қаерга боришни билмасди. Маҳжубани чақиртирсинми, Мамат шўроникига борсинми?

"Нима қилмоқчисан? – деб сўради ўзидан. – Тўйни бузасанми? Одамларнинг қарғиши, отангнинг

лаънатлари... Йўқ! Маҳжуба сен учун Берлиндаги сурат каби парча-парча бўлиб кетган. Умидингни уз! Бекорга гапга қоласан!"

Шундан кейин қишлоғида кўп турмади. Халтасини елкага ташлаб, бекатга келди. Колхоз юқ машинасида районга жўнади. Тепалик устида Сарой ўтирган экан, Мирғанига тикилди, Мирғани ҳам ундан кўз узмади.

Кирқ бешинчи йилдаги қора поездлардан бири бағри куюк ошиқни олис-олисларга олиб кетди.

\* \* \*

Мирғани ҳаёт уммонида қалқиб юзага чиққанида, эллигинчи йиллар эди. У ортиқ чидолмай қишлоғига қайтди. Автобус йўқ, пиёда келаяпти. Тут соясида ўтирган сувчилар таниб, кучоқ очиб кўришдилар.

– Кеча келганингизда тўйнинг устидан чиқардингиз, – деди бири.

– Ким тўй қилди?

– Сатторқул ака сизга амакивачча бўлади-я? Маҳжубага уйланди...

Мирғани беихтиёр:

– Мамат аканинг ўғли-чи? – деб сўради.

– Ие, шунча вақтдан бери бехабармисиз? Бечорани ўлдириб кетишганига тўрт йил бўлди! Сарой акани ўн ой деганда ушлашди.

У аслида Маҳжубадан айрилганига ўн йил эмас, атиги бир кун бўлганини англаб, аламдан бошини тошга уриб ёраёзди.

Энди қадамлари аввалгидан ҳам оғир, боши аввалгидан-да эгик эди. Ҳатто, узоқларга қочиб кетишга ҳам мадори йўқ.

Уйланди, ҳовли-жой қурди. Бола-чақалари мактабга борди, сүнг армияга, институтта... Вақти соати билан түйлар қилди. Лекин ҳамиша хаёлидан Маҳжуба сиймоси нари кетмади. Негадир умр бўйи уни бекатда ёлғиз учратишни орзу қилиб яшади. Ҳар сафар бекатга кўзи тушганида маҳзун жилмайиб кўярди.

Кўчада, бозорда, автобусларда – жами ўттиз тўққиз марта рўпара келди, барчасини қалб дафтарига ёзид борди бояқиш.

Эллик йилдан зиёд вақт ичида бу анча кам эди, анча... Қартайиб қолгач, гоҳида хаёлидан кўтарилигандек туюларди, аммо ҳаётга тириклик кўзи билан қарапкан, ҳар доим Маҳжубани кўради.

\* \* \*

Бобо Аллоҳга шукронга айтди. Қўярда-қўймай машинадан тушиб қолганида, сўнгги бор бекатда ўтириб, Маҳжубани эсламоқчи эди. Сўнмас муҳаббати ҳаққи Худо шу кунни ато этди.

– Маҳжуба, мендан розимисан ишқилиб? – сўради Мирғани бобо.

– Рози бўлмасам нима қиласиз?

– Ўлмайман.

– А? Қўймайман дейсизми, aka?

– Қўймай ким бўпман сенга...

Бир ит келиб уларга ҳура бошлади.

– Тур кет! – шижаот билан ҳасса силкиди чол. – Ҳу-у-т, сени!..

Нихоят, кампир мириқиб кулди. У Мирғанининг олдида эркаланиб кулишни умр бўйи интизор кутган эди.

Ўша куни олис Германияда олимлар уруш давридан қолган бир суратни қайта тиклашди. Йигит ўрик шохида ўтирибди, қўшни ҳовлида чиройли қиз, ўртада пастаккина пахса девор, нураб кетган.

Суратни қандай номлашга узоқ тортишдилар ва ахийри "Мұхабbat қаримайди" деб ном қўйдилар.

## ТЎЙ КУНИ

Кассадан узоклашмасдан девордаги соатга қаради: 18:00. Ишнинг бугунги муддати қўёшга илиниб Ер шарининг нариги томонига судралиб кетди.

Суръат кўчага чиқди. У неча йилдан бери "Улфат" майхонасида тўхтаб, жиғилдонига ароқ қўйгач, уйига киради. Дунёнинг кўплаб майхоналарини кўрди. Ароқ ичиб нима топди? Бойликми, дўстликми, обрўми? Суръат оила қурганига тўққиз йил бўлган куни – худди шу бугун ичиш-чекишни ташлаб, ўз таъбири билан айтганда, "қаҳрамонлик кўрсатди". Ҳа, шундай. "Ойлик олган куни албатта "Улфат"га тўхтаб ўтардим, – деди у. – Бугун осмондан мукофот пул тушиб турса ҳам, ичмаяпман. Нихоят, хотинимнинг орзулади ушалди".

Майхона ёнидан мағрур ўтди. Маст-аластлар хунук, исқирт оломон бўлиб кўринди. Озиқ-овқат дўконидан шарбат, конфет, йогурт харид қилди. "Ичмаган одам рўзгорига қанча нарса олса бўлар экан-а?!" – ҳайратланди у. Бир кунлик ароқ пулинини ҳафтага, ойга, сўнгра йилга кўпайтирди: "Вўҳ-хў! Миллионлаб сўмни ичиб юборарканман..."

Фақат подъездга қадам қўйгандағина ҳорғинлик, зерикиш, ҳафсаласизлик аралаш ёқимсиз туйғу юра-

гини ўртади. "Ароқнинг биринчи хуружи", – ташхис қўйди дарҳол. Эшик қўнғироғини чалишга қўл узатди-ю ичкаридан келаётган бола йиғиси қўнглини бузди. Кенжатойи тарсаки еди, шекилли, ариллаб йиғлади. "Ичкиликни умрбод ташлаганимни Гулжамол билмайди, – ўйлади Суръат. – Бўлмаса, тўй куни ҳам болаларни хафа қиласми? Сен гўзалсан – олам гўзал".

– Тинчликми, Гули? – Суръат эшикни очган хотинидан сўради. – Шундай кунда ҳам эркатойимни йиғлатасанми?

– Ўйинчоқларини синдиргани етмагандай деворга ҳам чизибди, – Гулжамол эрининг қўлидаги елимхалталарни олиб, ошхонага кириб кетди. – Темирдан ясалмаганман! Мен ҳам одамман! Ота бўлиб, фарзандларингиз тарбияси билан қачон шуғулланасиз? Фақат ичиш, ухлаш! Ичиш, ухлаш!

– Бугун ишхонамиизда мукофот пули беришди, – деди Суръат шалвираб. – Эллик мингига дўкондан нарсалар олдим. Ма, қолган пулни... – Тусатдан овози қалтираб чиқди: – Бир грамм ичганим йўқ, Гулжамол.

– Вой, табриклайман! – кўзларида совук шуъла йилтиллади хотинининг. – Шу пул йўқ эди, шиша дошларимга ҳақ берсам майлими, демоқчимисиз? Баҳона тайёр! Бугун мукофот пули берилган ўлуғ кун! Бугун тўй куни. Буни ҳеч қачон эсингдан чиқарма!

Гулжамол елимхалтадагиларни столга тахлар экан:

– Қанақа тўй? – деб пешонасини тириштириди.

— Бизнинг тўйимиз.

— Э, ҳа-а! Бугун тўй кунимиз! Лекин улфатларингизга нега ҳақ бермоқчисиз, тушунмаяпман. Тўйимиз бўлган кунни уларга ювишдан маъни борми?

— Ичишни бутунлай ташладим. Ҳеч ким билан улфатчилик қилмоқчи эмасман. Шунаقا ниятим бўлганида, пулларни сенга берармидим?

— Ҳаммасини топширдим, денг?

— Ҳа.

— Ҳар доим шунаقا дейсиз. Эчки қасам!

— Ўлай агар, — деб юборди Суръат. Сўнгра қасам ичишга мажбур қилган хотиниданми, остоноадаёқ бутунлай бошқа манзарага дуч келганиданми, кўнгил айнишга ўхшаш ҳисни туйди. "Ароқнинг иккинчи хуружи!"

— Узоққа чўзилмайди. Эртагаёқ яна сасиб келасиз,

— жавради Гулжамол.

— Сасимайман! Ўйлаб гапир! Ҳатто сигаретни ҳам ташладим.

— Вой-вой-ей! — хотини бошини масхаромуз чайқади. — Роса ишондим-да!

— Кухдейинми?

— Э, нари туринг-е! Оғзингизни ҳидлашим қолувди. Ароқни ташлаган одам айтиб ташламайди. Ичмай қўяди, тамом-вассалом.

— Бир грамм ҳам ичмадим, деяпман-ку, тентак!

— Бўпти, мен тентакман! Ҳозироқ бориб соғ хотинга ўйланинг!

Бошига оғриқ кирган Суръат кийимини алмаштиришдан аввал бир дақиқа ўйга толди: "Туфлимини кияману "Улфат"га кетаман. Ичишни ташлаш

такдиримга ёзилмаганга ўхшайди... Йўқ, шошилмаслигим керак! Сабр, сабр, сабр!.. Уф, ундан кўра тинчгина ичиб қўя қолай! Ҳаётим мураккаблашиб бора-япти, ичаман... Йўқ, ичмайман..."

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Суръат уй ичига киядиган спортчилар кийимида болаларини овутиб ўтиради. Ичкиликнинг ҳужумлари матонат-ла қайтарилди. Негадир хотини ҳар жаврагандагига сигарет ва ароқни ўйлаётганига ҳайрон қолди. Хотинининг уларга қандай алоқаси бор? Йўқ, ароқ ва сигаретсиз беғубор ҳаёт тарзига кўникади, кўниколмай ўлиб қолмас. Онадан қўлида бутилка-ю бир қути сигарет билан туғилмаган-ку. Болалигида ўшаларсиз ҳам қанчалар беғубор яшарди.

Суръат кўзгуга қараб, кўзлари киртайган, пешонаси тиришган, соchlари патак, афтодаҳол одамни кўрди. Бу аҳволда эртага юрак касалига чалиниб, ажалидан беш кун бурун ўлиб кетмасмикан?

"Тўқсонга кирган момоларимнинг, боболаримнинг умрини арок узайтиргмаган-ку, – дея яна ўзини овутди. – Ичмайман! Ташлаган одам юрак-асаб касалига учрайдигандек, тўй-байрамлар татимайдигандек туюлади. Бошида шунаقا. Ҳаммаси яхши бўлади, бир оз чидай".

– Дадаси, қизингизнинг неча баҳо олаётганини биласизми ўзи? – Гулжамол ётоқхонада қўлида капгир билан кирди.

– Нега бақираверасан? Бор, овқатингга қара!

– Кундалигини очиб, бир текширинг сиз ҳам! Овқатни-ку пишираман, "беш"ни пиширишнинг иложи йўқ.

- Очиқ гапир!
- Овқат пишгунча дарс тайёрлашга ёрдамлашинг!  
Бу сизнинг ҳам бурчингиз, фақат меники эмас.
- Қовоқ уйган қизи шикоят қилганини Суръат ту-шунди. Шу заҳотиёқ гумонни Гулжамол тасдиқлади:
- Бугун дадам ичиб келмабди, менга русча сўзлар-нинг таржимасида ёрдамлашсин, деяпти!

Гулжамол ошхонага қайтди, аммо жаз-жуз овози эмас, телефонда ким биландир бир гапни чайнаб, ба-ланд овозда гапириши эшитилди. Ана тугайди, мана тугайди; на хотинининг жағи синиб тушади, на те-лефон тутаб кетади. Шанғиллашига чидаса бўлади, битта саволни чайнашини-чи! "Ҳа-а, аммам тўйни нега августга қолдирди?", "Энди тўй августда бўла-дими?", "Августда шундоқ ҳам тўйлар кўп, қолдириш шарт эмасди-ёв", "Августга кўчирилгани яхши бў-либди, қишлоққа борсак, бирйула дугонамнинг тўйи-га ҳам кириб ўтаман", "Тўй августда бўлади-ку, тўғрими?", "Э-э, аммам шунинг учун тўйни августга қолдирдимикан?.."

Ўртадаги хоналарнинг эшиклари ёпилса ҳам хотинининг овози сизиб кираверди. Суръат "Энг ёмон хотин – бир гапни эзмалаб телефонда соатлаб гапла-шадигани" деган хulosага келди. "Аммасининг тўйи августга қолдирилгани бир марта муҳокама қилинди, бас, мавзуга эллик марта қайтиш шарт эмас!" Ароқ ва сигарет пештахтада ёнма-ён тургани кўз олдида жонланди. Улар: "Суръатбой, бизсиз ҳолингга май-мунлар йиғляяптими?" дейишарди гүё...

- Бер бу ёқقا! – Қизи укасининг қўлидаги дафтар-га ёпишди.

– Мана сенга! – Кенжатой ҳозиргина машқлар ёзилган математика дафтарини йиртишга улгурди ва опасидан шапалоқ еди. Уй опа ва уканинг қий-чувига тўлди.

– Қарасангиз бўлмайдими? – хонага отилиб кирди Гулжамол. – Нега хаёл суриб ўтирибсиз?

– Мен уриштирдимми? Захрингни сочаверма, Гулжамол!

– Болаларнинг отасисиз! Ота деган ўғлини ҳам, қизини ҳам гапга кирадиган қиласди! Бола гапга кирмадими, отанинг айби!

– Кун бўйи ишда бўламан! Ҳали сен шунаقا тарбияляяпсанми?

– Дадаси, ичмай келганингизнинг аламини мендан олманг, илтимос!

– Қачон сендан аламимни олдим? Тухмат қилма! Агар билсанг, сен...

– Ичса хурсанд, ичмаса кайфиятни бузади! – Гулжамол яна ошхонага чиқиб кетди, эшик қарсиллади, гўнфир-гўнфир эшитилди.

Дард-ҳасратга тўлиб, ёниб-жўшиб гапираётганида рўпарасидаги одам шартта жўнаб қолиши, эшикни қарсиллатиб ёпиши, тўнфиллаши – барчаси Суръатнинг жон-жонидан ўтиб кетгувчи эди.

– Майли, – ўрнидан турди Суръат. – Зоримиз бор, зўrimиз йўқ. Ичмасдан бахтли яшаш насиб этмаган экан, начора.

У мукофот пулинини чўнтакка урди.

\* \* \*

"Улфат" олдида ўша одамлар куймаланишарди. Икки маст бир-бирига гап уқтирадар, соч-соқоли ўс-

ган чол пойдевор тагида мунғайиб ўтирар, баклаш-  
калар түлдирилган қоп ёнидаги патак сочли йигит  
буруқситиб сигарет тутатар эди. "Улар ичишни би-  
лишмайды, – деди Суръат ўзига-ўзи. – Пиёниста бў-  
лиш шарт эмас. Миямни дам олдириш учун юз... юз  
эллик... ичаман, холос".

Майхонада ичувчилар стакандаги ароғи, ликоб-  
чадаги газаги, кулдондаги сигарети билан эш бўлиб,  
кўзлари киртайган, бурни қизарган, нимадандир  
норози ёки қандайдир ташвишда кўкрак бўйи, ай-  
лана столларга суюнганча тик туришарди. Айрим-  
лар чайқалганча ҳеч ким тушунмайдиган ва ҳеч ким  
қулоқ солмаётган воқеани ҳикоя қиласади. Суръат  
тўрга юрди.

– Менга ҳам қуйинг, – деди у бошмалдоқ билан  
кўрсаткич бармоғини "С" шаклида букиб.

Майхоначи идишни қултиллатиб, стаканни тўл-  
дирди. Бўш стол йўқ эди.

– Бурчакка бора қолинг, – ёлғиз ичаётган кишини  
кўрсатди майхоначи.

Суръат элликларни қоралаган, соchlарига оқ  
тушган, ажиндор, қадди хиёл букилган кишига  
яқинлаши.

– Келинг, ука, – манзират қилди киши кулдонни  
ўртага суриб.

Гарчи нотаниш бўлса-да, қадаҳ уриштирдилар.  
Стаканлар шу заҳотиёқ яримлади. Кишининг исми  
Абдусамад экан. Уй-жой, бола-чақа ташвишларидан  
қутулибди. Эндиликда бир корхонага ҳар икки кунда  
қоровуллик қилиб, дориломон кун кечираётганмиш.

– Тирик одам ташвишдан қутулиши қийин, – деди  
Суръат сигарет тутатиб. – Тириклигингизда бу дара-  
жага қандай эришдингиз?

– Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ, ука. Ташвишларни бўйнингизга олаверсангиз, тўқсонга кириб ҳам ғавғодан чиқмайсиз. Болаларим "саккизинчи"ни тамомлаб, ўзларини эплаб кетишган. Бир қўшним бор эди. Етмиш беш ёшида ҳам ўғлининг иши бўйича идорама-идора юрарди. Тўй-маъракаларига ҳам бош-қош бўлиши-чи? Э, – Абдусамад ака қўл силтади, – ўлди-кетди. Ўйлайверсанг, юз ёшингда ҳам ташвиш чиқади-да. Чеваранг олис сафарга кетади-ю кўзингга уйқу илинмайди. "Қачон қайтади?", "Тинчмикан?", "Ишқилиб иши ҳал бўлдимикан?"

Суръат беихтиёр болаларининг хархашаларини эслаб, бош қашиди, кўз олдида Гулжамол гавдаланди.

– Хотиннинг зўридан топган экансиз-да, ака, қўлни ювиб қўлтиққа уриш осонмас. Хотин деган эговини олади-да, асабнинг сўнгги толасигача эговлайди.

– Мен нима дедим, – стаканни кўтарди Абдусамад ака. – Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ! Ташвиш хотиннинг талабларими, бола-чақанинг муаммосими, ишхонаникими, маҳалланикими, фарқи йўқ. У – ташвиш! Сиз ўзингизни ташвишдан қутқаринг! Бошқа ҳеч нарса керак эмас. Ичинг, – стаканни оғзига яқинлаштириди.  
– Соғлиқ бўлсин!

Стаканлар бўшагач, Абдусамад ака майхона олдида чекишни таклиф этди.

– Хўш, сизни қандай дард қийнаяпти? – сўради у ташқарида. – Ёрдамим тегар...

– Бугун ичишни ташламоқчи эдим.

– Нега ташламоқчи бўлдингиз?

– Жонга тегди... Лекин барибир ташлолмадим. Ишонасизми, "Улфат"га келишимга хотиним мажбурлади.

– Ие, қанақасига?  
– Ароқни ташлаган одамни құллаб-қувватлаб туриш керакми? У эса қовоқ уйиб кутиб олди, асабимга тегди, охир-оқибат бақир-чақырларидан күчага қочиб чиқдим. Мен бунақа мұомалага чидолмайман. Бугун түйим куни эди, ахир!

– Түйингиз куними? – қучогини очди Абдусамад ака. – Зёр-ку, ука! Табриклайман! Буни ювиш керак. Мен ҳам юваман. Бугун менинг ҳам түйим куни!

Улар майхонага қайтиб киришаётганида, Абдусамад ака бекатда турған қирқ ёшлардаги посон хотини күрсатди. Ёнидаги басавлат әркак ҳалиги хотинга қандайдыр воқеани жилмайғанча ҳикоя қилас, аёл ҳам жон қулоги билан тингларди.

– Хотиним, – деди Абдусамад ака.  
– Ёнидаги ким? Қариндошими?  
– Эри бұлса керак.  
– Тушунмадим, – тұхтади Суръат.  
– Нега ҳайронсиз? У собиқ хотиним. Боя айтганингиздек, ҳар куни асаб торларимни эговлайверди, мен ҳам билганимдан қолмадим. Ажрашдык. Бунга йигирма йилча бұлған. Бир үғил, бир қизим бор эди, онаси билан кетди. Кунларнинг бирида хотиним эрга текканини эшилдім. Мени беш йил күтди, "болаларимиз ҳаққи ярашайлық", деб роса ялинди бечора. Ҳозир болаларим үгай отасини ҳақиқий ота деб ҳисоблашади. Улардан ҳеч нарса талаб қылмайман. Айтишларича, хотиним иккінчи турмушыда баҳтли эмиш. Нима, мен баҳтсизманми? Кайф қилиб юрибман-ку!

Суръат қулт этиб ютинган эди, томоғи ачишди. Яна бир стакандан ароқ олдилар-да, айланы столни

әгаллашди. "Түй куни күпаяверсин!" – қадаҳ күтарди Абдусамад ака.

– Демак, бугун иккинчи марта оила қурган кунингиз экан-да? – шишадошига тикилди Суръат.

– Йүқ, – бош чайқади Абдусамад ака балиқни газак қиларкан. – Иккинчи хотинимга қишда уйланғанман. У ўлган.

– Жойи жаннатда бўлсин.

– Мен уни тутиб олганман, ука. Жойи жаннатда эмаслигини биламан.

– Хиёнат устидами?

– Ҳа. Ишдан сўнг чарчоқбосди қилиб қаҳвахонама-қаҳвахона юрардим. Иккинчи хотиним ароқ, сигаретни ташлашимни, спорт билан шуғулланишимни, маҳаллага аралашибимни, ҳатто туғилган кунларида гул беришимни, кино-концертларга бирга боришибимни талаб қиласарди. Унга спортчи эр керак эди, назаримда. Томи ҳам жойида эмасди. Бир куни "Дунёга келиб, муҳаббат нималигини кўрмай ўтаяпман", деди. Вей, кап-катта хотин севги-муҳаббатни кўмсайди-я! Мен ичмай-чекмай, атир сепиб, пўрим кийиниб, гул кўтариб юришим керакмиди?! Масхарабозманми?!

– Кейин... юриб кетдими?

– Ўз уйимда! – кўксига муштлади Абдусамад ака.

– Ҳар доим тунги иккиларда, шанба кунлари тонгга яқин қайтардим. Анҳор бўйида бир оғайним чойхона очганди. Бизга чорпоялари бепул эди. Фақат бозор-ўчарликни қилиб борсак бўлди. Хотинимнинг шоирона феълини, ноз-фироқларини, орзуларини чойхонада кайф устида кўп гапирадим. Чойхонага

келувчилар орасида биттаси бор эди, цемент заводи омборхонасида мудир. У охирги кунларда менга эътиборлироқ бўлиб қолди. Қайси чорпояда ўтирсам, ўз ҳисобидан ичимлик буюрарди. Қайси дир якшабада ошқозоним оғриб, чойхонадан эрта қайтдим. Ёнимдаги калит билан эшикни очдим. Хотиним чироқни ўчириб ухларди. Қарасам, хира ёруғ, ҳавода ўткир атири ҳиди...

– Уни сиз ўлдиридингизми?

– Нега ўлдираман? Ҳаётимдаги ҳузур-ҳаловатдан курук қолиб, қамоқقا жўнайми? Лекин икковини ҳам қаттиқ суд қилдим. Омбор мудиридан машинасининг қалитини сўрадим. Бироннинг уйига кириб, хиёнат устида қўлга тушганини қайнотаси, яъни завод директори эшитса, жонини оларди зангарнинг. Машинани бермади-ю аммо катта пул тўлаб зўрга кутилди. Боплабманми?

– Сиз... сиз бунга қандай чидадингиз? – ижирғанди Суръат.

– Ким чидадим, деяпти? Чидамадим! Ҳайдавордим хотинни! Лаънатилар дала ҳовлидан қайтаётиб, автоҳалокатга учраганларини менга айтишганида, чўчқа қиймасидан тўрт сих буюртма бериб, дўстлар билан битта "литровка"ни майдалаб ўтиргандик. Кейин ҳам алоқасини узишмаган экан, ярамаслар! Ёмонлар жазосини олди... Қани, ғалаба учун ичамиз, ука!

Суръат стаканни оғзига яқинлашириб, қаршисидаги кимсага боқди. Ёши қайтган эркак ароқ таъсирида қора-қизил тусга кириб, шўр балиқни тамшана-тамшана кемира бошлади. У қўчадаги ўлаксани ғажиётган дайди кучукни эслатди. Суръат:

– Нега бу аҳволга тушиб қолдингиз, Абдусамад ака? – деб юборди.

– Қандай аҳволга?

– Хафа бўлмангу, болаларингиз ўтай ота қўлида, хотинларингиз бошқаларга турмушга чиқишган. Сиз... сиз бунга чидашингиз... фалати-да, ака!

– Мени пиёниста деб ўйлаяпсизми? – балиқни ғажишдан тўхтади у. – Ё ор-номуси йўқ деяпсизми? Ҳе-ҳе-ҳе... Сиз ҳам шунаقا хаёлдасиз! Хўш, мен ёмонман дейлик, хотинларим-чи? Ичганим учун ажрашиб кетиш, романтика етишмаслиги сабаб хиёнат кўчасига кириш... Шуми аёллик ор-номуси? Улар ақл-фаросатини ишга солиб, эрни эр қилишлари керак эмасми? Мен бундан кейин ҳам ичаман! Яхши хотин йўлиққунча ичаман, ичавераман! Сиз ҳам менинг йўлимдан кетаяпсиз!

– Ундай деманг, Абдусамад ака, мен ароқни ташлаб кетоламан.

– Бўлмаган гап! Иродингиз етмайди!.. Хўш, болаларингиз ёшми? Мен ажрашганимда оила қурганимга тўққиз йил бўлганди. Бир ўғил, бир қизим бор эди. Айнан тўй куни ажрашганман. Сиз ҳам хотинингизни...

– Илтимос, оиласам ҳақида гапирманг!

– Мумкин эмасми? Унда нима учун менинг оиласавий сирларимни миқ этмай эшитдингиз? Сизнинг оиласангиз оила, бизники отарми? Оиласангиздан ўзингиз гап очдингиз, ука! Мен айбдор эмасман! Хотинингиз бошқа эркакка турмушга чиқса, болаларингиз ўша нусхани ота деса, сиз ароқни ташлаб... бу дейман, қаҳвахоналарга борасизми ё масжидга? Ал-

батта, ичиш учун жой излайсиз, худди кучук жой ахтарган каби...

– Абдусамад aka, бас қилинг!

– Хўп, гапирмайман! Узр... Лекин сиз ҳақингизда гапирсам бўладими, ука? Эркак сифатида рухсат берадиларми?

– Менинг нимамни гапирасиз? Қўйинг, бошқа гапга ўтайлик.

– Қандай гапга? – полга туфлади Абдусамад aka.

– Ҳов aka, туфламанг бу ерга! – сотувчининг дўриллаган овози эшитилди. – Молхонада эмассиз-ку!

Абдусамад aka Суръатга кўз қисиб қўйгач, сотувчига ўгирилиб, қўли қўксига таъзим бажо келтириди. Сўнг гандираклаганча пештахтага яқинлашди, қўл бериб кўришди-да, ўпмоқчи бўлди.

– Том кетиб қолибди-ю! – қўлинин тортиб олди сотувчи.

– Бугун менинг тўйим куни, укажон, – ялинди Абдусамад aka, – алдасам нон урсин! Ана! Ҳув анави укамнинг ҳам тўйи куни! Худди шу бугун... шу бугун, ўлай агар! Илтимос, бизга яна элликтадан қўй, ўзимнинг укамсан-ку!

Абдусамад aka соатини ечиб, узатди. Икки қўлида қадаҳ билан қайтди. Қизарган юзи қонталаш бўлиб кўринди, ҳиссиз кўзлари касал қўйники каби нурсиз эди.

– Сиз ташвишдан гапирдингиз, мен чорасини айтдим, – деди Абдусамад aka.

– Ўзингизга ўзингиз чоҳ қазигансиз, – юзини терс бурди Суръат, аммо столдан нари кетолмади.

– Сиз-чи, укам? Кимга қазияпсиз? Ароқни ҳалол, чўчқа гўштни ҳаром деб хисоблайдиганларданмисиз

ёки рамазонда ичиш гунох, ичсак ҳайитдан кейин ичамиз, дейдиганларданмисиз? Вў, авлиё! Замонавий фалсафа фанлари доктори! Қани, уни-буни қўйинг! Ушланг манавини!

Суръат қанчалар ижирғанмасин, стаканни рад этолмади. Абдусамад ака бурнини ишқалаб бўлгач, шўр балиқقا тирнокларини ботириб, кучаниб иккига ажратди ва узатди:

– Енг, жа мазали экан... Э-э, ҳали ҳам аёлларни ўйляяпсизми?

– Болаларим "саккизинчи"ни тамомлаб, ўзларини эплаб кетишган, дедингиз, улар ўзига тўқ отаси борга ўхшайди... Бекатдаги эркакни айтаяпман...

– Учинчи мартасида... икки болали аёлга уйландим, – балиқни чалпиллатиб чайнади Абдусамад ака. – Ўшаларни айтдим, ўзларини эплаб кетди, деб. Ёмон пишиқ болалар экан... Бозорда арава судраб кунини кўриб кетди зангарлар... Сиз ҳам айтганни қилмайдиган хотинни ташланг! Бошқа эрни кўрса, қадрингизга етади. Чунки биринчи барибир биринчи-да! Сизга эса хотин кўп. Ишонмайсизми?

– Ташлайман, – Суръат шишадошининг ёқасидан бўғиб, кўзларини олайтирди. – Оиласмни эмас, ароқни ташлайман! Ўлсан ўламан, сизга ўшаб қолмайман!

– Ўзингни бос!

– Оиласмни гапирма, деб огоҳлантиридимми?!

– Менинг ароғимни ичиб, ёқамга ташланма, ифлос! – Абдусамад ака Суръатнинг қўлини силтаб ташлади. – Кимсан ўзи? Хотинингдан қочиб, "наливайка"да жон саклайсану яна гердайишингга ўлайми? Улфатим бўлмаганингда сенинг оиласмни

қаёқдан гапирадим? Танирмидим сени? Боядан бери ароқни ташлайман, дейсан! Ташласанг, бор ташла! Ушлаб ўтирибманми?

Шу пайт Абдусамад аканинг улфатлари келиб қолишиди.

- Нима дейди бу болапақир? - дея Суръатнинг устидан кулиб, эшикка итаришиди. - Кайфи ошиб қолибди-ю! Қани, калтак емасингдан туёқни шиқиллат!

- Олдин ичган ароғининг пулинин бериб кетсин! - ўшқирди Абдусамад ака. - Гаровга соат берган мен аҳмоқ! Бугун мукофот олдим, осмондан пул тушди, деганди. Осмондан тушган бўлса, бизга-да! Чўнтакларини кавланглар!

Суръатни кўчага чиқариб ташлашди. Йўлакда гандираклаганча тураркан, Абдусамад ака ва улфатларига кучи етмаслигини англади. Кўпқаватли уйлар томон буриларкан, хўрлиги келиб йиглади.

- Гулжамол, сени ҳеч кимга бермайман... - ғудранди у. - Болажонларим... Болажонларим ҳеч қачон... "отам ичади" деб бошини эгмайди... Мен ташлайман... - Суръат дараҳтга суюниб қолди. Сўнг бўғиқ овозда бўкирди: - Мен ташлайман! Ичишни ташлайман! Бунинг учун ҳамма тўсиқни енгаман!.. Енгиб ўтаман!.. Албатта, уддалайман... Бунаقا хор бўлиб юрмайман...

Чақмоқ чақди. Ҳаял ўтмай осмон ёрилгудек момақалдироқ портлади. Кейин ёмғир шовиллаб қуиди. Суръат болалар майдончасидан ўтаётиб, бир неча марта йиқилди, лекин кучини тўплаб оёқса турди, минг машаққат ила уйига, оиласига талпинди.

\* \* \*

Мен Суръатни майхонада учратиб қолдим. Биз у билан иш юзасидан таниш эдик. Яқин-атрофдаги дўконда "Спрайт"" тугагани учун майхонадан харид қилаётгандим, Суръат "Кока-кола"га кириб қолди.

– Бугун тўйим куни, – деди у. – Ўн йил бўлди. Бу ёғи юбилей! Хотиним байрам дастурхонига "Кола" олмаган экан, шунга шошилиб юрибман! Мехмонга юринг!

Биз ташқарига чиқдик. Мен ҳам шошилиб тургандим.

– Битта ҳикоя ёзмоқчи эдим, – дедим унга. – Абду-самад aka ҳозир тирикми? Кўп ҳикояларда пиёнисталарни машина уриб кетади ёки ички аъзоси ишдан чиқиб, ногирон бўлиб қолади.

Суръат майхона бурчагида ухлаб ётган соч-соқоли ўсган кимсани кўрсатди.

– Уни машина ҳам урмади, ички аъзоси ҳам бутун. Менимча, тириклай қовжираб ўлиш пешонасига ёзи-лган бўлса керак.

Биз хайрлашдик. Ҳар ким ўз машинасига ўтириб, оиласига жўнади.

## АЛДАМАДАГИ БОҒ ҲОВЛИ

Биз олис қишлоқларнинг одамларини танирдик, аммо шундоққина дарё ортидаги Алдама аҳли бегона эди. Шўролар даврида бошқа совхозга қараган; идораси ҳам, мактаби ҳам бўлак. Дарёдан сузиб ўтиб, Алдама болаларига дуч келсак, аёвсиз муштлашувлар бўларди.

Қиз олиб-қиз берган хонадонлар иккита ё учта эди. Улар ҳам бизнинг қишлоқдан эмас. Эшитишимизча, бундай оиласалардан уриш-жанжал аримас эмиш.

Дарё яқинидан катта асфальт йўл ўтганди. Болалигимиз катта йўлу дарё атрофларида кечган.

Эсимда, эндиғина 5-синфни тамомлаб, таътилга чиққандик. Онам ўтин майдалашни буюрди-ю, болалардан қолиб кетдим. Кўчага чиққанимда, атрофда ҳеч зоф кўринмасди. Дарё томон йўл олдим. Боягини болалар орасидан "дарё", "дарёда чўмилиш керак" каби гап-сўзлар эшитилганди. Кўп ўтмай бир бола тез юриб келаётганини кўрдим. Танимадим, негадир юриши ёқмади. У менга тўхта ишорасини қилди-ю, юргурмади. Ўша юриш билан яқинлашаркан:

– Чўмилишгами? – деб сўради.

– Ҳа, – дедим истамайгина.

Боланинг қоп-қора кўзлари йилтиллаб ўйнар, қошлари қалин, соchlари жингалак. Ўрнида бўлганимда бегона қишлоқда ёлғиз чўмилишга бормасдим.

Биз ёнма-ён кетардик. Отини сўрашга ҳайикдим: сенлаш хавфли, сизлаш уят.

– Танимадим, – дея мужмал сўзладим.

– Кимни? – ажабланди жингалак соч.

Иягимни чўзиб, унинг ўзига имо қилдим.

– Менми? – деди у бироз ҳаволаниб. – Танимаганинг яхши. – Кейин сўради: – Пирим тоғамнинг кўчасидансан-а? Аввал келганимда сени кўрганман. Бир мушт еб, ўтириб қолувдинг. Ифторда.

Эсладим. Ахир, у Салом-ку. Пирим аканинг Ховосдаги жияни. Ўшанда айтишганди: отаси йўқ, бебош ўстган.

– Энди ҳақингни олмайсанми? – айёrona савол ташлади у. Күзларида на қўркув, на ҳазил бор эди.

– Мен ўзимдан катталар билан уришмайман. Айтиб қўяй, дарёда болалар чўмилаяпти, улар танимagan болани аяб ўтиришмайди.

– Кетдик, – Салом қадамини тезлатди. – Яккама-якка бўлса майли.

Мендан бир ёш катта эди. Келгуси йил у каби жасур бўла олармиканман?..

Йўқ, бўлолмадим. Саломни жасур деб ҳам бўлмасди, ғалати эди. Уни битта сўз билан атash мумкин: ЎГРИ!

Ёлғиз ўзи тўртта бола билан муштлашди. Қурмағурдан калтак ўтмасди. Аксига олиб мушти қаттиқ, кўкартмасдан қўймайди. То Шоназар етиб келгунча кучлар teng бўлиб турди.

– Онангни... – деб сўкинди ўшандада Шоназар. – Пиримнинг жияними? Бу ёқقا кел, ўғри! Мана сенга!..

Ўнинчи синф ўқувчисининг зарбаси бечора Саломни чалпак қилиб ташлади. Турмаса керак деб ўйлагандик, лекин у тишлари орасидаги қонни туфлаб, ёввойи ҳайқириқ билан ташланди. Ҳар сафар тепкидан учиб тушар, сакраб туриб рақибига ҳамла қиласди.

Кейинчалик Салом қишлоқ болалари билан дўстлашиб кетди. Аниқроғи, саёқ юрадиганлар ўзларига тортишди. Қолаверса, бизнинг қишлоқликка айланди, узунқулоқ гапларга қараганда, онаси бир эркакка турмушга чиқсан, Саломни ташлаб кетганди.

Бахорда яна Шоназар билан жанжаллашди. Туш чоғи уй ортида ўтиргандим, Шоназарларнинг боғидан бақир-чақир эшитилди. Улар жуда бадавлат бўлиб, оиласвий жанжалларини кўчага чиқармасдилар. Қизиқсениб ўрнимдан турдим. Шу пайт боғ девори устида Салом пайдо бўлди. Кимгадир муштини дўлайтириди-да, кўчага ошиб тушди. Донг қотдим. Куппа-кундузи прокурорнинг боғига тушиш!.. Ё тавба!

Салом уст-бошини қоқиб, тўғри келаверди.

– Нима қилиб юрибсиз... у ёқда? – сўрадим шошиб.

– Э, ширин олма еб ўтирсам, анави Шоназар "телбаёв" кесак отди. Гаранг!.. Калламга тегди! Аясининг овозини эшиитдингми? Уй ичи билан чопиб чиқишиша бўладими! Тентакми ўзи улар!

– Қаердан кирдингиз!

– Боққами? Кўрмадингми йўлимни?!

У бъязи болаларга ёқарди. Тўйларда бегоналар билан муштлашар, пулларини, соатларини тортиб олиб, бизга ҳадя қилиб юборарди.

Гоҳо жарликка тушиб, сигарет тутатардик. Орамизда фақат Салом чекмасди. Чўнтакларидан "Родопи", "Беламорканал", "Астра", "Космос" ёки "Ту-134" кутисини чиқариб:

– Жўралар, хоҳлаганларингча чекинглар, – дерди у. – Мен тутунларингни ҳидласам бас, тўјман.

Ростдан Салом тутун ҳидлаб ўтирарди. Унга зимдан қараб қўярканман, "Эҳтимол, ота-онаси ажрашиб кетмаганида яхши бола бўлармиди?" деб ўйга толардим. Ўғри эдию озгина нарсага кифояла-

ниб, қолганини атрофдагиларга улашарди. Күпинча ўзи емай, бирорга берарди.

Мактабни ёлчитмади. Дарсга кирмай қай гүрлардадир тентираб юрарди. Агар мен кирмасам, шапалоқ урмоқчидек қўл кўтарарди ва:

– Менга таассуб солма, ўв! Отанг ўқитувчи, сенам ўқиб муаллим бўл, – дерди. Унинг отаси қамалиб кетганини кейинчалик эшитганман.

Май кунларининг бирида йўлимни тўсиб, сўради:

– Алдамага боргандисан?

– Икки марта. Лекин автобусда қишлоқ ичидан ўтиб кетганмиз, тушмаганман.

– Орқамдан юр.

Дарё томон кетарканмиз, юрагим така-пука бўлди. Алдамага сузиг ўтишга мажбур этса-я! Нима баҳона тўқисам экан?

Катта йўлдан ўтаётиб:

– Салом, – дедим, – бугун уйга эртароқ боришим керак, у ёқда нима қиласми?

Бошини энгаштириб кетаётган Салом ялт этиб қаради. Илк бор унинг нимагадир муштоқлигини, юраги яхшиликни қўмсаб тепаётганини ҳис этдим.

– Юравер, дарров кетамиз, – деб кўзларини олиб қочди.

Бир дўнглик бўлиб, устида иккита харсангтош ётарди. Шу тошларга ўтирдик. Даставвал узокларга биланглаб кетган дарёга боқдим. Кейин қарасам, Салом Алдамадан кўз узмай, нималарнидир ўйламоқда.

– Қара, қандай чиройли уй, – деди у.

Алдамага тикилдим. Шиферли оқиш томлар, тेраклар, боғлар кўзга ташланди.

– Яхшилаб қара, атрофингдаги бор нарсани унут. Айтганини қилдим. Бир вақт қишлоқ чеккасида, бизга яқинроқ жойда алоҳида ҳовли қад күттарганини илғадим. Ҳовли девори оддий ғишт эмас, йирик-йирик блок ғиштлардан күтарилганди. Ҳовли кенг эди, ўттиз сотихча. Сермева дарахтларнинг шохлари девор оша кўчага осилган... Бунча нарсани илғаганимга ўзим ҳам ҳайрон эдим.

Салом давом этди:

– Энди боғдаги сояларга қара. Тизза бўйи ўтлар... Аллақаерда чумчуқлар чирқиллаяпти.

– Ҳа, эшитаяпман... Зўр-ку.

Кўзларим толиқиб кетди, аммо Салом яна кўп тикилиб турди. Агар у бўлмаганида, Алдама четидаги гўзал боғ ҳовлини балки умрбод пайқамасдим.

Дарё бўйига бошқалар билан борган чоғларим ҳам боғ ҳовлига қараб-қараб қўядиган бўлдим. Автобусда ўтганимда нега уни кўрмаган эканман, дердим ўзимга.

Прокурорнига ўғри тушди. Замонанинг қимматбаҳо матоҳи – видеомагнитафон ва ўн кишининг маоши ҳисобланмиш етти юз сўм ўтиргиб кетилди.

Салом янги кийимлар кийиб, атир сепиб, тош устида ўтирганча Алдамадаги боғ ҳовлига тикиларди. Куз, боғнинг файзи кетган. Очифи, қизиқмай қўйгандим.

– Сигарет чек, – деди Салом, – тутун ҳидлагим келди.

Жавоб бермасимданоқ орқадан сўкиниш эшитилди. Шоназар важоҳат билан қўлларини мушт қилиб турарди.

– Онангни... – сўкинди у. – Бизникига ўғирликка сендан бошқа ит кирмайди! Мени ўқишдан қайтиб келмайди деб ўйладингми?! Экспертиза изимни топмади, бўйнимга қўёлмайди, деб юрибсанми? Етимча! Кўчада қолган ташландик!..

Иккиси ҳам бир-бирига қараб югуришди. Бақириб-чақириб шундай муштлаша кетдиларки, ажратиб қўймасам бири ўлиши аниқ эди. Кучим етмади. Яхшиям, аллакимлар келиб қолишидди. Кийимлари йиртилган, оғзи-бурни қонга беланган икки рақибни айирдилар.

– Уйингни мен ўмардим!.. – деди Салом ҳансираф.  
– Яна бир марта онамни сўксанг, жонингни ҳам ўмарман... Қасам ичаман!

Салом қамалди. Секин-аста унута бошладим. Худди у бўлмагандек ҳаммаси жой-жойига тушди.

Бироқ Салом билан бирга ёшликтинг катта бўлаги – болалик ҳам кетди. У қамоқдан қайтгач, ўртоқларини тополмаслигини ўйлаб, ачинишга ўхшаш ҳисни турдим. Барчасига ўзи айбдор эмасми? Ким уни ўғриликка мажбуrlабди?! Яна денг прокурорнигида!

Прокурорниги?! Бирдан кўзларим ярқ этиб очилди: ахир, прокурор ҳовлиси ва Алдамадаги боғ ҳовли ўхшаш эмасми? Ўхшаш! Худди нусха кўчиргандек. Бундан чиқди, Салом ҳеч кимга билдирамай Шоназарларнинг оиласига ҳавас қилган экан-да. Отноаси билан шундай ҳовли-жойда яшашни, яхши кийинишни, ўқишда ўқишини... Мен эсам у Алдамадаги боғ ҳовлини майдада-чуйдасигача қаёқдан билади, деб юрибман-а!

Йиллар ўтди. Саломнинг қамоқдан чиққанини эшийтдик. У тоғасиникига қайтмади. Онамдан Пирим аканинг синглиси, яъни Саломнинг онаси ҳақида сўраганимда, деди:

– Ака-сингил нима сабабдандир умрбод юз кўрмас бўлиб кетишган. Синглиси кимга, қаерга турмушга чиққанини Пирим билмайди, суриштирмайди ҳам. Ўғли Салом ҳам билмайди онаси қаердалигини... Балки қамоқдан чиқиб онасини ахтариб топганми-кан...

Йиллар шамоли эсаверди. Ҳар гал Алдамадаги боғ ҳовлига қарасам, Саломни эслардим. Бир кун катта йўл ёқасидаги янги очилган дўкон ёнида турганимизда милиция машинаси тўхтади. Орқа ўриндиқдан кишанланган маҳбус тушди. Кўзимга иссиқ кўринди.

– Командир, – деди у уч милиция ходимидан кат-тасига, – нега қочиб кетишимдан қўрқасиз? Ахир, етти марта ушлаган бўлсангиз, кишансиз бўлсам ҳам қочмаганман. Оёғимнинг чигилини ёзиб, уч дона си-гарет оламан, холос...

– Бас, тезроқ бўл. Барибир, чекмайсан-ку!

Маҳбус Алдама томонга қаради. Қош қорайиб қолган, қишлоқнинг оқ томлари фира-шира кўзга ташланарди.

– Алвидо, – деди у.

– Тўғри, бу галги жиноятинг билан қамоқдан қайтмайсан, – минғирлади ходим.

Маҳбусни танидим: у Салом эди. Кўп ўтмай қишлоқда бир мишиш тарқалди. Пирим аканинг синглиси бош уриб келганмиш. У шунча йилдан бери қўшни Алдама қишлоғида, биз севган ўша боғ

ховлида бир бойнинг иккинчи хотини бўлиб яшаркан.

Барча қариндошларнинг меҳри ийиб, энди Саломдан ҳам хабар олмоқчи бўлишди. Бироқ суд ҳукм этиб бўлган: ёшлиқдаги дўстим отишга ҳукм қилинганини ўшандга эшигтганман.

## СИНОВДАН ЎТМАГАН СЕВГИ

Эндиғина ишга жўнамоқчи эдим, хотиним чордоқдаги эски жомадонни олиб тушишимни илтимос қилиб қолди. Вақтим зиқ эмасми, ажабланиб қарадим.

– Сенга шу вақтда зарилми? Нима қиласан уни, асаббузар?

– Ишингиз бўлмасин, – айёrona кўз қисди у. – Менга керак. Сиз меҳр-оқибатни билармидингиз?!

Жомадонда талабалик чоғларимиздаги даста-дasta фотосуратлар, ишқий номалар, қариб йигирматача шеърий дафтар сарғайиб ётарди. Аслида энг яхши суратларимиздан иккита қалин альбом тайёрлаб, шкафда сақлаймиз. Қолганларига, Худо хоҳласа, бу йил ўн йил тўлади, қунт қилганим йўқ.

– Ҳа, буни жин чалгани рост, – деб уф тортдим-да, нарвонни ахтариб, ҳовлининг нариги бурчига кета бошладим.

– Дадаси, сиз учун нарвонни аллақачон мунтазир қилиб қўйибман, – деди фитна.

Нарвоннинг калталиги боис анчайин тик ҳолда суюш керак, акс ҳолда чордоқ оғзига етишим учун

қўлларим маймунники, оёқларим мушукники бўлиши лозим.

– Ушлаб тураман, – деди қирқта макр түясининг терисидан кавуш кийган хотин.

Мен – аҳмоқ бутун диққатимни хотинимга қаратибману нарвонни эсдан чиқарибман. Чордоқ эшигига қўл узатган ҳам эдимки, нақ белидан синиб кетди нарвон ўлгур. "Мана сенга ёшлиқдаги муҳаббатни қўмсаш, мана сенга шеър дафтару сарғайган лаънати суратлар!.."

Кўзимни очсан, суюклари синганлар даволанадиган шифохонанинг торгина палатасида ётибман. Бoshимда хотин: кўзларида нам...

Аслида буни ёзмоқчи эмасдим. Бир неча йил ўтса ҳам шунга боғлик бошқа бир воқеа негадир ҳеч ёдимдан чиқмаяпти. Шундай қилиб, касалхонага тушив қолганимдан сўнг кўп вақтимни дераза олдида ўтказадиган бўлдим. Бу ердан оқ халатлilarу касаллар кезадиган кенг саҳнни bemalol кузатиш мумкин эди. Барча дараҳтларни санаб бўлдим. Кушлар ҳам энди таниш эди менга. Ҳатто омборхона томон қора мушук соат нечада ўтишининг ҳам ҳисобини биламан. Кимdir хуркитиб юбормаса, у қоплонлардек белини биланглатиб, важоҳат билан, шошилмасдан йўл олади сичқон овига.

Бироқ ҳаммасидан ҳам алпқомат йигит эътиборимни кўпроқ жалб этди. У синган оёғини авайлаб, хассага суюниб, арча тагидаги ўриндиқقا келиб, узоқ ўтиради. Чекса керак деб ўйлардим, аммо бирор марта на сигарет, на нос чекди. Бир нуқтадан кўз узмай нуқул хаёл суради. Оёқ синиши шоир қилиб

қўйганмикан ё шифохонага тушиш шу қадар фожиамикан, дердим ичимда. Бунчалик ўйланмаса, бунчалик ғамга ботмас...

Ниҳоят, сирининг тагига бироз етгандек бўлдим. Бир куни ҳамширалардан бири унинг ёнига секин яқинлашдию нимадир деди, елкасидан силашга ҳам уринди. Бемор йигит оғир бош чайқади, қўлини силтаб ташлади, сўнг терс бурилиб олди. Ҳамширага тикилиб қарадиму танидим: йўлакдан тез-тез ўтиб турдиган шахло кўзли жувон. Тавба, bemoriga ishq'i тушибдими? Ахир, ўтган куни эри келиб: "Хотиниммисан? Уйга қараб туриш ҳам вазифанг-да! Икки ойда келаман, деяпман-ку!" дегани тасодифан қулоғимга чалинганди.

Эътибор берсам, ҳамшира ҳеч ким йўқлигини пойлаб, bemorning ёнига шошилади, йигит эса кескин бош чайқаб, нимадир дейди. Хотиним келиб, ҳовлига олиб чиқсан куни ўша йигит билан ёнма-ён ўтиришга мусассар бўлдим. Фийбат қозони очиладиганга ўхшайди, чунки йигит мен ўйлаганча камгап, ўйчан, жizzаки эмас экан.

– Нега оёқ синди, жўра? – деб сўрадим.

– Тақдири азал, ака, – деди у биринчи куни. Бироқ иккинчи куни анча эл бўлиб, очилиброқ гапиришга тушди: – Ёшим ўттиздан ошди, мана, қирқقا қараб кетаяпман. Кечагина шўх йигитлик даврини суриб, қоним қайнаб, ҳеч қаерга сиғмай юрардим. Севгимуҳаббат гулханларидан юракда битта эмас, ўнтаси гуриллаб ёнарди. Бир қизни синовдан ўтказишга тўғри келиб қолганда, оёғим чулоқ, деб алдаганман. Шу билан қиз ҳам синовдан ўтмаган, менинг ҳам

ҳаётим ўзгариб кетган. Ҳаётим ўзгариб кетди, деб манави оёқнинг синганини айтаётганим йўқ. Оёқ яқинда синди, ўша воқеага эса беш йилдан ошди...

Ойнаванд эшик олдида шахло кўзли ҳамшира пайдо бўлди. Менга кўзи тушган заҳоти қанчалар ёмон кўриб кетганини сезиб, елка қисдим. Ёмон кўришга нима ҳаққи бор? Ундан кўра, эри бўла туриб, беморига суйкалишдан уялсин.

Бирдан ҳаёлимга "Ҳамшира бу йигитнинг ҳаётини ўзгартириб юборган ўша севгилиси эмасмикан?" деган ўй келди.

– Юракда ҳадеб ишқ оловлари ёниб-ўчавераркан, нега ўша қиз ҳаёtingизни ўзгартириб юборган? – сўрадим ундан. – Одатда биттасини севиб, усиз ҳаёт ҳаёт эмас, дегувчиларда бўлади қандайдир фожиалар, тўғрими?

– Бир томондан тўғри, бошқа жихатдан эса ҳаммаси ҳам бир қолипда бўлавермайди. Бир неча қиз ёқсан, лекин бирортасиям ҳақиқий муҳаббатим эмас эди, ака. Авваллари ўткинчи ҳисларга асир эканимни кўнглим сезарди. Бошқа чиройлироқ қиз чиқса, дарров оғиб кетиш одатим бор эди. Насима деган қизни учратганимда илк бор юрагимда нимадир жизиллади, бир умр у билан яшашга розилигимни ҳис этдим. Шундан сўнг атрофимдаги барча қизларни унутиб, Насимага парвона бўлдим-қолдим. У...

Шундай дея йигит ойнаванд эшик ортида шифохона ҳовлисини кузатиб турган ҳамширага кўзи тушиб, хўрсинди.

– Бу ўшами? – дедим таваккалига.

– Ҳа. – Йигит менга ҳайрон боқди. Кейин кулиб юборди. – Ойнадан кузатиб, ҳамма нарсани билиб

олибсиз-да. Лекин тарихимизни батафсил билмай-  
сиз... Ҳадеб унга айланишаверганимдан сўнг дўст-  
ларим "Хой кўчманчи ошиқ, энди шу такаббурга ила-  
кишмаганинг қолувди", деб мазах қила бошлашди.  
Насима дугоналарига "Мен турмушга чиқадиган йи-  
гит сўзимни икки қилмаслиги, ичмаслиги, чекмас-  
лиги, истаган кийимимни кийишга қаршилик  
қилмаслиги, доим кўнглимга қараши, энг муҳими,  
спорчилардек келишган, баланд бўйли, соғлом,  
кўркам йигит бўлиши шарт", деб кўп гапиранкан.  
"Сен орзусидаги йигитга ўхшайсан, аммо ҳалитдан  
шунаقا шарт қўядиган қиз ҳеч қачон одам бўлмай-  
ди", дейишди дўстларим. Қизнинг орзусини эшишиб,  
кўнглимга гумон тушиши у ёқда турсин, теримга  
сифмай қувондим. Мен у ўйлаган йигит эдим! Кўп ўт-  
май ошиқ-маъшуққа айландик, совчи жўнатишга ҳам  
аҳд қилдим. Биласизми, иккимиз ҳам ўзимизга тўқ  
оила фарзандлари эдик, дугонаси эса бир мансабдор  
одамнинг эркатои – инжиқ, танноз, калондимоғ.  
Дугонасига қараб, "Шунга қайси шўрпешона уйла-  
наркан?", дердим ичимда. Буни қаранг, мен Насима-  
га эмас, ёнидаги қизга уйландим.

– Бойвучча бошингизни айлантирибди-да? – де-  
дим.

– Йўқ, Насимага совчиларим бориш арафасида  
мотоциклдан йиқилиб, тиззам шилиниб кетди. "Ава-  
рияда оёғи синибди, энди тиззаси букилмас эмиш",  
деган мишиш тарқалди. Ўртоқларим келиб, "Сен  
шунча вақт қизларни синаб келдинг, бўлажак хоти-  
нингни ҳам бир сина", дейишди. Ҳа, мен унга пешвоз  
чиққанимда, оёғим маҳкам боғлаб ташлангани учун

тиззамни буқолмасдим. "Энди нима бўлади?" деб суради у. "Ҳассасиз ҳам юроламан, лекин тиззамни буқолмайдиган бўлдим-да", деб жавоб бердим. Бу ҳазилим тақдиришимизни ҳал қилаётгани тушимга ҳам кирмаганди ўшанда. Насиманинг севгисига ишонардим, ака. "Аввал ўқиши битирай, кейин майли..." дея кутилмаганда совчиларимга ноаниқ жавоб айтиб, пойтахтдаги холасиникига жўнаб қолганида, илк бор ундан шубҳаландим. Ҳазил эди, демадим, синовими ни атайин давом эттиридим. Қани, унда вафо борми кан, йўқмикан? Ўқишига ўтиб, олти ойдан сўнг ҳеч кутилмаганда бир бой йигитнинг совчисига розилик бериб юборди. Каракт эдим мен, каракт! Унга соғлом ва бой эр керак экан-да?! Мана сенга деб тиззамдаги тахтакачни олиб ташлаб, дугонасига совчи юбордим. Мендек йигитни бой хонадон рад этмади. У бой йигитга хотин бўлди, мен ҳам бой қизга, айнан унинг дугонасига уйландим. Аччикқа аччик!.. Бироқ иккимиз ҳам баҳтли бўлолмадик, иккимиз ҳам қалбга қулоқ солмагандик. Ахир, муҳаббат турли шартларни, ўчакишларни сўймайди... У ҳозир ҳам эри билан яшайди, мен ажрашиб кетдим. Одамни менсимайдиган, инжиқ хотин билан яшаганимдан кўра оёғим эмас, бўйним синиб ўлганим минг марта яхши.

– Энди-чи? Кўраяпманки, ҳамширамиз бефарқ эмас.

– Севги билан ҳазиллашиб бўлмас экан. Мен ҳам унуголмаяпман, у ҳам. "Нега алдадингиз? Ўшанда ҳақиқий севгини тушунмаганман", деб йиғлади. Оёғимни кесиб ташлашса ҳам, энди фақат мени деркан. Эрининг яна бир хотинчаси бормиш, барибир ажрашармиш... Қисқаси, унга ишонмайман. Минг

афсус, шундай аёл – биринчи муҳаббатим. Унга уйланыш тугул, бир вақтлар кўлидан ушлашга ҳам зор эдим... Зорлигимча қолишни истайман! Ахир, мен учун биринчи муҳаббат барибир пок...

Шифохонадан чиқиб, обдон ўйлаб қарасам, аёл учун ҳаёт мазмуни, бу – севги, эътибор, орзу қилинган лаҳзаларга тўйинган оила экан. Нега оёғим тагидаги нарвон синиб кетди? Унутилаётган ажиг лаҳзалар қарфиши эмасмиди у? Нечун ҳар куни иш, тўй, турли мақсадлар сари чопамизу яшаш маъниси битилган ёдгорликларни ё жомадонда, ё қалбнинг қоронги бурчакларида сақлаймиз?..

Шундан кейин хотинимни Чорвоқقا олиб бориб, кабоб пишириб, маза қилиб қайиқда сайр эттиргим келди. Шундай ҳам қилдим. Бироқ сайдан кўнглим хира тортиб қайтди. Нега дейсизми? Юсуфхонадан ўтиб, Чорвоқ қирғоқларида бир жуфтликни кўрдим. Улар соябон тагидан қувлашиб чиқиб, сув кўкракка етгунча чопишди. Сўнг қийқириб, бир-бирига сув сепа бошлишди. Сал нарида "Нексия" турарди. Йигитни танидим, соғайиб кетибди; чўлоқ ҳам, камбағал ҳам эмас. Жувонни ҳам танидим. Танидиму...

У Насима эди. Эридан ажрашмаганини, ҳамон бирга яшашини билардим. Бу ерда йигит билан нима қилиб юрибди экан? Наҳотки...

– Нафақат севги, балки турмуш синовидан ҳам ўтмаётганлар бор, – дедим хотинимга.

– Охирги вақтларда севгини намунча эслаб қолдингиз? – пичинг қилди хотиним. – Уша куни жомадондаги дафтарларни ўғлимизга бермоқчи эдим, синф раҳбари макулатура учун қофоз сўрабди...

## ВАТАН ТҮЙГУСИ

Кечқурун ижара уйга келиб, остоңадаги бир жуфт калишга күзим түшди. Эшик очилганини эшитган хотиним ичкаридан хуш-хандон чиқди.

– Қишлоқдан аммам келди, – деди у.

Икки кун бурун аммасининг ўғли Омон Самарқанддаги шифохонага ётқизилган эди. Эрталаб хотиним: «Бугун-эрта аммам келса керак», деган эди.

Юз-қўлимни ювиб, меҳмон ўтирган хонага кирдим. Муштипаргина аёл мени кўриши билан жойидан чаққон турди-да, икки қўлини чўзиб кўришиди. Қишлоқ аёллари каби ҳол-аҳволимни, ишимни сўраб, яхши тилаклар билдириди. Мен ҳам ўзининг, ўғлининг аҳволини сўраб, шифохонага боролмаганимдан хижолатда эканимни айтдим. Аслини олганда, хотинимнинг аммасини биринчи кўришим, ўғлини ҳам танимас эдим.

Ош сузиг келинди. Нима сабаб биландир нариги хонага чиққанимда, хотиним деди:

– Дадаси, сиз келгунча аммам очилиб-сочилиб ўтирмади. Танимаган-билмаган куёв қандай муомала қиласкан, деб эшикка тез-тез хавотир билан қаради. Очиккўнгиллик билан сўрашганингиздан кейин бирдан кайфияти кўтарилди.

Бугап мени ўйлантириб кўйди. Наҳотки, меҳмонга келган одамни ёқтирмайди деб гумон қилсалар? Меҳмоннинг ёнига қайтдим.

– Амма, – дедим жойимга ўтирас эканман, – эрталаб касалхонага бирга борамиз, Омон билан таниширасиз.

Амма қўзимга ҳамон ийманаётгандек кўринарди. «Ўзингизнинг уйингиздагидек bemalol ўтираверинг, ўғлингиз шифохонадан чиққунча бизнида туринг», дедим.

Хотиним коса-товоқларни ювишга киришди. Шу пайт уй эгасининг кучуги эшикни тирнаб, ғингшиди.

– Кучукми? – сўради амма.

– Э, шу ернинг кучуги, – дедим уялинқираб. – Коса-товоқнинг овозини эшитса, югуриб келади.

Амма хаёлга чўмиб, дастурхоннинг бир четини ўйнади. Хотиним ишини тугатиб келгач, деди:

– Умр ҳам ўтаяпти. Бир вақтлар биз ҳам сизлардек ёш эр-хотин эдик. Қарабсизки, ёшимиз бир жойга бориб қолибди. Кучук эшик тирнаганига эсимга тушди. Бизнинг Мўйноқ деган итимиз бўларди. Энди, унақа ит ҳозир йўқ.

– Мўйноқни айтаяпсизми? Қопқир эди-я? – гапга қўшилди хотиним.

– Йўқ, мен айтиётган Мўйноқни билмайсан, – деди амма. – Менимча, сен бизникига борган пайтларингдаги кучукни айтаяпсан. Мен анча йиллар аввалги воқеани гапирмоқчиман, эсимга тушиб кетди-да, айланайлар. У вақтларда сизлар туғилмаган эдиларингиз. Болаларим кейинги кучуларга ҳам фақат Мўйноқ деб лақаб қўйиб ўрганишган.

Рузғоримиз янги эди. Тўнғичим туғилган кезлар. Қайнотамнида яшардик. Тоғ қишлоғини ҳамма билади: крант йўқ, газ йўқ. Бир куни кечқурун челакларни кўтариб булоқقا тушдим. Сув олиб энди тепага кўтарилимоқчи эдим, дупур-дупурлаб бир одам от чоптириб келди.

– Келин, сизми? – деди у.

«Ха» дейишга улгурмасимдан хуржунидан бир нарса чиқарып ерга ташлади.

– Айтганингни опкелдим.

Отилқ қамчини шартиллатиб урди-да, икки қир оралиғидаги сұқмоқда ғойиб бўлди. Бояги нарса тўп этиб тушганида ангиллаган овоз эшитилганди. Күчукка ўхшарди. Адашмабман, кучук боласи экан. Қизифи, мен ҳеч кимга кучук олиб келинг, демагандим. Хўжайин тушмагур бирорвга ҳазиллашганми деб ўйладим.

Қўлларимда икки челак, кучуквачча ўша жойда қолди. Уйга кириб, чирокларни ёқдим. Хўжайин даладан қайтиб, уст-бошини қоқар, ювинар, кейин ичкарига кирап эди. Бу сафар бўсағага ҳорғин ўтириди.

– Бўсағага ўтириманг, барака кетади, – дедим.

– Кофир эмасман, биламан, – деди у. – Шундоқ ҳам барака кетадиган кўринади.

– Тинчликми?

– Даштликлар мени тоғнинг одами деб чеккаляяпти, узумга ўғри оралайдиган бўлди.

– Раисга айтинг-да.

– Узум ўғирланса раисга айтасанми, ундан катта-сигами, барибир ўғирландими, тамом.

– Ишқилиб, қоровуллар қилмаяптими?

– Жиянларимга ишонаман. Улар айтаяптики, бу ерда биргадирларнинг қўли бор экан.

– Нима, энди ўзингиз ётасизми?

– Қаёқда! Қоровул бўлишим қолувди!

Хўжайин бир муддат ерга қараб ўтириди-да, тиззасига шапатлаб жойидан турди. Ичи тор, асабий одамга қийин. Чуқур уҳ тортди.

– Замон күттарса, Бувихол, кечаси милтиқ билан борсам, ёнимда бўрибосар бўлса! Халқ мулкига кўз олайтирганни итга бостирсам! Ит тутолмаса, тузли ўқ билан отсанг!

– Кўйинг, унақа совуқ гапларни гапирманг. Айтган одамингиз бўрибосарни ташлаб кетди. Пишакчадай.

Хўжайин менга бурилиб қаради.

– Пишакчадай?

– Ҳа.

– Сенга булоқ бошида отлик одам бердими?

– Унга сиз тайинлаганмидингиз?

– Йўқ. – Эрим янада қайғули кўринди. – Демак, Бувихол, – деб гап оҳангини пасайтирди, – тушим ўнгидан келибди.

Энди унинг чехраси очилди. Уст-бошини қоқди. Мен кучукваччани олиб келмаганимни айтганимда ҳам авзойи ўзгармади: булоқ бошига тезда бориб қайтди. Ўша кундан бошлаб ҳовлимизда ит вояга ета бошлади. Унга хўжайиним Мўйноқ деб ном қўйди.

Бир йилдан сўнг Мўйноқ қишлоқдаги энг если ит бўлди. У бегонанинг қўлидан нон емас, ҳовлидан қўшниларнинг товуғини қувиб чиқарар, агар кечқурун кўчага ёлғиз чиқсан, қўриқлаб юриш учун менга эргашарди. Ичиқора кимсаларни узоқдан пайқаб вовиллаб огоҳлантиради.

Бригададан ўғри қочди. Хўжайиним айтганини қилди: кечаси Мўйноқни эргаштириб узумзорларни айланди. Бир гал қочиб кетаётган ўғрини «Тўхта! Отаман!» деб кўркитди. Икки кун ўтиб ростдан ҳам отди. Ҳавога ўқ узган бўлса ҳам, даштнинг одамлари

устидан ёзди. Хўжайинимни қамаб қўйиши. То ўн беш кунни у ёқда ўтказгунча ўғрилар қасдма-қасдига бор ҳосилни кўтариб кетса керак деб ўйлагандим. Йўқ, Мўйноқ шу вақтгача одамга ташланган эмасди. Хўжайнин қамалиб қолгач, кечалари узумзорда итимиз ётиб қоладиган бўлди. У билан ўғрилар ўртасидаги жангни айтиб берсам бир достон бўлади. Заҳарламоқчи ҳам бўлишган, тошбўрон қилишган, қопқон қўйиши. Ҳатто, бир куни таёқлар билан қуролланган ўғрилар ёппасига ҳужум қилишган. Мўйноқ бечора боши ёрилиб, оёғи оқсоқланиб қолди. Жиянлар кейинчалик айтишарди, «ўғрилар кимлигини билиб юрадик, лекин итчалик юрагимиз йўқ эди...»

Режани ошиғи билан бажардик, раис мукофотга тавсия қилди. Анча-мунча пул жамғардик. Бироқ ҳали алоҳида уй-жойимиз йўқ эди. Уйдаги овсиним билан гапимиз тескари бўлиб қолди. Мен бирор юмушни ўзимдан билиб қилардим. Бу иш меники, унисини овсинимники демасдим. Овсиним эса асабга тегадиган ишлар қила бошлади. «Ховлини кеча мен супурдим, бугун анавининг навбати, нега уйидан чиқмайди?!» деганларини эшишиб қолардим. Хўжайнинг «Акангизнинг хотини ўзгариб бораяпти», дедим. У киши ҳам сезиб юрган экан. «Уй қуришимизга бир йилча бор, чидаб тур», деди. Хўжайним жizzаки бўлса-да, уриш-жанжалларга тоқати йўқ эди. Агар яна овсинимни ёмонласам ёки ади-бади айтишсам, мен билан жанжаллашишини сезиб индамадим.

– Болангизнинг тувагини бу ерга саситиб қўйманг!  
– захрини сочди бир куни овсиним.

Ахийри, чидолмадим.

– Опа, – дедим, – тувакни ҳозиргина чиқардим. Сумак ёдимдан күтарилиб, бир лаҳзага уйга кирудим. Нега мени жеркийверасиз, тушунмаяпман!

Овсиним лаб буриб нари кетди. Кетаётиб унинг «сассиқлар» деганини эшитиб, кўзларим ёшга тўлди. Мени айтса майли, боламни ҳам ҳақоратлади, деб йиғладим.

Овсиним даштдаги бадавлат одамнинг қизи эди. Ўзини ҳаммадан аъло чоғлаб юрарди. Сезиб турибманки, бининг пулимиз кўпаяяпти. Бойиб кетади, деб юраги ёрилаётган бўлса ажаб эмасди.

Кечқурун бор дарду ҳасратимни хўжайнинг тўкиб солдим.

– Ижарага уй топинг, бу ердан кўчиб кетайлик, – дедим йиғлаб.

– Қаёқقا кетасан?! – ўшқирди хўжайн. – Уй қурмай ҳеч қаёқقا чиқмайман!

Аразлаганимнинг устига ўртоғи келиб қолди. Даставвал ишдаги можароларни мухокама қилишди, кейин ўйга толишиди.

– Шунаقا денг, – хўжайнин ўзига чой қуиди. – Каталарга ёмонлаётган ўша экан-да? Раис ҳам унинг ноғорасига ўйнаб қопти-да?

– Сиз хушомадни билмайсиз, хушомадни! Нима қиласиз қаддингизни тик тутиб?! Эгилинг, салом бering!

Кутилмаганда хўжайнин қаҳ-қаҳ уриб кулди.

– Ҳамма гап салом-алиқдами? – деди кулгидан ўзини тўхтатолмай. – Мухторовулга ким сув чиқарди? Ким боғ барпо қилди? Мехнатми ё хушомад?

– Билиб қўйинг, – деди ўртоғи, – энди Мухторовул сизсиз ҳам боғ бўлиб қолади. Аччиқ бўлса ҳам, ҳақиқатни тушунинг. Миқ этсангиз, бригадирликдан кетасиз. Сиз у ерда ишингизни бажариб бўлдингиз. Раис ва унинг югурдаклари учун биз ортиқча одамлармиз.

– Кўйсангиз-чи, – хўжайин эшиқдан мўралаётган Мўйноқقا ишора қилди. – Ҳатто анави ит ҳам ортиқча эмас.

– Ит ҳеч қачон ортиқча бўлмайди. Чунки у думини ликиллатади, сиздан қолган суякни ғажийди, урсангиз ҳам ялоқхўрлик қилаверади.

– Мўйноқ унақа эмас, – деди хўжайин қандайдир ўйчанлик билан. – Мўйноқ ақлли мавжудот. У итсимон одам.

– Атрофингизда битта итсимон одам бор экан. Одамсимон итлар эса ўн баравар кўп.

Чой дамлаб қайтиб кирсам ўртоғи Мирзачўл ҳақида гапираётган экан. Ўша пайтларда Мирзачўл ўзлаштирилиб, янги шаҳарчалар, совхозлар бунёд этилаётган эди. Нафақат Самарқанду Жиззах вилоятидан, балки бутун республикадан одамлар кўчиб боришиб, уй-жойли, касб-корли бўлишаётган эди.

– Йўқ, мен у ёқقا бормайман, – деди хўжайин. – Чўлга қочиб кетди, деган ном олиш зарилми менга!

– Бу ерда ишингиз узоқقا бормайди, – деди ўртоғи жиддий оҳангда. – Ҳайдалгандан кўра ўз ихтиёргиз билан кетганингиз маъқул эмасми? Қолаверса, у ёқдаги янги ерларга ҳам сиздек ишнинг кўзини биладиган масъулиятли кадрлар керак.

Шунда хўжайин бошини қуи солиб, ўйланиб қолди.

– Ҳа, майли, – деди меҳмон, – сизнинг бошингизни қотиришга келмагандим. Келишимнинг бошқа сабаби бор: мен кетаяпман.

– Қаёққа? – хўжайин ажабланиб сўради.

– Мирзачўлга. Совхозлардан бирига агроном бўлаяпман.

– Боядан бери бошимни қотирмай шуни айтиб қўя қолсангиз бўлмасмиди? Оббо, дўстим-ей!

Боламни ухлатиб чиқсам, меҳмон оёқ кийимини кияётган экан. Хайрлашдик.

Хўжайин уф тортди-да, менга қаради.

– Бувихол, – деди у, – пулимиз минг сўм эмасмиди?

Ўша пайтларда минг сўм катта пул эди. Етти юз-саккиз юз сўмга сигир олиш мумкин.

– Ҳа, минг сўм эди.

– Дўстимга юз сўм қарз бердим, лекин у ерда етти юз сўм қолди.

Пулни қайта-қайта санаб кўрдик. Эшикда овсичим кўринди. У пул санаётганимизни кўриб, ранги гезарди.

– Қайнимнинг пуллари кўп! Қайним яқинда машина олади! – дея ҳасад билан ёниб гапирди.

– Машина ҳам олардим, уй ҳам қуардим, – деди хўжайин. – Лекин уйимизда ўғри пайдо бўлибди. Ўғрилик бор жойдан файз-барака кетади.

– Уйга ўғри кирибдими? – Овсиним ясама қайғу ила ёқасини ушлади.

– Минг афсус... – Бош эгди хўжайин.

– Мен... мен бояги дўстингиз нега келганини сўрашга чиқувдим. Акангиз қизиқаяптилар.

– Мўйноқ! – бақирди хўжайин. – Ўғрини қандай ўтказиб юбординг?! Бегона қуш ҳам учиб киролмасди-ку бу ҳовлига?!

Кўринардики, хўжайин янгасидан гумонсираётган эди. Мўйноқ ҳам овсинимга ола қараш қилди.

Хўжайин ҳаммасини тушунди. Янгасининг саволига жавоб айтди:

– Дўстим чўлга кўчиб кетаётган экан, мени ҳам таклиф қилди.

– Кетасизми?

– Ҳа. Мирзачўлда давлат қурган уй, молхона, сомонхонаси билан кутиб турибди.

Овсинимга қўшилиб менинг ҳам оғзим очилиб қолди. Балки эрим жаҳл устида айтгандир, деб ўйладим. Йўқ, эрталаб эрим ўртоғиникига бориб келди. Биз ҳеч кутилмагандан Жиззах шаҳридан ҳам наридаги олис маконга кўчиб кетадиган бўлдик.

Хўжайин хужжатларини таҳт қилди. Раис ариза-сига жон-жон деб имзо чекибди. Хўжайин ўшанда айтганди: «Менсиз улар Мухторовулни бажаролмайдилар, чунки бригадирлар ишни эмас, ўз нафсини ўйладиганлар».

Бу гапи кейинчалик ҳақ чиқди. Мухторовулдаги узумзорлар қурий бошлагач, бульдозерлар билан суриб ташлашди. Аввалига картошка экишди, сўнг лалмикаор жойга айлантириб, буғдой эқадиган бўлдилар. Ёғингарчилик бўлмаган йиллари Мухторовул ерларида шамол чанг-тўзонни кўкка кўтарганини кўриб юрак-бағримиз эзиларди. Худога шукр, хусусийлаштириш бошланиб, хўжайин ерни қайтариб олди, яна обод қилди...

Мирзачұлға күчиб кетаётганимизда қизиқ воқеа бўлган. Юк машинасига ҳамма кўч-кўронимизни ортдик. Ҳеч нарса эсдан чиқмадими деб қарасак Мўйноқ бир четда мунғайиб турибди.

- Вой, отаси, кучукни нима қиламиз? – дедим.
- Кучук менга керак, – деди қайноғам. – Подани боқишиңи ўргангани роса иш бераяпти-да.

Эрим кўна қолди. Биз қишлоқ билан хайрлашиб, йўлга тушдик. Мўйноқ ғингшиб қолаверди. Унинг кўзларида ёш кўриб, юзимни четга бурдим.

Машина борти юкларимизга лиқ тўла. Ҳайдовчи, хўжайин, мен, болам кабинада тиқилишиб ўтирибмиз. Ўнқир-чўнқир кўчалар ортда қолиб, текис йўлга чиқдик. Ичимда бир овоз «Алвидо, қишлоқ! Алвидо, Мўйноқ!» деяётгандек бўлади. Кулгим ҳам қистайди: «Намунча қайғу? Олти-етти ойда меҳмонга келамиз-ку!»

Машина тоғ ичкарисидан чиқди. Олдимизда далалар ястаниб ётарди. Йўл тоғ ёнбағри бўйлаб қўшни қишлоқقا бурилган, ундан дала ўртасидаги Самарқанд-Тошкент катта трассасига чиқилар эди. Ҳайдовчи: «Ие, анавини қаранглар!» – деди. Эр-хотин у кўрсатган томонларга, қирларга қарадик.

– Биз билан бирга ит чопиб келаётганди, кўринмай қолди, – деди ҳайдовчи.

Юрагим увишди. Машина бир оз юргач, ҳайдовчи орқани кўрсатувчи кўзгуга ишора қилди.

– Ана, ана! Энди қирдан йўлга тушиб, орқамиздан чопаяпти!

Биз машинани тўхтатишни илтимос қилдик. Бечора Мўйноқ сўнгги кучи қолгунча ортимиздан чопиб

келган экан. Хұжайин оёғи остида ётган Мүйноққа ачиниб қаради. Юкимиз орасидан арқон топиб, итни бортга чиқарди-да, шкаф оёғига боғлаб қўйди.

Шундай қилиб, Мүйноқ ҳам янги маконга келди.

Бир йил оддийгина уйда яшадик. Иккинчи йили катта ҳовли олдик. Хұжайнинг ўртоғи билан битта күчада яшардик. Аммо икки йил ўтиб, у тоққа – она қишлоғига қайтди.

Биз чўллик бўлиб кетдик. Орадан тўққиз йил ўтди. Яна бир ўғлим, икки қизим Дўстлик тумани марказидаги туғруқхонада туғилди. Шарт-шароит яхши эди. Тоғдагидек кичкина эмас, уч қаватли мактаб, болалар боғчаси, кинотеатр, ҳаммом бор. Мол-ҳол қилдик. Рўзғорга керакли жиҳозлар, мебеллар олдик. Янги бўлмаса ҳам, «Москвич»ли бўлдик. Болалар боғча ва мактабга қатнай бошлишди. Шундай кунда яна бир қўшнимиз она қишлоғига кўчиб кетди. Ўрнига турмуш қурганига ўн йил бўлган эр-хотин келишиди. Улар бефарзанд эдилар. Аёлнинг исми Маъмура эди. Эри агроном, Маъмура эса ҳеч қаерда ўқимаган, ҳеч қаерда ишламади. Кунбуйи ё уйда ўтирас, ё бизни-кига чиқиб, армонлари ҳақида гапириб йиғларди.

Мүйноқ уни илк кўрганданоқ вовиллаб, уйга киришга қўймаганди. Биз итни койиб, янги қўшнига мулоим гапирадик. Вақт Мүйноққа ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Юнглари хурпайиб, қари итга айланганди.

Орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Мүйноқ худди одамлар қаби ўзидан ёрқин хотиралар қолдирди. «Мүйноқдек эсли-хушли, зийрак ит яна бошқа жойда ҳам бормикан?» дейман. Агар она қишлоғимиз

томондан бирон киши келса, Мўйноқ узоқдан сезиб, шодон вовиллар, ўйноқлаб югураг, меҳмоннинг туфлисини яларди. Энди ўйлаб қарасам, бечора ит туғилиб-ўсган маконини соғинган экан. Биз – осий бандалар баъзи байрамларда, тўйларда гоҳ автобусда, гоҳ «Москвич»да қишлоққа борардик. Мўйноқни ҳар гал уй-жойга қоровул қилиб ташлаб кетардик. Уни бирон марта ҳам қишлоққа олиб бормаганмиз.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Кеч кузда Мўйноқ лўли кампирни тишлаб олди. Яқинда кўмилган картош-каларни совуқ урмасин деб устига поя ёпаётган эдим. Кўча эшик очилиб, бир кампир кўринди. Елкасида тугуни бор. Болаларим «мўлтони, мўлтони» дейишиди. «Келаверинг, момо», деган эдим, ит вовиллаб бориб, оёғидан тишлади. Ҳай-ҳайлаб Мўйноқни қувиб солдим. Кампир дағ-дағ титрарди. Аввал сув ичкизиг, ярасига йод куйдим.

Кампирнинг алламбало ҳунарлари бор экан. Фол очиш, жоду қилиш, табиблиқ... «Совуқда шунча йўл юриб, пул-мул ишлайман деб келган-да, шўрлик», дедим ичимда.

Унга битта нон бериб жўнатиб юбормоқчи эдим, шундай деб қолди:

– Феъли кенг аёл экансан. Кимларнидир тез-тез соғинишинг кўринаяпти. Қўрқма, умринг бу ерда ўтмайди, соғинган одамларинг орасида яшай бошлайсан.

Шу пайт Маъмура келди. Кампирни уйига эргаштириб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Маъмура уни шод-хуррам кузатиб қўяётганига кўзим тушди. Уйига кираётиб менга ёш қизлардек қўл силкиб: «Ишлар беш!» деб хитоб қилди.

Кечқурун Маъмура остона ҳатлаб, негадир келганданоқ Мўйноқни сўради.

– Сизга айтдимми, йўқми, Мўйноқ лўли кампирни тишлаб олди. Шунга койигандим, кўзимга кўринмай юрибди.

– Кийими ёқмагандир-да, – кулди Маъмура. – Чопонининг этагидан пахталар осилиб қолган экан.

– Табиб экан...

– Ҳа, унинг ҳам амалини қилиб кўрмоқчиман.

Маъмура кетаётиб, яна Мўйноқни сўради. Итни чақирдим, лекин у қорасини ҳам кўрсатмади. Кўчада Маъмуранинг нариги томонидаги қўшниси Салтанатнинг кучуги бир сариқ кучукча билан қувлашиб юрган экан.

– Мўйноқ нега керак бўлиб қолди? – дедим. – Ана, Салтанатнинг ити.

Маъмура уларга бир зум тикилди-да, «Ўзим шунчаки...» деганича уйига кирди.

Хўжайн ишдан келибоқ «Газ ўчмадими?» деб сўради. «Ўчади» деган гап бор экан. Биз газни гуриллатиб ёқиб, алламаҳалгача сухбатлашиб ўтиридик. Чироқ ўчиб қолган, болалар ухлаган, ташқарида бўрон бехосият увиллайди.

– Бу йил ҳам пахтани бажардим, – деди хўжайн дўпписини ечиб. – Шу тахлит умр ўтиб бораюпти. Битта нарса тинчлик бермайди: мен шу ерда кексайиб, шу ерда мозорга қўйиламанми? Бувихол, бошқаларни билмадиму биз кўчиб кетишимиз керак. Умрбод қололмаслигимни тушундим. Келгуси йил кетамиз. Тоғдан ҳовли-жой қуришга кучим етади.

Биз она қишлоғимизга кўчишнинг ширин ташвишлари билан ухлаб қолдик. Туш кўрдим. Уйимизни

кattакон, қора тош босиб қолганмиш. Қимир этолмайман. Тош бутун аъзойи баданимни эзиб турибди. Кўнглим айнийди-ю ўқчиёлмайман. Ит вовиллади. Уни чақирмоқчи эдим, тилим айланмади:

– Мўй... мўй-но-оқ...

Ит юзимни ялай бошлади. Кўзимни зўрға очдим, ҳеч нима кўринмади. Бир фалокат юз берган эди.

– Болам-а-а-м...

Қаддимни ростламоқчи бўлдиму хонтахта устига ағанадим, чойнак-пиёла шақирлаб синди. Нақ қулоқларим остида Мўйноқ вовиллади. Эшик! Очик эшикка қараб судралдим. Бўсағадан ўтганимда, нима юз берганини англадим. Печкадан газ сизиб чиқмоқда, олов кўринмаяпти. Жон ҳолатда ичкарига талпиндим, болаларимнинг устига ўзимни отдим, улар қимир этмасди. Вишиллаётган газни ўчириб, дераза ойналарини уриб синдирдим. Хўжайн ҳам ўзига келиб, менга ёрдамлашди...

Болаларимни ташқарига қандай чиқарганимни эслолмайман. Улар хушига келгач, совуқни ҳам сезмай, Маъмураникига ялангоёқ, яланбош чопдим. Агар мен етиб бормасам, эр-хотин бўғилиб ўлар экан. Бақир-чақирни эшитган бошқа қўшнилар уйғонишиди.

Маълум бўлишича, ярим кечаси газ тармоқдан ўчгач, ҳаял ўтмай яна очиб юборилган. Биз ва Маъмураплардан бошқа ҳеч қайси хонадон жабрланмабди. Икки уйга қишлоқ врачи бир неча кун қатнаб, даволади. Мўйноқ тирноқлари билан эшикни очиб, ёрдам бермаганида, ўлиб кетармидик. Итга меҳримиз баланд эди. Бўлиб ўтган воқеадан сўнг унга қандай

миннатдорчилик изҳор этишни билмай қолдик. Унда ақл бўлмаса, бизнинг газдан бўғилаётганимизни қаёқдан билди?

Ит икки оилани ўлимдан қутқариб қолганини ҳамма эшилди. Маъмура икки-уч марта Мўйноққа овқат келтириди. Ит ҳали-ҳануз бегона қўлдан овқат емасди. Биз мақтаб-мақтаб, ейишга ундарик. Нихоят, Мўйноқ Маъмура берган овқатларни ейишга ўрганди.

Бир куни она қишлоққа оилавий меҳмонга жўнайдиган бўлдик. Уйни, мол-холни Маъмурага топшириб, «Москвич»га ўтиридик. Мўйноқ бечора югуриб келди.

– Мўйноқ ҳам борадими? – сўради қизчам.

Эр-хотин бош чайқадик. Биз олти жон эдик, қолаверса, итни меҳмонга олиб бориш тасаввуримизга сиғмасди. Қарасак, у машина орқасидан чопаяпти. Сомонхонага қамаб кетдик.

Қариндош-уруғимиз ҳам қишлоққа кўчиб келиш тарафдори бўлишди. Ҳовли учун қайноғамнинг уйи ёнидан, бир вақтлар нотаниш отлиқ Мўйноқни ташлаб кетган булоқ яқинидан жой танладик.

– Янаги йил пахта мавсуми тугаса, Мўйноқни ҳам олиб келамиз, – дедим қизчамга.

Мўйноқ бизни ноҳуш қаршилади. Аниқроғи, укасал бўлиб қолганди. Кун бўйи бир нуқтага тикилиб ётадиган бўлди. Унинг соғайиб кетишига умид қиласардик. Ветеринар текшириб кўриб: «Заҳарланмаган, касал юқтирамаган, соғаяди», деди. Бироқ Мўйноқ ғойиб бўлди. Икки кун дарагини тополмадик. Одамлар «Яхши ит ўлигини кўрсатмайди», дейишли. Учинчи

куни хұжайин дарвозадан мунгайиб кирди. Бар фалокатни ҳис этиб, саволомуз боқдим.

– Бугун районга ишим тушганди, – деди у, – ярим йүлда Мүйиноқни күрдим. У ўлиби.

– Ўлиби? Машина босиб кетибдими?

– Йүл четида ётган экан. Машинадан тушиб, тут тагига қўмдим. Ҳеч қаери лат емаган. Бу дейман, қишлоққа йўл олган кўринади. Наҳотки, ит ҳам туғилиб-ўсган ерни соғинса?

Болаларим Мүйиноқнинг ўлганини эшитиб йифладилар. Менинг ҳам кўнглим бўшади. Ит оиласиз миз аъзосидек бўлиб қолганди.

Хўжайин уйга кираётиб, деди:

– Шеригимнинг айтишича, Мүйиноқ кўзикиб ўлибди.

– Кўз текканми?

– Шунга ўхшашроқ. Унга заҳар қўшилмаган, лекин қандайдир моддаларга ботирилган таом едирилган бўлиши мумкин экан.

– Мүйиноқ бегонанинг қўлидан овқат емайди, – дея эътиroz билдиридим. – У қариб қолганди. Кек сайишдан ўлган бўлса керак.

Куз келишини интиқиб кутдик. Ёзда «Москвич»ни сотиб, тоғдаги уй қурилишини жадаллаштиридик.

Бир куни Маъмура ажойиб хушхабар айтди: ҳомиладор бўлиби. У ёз бўйи қорнини қаппайтириб юрди. Сентябрда эса қўчқордек ўғил туғди. Биз кўчиб кетаётганимизда ўғилчаси ширингина гўдак эди.

Маъмурани синглимдек кўрадим. Уйни сотганимизда у ҳам, мен ҳам йифладик, рози-ризочилик сўрадик. Самарқанд вилоятидаги қишлоғимиз би-

лан Жиззах вилоядидағи үша совхоз үртаси икки юз әллик чақирим эди. Бундан ташқари Маъмурга ва эри асли сирдарёлик бўлиб, ҳаёт бизни яна қайтиб учраштирадими, йўқми, ҳеч ким билмасди.

Пахтачилик совхозидаги охирги кун кечагидек эсимда. Кўч-кўронимизни юк машинасига ортганмиз. Қаердандир лўли кампир келиб қолди. Хўжайин унга садақа берди. Мен четроққа бошладим.

– Кучугимиз сизни тишлаганди, кўп ўтмай ўлди, – дедим. – Фолга ҳам ишонмайман, сехру жодуга ҳам. Бу воқеадан кейин... рости, сиз нимадир қилмаганимидингиз, момо? Бугун қўчиб кетаяпман, қайтиб умрбод кўришмаймиз. Илтимос, итимизга нима бўлганини айтинг.

– Үша кучук сеники эдими? – Кампир менга маъноли қаради. – Нонни сенинг итингга берибди-да? Афсус, афсус.

– Ким берибди? Қанақа нон?

– Кулоқ сол, – деди кампир, – үшандаги қўшнинг фарзандли бўлмаяпман деб ўқинди. Мен нон бўлагига дуо ўқиб, доримга ботириб бердим. Аёл нонни бирон кучукка берса, аёлга илакишган балои қазо итга уриши керак эди. Ит ўлади, аммо аёлнинг истаги ижобат бўлади. Оддий итга эмас, кучли итга берса, яхшироқ таъсир қилишини айтдим. Иккинчи бор келганимда уйларингда ҳеч ким йўқ экан. Қўшнинг «Итни со- монхонага қамаб қўйишишган», деди. Мен нонни бошқа кучукка беришни маслаҳат солдим. Ўлимдан қутқарганини эшитгандим. Лекин қўшнингдан хафа бўлма. Ит баҳонаи сабаб бўлса ҳам баҳт топди.

– Нега энди... Хафа эмасман... – деб атрофга алангладим. Қўшиларнинг болалари қий-чув солиб ўйнашар, Салтанатнинг кучути ниманидир ғажир, қўшилар тўп-тўп бўлиб сухбатлашиб туришар, аммо Маъмура қаёққадир ғойиб бўлган эди.

Машина жойидан силжиганда ҳам Маъмура қорасини кўрсатмади. Мен Мўйноқ учун Маъмура билан жанжаллашмас эдим. Ким билади, ит бошқа сабабдан ўлгандир...

Бироқ кўксимни бир ўт куйдирди: «Нима учун айнан Мўйноқقا едирди? Мўйноқ уни ўлимдан қутқарган эди-ку!»

Шунча йиллар яхши-ёмон кунларимиз ўтган ҳовлига сўнгги марта бокдим. Ўзим ўтқазган теракларгина кўринди...

Амма ҳикоясини тутатиб, бизга бир-бир қаради.

– Зериктириб қўймадимми?

– Йўқ, – дедик эр-хотин бараварига.

– Шундан кейин чўлга бирор марта бормадингизми?

– Боришга вақт қаёқда. Омонжон мактабни битирди, демак, ўн саккиз йил ўтиб кетибди, ҳеч йўлим тушмади.

Эртасига амма икковимиз шифохонага бордик.

– Ҳаммаси яхши, текширишди, – деди Омон. – Айтгандай, эна, иккинчи қаватда бир жizzахлик аёл ётибди. Кеча гапдан гап чиқиб сизларнинг танишларингиз бўлиб чиқса ҳайрон қолибман. Чўлда яшаганларингизда қўшни бўлган экан.

– Ким экан? – ғалати кулимсиради амма.

Омон чақириб чиқсан аёл амма билан қуюқ сўрашиди.

- Танимадингиз-а, тўғрисини айтинг, – деди бемор.
  - Қаридик, эслолмаяпман, – ийманди амма.
  - Салтанатман, бир уй наридаги қўшнингиз.
  - Ҳа-а... Вой, анча ўзгариб, катта хотин бўлиб кетибсиз.
  - Бир қариндошимиз шу ерда, Самарқандда шифокор. Шунинг учун Жиззахда даволанмай унинг ишхонасига келавердим-да, опа.
  - Ҳозир ҳам Дўстликда яшаяпсизларми?
  - Ҳа, ўша уйда...
- Қарасам, аёлларнинг гапи чўзиладиган кўринади. Амма ва ўғли билан хайрлашиб, эшикка юрдим. Эшикка етгунимча йўлақдан икки аёлнинг гаплари эшитилиб турди:
- Қайси Маъмур? – сўради жиззахлик аёл. – Эҳ-ҳ, сиз ўртадаги қўшнимизни айтаяпсизми? Чақалоги бор эди. Улар сиз кўчиб кетган йили вафот эшигтан. Шу вақтагача билмасмидингиз?
  - Нима... Нимадан ўлди?
  - Чақалоги иккови газдан бўғилиб...
  - Эри ҳозир ҳаётми?
- Мен жавобни эшитмай ортимга ўгирилганимда, bemор бошини маҳзун чайқаганини, амма юзига фотиҳа тортганини кўрдим.
- Кейинчалик таҳририятга келган бир чол шундай деди:
- Итим кўп туғарди. Кучукваччалардан қутулиш учун бирор қишлоқقا от суриб бораардим-да, дуч келган ёлғиз аёлнинг пойига ташлардим. «Айтганингни опкелдим!» деб бақиардим-да, отим-

га қамчи босиб күздан йўқолардим. Шунаقا телба ҳазилкаш эдим. Кенжা қизим Сирдарёга келин бўлди. Куёв агроном эди, чўлга кўчиб кетишиди. Қизим билан неварам ўша ёқда ўлди. Ҳатто ҳазиллашиб бўлса ҳам кучуквачча совға қилмаганимга афсусланман. Биринчи марта фалокат келганида, жонларига бир ит оро кирган экан-да, болам...

## ҚАРҒАЛАР ЭНДИ УЧМАЙДИ

Узокдан қора нуқта кўринди. Эшагини «их» деб шошилтириди. Қанча илдамламасин, имиллаётганга ўхшарди. Қишлоқнинг четки уйи адир ортида ғойиб бўлиб, эшак овлоқ лалмикор ерлар сари ўрлаб бораркан, Мингберди акани ваҳима босди. Шу кўраётгани қарға бўлмасин-да, ишқилиб. Яқинда нўхат сепилган лалмикор далаларга қарға ёпирилса, урди Худо.

Ха, қарғалар келса, бу қишлоқни эмас, анави кўриниб турган пурвиқор тоғларни ҳам ларзага солади. Қиру адирлардаги неча минглаб гектар ерлардаги нўхатлар қушларнинг ошқозонида ҳазм бўлади. Айниқса, очофат қушлар гала-гала бўлиб ҳужум қилса, экилган уруғдан ҳеч вақо қолмайди. Нўхат сотолмаган оиласалар иморат сололмайди, тўй қилолмайди, фарзандини шаҳардаги ўқишига юборлмайди. Ҳатто, одамларнинг суюги ва териси ўртасидаги масофа ҳам қисқаради.

– Их!

Эшак тўппа-тўғри қора нуқтани мўлжаллаб юрди. Мингберди ака машина овози келган томонга бир қараб олди. Узокда, кун ботишда қишлоқ йўли жар-

лик устидан ўтган. Бир «Дамас» эски кўприкнинг қаеригадир қисилиб қолган, шунча кучанса ҳам чиқолмаяпти. Дўрмонбойнинг машинаси бўлса керак, шаҳардан қайтадиган вақти ҳозир.

Мингберди ака ўйлади: «Бизнинг Мовадан ҳеч ким ҳажга бормади. Қурисой, Чаёни, Нолиларда эса ҳожилар кўп. Мен ҳам борармиканман? Йўқ, кучим етмаса керак. Яхшиси, Мованинг йўлини тузатаман, жарга янги кўприк қурдираман. Йўл қурган, кўприк солган Ҳажга борган билан баравар дейишади-ку».

Кора нуқта қимиirlади. Уват четида ўрмалади. Тўғрига юрса, дўнгликнинг нариги томонига ўтиб кўздан йўқолиши мумкин. У ёқда Мингберди аканинг асосий нўхатзори ястаниб ётарди, чамаси етти гектарча бор.

– Их-е, ҳаром қоттур!

Мингберди ака оқаринқираб қолган соқолини силаб, ажин босган юзини яна-да тириштириди. «Кизларим бу йил мактабни битирди, – ўйлади у, – хотин бекорга пул керак демаяпти. Совчи келса, ўраб-чирмаб узатамиз. Бу ёғидан баракасини берсин, нўхат пул бўлса, ҳаммасига етади».

Кора шарпа ҳавога бир кўтарилиб, дўнглик ортига ўтиб кетди, «қаф» деган садо янгради. Битта қарға билан қиши келмас деганларидек, қароқчиларнинг икки-учтаси экинзорга таҳдид сололмас эди. Бироқ ўн олти йил муқаддам минглаб қарғалар ёпирилиб келганди. Уларни отиб ўлдириш учун қанчадан-қанча ўқ-дори, ҳайдаб солиш учун неча юзлаб одамлар зарур эди. Қишлоқ аҳли қарғалар олдида ожиз қолди. Дехқонлар тит-пити чиқариб ташланган да-

лаларда күз ёш тўкиб ўтиришди. Ўшанда оқсоқол деди: «Эй Мова халқи! Ўнлаб, юзлаб қарға тўдалари бирлашиб, бизга ҳужум қилди. Нега биз одам бўла туриб бирикмадик? Қарғалардан фақат биз эмас, қўшни қишлоқлар ҳам зарар кўрди. Қурисой ҳам ўзига бек, Чаёнли ҳам, Ноли ҳам. «Лалмикор ерлар фақат Мованики, бизга қарғалар ҳавф солмайди», дейдиганлар ҳам озмунча жабрландими?!»

Эшак қарға титкилаган жойга етгач, Мингберди аканинг кўзига дўнгликнинг нариги тарафи кўринди. Даҳшатли манзарага кўзи тушиб, эгардан йиқилишига сал қолди. Ўн-ўн беш қадам наридан бошлаб кўз илғаган жойларгача қоп-қора, ғиж-ғиж қарға эди. Сон-саноқсиз қарғалар ер титиб, шовқин солмасдан нўхат ахтарар, кирлаган, эски тумшуқларини ҳавога кўтарар-кўтармас нўхатларни култ этиб ютиб юборарди. Мингберди аканинг кишт дейишга тили айланмади.

Ногоҳон эшак ҳангради. Яқинроқдаги қарғалар чўчиб, шовқин-сурон билан қанот қоқдилар. Шунда бутун далани сон-саноқсиз «қағ-қағ»лар тутди, бирваракайига сал кам ўн мингга яқин қарға ҳавога кўтарилиди. Баъзилари талотўпда пастроқ учиб, Мингберди акани кўрмай қолди ва бошига урилиб кетаёзди.

Аянчли саҳна намоён бўлди. Гектар-гектар нўхатзорлар ҳосили йиғишириб олинганидан кейинги ахволга тушиб ётарди. Мингберди aka эшагидан тушди-ю бир-икки қадам ташлаб чўккалади. Кўзларидан дув-дув ёш тўкилди.

– Минг лаънат сенларга...

Қараса, бундай ўтиравериш ярамайди. Бир неча юз қарға галадан ажралиб полизга қўнаяпти. Индамаса,

думалаб ётган тарвуз-қовунларидан ҳам айрилгулик. Таёқни қўлига олиб қарғаларни ҳайдаб солди.

Мингберди аканинг эшаги қарғаларни ҳуркитиб юборган онда осмонни қарғалар булути қоплаб, Мова қишлоғининг ёшу қариси кўчага чиқиб томоша қила бошлиши. Эркаклар сўкинишар, аёллар қарғанар, болалар эса қушларни ўлдиришга рухсат текканидан севиниб тинмай тош отардилар. Даладан қайтаётган бир деҳқон бош чайқаб:

– Мингберди aka қарғаларни қувиб юрибди, бир ўзининг кучи етмайди, – деди.

Одамлар:

– Ҳа, қаёқдан ҳам кучи етади, – дейишди. – Қизиқда! Одам деган пулни қизғанмай, қоровул-поровул олади-да бундоқ!

Ўша куни хуфтонни ўқиб бўлган Мингберди aka нашахонасига кириб, ёнбошлади. Аёли чойни янгилақ келди.

– Буларга Николайнинг пулемёти бас келмаса, бошқа нарса кор қилмас, – деди Мингберди aka уҳ тортиб.

Хотини ўзини еб қарғанди. Агар бу қарғишларни юз йил яшаган қарғалар эшитишганида, улар учун янгилик бўларди.

\* \* \*

Эр-хотин нашахонада дардлашиб ўтирган маҳал эгизак қизлари – Зарнигор ва Гулнигор Дўрмонбойнинг ҳаммомида эдилар. Улар ҳам қарғаларнинг гўрига ғишт қалаб, қовоқларини уйғанларича чўмилардилар. Зарнигорнинг юзи тошмалардан чўтири

бўлиб қолгани упа ювилиб кетгач, яққол билинди. Гулнигор эса сутга чайиб олингандек оппоқ ва нафис эди. У ўз гўзаллигини бозорга солмаган, бу нарса хаёлига ҳам келмаган ҳаёли қиз эди.

Шу маҳал қирлар ортида машина чироқлари кўринди. Мова кўчасига ванғиллаб кириб келди-ю ўнқир-чўнқир кўчаларда тимирскаланиб Мингберди аканинг уйи яқинида тўхтади. Эшик очилиб, пўрим кийинган йигит тушди. Сигерета чекишни, мўйлов қўйишини яқинда одат қилгани каби Зарнигорга ҳам ошиқ бўлганига кўп вақт бўлмаганди. Йигит ўзидан атир ҳидини анқитиб қўшнининг дарвозасини тақиллатди. Шуни кутиб тургандек қилтириқ ўспирин бўй кўрсади.

– Қалайсан, Элкўз? – сўрашди йигит. – Бу мен, Қўчқор акангман.

– Ие, Қўчқор aka! – ўспирин қўшқўллаб кўришди.  
– Ҳозир Зарнигор опа уйларида йўқ.

– Нега уйда йўқ? – дея Қўчқор сигаретини туфлади. – Қарғалар еб кетдими?

– Ҳаммомга кетган.

– Узокдами?

– Дўрмонбой аканикида. Қишлоқнинг нариги четида.

– Ўша ёқса бошлаб бор, – амр этди Қўчқор.

Машина мотори ўчирилиб, эшиклар қулфланди. Иккови қоронги кўчадан Дўрмонбойнинг уйига йўл олишди. Дараҳт шоҳларида уйқусираган қарғалар онда-сонда қагиллаб қолар, қанотлар патиллар эди. Қайсиdir уйдан радионинг овози эшитилди: «Катрина тўфонидан зарар кўрган Янги Орлеан шахри

аҳолиси яна шаҳарга қайта бошлади. Айни вактда Рита тӯғони... таҳдид сола бошлади...»

Улар Дўрмонбойнинг уйи атрофини изғиб чиқишиди. Тўғридан борилса, итларга рўпара келинар экан. Шундоғам итлар занжирларини шилдиратиб хуриб қолишиди.

– Ҳаммом томондан кирса бўлади, – деди Элкўз.

«Эртароқ айтсанг ўласанми?» дегандек Қўчқор бошига тарс этиб урди. Сўнг иккиси дарчасидан ёруғлик тушаётган ҳаммом орқасига пусиниб боришиди. Элкўз шу ерда кутамиз, деб хато ўйлаганди. Ҳаммом дарчаси очиқлигини кўриб, Қўчқор энгашганча олдинга пилдиради.

– Элнинг кўзи, сен шу ерда қол, – деди у.

Қўчқорнинг сояси деворга қапишиди. Ҳаял ўтмай дарчага тирмашди. Кишлоқда итларнинг қалби пок эди, ҳушёр эди. Бир неча дақиқа улар ҳовлини бошларига кўтариб вовиллашди. Қўчқор ўз югурдаги билан кўчага қочиб чиқди.

Эгизаклар чўмилиб бўлишган эди. Бошларига рўмолларини ташлаб, тоғораларини қўлтиқлаб йўлга тушдилар. Элкўз уларга югуриб етди. Қайси бири Зарнигор эканини ажратолмагач, деди:

- Зарнигор опа, тўхтанг, сизни чақирайпти.
- Ким? – ялт этиб ўгирилди Зарнигор.
- Ана, – деди ўспирин қоронғиликни кўрсатиб.

Зарнигор қўлидагиларни Гулнигорга тутқазди. Гулнигор бундан эмас, опасининг нотаниш йигит билан учрашажагидан ранжиб, тўнғиллади:

- Яна бошляяпсизми, опа?
- Мен билан ишинг бўлмасин! – деди Зарнигор.

– Отам билан онамнинг биздан бошқа ҳеч кими йўқ. Одамлар айтмайдими, фалончининг қизлари...

– Вой ақлли-ей! Одамлар қарғалардан ҳам кўп бўлса...

Гулнигор кетгач, Элкўз севишганларнинг орқасидан пойлаб борди. Улар тол тагида тўхташди. Аввал ғўнфир-ғўнфир овозлар эшишилди. Кейин иккиси бир вужудга айланди. Элкўз яқинроқ борган эди, чор атрофдаги дарахтларда қарғалар питирлаб, ўтакасини ёриб юборди.

Қўчқор машинаси ёнига қайтганида, Элкўз сўради:

– Қаёққа йўқолиб қолдиларингиз, Қўчқор ака? Қарғага айланиб учиб кетдиларингизми?

– Мен бунисига эмас, Гулнигорга уйланаман,  
– деди Қўчқор. – Беҳаё қизлардан яхши хотин чиқмайди. Хотин танлашда адашишимга бир баҳя қолибди.

Машина чироқлари пастроқ шохларда ўтирган бир неча қарғани чўчишиб юборди. Мингберди ака ташқарига қулоқ солди. «Лаънатилар дастидан кечаси ҳам тинчлик йўқ» деди. Хотини эса хаёл суриб ўтирарди. Қарғаларнинг дастидан дехқончилигидан айрилди, энди қизларининг тақдири нима бўлади?

\* \* \*

Эртасига Мингберди аканинг фожиаси бошқаларнинг ҳам бошига тушди. Кечаги воқеа ҳолва экан. Бир пайт уфқда ғубор кўринди. Чангми, туманми, билиб бўлмасди. Яқинлашгач, Мова халқи анграйиб қолишди. Кўрганлари бостириб келаётган

сон-саноқсиз янги қарға ҳам галалари эди. Дунё ҳам дунё бўлиб, бунчалик кўп қарға бир осмонга тўплангани шоҳид бўлмаган эди.

Қарғалар бошқаларнинг нўхатзорларга мур-малаҳдай ёпирилдилар. Қароқчилар ҳеч нарсадан тап тортмас, кесак отишса, қувиб ҳайдашса, ўн-ўн беш қадам нарига гувва қўниб, яна ер титкилашга, нўхат ахтаришга уннашарди.

Кечқурун қароқчилар тунаш учун атрофдаги дарахтларни, тепаликларни, ҳатто қабристонни ҳам ишғол қилишди. Биринчи куннинг ўзидаёқ ҳар ким ўз экинзорини ва ҳовлисини ҳимоя қилиб чарчади. Қарғалар ҳам талофат кўрди: йигирма еттига қарға ўлдирилди. Аммо қарғалар учун бу бир қоп гуручдан яrim қисм тўкилди дегани эди, холос.

Бало келса, ирим ҳам кучини йўқотаркан. Баъзи дехқонлар отиб ўлдирилган қарғаларни далаларига осиб қўйиши, баъзилар шақилдоқлар ясашди. Икки кун ўтар-ўтмас қарғалар ўлик биродарлари осилган дорга қўнар, шақилдоқ устида қувлашмаочоқ ўйнашарди. Овчилар шунчалик кўп ўқ отишдики, дехқонлар ўқ-дори харажатларини нўхат ҳосилидан қоплай олишмаслиги аён бўлгач, милтиқларини елкага осишиб, жўнаворишли.

Шу йил қилинажак барча тўй-ҳашамлар тұхтатилди. Айримлар «Нўхат сотсам бераман» деб қарз олишни мўлжаллашган эди, ҳеч ким уларга қарз бермай қўйди. Қарғалар нўхатларни эмас, қоп-қоп пулларни, дангир-дунгур тўйларни, бола-чақаларнинг ризқини, ҳатто ҳали туғилмаган чақалоқларнинг насибасини еб-битираётган эди.

Кураш қизғин кетаётган дамда Мингберди аканикига совчи келди. Зарнигорнинг оғзи қулоғида эди. Мана, Қўчқорнинг севги изҳорларини бир дегандан қабул қилди-ю, кам бўлмади. Ноли қишлоғининг олдйигитларидан бири совчи қўйди.

Ширин хаёлларда совчиларнинг гапини пойлаётган Зарнигор ток ургандек сапчиб тушди. Буларга нима бўлган? Гулнигорни сўраяптиларми?

Қулоқларига ишонмади. Бироқ онаси чиқиб, мудҳиш ҳақиқатни ошкор этди:

– Гулнигор қаерда? Совчиларни кўриб қочиб кетдими? Нега қаққаясан? Синглингни топ. Ноли қишлоғидаги Қўчқор деган йигитдан совчи келибди, де. Таниса керак. Бекорга совчи келмас.

– Адашмаяпсизми? – безрайди Зарнигор.

– Нега адашарканман? Олдида опаси бор десам, «Эгизлар опа-сингил ҳисобланмайди, Зарнигорнингизга ҳам куёв чиқади», дейишиди. Бу куёв жуда пишиқقا ўхшайди. Узоқдан икковингни кўриб, «Қайси бири босикроқ бўлса, ўшанисига уйланаман» деганмиш. Сенга неча марта айтдим, бегоналарни кўрганда тишингнинг оқини кўрсатаверма, деб.

Зарнигор ташқарига югуриб чиқди. Хунук юзи тиришиб, қарғаларни ҳам чўчитиб юборди.

– Ўл-э, қағилламай! – деди ва кечагина ишқий саргузаштларига гувоҳ бўлган кўча бўйлаб чопиб кетди.

Гулнигор инқиллаб-синқиллаб икки челак сув кутариб келаётган эди. Ҳовлиқсан опаси дилини вайрон этди.

– Сенга Қўчқор совчи жўнатибди! Тегасанми? Менга илакишиб, энди сенга совчи қўйган ўшаtentакка тегасанми?

- Нима? – ҳеч вақони тушунмади Гулнигор.
- Зўр йигит! – телбаларча ишшайди Зарнигор. – Тегасанми?
- Жинни бўлдингизми?
- Ишонмаяпсанми? Ана, уйда совчилари ўтирибди! Ростдан сенга келибди! Ишонмасанг, онамдан сўра! Юр! Юрсанг-чи тезроқ!
- Қарғадан баттар мияси йўқ экан, – деди Гулнигор. – Агар сиз билан алоқаси бўлмаганида ҳам тегмасдим унга.

Зарнигор шарт ўгирилиб, Гулнигордан узоқлашди.

- Онам сени кутаяпти, – деди сал наридан. – Эрга теккинг келса, бориб айтаркансан.
- Теккингиз келса, ўзингиз тегаверинг! – Гулнигор чеълакларини жаҳл билан кўтарди.
- Совчи менга келмабди, деяпман-ку!

– Ҳозироқ кириб ўша совчисига айтаман. Биз одаммиз! Нўхат донаси эмасмиз! Кеча сизга, бугун менга оғиз соладими сурбет!

Бироқ Гулнигорнинг айтгани бўлмади. Қиз йиғлаб-сиқтамасин, кейинги гал совчиларига розилик беришди. «Қарғалар нўхатимизни еб кетишди», деса ҳам қараб ўтирмадилар. «Қўчқоржон аввалдан Гулнигор ҳақида эшишиб, зимдан кузатиб юрган экан, тўй бошласак, Худо беради», дейишди.

Унаштирув маросими ўтказилди. Мингберди aka уйидаги бор-будини сотиб, қизининг сепидаги камчиликларни тўлдириди. Қарғалардан омон қолган тарвуз-қовунининг пулидан қайтариш шарти билан Дўрмонбойдан қарз ҳам кўтарди.

Қудалар түйга ҳамма жиҳатдан тап-тайёр экан-ликларини оғиз күпиртириб мақтанишди. Никоҳ түйи яқин экани айтилди.

Уларнинг мақтанчоқлиги Мингберди аканинг қариндошларига ёқмади.

– Буларда картошка экилгани учун қарға кам, – деди бири. – Биздагидек лалмикор бўлганида момоларини кўрардилар. Бойлигини қарғалар биттабитта чўкиб кетса, мақтаниш қанақалигини томоша қиласдик.

– Э, қанақа бой? – шивирлади иккинчиси. – Куёв бўлмишни «Кўчкор ўғри» дермиш. Кўли эгри, қасамхўр, диёнатсиз бола экан. Оиласиям ўртача. Ноли қишлоғининг одамлари доим нолиб яшаган. Бугунга келиб нолиш ўринини мақтанчоқлик эгаллади. Ўзи аслида нолиш билан мақтанчоқлик битта одамнинг оғзидан чиқади.

Мингберди ака қизини узатаётганидан мамнун эди. Гулнигор йифидан шишган қовоқларини яшириб, уй юмушлари билан андармон юрарди. Кўчкор келса, афтига ҳам қарамасликка аҳд қилди.

У ёқда Кўчкор арzon костюм-шим олишга кўнмай кун-кун ора ота-онаси билан жанжаллашарди. Таниши миллион сўмга чет элнинг костюм-шимини кўрсатди-ю икки оёғини бир этикка тиқди, лекин ҳеч қаердан ортиқча пул тополмади.

Бир одам ўн вагон тарвуз-қовун харид қилиб, хорижга олиб кетишини айтганида, Кўчкор ўйлаб-нетиб ўтирмасдан ўзи мижоз бўлишини айтди.

– Қовун-тарвуз экмайсан-ку? – деди савдогар. – Сенга ишониб, вагоним бўш қолмасин, ука.

– Фам еманг, – деди Құчқор. – Деконлардан танишларим күп. Менга бир теляжка қовун-тарвузнинг пулини тайёрлаб қойинг, айтган вақтингизда станцияга етказаман.

\* \* \*

Коронғи кечаларнинг бирида дераза тақиллади. Гулнигор чироқни үчириб, бошини ёстиқ остига тикди.

– Менга қара, – деди эшиқдан ҳалоплаб кирган Зарнигор, – Құчқор келибди, учрашмайсанми? Шунчалик турмушга чиқишни истамасанг, үзим гаплашиб құяман у билан.

– Илтимос, Құчқорни гапирманг менга, – иғфламсиради Гулнигор. – Күргани күзим йүқ!

– Нега унда рози бұлдинг?

– Отамнинг раъйига қарши боролмадим.

– Шунга мени ишонади, дейсанми?

– Сиз шу гапни айтаяпсизми?

– Одамнинг ичидаги оласини нафақат опаси, үзи ҳам билмайди.

– Унда гапларимни эшитинг! – ўрнидан турди Гулнигор. – Құчқор аввал сиз билан учрашиб, кейин менга совчи юборганини отамга айтаман! Сиз у билан учрашувга чиққансиз! Ҳаммомга борган күнимиз! Отам билса, юзига қандай қараймиз? Оила-миз учун бу иснод барибир сирлигича қолмайди! Биз яширганимиз билан... эл эшитади анавидан!

– Вой тавба! – каравотнинг четига чўккан Зарнигорнинг оғзи очилиб қолди. – Шу гапни отамга уялмай айтасанми? Отамнинг ҳам ғурури бор. Тўйни

бузолмайди. Куёви қизларидан бири билан севишиб, иккинчисига уйланганини билиб, умрбод қийналиб яшайди. Шу керакми сенга?

– Ҳамма балога ақлингиз етар экан, нега мени қийнайсиз, опа?

– Қулоқ сол, – пичирлади Зарнигор эгизининг қўлларидан тутиб. – Қўчқордан ўч олишни режалаشتариб юрибман, шунинг учун кўнглим хотиржам, шоду хуррамман. У бизнинг устимиздан қандай кулган бўлса, биз ҳам унинг устидан куламиз. Йигит зоти билиб қўйисинки, бир қизни қўғирчоқдек ўйнатиб, сўнг бошқасига, айнан ўзининг тарихига гувоҳ қизга, яна де, синглисига ғолибона уйланиш қандай оқибатга олиб келишини! Қишлоғимиз аҳли учун қарғалардан бошқа муаммо йўқ! Аслида қарғалар муаммо эмаслигини кўрсатиб қўйман!

Гулнигор қовоғини очмай сўради:

– Қанақа режа?

– Тўй куни кийимларимизни алмаштирамиз.

– Нималар деяпсиз? Ахир...

– Кийимларимизни алмаштирамиз, – такрорлади Зарнигор. – Қолганини менга қўйиб бер, сингилжон.

Ташқарида Қўчқор анча вақт кутди. Сигарет кутиси бўшаб қолгани баттар ранжитди. Элкўз экинтикинларини қўриқлашда акаларига ёрдамлашгани кетган бўлиб, кечаси ҳам чайлада ётиб қоларди. Бугун югурдак ўспирин икки масалада унга керак эди. Биринчидан, Гулнигорни чақириши, иккинчидан, адирларнинг энг чекка ҳудудидаги полиз кимники, қоровул қанақа одам эканини айтиши лозим эди.

Чирт этиб тупурди Қўчқор. Ўйлаб кўрса, ҳозир Гулнигор, Элкўз кабиларни кутишга ҳожат йўқ. Бугун қовун-тарвуз топиши керак.

Мингберди ака ҳам тупурди. Оғзида носвойнинг қолдиги қолган экан. Сўнг булутли осмонга қаради. Хаёлига бир ўй келди: «Ўғлим бўлганида эди...»

Чайла сари юаркан, қариётганини ҳис этди. Яна бир неча йил ўтиб бутунлай қариб қолса керак. Камчаткадек узоқ далада қайси қизи дехқончилик қиласди. Аёли-ку қишлоқдан чиқолмаса.

«Қовун-тарвузни эртага уздирсаммикан?» деди ҳаял ўтмай.

Эшаги ҳангради.

«Тўғри, – деди Мингберди ака, – нўхатларимдан айрилган жойга қачонгача юрагимни эзив қатнайман? Бир мошин чиқадими, икки мошинми, тергизаману кетаман. Тўй ҳам яқин».

Тарвуз пўчоқларини эшагига тўғраб, чайласига қайтаётиб уфқда кўринган бежо чироқларга хавотир аралаш тикилди. Овоз эшитилди. Шиддат билан трактор бостириб келарди. Яқинлашгач, орқасидаги теляжкаси ўнқир-чўнқирларда шарақ-шуруқ этаётгани ҳам қулоқقا чалинди. Чолга ёқмаётгани – трактор йўл қолиб, тўппа-тўғри нўхатзор оралаб келмоқда эди. Далада тунаб қолган битта-иккита касал қарғалар қағиллаганча ўзларини четга олишди.

Мингберди ака шубҳа-гумонлар исканжасида таёққа суюниб туарди, таёқ эса қалтиради.

Трактор тўхтаган заҳоти кабинадан бир йигит сакраб тушди. Чироқлардан кўзлари қамашган Мингберди ака икки-уч қадам ташламасданоқ нотаниш кимса етиб келди.

– Кимсан? – сўради Мингберди ака.

Жавоб айтилмади. Сўйил ҳавога кўтарилиди-ю деджоннинг бошига тушди...

Кўзини очса, қуёш тиккага кўтарилиби. Киприклирида қон қотиб қолиби. Бўшалиб кетган эшаги сочилиб ётган тарвуз пўчоқларини емоқда. Ҳар замонда эшакчасига пишқириб қўяди.

Мингберди ака кунпаякун этилган полизга синиқ нигоҳини югуртириди. Тунги босқинчилар қовун-тарвузларнинг сараларини териб кетишган, у ер-бу ерда кўзга ташланаётганлари бир арава ҳам чиқмасди.

Эшагини миниб қишлоқقا қайтди. Ҳозирнинг ўзидаёқ ички ишлар идорасига хабар беришни ўйлаб бораётганди, қишлоқقا кираверишда бир эмас, тўртта милиция ходимини учратди. Улар Мингберди аканинг афт-ангорига қарашибди-ю янада сергак тортишди.

– Сизга ҳам қарғалар ҳужум қилишдими? – йўлига пешвоз чиқди бири.

– Йўқ, – деди Мингберди ака, – менга одам ҳужум қилди.

Таъзия овози қишлоқ бўйлаб ёйилди. Мингберди ака сергакланиб, атрофга аланглади. Милиция ходимлари эшагидан суюб тушираётганларида совук овоз ўз кўчасидан эшитилаётганини англади.

– Нима бўлди? Гапирсангиз-чи! – тергади ходимлардан бири.

– Кечаси тракторда иккита йигит келди... Бошимга уриб, қовун-тарвузни териб кетди...

– Э, гап бу ёқда денг! – Милиция ходими рациясида гапирди: – Бу ерда босқинчилик ҳам содир бўлибди...

- Ким ўлди? Ким? – сўради Мингберди ака.
- Бир болани қарғалар чўқиб ўлдирибди. Элкўз деган бола. Ҳайронмиз, қарғалар ҳам шу даражага бориши мумкинми? Калхат, бургутларни эшитганмиз, лекин... – Милиция ходими бошини сарак-сарак қилди.
- Қарғалар бу йил роса қутурди, – деди Мингберди ака.
- Бола қарғачалардан бирини ушлаб, оёғидан боғлабди-да, нўхатзор бўйлаб чопибди. Кутилмаганда юзлаб қарғалар ёш қарғачага ёрдамга шошилиб, Элкўзни чўқилаб ташлашибди. Кўп қон йўқотиб ўлибди шўрлик. Одамлар ҳам қизиқ. На биринчи ёрдам кўрсатишни билади, на дўхтирга тезроқ олиб боришни. Минглаб гектар нўхат экишга ақли етган инсон ўзининг шароитини қилиб қўйишни қачон ўрганади? Топган-тутганларини нималарга сарфлайди ўзи, ҳайронман. Уй-жойлари ҳам ҳашаматлимас, машиналар гаражларда чанг босиб ётибди, кўчалар ўнқир-чўнқир.

– Топганини тўйга сарфлайди-да, – деди сал наридаги бадқовоқ ходим.

Мингберди ака юзига фотиҳа тортди.

- Босқинчиларни танидингизми?
- Йўқ, – деди Мингберди ака.

Кишлоқ алғов-далғов бўлиб кетди. Бир ёқда ўспирин оғир жароҳатдан ўлган, бир ёқда Мингберди акани ўласи қилиб дўппослаб, қовун-тарвузларини ўмаришган.

– Бирор чора кўриш керак! – деди биров.

– Халқ бириксин-да бундок! – чийиллади бошқаси.  
– Қачонгача бу ахволда юрамиз? Қарғалар бирикканда, биз бириколмаймизми?

\* \* \*

Туман ҳокимиятининг аралашуви билан «Овчилар жамияти»дан эллик еттига овчи бепоён лалмикор далаларга – қарғаларга қарши урушга сафарбар этилди. Уларга бир арава ўқ-дори ажратилди. Ошов оқатини эса қишлоқ хонадонлари тайёрлаб берадиган бўлишди. Уч кун мобайнида қирғин-барот бўлди, аммо шу тахлит қарға отаверсалар, қароқчиларни бутунлай йўқотиш учун роппа-роса бир йил вақт кераклиги хисоблаб чиқилгач, овчилар уй-уйларига тарқалишди. Уларнинг қарға отишдан бошқа муҳим ишлари ҳам кўп эди.

Бу орада Мингберди аканинг иши бўйича тергов ҳам совиди. «Жиноятчиларнинг изига тушдик, тезда топамиз», дейишли ички ишлар ходимлари. Мовага бегона одамлар келмай қўйди. Еру кўкда ҳамон қарғалар ҳукмрон эди. Одамлар ўз ерларига бўлиниб, ҳар ким ўз даласини қўриқлаб яшай бошлашди.

Кимнингдир таклифи билан кекса-ю ёш бир бўлиб дуо ўқийдиган бўлишди. Дуоибаддан сўнг юзига фотиха тортаётганлар орасида Гулнигор ҳам бор эди. Шу тобда унинг хаёлидаги тимсол қарғалар эмас, Қўчкор эди. Мўъжиза юз берса-ю тўй тўхтатилса! Қўчкор билан умрбод бирга яшаш у ёқда турсин, қайтиб то абад турқини кўрмаса!

Кун қизиди. Кексаларнинг айтишича, бу – кучли ёмғирдан далолат эмиш. Шунча балои қазо етмаган-

дек қишлоқса сел келиши, экинзорларни ювиб кетиши хавфи сезилиб қолди.

Ўша куни Кўчкор машинасида келиб, тўғри оқсоқолнинг уйига борди.

– Эшитган бўлсангиз керак, оқсоқол бова, – деди у, – келгуси ҳафта кучли ёмғир ёғар экан. Радиодан ҳам айтди. Мен буни об-ҳавони аниқлаш бўлими-даги бир ўртоғимдан аниқлаштириб билдим. Ёмғир селга айланиш хавфи бор, деди. Айниқса, мана шу ҳудудга қийин бўлармиш. Қолган-қутган экинларни ҳам тоғдан келадиган сел олиб кетмасин, деган ташвишда юрибмиз-да. Ҳозир қанча уйларнинг томи яроқсиз, умуман, пойдеворига ҳам ишонч йўқ...

– Нима қил дейсан, ахир? – Оқсоқол ҳеч нимага тушунмасдан аччиғи чиқди.

– Сиз оқсоқолсиз, – дея ётиғи билан тушунтиришга уринди Кўчкор, – одамларга айтинг, минг сўмминг сўмдан пул йиғиб берсин. Булутларни отиб, ёмғирнинг олдини оладиган жойда танишим ишлайди. Ёмғир қуядиган жойга гумбурлатиб снаряд отади, кучли портлаш қуюқ қора булутларни титиб юборади. Эшитганмисиз ўзи шунақасини?

– Эшитганман, – деди оқсоқол жаҳлдан тушмай.  
– Одамларда ҳозир пул йўқ. Мовага сел келадими, қарғалар кўқдан тезак ёғдирадими, энди одамларга барибир.

– Ўлай агар, ёлғон гапирганим йўқ. Халқни ўйланг.

– Сен бола Мингбердининг куёвисан-а? Унда иккала қулоғинг билан ҳам эшитиб қўй! Булутни

ҳайдаш билан давлат шуғулунади, сен ўртага тушиб даллоллик қилма! Халқ ҳам сенинг ташвишиңг эмас!

Күчкор пул ундиrolмаганидан хуноб бўлиб изига қайтди. Тўйи ҳам шу ҳафта бўлиши керак эди. Костюм-шим олишга олди-ю энди ФХДЁга бориш учун «Лимузин»га пул етмаяпти.

\* \* \*

Кудалари тўй кунини белгилагач, Мингберди ака шошиб қолди. Қиз узатиш ўз-ўзидан бўлармиди. Яхшиямки, қариндош хотинлар рўмол, кўйлак, жемфер, турли матолар қўшишди. Ким нима қўшса, тўйида қайтаради ўзбек.

Бир кун олдин Мингберди аканикида «сабзи тўғраш» бўлди. Узокдан қариндош-уруг келишган. Тўртта одамнинг боши бириқдими, дунё ташвишларидан гапирилади. Бири қарғаларнинг оғатидан сўз очса, иккинчиси ўлган ўспириннинг руҳини чирқиллатиб, қарғачани қийнаб, қарға халқини қасосга бошлаганини гапиради. Яна бири тарвуз ўғриларининг топилмаётганини айтиб, тўй эгасининг ярасини тирнаса, иккинчиси «эртага жала қуярмиш» деб дилни баттар хуфтон қиласди.

Мингберди ака жойидан секин қўзғалди. Қоп-қора осмонга тикилиб, эрталабгача очилиб кетишини тилади.

Сабзи тўғралиб, ош ейилиб бўлгач, осмон даставвал секин гулдиради, кейин эса қарсиллаб кетган эди, меҳмонлар чўчиб тушиб, елкаларини қисишиди. Зарнигор ва Гулнигор кўчадан чопиб келишди. Улар ҳаммомга кетишган эди. Мингберди ака бемахалда

юргани учун қизларини койимоқчи бўлиб айвондан чиққанда ёмғир шариллаб қуиб берди.

– Ана тўй, мана тўй! – деди кимдир.

– Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади, – деб бир четга ўтиб қўнишди Мингберди ака. – Ҳамма нарсамдан айрилганим етмагандек, ҳеч бўлмаса, қизимнинг тўйида ёмғир ёғмаганида-чи! Пешонам бунчалик шўр бўлмаса!

Бошланиши чакки бўлмади. «Сабзи тўғраш»га чиққан қўшнилар уй-уйига тарқалишди, меҳмонлар ҳам тўшакларига кирдилар. Ярим кечаси ёмғир че-лаклаб қўя бошлади. Осмондан че-лаклаб, эмас, боч-калас сув қуишлишидан даҳшатга тушган одамлардан уйку қочди. Кишлоқ четидаги бир дараҳтга яшин тушиб, юздан зиёд қарға тил тортмай ўлди.

Булар ҳеч гап эмас экан. Кўп ўтмай осмон шовиллай бошлади. Тўқсонга кирган қариялар ҳам умри бино бўлибдики, бунақа даҳшатли тунни кўрмаганини айтишиб, калимасини қайтараверишди. Мингберди ака осмонга қулоқ солиб, шовиллаб яқинлашаётган нима эканига ақли етмади. Катта офат келаётганини фаҳмлади. Бу офатдан унча-мунча одам соғ қолмасов.

Ниҳоят, шовиллаётган бало ерга етиб келди. Булар ёнғоқдек-ёнғоқдек келадиган дўл эди. Биринчи галда фақат шифер билан ёпилган айвон талофат кўрди: дўл тасир-тусир урилиб эски шиферларни илма-тешик қилиб ташлади. Шамол учирмасин дея шиферга бостириб қўйилган тошлар айвон ичига қулаб тушгач, айвонда ухлаб ётган меҳмонлар «Вой ўлдик! Тош ёғаяпти!» деб ичкарига ура-сурा қочиб кирдилар.

Меҳмонлардан бирининг «Жигули»си очиқда турган эди, дўл қалин ойналарни тўкиб ташлади. Дўл зарбларига Мингберди аканинг садоқатли эшаги ҳам дош беролмади: ҳанграётган овози бўғзига тиқилди-ю гуп этиб кўлмакка йиқилди. Ерни оппок дўл қоплади.

Тонгга яқин олам сукунатга чўмди. Эриниб-эриниб офтоб бош кўтарди-ю Мова халқи ўз қишлоғини танимай қолди. Эски томлар, деворлар, дараҳтлар вайрон бўлиб кетганди. Кўчалар, томорқалар, дала-лар қоп-қора қарға ўликлари билан тўлиб-тошганди. Дараҳтларнинг тагларида эса уюм-уюм қарға ўликлари қалашиб ётарди. Ариқларга, қувурларга қарға ўликлари тиқилиб қолгани учун сув кўчаларга, уйларга тошиб чиқмоқда эди.

Шунда ҳам Мингберди аканикода тўй бошланди. Тўй карвони юриши учун йўлларни қарғалардан тозалашга иккита трактор келтирилди. Мингберди аканинг кўчасининг ўзидан икки теляжка қарға ортилди. Баъзи қарғалар ўлмаган эди, кўзларини йилтиратиб, «ғийқ-ғийқ» этиб ётардилар. Ўлган деб ҳисобланганларини ҳам босиб кўришса, ғийқ этган овоз чиқаради.

Тушга яқин куёв ташриф буюрди. Зарнигор юзига упани қалин суртгач, Гулнигор каби чиройли бўлди. Кўчкор келинчак либосидаги Зарнигорни танимай, ғолибона илжайди.

– Жонгинам, энди меникисан, – пичирлади ўзига ўзи. – Киё ҳам бокмасдинг. Бир умр хотиним бўласан...

«Ёр-ёр» арафасида Мингберди аканинг енгидан кимдир тортди. Қараса, нотаниш одам.

— Мен жиноят қидирув бўлимиданман, — деди у. — Сизга тан жароҳати етказган, қовунтарвузларингизни ўғирлаган босқинчи-ўғриларни аниқладик.

— Бугун қизимнинг тўйи...

— Биламиз. Сизга афсус билан маълум қиласманки, босқинчиларнинг каттаси анави куёвингиз.

— К... куёвим?..

— Ҳа, ҳозир шеригини ушладик. Навбат куёвингизга.

— Тўй... тўй бузиладими?

— Сизни ўласи қилиб дўппослаган, ҳосилингизни ўмарган йигитни куёв қилишни шунчалик хоҳдайсизми?

— Қизимнинг тақдири-чи? Гулнигор чидаёлмайди... У жуда кўнгилчан қиз...

— Бўлмаса, ҳозир қўлга олмаймиз. Тўйи ўтсин. Биз ҳам ўзбекчиликни яхши тушунамиз, ака.

Мингберди фуқаро кийимидағи изқуварга илтижоли боқди. Изқувар ёнидаги йигитга бош иргади. Иккиси машинага ўтиришди.

— Бу ер Мова қишлоғи эмас, — деди изқувар. — Қишлоқ номини тескари ўқиш керак.

— Унда куёвнинг қишлоғи ҳам Ноли эмас, — лаб бурди иккинчиси. — Тескари ўқиш керак.

## ОДАМ БЎЛИШ АЗОБИ

Қуёш тиккага келди. Терга пишган Охун aka эшакларни сойга ҳайдади.

— Даврон, — деди сояда ётган шеригига, — айрондан қолдирдингми?

Йигит хаёл оғушига ғарқ бўлганди. Бошини иста-  
майгина чайқаб, яна кўзларини юмди.

– Итнинг кўзига из, ошиқнинг кўзига қиз кўри-  
нади, – деб минғирлади Охун ака, ўзича. Сўнг завқи  
келди шекилли, хитоб қилди: – Ўзим сув ичмасам  
ҳам эшакларим ичади. Юр, суғориб келамиз, Даврон!  
Оқ эшагимга ўхшаб бунча мазанг йўқ?

Эшаклар учта эди: оқ, қора, малла.

Даврон бир кўзини очиб, кулимсиради.

– Эҳ, Охун ака-ей! Нуқул эшагим дейсиз-а! Хумо-  
ранинг отаси «Даврон ўша Охун билан ишляяптими,  
одам бўлмайди, унақага қиз бермайман», деганмиш.  
Майли, бермай қўя қолсин.

– Ие, кўнгил уздиларми?

– Хумора барибир меники. Отаси берса-бермаса  
меники.

Давроннинг юзи бужмайди. Бу ичгиси келаётга-  
нига далолат эди. Гавдасини хиёл кўтарган эди, Охун  
аканинг билимдон калласи эшаклар орасида қорайиб  
кўринди.

«Шунча эшакни цехда ишлатаБтганига қойил  
қолиш керак, – деди Даврон ичида, – бир имо қилса,  
учаласи ҳам тизилади, бетон қориладиган жойга  
бирин-кетин келаверади, хуржун ўрнига осилган  
идишларга Охун аканинг қоришма қўйишини кути-  
шади, кейин ғишт қуйиладиган майдонга – менинг  
ёнимга шошилишади. Охун ака «блок» ғиштнинг  
ҳақиқий устаси-да. Бекорга халқ уни Охун блокчи  
дейдими. Идиши бўшганини сезган эшак яна бетон  
қориладиган хумга – Охун аканинг олдига ошиқади.  
Бечора эшаклар иккимизнинг ўртамиизда неча минг

марта қатнаган экан? Нолимайди ҳам, зерикмайди ҳам. Мен эса... эшакча ҳам бўлолмайман. Қачон майхўрликдан қутуламан? Қачон уйланиб, ҳаётимни изига тушираман? Архитектура институтини тугатиб, марказдаги ғишт заводида бир йил ҳам ишламадим. Қизиқ, мен қўл остимдаги уч ишчи билан келишолмадим. Охун акага таққослаганда, ҳақиқатан ҳам гўл ва гумроҳман. Одамни ишлатолмадим. Одамга аччиқ қилиб, ишдан бўшадим, ичкиликка ружу қўйдим...»

Қайтиб келган Охун ака Давроннинг дардини тушунди. Бугун ҳам тушлик чоғида бошламоқчи экани очиқ-аён эди-да.

Яғири чикқан дўпписини олиб, сояга ҳоргин чўкди.

- Иссиқда қандай ичасан? – деди дўпписи билан елпиниб.
- Ичаверамиз.
- Ичма, ука, ичма.
- Ким маслаҳат бераяпти? Устозимми? – кулди Даврон.
- Сенга блок ғишт бўйича устозман, ичиш бўйича эмас.
- Қўйсангиз-чи, ака. Охирги вақтларда сал ўзгариб қолганингизни айтмасак, нўш айловчиларнинг қиролисиз-ку.
- Хатони қанча эрта тузатсанг, шунча яхши, Давронбой.
- Бугун бир айтганимни қилинг, ака. Қўлингиздан ичмоқчиман.

Охун ака шишадаги спиртни ҳидлаб күрди. Қанча сув қўшиш кераклигини чамалади-да, сири учган бочкага ботирди. Сув қуийб бўлиб, идишни қўзғади.

– Икки марта қўзғаш керак эмас, – деди бир дақиқада тайёр бўлган ароққа тикилиб. – Куч билан қўзғасанг, етади. Иккинчи қўзғашда спирт яна ажralади, сув билан яхши бирикмайди.

– Айтдим-ку, сиз спиртсменсиз, – хурсандлигини яширмади Даврон.

– Охирги марта ичишим, – Охун аканинг ранги гезарди. – Чин сўзим.

Томоғини кўйдириб ўтган спирт сархушлик пайдо қилгач, Даврон деди:

– Уйланолмасам керак, Охун ака, ўзимни ўзим алдаяпман-ов. Беш йил қурилиш институтида ўқидим, заводда бир йил ишладимми, йўқми, ишим судга оширилишига сал қолди. Қишлоғимизга келиб, мана, сиз билан шу корхонани юргизиб турибмиз. Қишлоқдошларнинг мен ҳақимдаги фикри яхшимас. Қизнинг ота-онаси кимдан сўрайди? Шу одамлардан-да.

Охун ака негадир эшакларига қараб қўйди. Томоқ қириб олиб, сўради:

– Зикр нима деяпти, ўзи?

– Э-э, – Даврон қўл силтади, – Зикр ака муҳаббатга тушунармиди? Совчиларни қайтарди. Хумора мендан бошқага тегмайди, уни фақат мен олишим керак, мен! Зикр акалар қўлга қарайдиган, мансабни, бойликни суриштирадиган одамлардан.

– Хих, ким бўпти ўша Зикр? Нимасига катта кетади? Сендек ўқимишли, ҳамқишлоқ, бунинг устига

ошиқ йигитни қаердан топади? Одамлар қизиқ. Йигитнинг бирор ёмон одати бўлса, гапни кўпиртираверади. Зикрнинг ўзи ичмаганми? Хотинини ўлдирворган қотил у!

– Катта кетиш учун айтарлик бойлиги йўғу, – бошини қашиди Даврон, – аммо қизини бойга бермоқчи.

– Бойга? Тавба! Бойликни эшагим ҳам тополади.

– Бой бўлмаса ҳам, мендан тузукларга-да, ака.

– Сенинг бузуқ жойинг борми? – чўрт кесиб гапирди Охун ака. – Айтаяпман-ку, бўладиган инсон камчилигини секин-аста тузатиб олади. Эрта-индин сен ҳам иродангни ишга соласан. Эҳтимол, шу корхонани ривожлантириб, марказдаги заводдай қиворарсан. А? Нима дединг?

– Ўзимизга ўзимиз яхши кўринамиз, – оғир уф тортди Даврон. – Четдан қараган киши тамом бўлаётганимни кўради. Ичмаган куним борми? Ҳатто қозонимга бир парча гўшт солишини хаёлимизга келтирмайман. Бир томондан Зикр ака тўғри қилаяпти, – тўсатдан Давроннинг кўзлари ёшланди. – Отам мастилик оқибатида ўлди. Умр бўйи ичди, на бойлик тўплади, на обрў. Ҳаммасига ароқ сабабчими? Бизнинг хонадонни ароқ хароб қилдими? Шуни мен била туриб нега ичаман? Отаси ичган ҳар бир фарзанд албатта жабр кўриб улғайган бўлади. Аслида ароқни отамнинг қотили деб ўйлашим керак. Қаерда дуч келсам, бутилкасини синдириб ташлашим шарт...

Даврон юзни четга буриб, кўз ёшини артди. Қорни очиқиб, ютиниб олди.

– Зикр ака шунинг учун қизини бермаяпти. Институтни тугатиб, бир тўда эшакнинг орасида юрган йигит гўр бўлармиди, дейди.

– Ҳей, – ялт этиб қаради Охун ака, – эшакларимга тил теккизма! Улар сендан ақлли, Зикрдек қотил эмас!

Даврон аччиқ тиржайди, бошини кинояли лиқиллатди.

– Биз ана шунақамиз, Охун ака. Бир одамнинг баҳтини эмас, эшакларни ўйлаймиз.

– Вей, – кесатди Охун ака ҳам, – эшакни ўйла-май кимни ўйлайман? Эшаклар меҳнат қилиб, бизни боқаяпти. Севги нима беради?

– Сиз ҳам севиб уйлангансиз-ку!

– Нима? – Охун аканинг ранги учди.

– Айтаман-да, ака.

Охун ака бирдан бўшаши. Ғалати бўлиб кетгани Давронга сезилди.

– Севги дейсан, ука, – деди Охун ака зўр-базўр, – севги катта баҳт. Аммо дунёда хиёнат ҳам бор. Шуни унутма.

У ўрнидан туриб, қабристон томон кета бошлади. Даврон букчайган қоматга, эгилган бошга, шалвира-ган қўлларга бокди.

– Помидор олиб келай, салат қилиб еймиз, – деди Охун ака ўгирилиб қараб қўяркан.

Даврон кечқурун ҳаммасини ҳал этишини кўнгли-га тугди. Хуморани чақиради-да, айтади: «Дадангни кўндинг ёки мен билан қоч...»

Охун ака узоқ йўқолиб кетгандек туюлди. Даврон ўрнидан туриб қараган эди, қабристон қоровули билан хайлешаётганини кўрди. Дўпписида авайлаб кўтариб олган нарсалар помидор бўлса керак.

«Охун акага ҳам осон эмас, – ўйлади Даврон худди бирорвга ҳикоя қилаётгандек. – Янга билан севи-

шиб турмуш қурган. Үнга уйланиш учун уч йил совчи қўйган. Уч йилдирки, янагага бошқалардан совчи келмаган. Опалари бадавлат хонадонларга тушишган. Ноилож қолган ота, ахийри, Охун акага – мактабнинг ёш муаллимига қизини берган. Даставвал баҳтли яшашган. Бир ўғил, бир қиз дунёга келган. Кунларнинг бирида малака ошириш институтига ўқишига жўнайди. Учинчи куни оиласини соғиниб, йўлга чиқади ва ярим кечаси кириб келади. Қараса, хотин уйда йўқ, болалар ухлаб ётибди. Соатига қарайди: 23:30. Бу вақтда хотини қаерда бўлиши мумкин? Бирдан чеккадаги эшик очилиб, икки шарпа чиқади. Охун ака уларнинг йўлини тўсади ва... ўз божаси билан суюкли хотинини қўради. Иккови ҳам хиёнатни тан олишмайди. Хотини дейди: «Поччам сизни сўраб келиб қолди, шу пайт чеккадаги хонадан шовқин эшитилди, кириб қарадик». Божа ҳам шу гапни айтади. Тўйдан қайтаётib, мактаб масаласида бирровга учрашмоқчи бўлганини гапиради. Ростдан ҳам чеккадаги хонанинг деразаси очик бўлиб, ўғри кирганга ўхшарди. Аммо шу-шу оила об-ҳавоси илимайди. Ичкиликка берилгани учун Охун акани мактабдан бўшатишади. Қишлоқ четидаги қаровсиз қолган ғишт цехини ишга туширади. Ишчиларга маош тўлашга қурби етмагач, бетон ташишга эшакларни ўргатади. Ҳар куни тушум бор, ичкилик бор... Эҳ, Охун ака болаларини кўзи қиймайди-да. Үрнида бошқа одам бўлганида аллақачон ажрашиб кетарди ёки хотинини ҳам, божасини ҳам ўлдириб қўярди. «Дунёдаги энг ёмон нарса – хотинингни севмай умрбод бирга яшаш» деганди. Мен севиб уйланаяпман... Бўлажак хотинимнинг ҳам тарбияси зўр...»

– Ие, айрон эсдан чиқибди-ку, – деди Охун ака салат тайёр бўлгач. – Опкелай.

У цементхонага лўкиллаб чопди. Давроннинг Охун акагами, ўзигами хўрлиги келиб, кўзлари пирпиради.

– Ҳеч бўлмаса, қолганини кечқурун ич, – деди Охун ака шишани яшириб. – Иссиқда қандай ёқади, ҳайронман. Менинг кўнглим айниб бораяпти. Ундан кўра, ма, айрон бор.

– Яна озрок... – Қайсалик қилди Даврон. – Кечқурун ичмайман. Учрашувга чиқаман.

– Менга қара, Даврон, – ух тортди Охун ака. – Бир гап айтсан хафа бўлмайсанми?

– Айтинг.

– Эшакларни меҳнатга ўргатдим. Сен эса инсон боласисан, ука! Тарбиялай оламан! Ишонмайсанми? Ичишни барибир ташлатаман. Энди бу заҳри қотилни ўйлайверма. Тез орада у сен учун умрбод йўқ ҳисобланади. Ўзим ҳам бунга ошна эдим, шунинг учун сенга ақл ўргатолмадим. Кел, ташлайлик!

– Бугун тақдирим ҳал бўлади.

– Майли, ҳал қилсанг, қил. Гўристон қоровули мени боя чақирди. «Полизимдаги помидорни қуритдинглар, қачон ошга чақирасанлар?» – деди. Қабристон қоровулини тўйга айтиш бизга насиб этадими, йўқми, ўзи? Шу ичкиликни ташласак, барака киради, ахир.

– Аста-секин сўфи бўп кетасиз-ов, устоз...

Улар бир соатлар, чамаси, валақлаб ўтиришди. Эшаклар дам олиб бўлиб, қатор тизилишиб кела бошлиди. Бу – тушлик ниҳоясига етди дегани эди.

Тераклар ортидан ой күтарилиди. Қурбақалар беар-  
мон вақилларди. Бедапоя оралаб келаётган Даврон  
ва Хумора терак тагида тұхтади.

– Шу ерда ўтирамиз, – деди Даврон.

– Қурбақаларнинг күплигини, – кулди Хумора.

Қурбақалардан бири завқланиб, үзини сувга отди,  
сал наридаги күлмак чүллп этди.

– Ичишни ташлаб, соҳам бўйича ишга ўтишим ке-  
рак. Дадангнинг шарти фақатгина шуми?

– Шу, – деди қиз уялинқираб.

Даврон унинг елкасидан қучди. Худди ўпмоқчи  
бўлгандек бўйини чўзган эди, Хумора үзини олиб  
қочди.

– Даврон ака, сиздан бир ўтинчим бор. «Бажара-  
миз», «гап йўқ» деб ҳазил қилманг. Шу сафар жид-  
дий киришинг.

– Ичишни ташлайми?

– Ҳим-м.

– Ҳўп, жоним.

– Ичишни ташламасангиз бўлмайди. Аямнинг  
аммаси ўғлига совчи бўлиб келмоқчи. Ҳаммаси  
аямнинг иши. Менда қасди бор, Даврон ака. Амма-  
си қанақа аёл эканини биласизми? Бир кунда ҳам  
совчиликни, ҳам фотиха тўйни ўтказдириб юбори-  
ши мумкин. Илтимос, ташланг ўша шайтон сувини!  
Шунча қийинми?

– Қийин эмас, – Даврон чўнтағидан сигарета  
чиқарди. – Ичишни ташладим! Шу сонияда! Бу сига-  
рет эса охиргиси.

– Жиддий гапирайпман.

- Ташладим. Йигит сўзим.
- Дадам авваллари кўп ичарди, – деди Хумора.
- Машинани маст ҳолатидаям ҳайдаб кетаверарди. Онам автоҳалокатдан ўлган куни ҳам дадам маст бўлган. Ҳалигача «Онангни мен ўлдирғанман, ичмаганимда авария қилмасдим» деб йиғлайди. Аёлнинг тақдири эркакнинг қўлида. Сизга мен керакманми?
- Сени севаман, ахир, Хумора.
- Севаман дейсизу... – Қиз бошини эгди. – Аямнинг аммасининг ўғлини... Тўғриси, ўша йигитни ёқтирмайман, кўзлари шундай совуқ боқадики... Дадам ҳам ёқтирмайди... Шунинг учун сиз ичишни ташлаб, касбингиз бўйича ишга ўтсангиз, бас. Дадам қатъий туриб, мени сизга беради. Дадам кўнди деяпман, сиз жиддий қарамаяпсиз.

– Вахима қилма, – деди Даврон. – Сўзим сўз.

Даврон сигаретани оёқ остига ташлаб, эзғиладида, Хуморани маҳкам қучди. Икковининг ҳам қўзида ой балқирди, дудоқларидан баҳт нафаси келарди, юраклар бир-бирига потирлаб талпинарди.

– Даданг рози бўлибдими, истаган шартини бажараман, – шивирлади Даврон.

\* \* \*

Эрталаб ишга ўзида йўқ шод бўлиб келдию Охун акани қўзлари қизарган ҳолда учратди.

– Бир гап бўлдими, ака?

– Уйга бормадим, шу ерда ётдим, – деди Охун ака.

– Тинчликми?

– Оқ эшак ўлди.

– Оқ эшак?

– Ха, у энди йўқ. Бечора касал экан.

Даврон сал нарида ётган эшакнинг ўлигини энди кўрди. Бир четга ўтириб, негадир кулиб юборди.

– Мени табрикласангиз-чи, Охун ака!.. Биламан, эшакларингиз яхши ишлайди. Ҳаммаси ақлли. Лекин шундай кунда эшакнинг ташвишини қилиб ўтирибсиз-да! Мен кимман? Инсон боласиман! Зикр ака рози бўлди. Хумора меники. Бугун совчи борса, яқинда тўйим.

– Ростданми?

– Рост, ака, рост.

– Унда... бугундан бошлаб масжидга чиқаман, – тошчаларни ғижирлатиб ўрнидан турди Охун ака. – Сенинг баҳтинг учун илк марта қадаҳ кўтармайман, балки дуо қиласман. Йиғлаб, йиғлаб дуо қиласман. Анави қутида анча вақтдан бери бир шиша тоза спирт сақланади. Сенга айтмай юрардим, Даврон! Ҳозироқ тўкиб ташлайман! Бу бизнинг биринчи ғалабамиз бўлади!

Охун ака идишни топиб чиққан эди, Даврон қўлига ёпишди.

– Тўхтанг, ака, «мусулмончилик секин-аста» дей-илган. Келинг, шу зорманда зое бўлмасин. Охириги марта битта-битта ичайлик.

– Ичмайсан!

– Оқ эшак ўлди. Шунинг аламига бўлса ҳам ичайлик.

Охун аканинг шашти сўнди.

– Иккита эшак бетон ташиб улгурмайди, – деди бурнини тортиб. – Сен қолипларга қуйиб туришдан ташқари замбилғалтакда бетон ҳам ташийсан.

– Ташийман, ака.

- Оқ эшакнинг ўрнига ҳам ишлайсан...
- Ишлайман.
- Оғир бўлади.
- Фақат сиз эзилманг, Охун ака! Ҳаммаси яхши бўлади, деяпман-ку! Бугун охирги марта бир ичайлик. Эртадан бошлаб мен ҳам масжидга чиқаман.

Тушга яқин цех ҳудудига «Москвич» кириб келди. Даврон ғишт олувчи мижоз келди деб ўрнидан турмоқчи эди, мувозанатини сақлаёлмай, оқ эшакнинг ўлиги устига йиқилди. Бошини зўрға кўтариб, келган одамга қаради. Маст бўлса-да, таниди: Зикр ака.

– Ҳайф сенга йигитлик, – деди Зикр ака. – Қизим айтса, ишонибман-а! Минг афсус...

\* \* \*

Спирт ҳақиқатан ҳам ўткир экан. Уста ва шогирд кун бўйи бош кўтаролмади. Қаерданdir мусиқа садолари эштилгач, Даврон кўзини зўрға очди. Кун бўйи бўш идишларни ортиб, гоҳ бетон қориш ускунаси ёнига, гоҳ ғишт қуийладиган майдонга қатнаган икки эшак кеч тушганини билди. Улар сувсаган эди, туш чоғи на сув берилди, на ем. Иккиси ҳам сой томон эниб кетди.

Хуморанинг унаштирув тўйини ўгай онасининг аммаси катта базм қилиб бераётган эди. Зикр аканинг кўнгли тўлиб-тошиб кетаверди. У уйи орқасига ўтиб, ғира-шира кўринаётган қабристонга тикилди.

– Кечир мени, онаси, – пицирлади лаблари.

Кейин цехнинг хароб томларига нигоҳ ташлади. Бир нима ёдига тушгандек юзи аламли буришди.

– Охун, сен ҳам кечир, – деди у. – Бир вақтлар уйингга ўғриликка тушганимни, хотининг мен сабаб тухматга қолиб кетганини билмайсан... Ҳа, кўп нарсани билмайсан...

Зикр ака илондек биланглаб оқаётган сойга ҳам кўз ташлади. Қабристон этагидаги сойдан икки эшак ютоқиб сув ичарди.

## АЛВИДО, БАХТ

«Уролог» битиги осилган эшикни қулфладимда, поликлиниканинг иккинчи қаватига, дўстим ишлайдиган йўлакка кўтарилдим. Йўлимда учраган ҳамкасларим билан ҳазил-ҳузул қилиб, охирги эшикка – «Психиатр» хонасига яқинлашдим. Дўстим билан ҳар куни бирга тушлик қиласадим, аммо ҳозир бутунлай бошқа масала етаклаб келарди. Иккинчи қаватдаги ҳамшираларнинг айтишича, дўстимнинг ҳузурига туманинг чекка қишлоғида яшовчи бир келин серқатнов бўлиб қолганмиш. Охирги йилларда дўстим оиласидай нотинчлик даврини бошидан кечирмоқда эди. «Рұхшуноснинг ўзи bemor, у бошқаларни қандай даволайди?» деганимда, «Касб билан оила алоҳида-алоҳида нарсалар, қассобнинг олдида хотин, бола-чақаси қўй каби титраб турмайди-ку», деб жавоб берганди.

– Куппа-кундузи, ишхонада учрашишяяти, – шивирлади менга ҳамшира. – Дўстингиз анави овсар келиннинг эри борлигини биладимикан? Билмаса, айтиб қўйинг. Шифокор деган улуг номга доғ тушибириб, эрли аёл билан ҳиринглашиши нимаси? Гап-сўз бош шифокорга етиб бормасин деб сизга айтдик.

Эшикни тортсам, ичкаридан қулф экан. Мушт туширдим.

– Очинг, касал келди!

Ичкаридан жаҳл аралаш:

– Эшикни синдирасиз! Үн дақиқа кутинг! – деган овоз эшитилди.

Қўшни хонага бош сукдим. Иккинчи қават хотин-қизлари йиғилишган экан.

– Салом, қизлар, нима гап ўзи?

– Э, – қўл силтади ҳадемай нафақага чиқадиган Рисолат опа, – бир неча марта келди, касалдир-да, деб ўйладим. Тунов куни қарасам, кечки пайт кинотеатр ёнидаги ошхонадан кулишиб чиқаяпти. Хотини аразлаб кетган бўлса, дарров биттасини топиб олиши... тўғриси, мен ҳеч ҳазм қилолмаяпман. Мана, Гулидан сўранг, эри бор экан бу қуриб кеттур келиннинг.

Сариқ шкаф ёнида тик турган қиз дув қизариб, деди:

– Опам уларнинг қўшни қишлоғига турмушга чиқсан. Кеча биз ҳам икковини бирга қўрдик. Опам сал-пал таниркан. Эри Россияда эканини айтди.

– Балки дўстимнинг қариндошидир?

– Қаёқда, – лаб бурди Рисолат опа. – Биринчи куни бу ойимтилла қош-қўзини бўяб келиб, ўзини йиғламсираб таништирганига гувоҳманду-ку.

– Ҳа, касалман деган баҳонада хотини йўқ ёки ёки оиласи нотинч шифокорларга қармоқ ташлайдиганлар ҳам учрайди, айланай, – гап қўшди яна бир ҳамшира. – Синглимнинг оиласи ўшанақаларнинг дастидан бузилди-да.

– Сизга ҳам илтимос, ҳам поликлиника жамоаси топшириғи, – деди Рисолат опа, – руҳшунос дүстингизнинг ўзига бир руҳшунослик қилиб юборинг. Икки оиласи ажрашишдан сақлаб, савобга қоласиз.

Ҳаммалари менга умидвор тикилишди.

– Очиғи, буни кутмагандим ундан, – дедим. – Бир гаплашиб кўрай-чи. Эҳтимол, вазият сизлар ўйлаганчалик эмасдир.

Йўлакка чиқдим. Эшик ҳамон қулф эди.

– Дўстим, очинг, бош шифокор чақирайти, – дедим.

Ичкарида пичир-пичир қулоққа чалинди. Кейин эса эшик ўз-ўзидан очилиб кетгандек сас-садосиз деворга қапишидди-да, рўпарамда нотаниш жувон на-моён бўлди.

– С...салом, – деди у қисқагина, пастгина товушда ва «Айген» ёзувли полиэтилен сумкани кўтарганча шипиллаб кўздан йўқолди. Бу каби жувонларни туманда юзлаб учратиш мумкин эди. Рўмол ўраган, узун кўйлакда, оёғида қизил «иринка», эгнида то-вуснусха жемфер. Бироқ хиёнат қилишлари... Йўқ, ишонмайман. Ахир, юзида қишлоқ келинларига хос ибони кўргандек бўлдим-ку. Қошлари қалин эди, киприклири узун, кўзлари чарос...

Туйқус тишларим ғижирлаб кетди. Назаримда, мен алданган эдим. Хиёнат ҳар қандай шаклдаги ол-мага тушадиган қурт эди.

– Нега турибсиз? Кирмайсизми? – деди дўстим.

Столига икки қўллаб таяндим.

– У ким? – дея йўлакка ишора қилдим.

– «У ким? Бу нима?» деган энциклопедия бўларди. – Дўстим оёққа қалқиб, эшикни ёпиб, стол четига

үтирди. – Мен ҳам шу номли энциклопедия түзсам дейман, фақат болаларга атаб эмас, катталар учун. Аниқроғи, сендай уролог, мендай психиатрлар ва барча таниш-билишларга мұлжалланган.

– Құйсанғиз-чи ахмоқона гапларни. Ҳозир хонан-гиздан чиққан жувонни бир неча кундан бери учратаяпман. Ишдан кейин бирга-бирга ошхоналарда кезаяпсиз.

– Иғвони эшитибсиз-да? Наҳотки, мен шунчаликка борсам? У менинг беморим. Даволашим керакми? Эшикни беркитишни үзи илтимос қилиб, шундан кейингина дардини очадиган одати бұлса, нима дейсиз?

– Хүш, «энциклопедия»нгиз бүйича эри хорижда ишлайдиган аёлни тушкунликдан чиқариш бүйича қандай «муолажа» қилаяпсиз?

– У яхши хотин, – деди дүстим. – Эрдан күйган, холос. Үқимишли, тушунган, баланд бүйли, меҳрибон эрни орзу қилған экан. Афсуски, пешонасига бутунлай ўзга махлук битибди.

– Эрини махлук дедими?

– Бир йилдирки, қорасини күрсатмайдиган эрни яна нима дейиш мумкин?

– Тушунарли. Сиз рухшунос сифатида унга түғри маслаҳат бериш ўрнига йўлдан оздираяпсизми?

– Эй, нега бунча аччиқланасиз? Унда нима гуноҳ? Ўз жонига қасд қилиш фикридан холос этдим. Эри билан барибир бирга яшамоқчи эмас. Ўртада бола бор экан. Шунга кўзи қиймаяпти.

– Демак, даволаб бўлибсиз ҳисоб.

– Йўқ, – қатъий бош чайқади дўстим.

– Сизни унга, уни сизга касаллик риштаси боғлаяпти, деган фикримни бутунлай чил-парчин қилмоқчимисиз?

– Хабарингиз бор, мен ажрашмоқчиман. Хотин олти ой отасиникида, олти ой уйда, бу турмуш турмушмас. Қисқаси, жувон менга ёқиб қолди. Бемор бўлиб қатнаб юрганида ҳеч қандай ёмон кўз билан қарамаганман, ўз касбимга хиёнат қилмаганман. Биз эндиғина танишдик, десам ҳам бўлади.

– Ё тавба, шу гапларни сиз айтаяпсизми? Ҳазиллашдим денг, илтимос.

– Ҳаммаси рост.

– Ўз оиласигизга қўшиб, яна бир оиласинг қотилига айланаяпсиз, ахир! Руҳшунос одам! Икки карра қотил!

– Оғзингизга бунча эрк бермасангиз! Нима, мен одам эмасманми? Менда ҳам юрак бор, орзу-ҳавас бор. Хотиним билан бирор кун ҳам ҳаловатли яшаганим йўқ. Руҳшунос бўлганим учун шунча йил бардошим етди. Ҳаёт йўлларимда кўнглимдаги аёл қачонлардир учрашини сезардим, кутардим.

– Кўнглингиздаги аёл эрли аёл эдими?

– Эри Россияга кетганидан кейин қайноаси уни ота-онасиникига қувган. Келинни, неварани боқиши истамаган оила ҳам бор бу дунёда, дўстим! Эри дом-дараксиз кетган, пул-сул юбормаган. Аёлнинг ҳам баҳтли яшашга ҳаққи бордир?

– Уят-э сиздек мутахассисга!

– Уни охиригача даволашни истамадим, – дўстимнинг кўзида совуқ шуъла акс этди. – Шу ҳолида ўзим баҳт бераман, тамом-вассалом. Эри қайтиб келса ҳам,

барибир бирга яшамоқчимас. Уй-жой қуриш, ёлғиз болага суннат түй қилиш, рўзғорга пул бериш у ёқда турсин, бир марта қўнғироқ қилмаган одамга қолган умрини қандай бағишлайди? Қайнонаси镍икадан кетганидан сўнг, ҳатто, соchlари тўкила бошлаган, эшитаяпсизми? Қисим-қисим соchlар! Одамни еми-радиган совуқ турмуш бу! Ўттизга кирмай худди урандан заҳарлангандек заҳарланяпти бу аёл!

– Сиз даволаш ўрнига касалини кучайтиргансиз!

– Нималар деяпсиз? Никоҳ ҳам ўқитдим! – Дўстим стулига ўзини ташлаб, қўлларини чалиштириди. – Яна саволлар борми?

– Никоҳ ўқитдингиз? Ё алҳазар!

– Бирга яшаяпмиз, аммо ҳозирча норасмий. Шунчаки кинотеатр кўчасидаги ижара уйда учрашаяпмиз. Тез орада уй олсан, элга ошкор қилиб, кексаларни чақириб, ош бераман.

– Мен кетдим, – дея эшикка юрдим. – Хулласи калом, бу ерга кирмадим, сизни кўрмадим. Инсон сифатида тамом бўлибсиз. Ноинсонийлик муборак!

– Дўстим...

– Дўстим деманг мени!

Эртасига воқеадан бош шифокор хабар топиб, дўстимнинг пўстагини қоқди. Жувонни поликлиника остонасида уч-тўрт марта учратдим. «Айген» сумкасини кўтарганча кимнидир кутарди. Дўстимдан бошқалар сўрашса у:

– Бас, шахсий ҳаётимга аралашманлар, – дебди. – Жувон поликлиника ичкарисида эмас, ташқарисида. Ташқарида бош шифокор ҳам, авлиёси ҳам менга хўжайин эмас.

Кўп ўтмай «Айген» сумка кўтарган жувон кўринмай қолди. Дўстимнинг хотини уйига қайтди. Ҳалиги жувон ҳақида сўрагим келмасди. Эҳтимол, у бутунлай ёдимдан кўтарилиб кетарди. Бир воқеа бўлдию...

Оддий иш куним эди. Жинсий аъзолару, қовук, буйракларни даволашдан ташқари, онда-сонда болаларни хатна ҳам қилиб турадим. Навбатдаги мижоз ўғилчасини келтиргач, қора кўзойнагини ечди. Бошига телпакни бостириб кийиб, кўзойнак тақиб олган бу одам ғалати кўринаётганди. Қарасам, қоши, киприги йўқ. Кўли, юзи туксизликдан шундай силлиқ эдики...

– Аҳволимни қаранг, дўхтир, – деди у, – маҳлуқнинг ўзгинаси бўлдим-қолдим. Яқинда Россиядан келганман.

– Телпагингизни ечинг-чи.

Каршимда ажабтовур мавжудот пайдо бўлди. Одам шаклидаги устихонга сарғиш тери тортилган. Кўзлари жавдираиди, на соч, на қош-киприк бор.

– Эртага келсам бўладими? – сўради у. – Бугун уйда ўғлимнинг суннат тўйи.

– Соч-соқолнинг тўкилиши бўйича мутахассис эмасман.

– Сизга бошқа дардимни айтаман, – у телпагини кийиб, кўзойнагини тақди.

Эртасига соат саккиздаёқ келиб, эшигим тагида кутиб ўтирганини кўриб, тўй ҳам татимаганини тушундим. Стулга маҳзун чўкиб, устки кийимларини ечди. Ўйлаганимдан-да қоқсуяқ эканини кўриб раҳмим келди, харихоҳлик-ла дардига қулок тутдим.

– Дурадгор эдим, – деб ҳикоясини бошлади бемор.  
– Қишлоқда туппа-тузук ишлаб юрардим. Уйландим,  
үғилли бўлдик. Ер олиб, уй кўтардим. Шукр қилсам  
бўларкан. Бир куни танишимни учратиб қолдим.

«Яшашинг қандай?» – деб сўради у.

«Ёмонмас, яқинда том солдим, – жавоб бердим.

– Озроқ ишласам шифер оламан, секин-аста поллай-  
ман, кўчиб ўтаман».

«Уингга шифер билан пол муаммоли? –  
ҳайронлигини яшиrolмади танишим. – Устасан-ку,  
даромад йўқми?»

«Уста бой бўлармиди», – деб қулгига олмоқчи  
эдим, танишим жиддий тортди.

«Ойига минг доллар ишлашни истайсанми? – деди  
кўзлари қисилиб. – Бир йилда қишлоқнинг энг олди  
бўласан».

У яқинда Россияга кетаётганини маълум қилиб,  
мени ҳам қурилишга таклиф этди.

«Оддий ишчиларга ўттиз минг рубль ҳақ тўланади,  
– деди у. – Биз оддий эмасмиз, мен пайвандчи,  
сен дурадгор. Эллик-олтмиш минг рубль ишлаймиз».

Россияга жўнадим, лекин танишим қурилишда  
жойлар тўлганини айтди. Бир ой ижара уйда бекор  
ётдим. Бир куни уйга шошиб кирди-да, иш топгани  
учун суюнчи сўради. Маоши ўша айтгани – уйга ҳар  
ойда минг доллар юборса бўлади.

Ўн беш чоғли машиналарда узоқ юрдик. Қаерга  
кетаётганимизни билмасдик. Аллақандай хароб кор-  
хона ҳудудига кирганимизда, дарвозалар тақа-тақ  
беркитилди. Ишчилар коржомаси, бош кийим, яп-  
янги этиклар тарқатилди. Овқат хоҳлаганингизча.

Ишимиз унчалик оғир әмасди. Ҳаммага бир хил топшириқ: омборхоналардаги юкларни ташиб чиқариш.

Аввалига маза қилиб ишладик. Кун ўтган сайин ер ости омборларидан анқиётган сассиқ ҳиддан күнгли-миз айний бошлади. Дори солинган қолларни, ўткир ҳидли суюқлик тұлдырылған бочкаларни машинага ортиш азоб бўлиб қолди. Иложини топғанлар уйига күнғироқ қиласади. Мен бирйўла катта пул билан бораман, деб индамай юравердим. Телефон сўраш муаммо ва фирт бошоғриқ иш эди.

Бир ой ўтгач, ҳақиқатан минг доллардан тұланди. Ейиш-ичиш, ётар жой бепул, пул шундоқ ёнга қолади. Бахт излаган одамнинг орзуга эришгани шу әмасми?

«Уч ойдан кўп ишламайсанлар, – эълон қилди хўжайин. – Бу ерда тинимсиз уч ойдан кўп бўлиш заҳарланишга олиб келади. Муддатларинг тугагандан бўшатиласанлар».

Биз – гумроҳ бандалар ҳечқурмаса олти ой ишлаганимизда эди, деб орзу қиласадик. Ҳа, мен ва танишимнинг омадимиз чопди. Учинчи ой бошлиқ алмашди-ю биз янги муддатга қоладиган бўлдик. Бошлиқ тентакнамо кимса эди. Қоламан, деган ишчини янги муддатга қолдираверарди. Биз уч муддатда ҳам бўшатилмадик. Сохта ҳужжатлар билан ишлаб юрдик.

Кунларнинг бирида ўртоғим деди:

«Эҳ, ёшлиқ ҳам ўтди, қара, сочим тўкилаяпти».

Беихтиёр мен ҳам сочимни силадим. Қалин, файир сочим бир неча кун бурун тўкила бошлаганини кўриб

индамай құя қолгандим. Құлимга бир тутам соч ила-  
кишиб тушгач, күркіб кетдим...

У ердан чиқиб, Санкт-Петербургга келганимиз-  
да чүнтакларимизда түқиз минг долларча пул бор  
эди. Сочимизни лезвияда қирдириб юардик. Үй  
билан құнғироқлашдик. Пулларимизни банк орқали  
юбордик. Шу аснода қурилишдан ҳам иш топилди.  
Яна бир йил ишлаб, юртга қайтмоқчи бўлдик. Хо-  
тиним уйни битказолмаяпсиз, ёлғиз ўғлингизга тўй  
қилолмаяпсиз, деб кўп нолирди. Ҳаммасига эриша-  
диган бўлдим.

Аммо мадорсизлик тинимсиз хуруж қила бошла-  
ди. Соч-соқолимиз, қошимиз тўкилди. Қурилишда  
ишломадик. Бемор эканимизни, вазифаларимиз-  
ни уддалаёлмаётганимизни билган ишбоши патта-  
мизни құлимизга тутқазди. «Бизга касал ишчилар  
керакмас, – деди у. – Юртингизга бориб, даволаниб  
келинг».

Шундай қилиб, дўхтирижон құлимга самолёт чип-  
таси текканида, сўнгги кипригимдан ҳам айрилдим...

Бемор пастки лабини тишлади, нурсиз қўзидан ўш  
думалади.

– Дўхтирижон, – деди қалтироқ товушда, – Рос-  
сиядан келганимдан бери хотинимдан ўзимни олиб  
қочаман. Касалимни даволашнинг иложи борми?  
Уйим ҳам битди, тўй ҳам қилдим, энди баҳтли яша-  
сам дейман.

Илму ҳунаримни ишга солдим. Бемор уч кун  
қатнади. Дарди оғирлашаётганини аниқлаб, вилоят  
марказидаги шифохонага юбордим. У эса поликли-  
никада даволаниб құя қолишини истарди. Яна келган  
эди, койиб бердим:

– Жонингизга жабр қилмасангиз-чи! Сизда бир неча касалликларнинг аломати сезилаяпти! Вақтида даволанинг!

У қайтиб қорасини кўрсатмади. Шифохонада даволанајапти, деб ўйладим. Қуриб-қовжираб бораётганини хотини ҳам, қавму қариндоши ҳам кўриб-билиб туришибди, улар шифохонага ётқизгандир?

Ўшанда кўклам эди. Вилоят марказига борганимда, курсдошимнинг иш жойига – онкология шифохонасиға йўлим тушди. Шифохона ҳовлисида беморимни учратдим. Ичимда нимадир чирс узилди. Касалнинг ранг-рўйигина эмас, ёнидаги хотин ҳам мени муттассир этди. Уни танидим. Иккинчи қаватдаги дўстимнинг ҳузурига серқтнов бўлиб қолган жувон эди, қўлида ҳамон «Айген» сумкаси...

## МУНДАРИЖА

«Шом» юлдузининг қисмати.....	3
Йўқолган қиз кундалиги .....	14
Бегоналар .....	26
Гадой.....	34
Икки ит афсонаси .....	42
Аёл макри .....	86
Унтилган одам .....	105
Дарбадар.....	114
Тароқ йўқолган кун .....	124
Дўстнинг хотини.....	137
Жаноб ГИ.....	156
Бир аёл матонати.....	167
Муҳаббат қаримайди.....	179
Тўй куни .....	194
Алдамадаги боғ ҳовли .....	209
Синовдан ўтмаган севги .....	217
Ватан туйғуси .....	224
Қарғалар энди учмайди .....	243
Одам бўлиш азоби .....	264
Алвидо, баҳт .....	276

**Азамат ҚОРЖОВОВ**

# **АЁЛ МАКРИ**

*Хикоялар*

**Нашр учун масъул:**  
М.Султонова

**Мұҳаррирлар:**  
А.Тилавов  
У.Султонов

**Техник мұхарир:**  
Ю.Үринов

Наш.лиц. № А1 245, 02.10.2013.  
Теришга 13.01.2017 йилда топширилди. Босишка  
16.03.2017 йилда рухсат этилди. Бичими: 60x84 1/16.  
Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 16.75  
Нашр б.т. 18 Адади: 10000 Буюртма №20.  
Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.  
Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95